

ДАРСЛИК

---

# ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

---

# **ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ**

---

**ДАРСЛИК**

**ТОШКЕНТ – 2019**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида нашр этиш  
учун тавсия этилган

Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси / ю.ф.д., проф.  
С.Гулямов умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮУ, 2019. – 315 б.

УДК 341.9(575.1)

ББК 67.412.2

X22

**Муаллифлар жамоаси:** ю.ф.д., проф. С.Гулямов – I-II боблар;  
ю.ф.д., проф. Б.Самарходжаев – XII боб;  
ю.ф.д., доц. И.Рустамбеков – XI, XIII боблар;  
ю.ф.н., доц. О.Хазраткулов – VIII, X боблар;  
ю.ф.н. Д.Имамова – VI, X боблар;  
PhD. Б.Мусаев – V, X боблар;  
ҳуқуқ магистри А.Эргашев – III, IV боблар;  
ҳуқуқ магистри А.Якубов – VI, IX боблар;  
ҳуқуқ магистри Э.Ахунджанов – VII боб;  
ҳуқуқ магистри Ш.Ходжаев – IX боб.

**Тақризчилар:** **Убайдуллаев З.** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси доценти, ю.ф.н.  
**Бобоев Ж.** Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.н., доц.

Мазкур дарслик Тошкент давлат юридик университетининг янги авлод дарсликлари комплекс режаси асосида тайёрланган бўлиб, университетда ўқитиладиган Халқаро савдо ҳуқуқи фани намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган. Дарсликда халқаро савдо ҳуқуқининг мазмунини очиқ берилган, объектлари ва субъектлари кўрсатилган, халқаро савдо битимлари, халқаро олди-сотди воситачилиги, халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро факторинг, халқаро молиявий лизинг, товарларни халқаро ташиш, халқаро савдода франчайзинг, халқаро инвестициялар каби масалалар ёритилган, халқаро савдо муносабатларида юзага келадиган низолар ва уларни ҳал қилиш механизми ёритилган.

Дарслик юриспруденция мутахассислиги бўйича таълим олувчи талабалар, магистрантлар, шунингдек катта илмий ходим-изланувчилар ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар учун мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси.

© Тошкент давлат юридик университети, 2019.



# МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
I боб. Халқаро савдо ҳуқуқининг предмети, тизими ва тартибга солиш усуллари.....	9
II боб. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари .....	23
III боб. Халқаро савдо ҳуқуқининг субъектлари.....	43
IV боб. Халқаро савдо соҳасидаги ташкilotлар фаолияти.....	66
V боб. Халқаро савдо муомаласининг объектлари.....	92
VI боб. Халқаро савдо битимлари.....	116
VII боб. Халқаро савдода ташишлар.....	133
VIII боб. Халқаро савдо воситачилиги.....	160
IX боб. Халқаро ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солиш..	190
X боб. Халқаро савдода факторинг, франчайзинг ва лизингни ҳуқуқий тартибга солиш.....	203
XI боб. Электрон тижоратнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....	250
XII боб. Халқаро инвестициялар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....	280
XIII боб. Халқаро савдо низоларини халқаро тижорат арбитражида ҳал этиш тартиби .....	293
Глоссарий.....	302
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....	309

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро савдо ҳуқуқининг таркиб топиши ва шаклланиши учун қулай шароит юзага келди. Республикамиз мустақиллик даврида халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айланди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида халқаро алоқаларини тобора кенгайтириб бормоқда. Шунингдек, давлатимизда амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий ислохотлар савдо-иқтисодий, шу жумладан халқаро савдо муносабатларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Яратилган миллий ҳуқуқий база ҳамда давлатимиз қўшилган халқаро ҳужжатлар миллий хўжалик юритувчи субъектлар учун халқаро бозорга чиқиш ва савдо муносабатларини ривожлантиришнинг кенг имконини яратиб берди.

Давлатлараро ва ҳукуматлараро иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий ҳамда бошқа йўналишлардаги ўзаро алоқаларнинг кучайиши билан юридик ва жисмоний шахслар амалга оширадиган ташки иқтисодий фаолият тарзидаги муносабатлар ҳам кенгайиб, миқдор ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбариятининг ташки иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, айниқса, экспорт алоқаларини янада кучайтиришга йўналтирилган сиёсат юритаётганлиги, ташки иқтисодий муносабатлар учун қулай юридик ва иқтисодий шароит яратилганлиги, бундай алоқаларнинг рағбатлантирилаётганлиги ва қўллаб-қувватланаётганлиги чет давлатлар билан савдо-сотик ва бошқа иқтисодий муносабатларнинг авж олишига хизмат қилмоқда.

Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган нутқида: “Биз жамиятимизнинг жаҳон цивилизациясига фаол кириб бориши учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни барпо этганмиз” деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида хорижий мамлакатлар билан савдо муносабатларини ривожлантириш, махсулот сотишнинг янги бозорларини излаш,

шунингдек мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган.

Бундай шароитларнинг яратилиши, республикамизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi натижасида мамлакатимизда, бошқа халқаро ҳуқуқ соҳалари билан бир қаторда халқаро савдо ҳуқуқи йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва уни мустақил фан сифатида ўрганиш учун эҳтиёж сезила бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсатини ўтказмоқда. Қўйидаги принциплар унга асос қилиб олинган:

– мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи муносабатларда ошқоралик;

– тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

– ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш; республика бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги даркор;

– тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

– умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва халқаро тартибларга изчиллик билан ўтиш.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддаси 2-қисмига биноан Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин. Ушбу қоида республикамиз ташқи сиёсатининг асосий мазмунини халқнинг фаровон ҳаёти ва манфаатларининг таъминланиши ташкил қилишидан, ушбу мақсадда давлатимиз бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатишга тайёр эканлигидан далолат беради. Бундай алоқалар нафақат сиёсий, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир. Давлатларнинг биргаликда корхоналар барпо этиши, инвестиция ва кредитлар ажратиш, товарлар олди-сотдиси, грант эълон қилиш асосида тегишли лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларни бажариш билан боғлиқ

муносабатлар иктисодий аҳамиятга эга. Мазкур муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланувчи халқаро савдо ҳуқуқи нормалари воситасида тартибга солинади.

Халқаро савдо ҳуқуқи соҳасининг манбаларини ташкил қилувчи шартномаларда савдо алоқаларини тузишда тарафларнинг фойдаланиши зарур бўлган умумий қоидалар, шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқий лаёқати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, савдо арбитражга ёки холислар (холис ҳакамлар) судига тааллуқли масалаларга доир қоидалар назарда тутилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг, жумладан, халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи сифатида халқаро шартномаларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда. Халқаро шартномада олдиндан ўз ифодасини топган нормалар давлатлар ўртасидаги муносабатларда давлатнинг ички қонунларига нисбатан кўпроқ қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 22 декабрь “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган қоидалар 1969 йилда қабул қилинган ва 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон ҳам қўшилган Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясига ҳамда “Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги 1986 йилги Вена конвенциясига асосланади.

Халқаро савдо масалаларига оид алоҳида конвенциялар қаторига биринчи галда “Кўчар моддий ашёлар халқаро олди-сотдисига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 1995 йилги Гаага конвенцияси, “Халқаро товарлар савдосида мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 1958 йилги Гаага конвенцияси, “Халқаро олди-сотдига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 1986 йилги Гаага конвенцияси ва бошқалар киради. Бир хил мазмундаги коллизия хусусиятга эга бўлган нормалардан ташкил топган ушбу конвенциялардан фарқли ўлароқ, 1964 йилда Гаагада Товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисида бир хил мазмунга эга бўлган қонунлар қабул қилиш ҳақида конвенция тузилган эди. Ушбу конвенция амалда кенг қўламда қўлланилмади ва унинг ўрнига 1980 йилда Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг “Товарлар халқаро олди-сотдисига доир шартномалар тўғрисида”ги конвенцияси имзоланди. Мазкур Конвенция 1988 йил 1 январдан амалга киритилди.

1974 йилда Нью-Йоркда “Товарлар халқаро олди-сотдиси бўйича даъво муддати тўғрисида”ги конвенция тузилди ва 1980 йилда унга доир қўшимча протокол қабул қилинди. Ўзбекистон конвенцияни 1996 йил 30 августда ратификация қилди. Ушбу протоколга асосан 1974 йилдаги конвенциянинг айрим қоидалари БМТнинг “Товарлар халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисида”ги конвенцияси билан мувофиқлаштирилди. 1983 йилда Женевада бўлиб ўтган конференцияда товарлар халқаро олди-сотдисини бошқариш бўйича ваколатхона ташкил қилиш ҳақида конвенция тузилди, 1988 йилда эса Оттавада халқаро молиявий лизинг тўғрисида конвенция тузилди. Ўзбекистон уни 2000 йил 26 майда ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуни, халқаро конвенциялари ва битимлари халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг манбасини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи оламга шиддат билан чиқиб бораётган, халқаро савдо-иқтисодий алоқалари мустаҳкамланаётган ва мамлакатимиз ягона жаҳон хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётган бугунги кунда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларидан хабардор мутахассис кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан биридир.

Халқаро савдо ҳуқуқи соҳасидаги зарур ахборотнинг етарли бўлиши, халқаро савдо муносабатларида юзага келаётган ва мураккаб масалалардан ташкил топган янги воқеалардан хабардор бўлиш, ушбу масалаларнинг ечимини топиш ва улар юзасидан илмий изланишлар олиб борилиши бу муносабатларнинг амалда ташкил қилиниши ва ривож топиши, муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг самарали химоя қилиниши учун имконият яратади.

Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг ҳуқуқшунос ва иқтисодчи мутахассислигига эга бўлган кадрларни тайёрлаш учун тузилган ўқув дастурига киритилиши Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларга мос келади, кадрларнинг мамлакатимиз тараққиёти йўналишларига, халқаро кўламда бозор муносабати талабларига мувофиқ тарзда тайёрланишига қўмақлашади.

Халқаро ҳуқуқ манбалари, халқаро шартномалар, конвенциялар асосида халқаро савдо муносабатларининг ташкил топишини ўрганиш, ушбу муносабатларга тааллуқли юридик атамалар ва ибораларнинг мазмун-моҳиятини ўзлаштириш, муносабатларни



тартибга солишга оид қоидалар ва бу соҳада вужудга келадиган низоларга нисбатан қўлланиладиган нормаларни, низоларни ҳал қилувчи ташкилотлар ва суд тизимини билиш талабаларга ҳам, адвокатлар, юристлар ҳамда ташқи савдо-иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркор юридик ва жисмоний шахсларга ҳам баб-баравар зарур. Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ушбу китоб бу борадаги мавжуд муҳим масалаларни ёритиб бериш, тушунмовчиликларга аниқлик киритиш, мутахассис ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларнинг билимларини оширишга хизмат қилади, халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва ушбу масалаларга қизиқадиган китобхонлар учун яхши қўлланма бўлади деб ўйлаймиз.

# **I БОБ. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТИЗИМИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ**

Халқаро савдо ҳуқуқи, унинг предмети ва асосий вазифалари. Халқаро савдо ҳуқуқи тизими. Халқаро савдо ҳуқуқида бирхиллаштирилган моддий-ҳуқуқий (конвенцион) тартибга солиш усули. Халқаро савдо ҳуқуқининг давлатнинг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалари Халқаро савдо ҳуқуқининг тарихи.

## **Халқаро савдо ҳуқуқи, унинг предмети ва асосий вазифалари**

Халқаро савдо ҳуқуқи халқаро хусусий ҳуқуқнинг бир тармоғи бўлиб, турли давлатларнинг субъектлари ўртасида юз берувчи савдо-иқтисодий алоқаларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини бажаради. Халқаро савдо ҳуқуқи фани мамлакатлараро савдо-сотик ва бошқа иқтисодий алоқаларнинг тез суръатлар билан кенгайиб бориши муносабати билан XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг тармоғи сифатида мустақил равишда шакллана бошлади.

“Халқаро савдо ҳуқуқи” (ингл. international trade law) тушунчасининг пайдо бўлиши ва кенг муомалага киритилишида БМТнинг 1966 йилда ташкил топган Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси – ЮНСИТРАЛ (United National Commission on international Trade law – UNCITRAL) муҳим ўрин тутди.

Халқаро савдо ҳуқуқини, унинг номидан келиб чиққан ҳолда унинг ўзига хос бўлган иккита хусусиятини кўрсатиш мумкин:

1. Тартибга солиш муносабатларининг савдо (тижорат) характериға эға эканлиғи.

2. Тартибга солиш муносабатларининг халқаро характерда эканлиғи.

Халқаро савдо ҳуқуқининг таркиб топган ҳуқмрон концепциясига мувофиқ, унга халқаро савдо-сотикни амалга оширишдаги хусусий муносабатларни тартибга солувчи “халқаро қонунчилик” ҳуқуқий нормаларининг йиғиндиси ва янги lex mercatoria (халқаро таомил ва одатлар) йиғиндиси деб таъриф бериш мумкин. Бунда халқаро қонунчилик деганда, кўп томонлама халқаро шартномалар, халқаро ташкилотларнинг халқаро савдо алоқаларини

тартибга солувчи хужжаллари назарда тутилади. Янги *lex mercatoria* деганда эса кейинги даврларда таркиб топган ва халқаро муносабатлар муомаласига киритилган савдо-сотикқа оид таомиллар, расм-русум ва одатлар тушунилади.

Хусусий муносабатлар деганда, хусусий шахслар, ўзаро ҳуқуқий ҳижатдан тенг бўлган субъектлар, шунингдек хусусий ва оммавий ҳуқуқ субъектлари ўртасида (ўз иммунитетидан воз кечган ҳолда, хусусий субъектлар билан тенг мавқеда) юз берувчи савдо-иқтисодий муносабатлар тушунилади.

Савдо-сотик муносабатлари деганда, товарларни олиш-сотиш, шунингдек иш ёки хизматларни бажаришга ҳамда реализация қилишга (сотишга) қаратилган ҳар қандай фаолият тури тушунилади. Халқаро савдо-сотик муносабатлари деганда эса турли давлатларга мансуб бўлган субъектлар ўртасида юз берувчи алоқалар назарда тутилади.

Халқаро савдо ҳуқуқи савдо-сотик муносабатлари соҳасида турли давлатларга тегишли субъектлар ўртасидаги алоқаларда умумий қоидаларнинг жорий этилиши орқали ушбу алоқаларни ўзаро мувофиқлаштиришга ва шу йўл билан савдо алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

### **Халқаро савдо ҳуқуқи фанининг тизими**

Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фани сифатида муайян тушунчалар ва ҳуқуқий институтлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро муайян тизимни, ягона фан соҳасини ташкил қилади.

Юқорида кайд этилганидек, халқаро савдо ҳуқуқи халқаро савдо алоқаларига оид муносабатларни икки манбага, яъни халқаро қонунчилик нормалари ва янги *lex mercatoria* қоидаларига таянган ҳолда тартибга солади. Халқаро савдо ҳуқуқи халқаро манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, муайян тизимга солиш билан бир қаторда талабаларга, яъни келажакда халқаро муносабатлар соҳасида иш юритувчи бўлғуси мутахассис юристларга зарур маълумот бериш, уларга ушбу соҳа тўғрисидаги билимларни бериш билан ҳам шуғулланади.

Халқаро савдо ҳуқуқининг предмети унинг таркибига киритилиши мумкин бўлган барча муносабатларни ва ушбу муносабатларга оид жами ҳуқуқий нормаларни ҳам ўз ичига олавермайди. Масалан, халқаро транспорт ҳуқуқининг тараққий топиши билан юklar ва йўловчиларни халқаро йўллар орқали ташиш

билан боғлиқ муносабатлар халқаро транспорт ҳуқуқининг предметиға киритила бошланди ва айна пайтда (транспорт хизматининг кўрсатилиши, ушбу хизматнинг “сотилиши” нуқтаи назаридан қараганда) халқаро савдо фаолияти турларидан *lex mercatoria* ҳам ҳисобланади.

Илмий-техникавий ютуқларнинг халқаро муомаласига тааллуқли муносабатлар ҳам ушбу объектлар олди-сотди предмети бўла олиши жиҳатидангина халқаро савдо ҳуқуқининг предмети таркибига киритилган бўлиб, аслида бу муносабатлар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг интеллектуал мулкларга оид тармоғига тааллуқлидир.

Ўқув материаллари баён этилиши жараёнида халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари ҳисобланувчи нормалар, жумладан, халқаро конвенциялар, битимлар билан бир қаторда тегишли давлатнинг миллий қонунчилик нормаларидан ҳам фойдаланилади ва бу нормалар халқаро савдо ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланмайди, аммо халқаро савдо ҳуқуқи билан функционал жиҳатдан боғланган нормалар сифатида қаралмоғи лозим. Миллий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш пайтида унинг коллизия жиҳатлари (халқаро ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчилик ўртасидаги коллизиялар) ҳам назарда тутилиши лозим.

### **Ёдда тутинг!**

Халқаро савдо ҳуқуқини ўрганиш, халқаро хусусий ҳуқуқ билан бир қаторда халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи, етакчи давлатларнинг миллий фуқаролик ҳуқуқлари ва бошқа соҳаларда ҳам муайян билимларга эга бўлишни талаб қилади.

Ушбу фанларнинг муайян элементлари халқаро савдо муносабатларини тавсифлашда, албатта, инобатга олинади. Ушбу курсда инвестиция фаолиятининг халқаро ҳуқуқий масалалари ҳам ёритилади.

Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг тизими ҳуқуқ манбаларини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, бу соҳада эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимини топиш йўллари ҳақида ҳам маълумот беради, бу соҳадаги доктриналар, назарий ишланмаларни чуқур англаб етишга кўмаклашади.

## Халқаро савдо ҳуқуқининг тарихи

Халқаро савдо ҳуқуқи тармоғи ва атамаси нисбатан яқинда пайдо бўлган ҳамда муомалага киритилган бўлса да, аммо халқаро савдо муносабатлари ва ушбу муносабатларнинг тартибга солиниши минг йилларга бориб тақалувчи тарихий илдизга эга. Чунки мазкур ҳуқуқ соҳаси билан бугунги кунда тартибга солинаётган муносабатлар, савдо-сотик алоқалари қадимги даврларда, инсоният жамиятида меҳнат тақсимоти юзага келган вақтлардаёқ пайдо бўлганлиги шубҳасиз. Қадимги Бобил, Миср, Греция, Рим, Хитой каби цивилизация ўчоқларидан топилаётган моддий маданият ёдгорликлари ва ҳужжатлар халқаро савдо алоқалари ўша пайтлардаёқ кенг ривожланганлигини, ер юзининг катта-катта минтақаларини қамраб олганлигини, инсоният бу соҳада ўша даврлардаёқ бой тажрибага, турфа анъаналарга эга бўлганлигини, бу муносабатлар изчил тарзда тартибга солинганлигини кўрсатади.

Маҳсулот шахсий эҳтиёжни (қабила, уруғ эҳтиёжини) кондириш мақсадида эмас, балки айирбошлаш учун ишлаб чиқарилиши ва сотилиши туфайли ўзаро битимлар тузила бошлаган, жамиятда фуқаролар муомаласи шакллана бошлаган. Бундай муомала даставвал уруғ, қабила ўртасида юз берган бўлса, кейинчалик давлат пайдо бўлиши билан давлатлараро ва турли давлатларга мансуб шахслар ўртасидаги муносабатларга айлана борган.

Жамиятда меҳнат тақсимотининг кучайиб бориши, давлатлараро ҳўжалик алоқаларининг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг юксалиши натижасида ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган, вазифаси ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилишдан иборат бўлган шахслар тоифаси пайдо бўлган. Улар ёрдамида савдо муомаласи (товарларнинг бозорда, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракатланишидан иборат муомала) амалга оша бошлаган. Бироқ ушбу муомала халқаро савдо алоқалари соҳасидаги айрим халқаро савдо таомиллари ва одатларини эътиборга олмаганда узоқ вақтлар давомида изчил тарзда ҳуқуқий тартибга солинмай келди.

Халқаро савдо ҳуқуқининг ўзига хос кўринишлари, илк шакллари қадимги Рим республикаси даврига келибгина пайдо бўла бошлаган (*Jus gentium*).

“*Jus gentium*”нинг пайдо бўлиши қўйидаги сабаблар билан боғлиқ: Рим давлатининг бошқа ҳудудларни забт этиши ва у ерларда савдо-сотикнинг йўлга қўйилиши натижасида ўша ерлик савдогарлар

Рим худудларида савдо қилиш истагини билдирдилар. Аммо Рим фуқаролари бунга қарши эдилар. Шу тўғрисида хорижий савдогарлар Рим фуқаролари ҳомийлигидан фойдаланишга, улар билан битим тузишга мажбур эдилар. Бунда Рим фуқароси ўз номидан бошқа Рим фуқаролари билан савдо-сотик алоқаларига киришган, хорижлик савдогарлар эса товарларнинг сотилишини ташкил қилганлар. Савдо алоқаларининг ҳажми ва даражаси паст бўлган давлатларда бундай тартиб томонларни қаноатлантирган ва ноқулайликлар туғдирмаган бўлса да, кейинчалик янги худудларнинг забт этилиши, савдо ҳажмининг кескин ортиши муносабати билан мавжуд тартибни ўзгартириш зарурати юзага келган. Натижада хорижий фуқароларга ҳомийларсиз, мустакил равишда Римда савдо қилиш (Рим фуқаролари билан эркин битимлар тузиш) ҳуқуқи берилган.

Фуқаролар ўртасида савдо-сотик билан боғлиқ муносабатларнинг юзага келиши, унинг иштирокчилари ўртасида низолар келиб чиқиши ушбу низоларни ҳал этиш тартибини белгилашни тақозо этган. Ажнабий фуқароларнинг Рим давлати ички муомаласида қатнашиши натижасида низоларни соддалаштирилган тартибда ҳал этишга имкон берувчи махсус судлар (*recuperatio*) пайдо бўлган. Вақт ўтиши билан ажнабий савдогарларнинг Рим савдо муомаласига қатнашиши аввалги вақтларда Рим қонунчилигида (квирит ҳуқуқида) маълум бўлмаган янгича битимлар тузишнинг кучайишига олиб келган.

Буларнинг барчаси тўғрисида миллоддан олдинги III аср ўрталарида Рим давлатида янги маъмурий лавозим – перегринлар претори (*praetor peregrinus*), хорижликлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган мансабдор лавозими жорий этилди.

Перегринлар претори зиммасига бошқа вазифалар билан бир қаторда перегринлар (чет элликлар) билан римлик фуқаролар ўртасида юз берадиган низоларни кўриб чиқиб ҳал этиш вазифаси юклатилган. Уларнинг ушбу соҳадаги фаолияти натижасида “халқлар ҳуқуқлар” (*jus gentium*) деб юритилувчи янги ҳуқуқ тизимлари вужудга келди. Шу тариқа Қадимги Рим давлатида фақат римлик фуқароларга нисбатан қўлланиладиган миллий фуқаролик ҳуқуқи (*jus civile*) билан бир қаторда халқаро савдо алоқаларини тартибга солишга қаратилган халқаро савдо ҳуқуқининг миллий тизими ҳам шакллана бошлади (машҳур немис юристи Иэринг “*jus gentium*”ни “халқаро савдо ҳуқуқи” деб номлаган).

Jus gentium қисман халқаро савдо ҳуқуқининг ўтмишдоши ҳисоблансада, аммо барибир у Рим миллий ҳуқуқидан иборат бўлган ва шу сабабли халқаро ҳуқуқ соҳаси бўла олмасди. Бундан ташқари, император Юстиниан замонига келиб jus gentium ва jus civile ягона Рим фуқаролик ҳуқуқига қўшилиб кетган.

Қадимги Римда (феодализм даври арафасидаги Европа сингари) “умумфуқаролик муомаласи”, “хўжалик муомаласи” ва “савдо муомаласи” тушунчалари ўзаро фарқланмаган.

Ривожланган феодализмнинг қарор топиши ҳамда табақалашув, табақалар ҳуқуқий мавқеининг белгиланиши билан савдогарлар, хунармандлар ва бошқа табақалар статусининг белгилаб қўйилиши жорий этилди. Савдогарлар табақасининг фаолияти натижасида Фарбий Европада савдо, жумладан, халқаро савдо муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солина бошлади.

Бу ҳол Италия, Франция, Германия каби мамлакатларда барча савдогарлар, хунармандлар ва бошқа касб эгаларининг корпорация (гильдия)ларга бирлашишлари билан юз бера бошлаган бўлиб, гильдия аъзоси бўлмаган савдогар амалда фаолият юрита олмаган. Бир гильдияга мансуб савдо аҳли ўртасида юз берувчи низолар гильдия ичида унинг ички иши сифатида кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Савдо-сотик соҳасида ўзига хос бўлган ва тан олинган одатлар, таомиллар пайдо бўла бошлаган. Кейинчалик ушбу одат қоидалари ёзиладиган бўлган.

Мамлакатлараро савдо алоқалари ривожланиши билан бирга урф-одатлар ҳам кенгайиб, такомиллашиб борган, турли корпорациялар ўртасида бу соҳада мавжуд бўлган фарқлар аста-секин барҳам топиб борган. Халқаро корпоратив ҳуқуқидан халқаро савдо ҳуқуқи (Jus mercatorum) ўсиб чиққан. Халқаро савдогарлар ҳуқуқининг манбалари сифатида Ўрта денгиз давлатларида қўлланиб келган одат нормаларининг ёзилган тўплами, денгиз ҳуқуқи қоидалари – “Consulato del mare” кабиларни келтириш мумкин. XII-XIII асрларда Англия ва Францияда кенг тарқалган ана шундай одат нормалари ёзилган тўпلام: “Олерион процессуал қоидалари тўплами” (Roles d’Oleron), “Висбий денгиз ҳуқуқи” кабиларни ҳам шундай манбалар жумласига киритиш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу одат ҳуқуқи нормалари фақат савдогарга, унинг ҳуқуқий статусигагина тааллуқли бўлиб, савдо ишларига татбиқ этилмаган.

Европа иктисодий тараққиёти савдо фаолияти билан камраб олинган ҳудудларнинг кенгайиши туфайли автоном савдо ҳуқуқининг аҳамияти аста-секин пасая бошлаган ва унинг ўрнига умумий хусусиятга эга бўлган халқаро савдо ҳуқуқи юзага кела бошлаган. Шу тариқа автоном савдогарлар ҳуқуқи ўз ўрнини “Lex mercatoria”га бўшатиб берган.

Мутлақ монархия ҳукмронлик қилган давлатлар савдогарлар мулкларини “миллийлаштириш”га уриниши билан XVII асрдан бошлаб ўрта аср савдогарлик ҳуқуқи инкирозга учрай бошлаган. Францияда 1673 йилда “Савдо ҳақидаги ордонанс” (Ordonance de commerce), Англияда “Халқ давлатлари”, “Миллий ҳуқуқий тартибот доктриналари”нинг қабул қилиниши билан одат нормаларига қонун кучини бериш бошланган.

XIX аср бошларида миллий савдо ҳуқуқини модификациялашда янги давр бошланди. Францияда буюк француз инқилобидан кейин сиёсий тузум ўзгариб, янги савдо қонунчилиги вужудга келди. Шу туфайли 1807 йилда француз Савдо кодекси қабул қилинди (Code de Commerce).

Халқаро савдо ҳуқуқи ривождаги кейинги босқич 1848 йилда Вексель устави, 1861 йилда Умумгерман савдо низомининг қабул қилиниши (Deutsches Handelsgesetzbuch) билан боғлиқдир.

Аммо 1871 йилга келиб Германия империясининг юзага келиши ва Германия Божхона иттифоқининг барҳам топиши билан Германия Савдо низоми халқаро савдо ҳуқуқининг манбаидан миллий қонунчилик ҳужжатига айланиб қолди.

“Халқаро савдо ҳуқуқи” тушунчаси XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярми давомида ҳуқуқий фанлар соҳасида қўлланилмади. Ҳозирги замон савдо ҳуқуқи нишонлари XIX аср охириларида юзага келган бўлиб, бунга халқаро савдо алоқаларининг кучайиши, унинг амалиётида турли қондалар, ҳуқуқ институтларининг кенг қўллана бошланганлиги туртки бўлди. Бунда савдогарларнинг тармоқ уюшмалари ишлаб чиққан ва муомалага киритган шартнома намуналари, умумий қондалар, тавсиялар муҳим ўрин тутди. Улар қаторига London Corn Trade Association, London Oil Seed Association, Retined Sugar Association ва бошқа кўплаб бошқа уюшмаларни киритиш мумкин.

Халқаро савдо соҳасида нодавлат ҳуқуқ ижодкорлигининг юрисдикцион аналоги ҳамкорлик муҳокамаси ёки тижорат арбитражи ҳисобланади.



## **Ёдда тутинг!**

XXI асрнинг бошларига келиб халқаро савдо ҳуқуқи мукаммал кўринишга эга бўлган, аниқ предметлари доираси билан ажралиб турувчи мустақил ҳуқуқ фани тармоғига айланди.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳам жаҳон цивилизацияси марказларидан бири сифатида халқаро савдо-сотик муносабатлари ривожининг тарихида салмоқли мавқени эгаллаган.

Марказий Осиё ҳудудларида савдо-иқтисодий алоқалар тарихи ўзининг юксалиш ва гуллаб-яшнаш чўққилари ҳамда инкирозга юз тутиши билан тавсифланувчи, қадимий даврлар нафасини ўзида акс эттирувчи муайян босқичларга бўлиниши мумкин. Назаримизда, бу даврлар қуйидагилардан иборат.

**Биринчи давр** цивилизациядан аввалги тарих бўлиб, бу даврда Марказий Осиёда яшаб келган қабилалар, уруғлар ўзаро натурал айирбошлашни амалга ошириб келган ва бундай муносабатлар улар ўртасида қарор топган урф-одатларга асосланган.

**Иккинчи давр** ушбу ҳудудларда давлатларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасида изчил ва мунтазам савдо-сотик алоқаларининг ривожлантирилиши билан ажралиб туради. Бу даврнинг муайян босқичидан бошлаб Марказий Осиё Ғарб ва Шарқни ўзаро боғловчи кўприк вазифасини бажара бошлаган. “Буюк ипак йўли” деб аталмиш савдо-қарвон йўлининг асосан ушбу ҳудуддан ўтиши бу ерда савдо-сотикнинг авж олишига, савдо аъёналари, урф-одатларининг ривожланишига олиб келди. Бундай юксалиш жаҳондаги буюк кашфиётлар даврига, денгиз йўллари очилгунига қадар давом этди.

**Учинчи даврга** Марказий Осиёда мусулмон динининг қарор топиши, калом таълимотининг кенг тарқалиши хос. Ҳозирда мусулмон ҳуқуқшунослиги (фикҳ илми) жамиятдаги муносабатларни батафсил тартибга солиши жиҳатидан Рим ҳуқуқига яқин туриши ва ҳатто баъзи жиҳатларига кўра муайян устунликларга ҳам эга эканлиги қайд этилмоқда.


Савдо-сотикқа оид қоидалар Қуръони карим ва Ҳадиси шарифнинг бевосита ўзида, улар асосида берилган фатволарда, имом Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” номли китобида, мусулмон ҳуқуқига оид бошқа кўплаб манбаларда назарда тутилган бўлиб, уларнинг асосий хусусияти шундаки, бу қоидалар барча мусулмон мамлакатларида деярли бир хилда қўлланилган, яъни байналмилаал аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳолат халқаро савдо алоқалари тараққиётига хизмат қилган.

Мусулмон илоҳиёти (теологияси)да савдо-сотикқа оид асосий қоидалар, унинг ахлоқий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Мусулмон ҳуқуқининг халқаро савдо-сотик муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти бугунги кунда ҳам пасайган эмас ва ушбу муносабатларда ҳалоллик, поклик, инсоф-диёнатли бўлишни тарғиб этиши билан долзарблигича қолмоқда.

**Тўртинчи давр** Амир Темур давлатининг барпо этилиши билан бошланган бўлиб, бу давр Марказий Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши, давлатлараро ва халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар авж олиши билан диққатга сазовордир. Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсий ташаббуси билан Европа ва Осиёдаги кўплаб давлатлар билан савдо-иқтисодий, дипломатик алоқалар йўлга қўйилгани ҳамда ривожлантирилгани тарихдан яхши маълум. Темурийлар даврининг манбаларидан бўлган “Темур тузуклари”да савдо-иқтисодий муносабатларга, қўшни давлатлар ва халқлар билан ўзаро алоқаларга катта эътибор берилган.

**Бешинчи давр** Амир Темур вафотидан кейин у барпо этган улкан империянинг парокандаликка юз тутиши, савдо-сотик соҳасида ҳам инқироз юз бериши, унинг оқибати сифатида Марказий Осиёнинг кичик-кичик хонликларга бўлиниб кетиши, ўзаро нифок-низоларнинг авж олиши билан ажралиб туради. Ушбу салбий тарихий жараёнларнинг мантиқий натижаси сифатида XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб мустақилликнинг бой берилиши, шу жумладан ташқи сиёсий мустақилликни йўқотиш, халқаро ҳўжалик алоқаларининг ягона тизимидан ажралиб қолиш, маҳдудликка юз тутиш ушбу даврга хос хусусиятдир. Бундай тарихий инқироз мустақилликни қайта қўлга киритгунигизга қадар, яъни 1991 йил 1 сентябргача давом этди.

**Олтинчи давр** мамлакатимиз мустақил бўлган 1991 йил 1 сентябрдан кейинги янги тарихни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг асосий хусусияти халқаро ҳуқуқ принциплари ва қоидаларига тўла мос келувчи мустақил ички ва ташқи сиёсат юритилаётганлиги, ташқи иқтисодий муносабатлар ва ташқи савдо соҳасида давлатнинг яққа ҳокимлигига батамом барҳам берилгани ҳолда хусусий ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг либераллаштирилиши ҳамда ҳар томонлама рағбатлантирилишида намоён бўлади. Ана шундай шароитда мамлакатимизда халқаро савдо ҳуқуқини ўрганиш, ҳуқуқнинг ушбу соҳасини мукамал ўзлаштирган иқтисодчи ва ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.



## Халқаро савдо ривожланишида ташқи сиёсий фаолият ва ташқи иқтисодий муносабатлар

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналарнинг кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилиши, саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг пасайтирилиши, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижалар сирасига киритиш мумкин. Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар, солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш жадаллашиб бормоқда. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги ташқи иқтисодий фаолият ривожланишига ижобий туртки бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир. Шуни эътиборга олган ҳолда Республикамиз ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтиришга қаратилган ташқи сиёсати, уни амалга ошириш йўлларини белгилаб олди<sup>1</sup>.

Мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама пухта ўйланган, мамлакат миллий манфаатларига асосланган ташқи сиёсат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1996.

стратегияси шаклланди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида янги марраларга чиқиши, мамлакатимизнинг ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида юз бераётган шиддатли ўзгаришлар давлатимиз ташқи сиёсатининг концептуал асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ташаббусига билан 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тасдиқланди.

Концепция қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунга ва давлатимизнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га асосланади ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига, шу жумладан БМТ Уставига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки яқунловчи актига мос келади.

Концепцияда дунёда ва минтақамизда юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг принципиал нуқтаи назарига мувофиқ асосий қоидалар баён этилган.

Концепцияда иқтисодиётнинг етакчи базавий тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри чет эт инвестицияларини жалб қилиш масалаларига устувор аҳамият берилгани, мамлакатнинг сиёсий ва савдо-иқтисодий шерик сифатидаги халқаро мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани бевосита ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир<sup>2</sup>.

Ташқи иқтисодий алоқалар аниқ бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсмоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланган ишлаб чиқариш, савдо, сиёсий ва бошқа хил муносабатларидир.

Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳолда амалга оширилади ва у мамлакат биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги тамойилларга асосланади:

– мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи муносабатларда ошкоралик;

– тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

– ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

– республика бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги тамойилига тўла амал қилиш;

– тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

– умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш.

Ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир. Ташқи иқтисодий фаолият турли даражаларда ўзаро алоқалар ўрнатиш шаклларида амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, уни амалга ошириш йўлларини белгилашга қуйидаги тамойиллар негиз қилиб олинганлигини таъкидлаш жоиз.

Биринчиси. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунмиш учун мустақил бўлгани йўқ.

<sup>2</sup> Алимов А., Ахмедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т., 2004. – Б. 9.

Иккинчиси. Республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий кадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

Учинчиси. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам, бутун ташқи сиёсатда ҳам бизнинг шиоримиз – тенглар орасида тенг бўлиш, “катта оға”нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад халос бўлишдир.

Тўртинчиси. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда ошқоралиқ принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчиси. Ўзининг миллий-ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, халқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

Олтинчиси. Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади<sup>3</sup>.

Мазкур тамойиллар 1991 йил 14 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонунида (2000 йил 26 майда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинган) ўз аксини топган бўлиб, Қонунда республика ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий тамойиллари қайд қилинган:

а) ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;

б) ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.50.

в) савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда ҳақ-хуқуқлар чекланмаслиги;

г) ташқи иқтисодий фаолиятда ўзаро манфаатдорлик;

д) ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимояланиши ва бошқалар.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган савдо-иқтисодий алоқалар сиёсати тамойиллари ва бу алоқаларнинг ривожланиш принципларини шарҳлаб беринг.

2. Халқаро савдо ҳуқуқининг бугунги кундаги ривожланиши ва аҳамиятини изоҳланг. Халқаро савдо муносабатларини тартибга солишда халқаро савдо ҳуқуқининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатинг.

3. Фуқаролик ҳуқуқи ҳамда савдо ҳуқуқини ўзаро ажратиб хусусий ҳуқуқ дуализми сифатида талқин этиш мумкин. Мазкур фикрга ўз муносабатингизни билдиринг ва асосланг.

4. Халқаро савдо ҳуқуқи предмети ва унинг доирасига кирадиган муносабатларни таҳлил қилиб хулоса беринг.

## II БОБ. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

Халқаро савдо ҳуқуқи манбалари тушунчаси. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаси сифатида халқаро қонунчилик. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаси сифатида халқаро шартномалар. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаси сифатида суд прецеденти (суд амалиёти). Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаси сифатида *lex mercatoria*.

### Халқаро савдо ҳуқуқи манбалари тушунчаси

Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаларини бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни (халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни) тартибга солишга хизмат қилувчи нормалар ташкил этади. Халқаро савдо ҳуқуқи манбаларининг моҳияти, турлари ва савдо алоқаларини тартибга солишдаги ўрнини яхши тушуниб етиш муайян вазиятларда бу соҳадаги нормаларни тўғри танлаш ва қўллашга ёрдам беради.

#### Эътибор беринг!

“Ҳуқуқ манбаси” атамаси дастлаб рим ҳуқуқида вужудга келган ва турли усуллари билан белгиланган юридик нормаларни ифода этиш ва амалга ошириш шакли сифатида тушуниланган. Давлат ва ҳуқуқ назариясига мувофиқ “Ҳуқуқ манбаи – бу нормалар ҳокимият тепасида турган халқ ёки маълум бир сиёсий кучнинг иродасини қонун даражасига кўтарувчи восита сифатида тушунилади”<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ тизимларининг таҳлили турли давлатларнинг ҳуқуқ шакли ранг-баранглигини кўрсатади. Муайян давлатда ҳуқуқ манбаларининг барчаси ҳам бир хилдаги аҳамиятга ва тартибга солиш ролига эга эмас.

Континентал мамлакатлар ҳуқуқ тизимида асосий ҳуқуқ манбалари бўлиб, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Қонун – қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи томонидан алоҳида тартибда ёки аҳолининг тўғридан-тўғри эркини ифода этиш референдум йўли билан қабул қилинадиган ва энг муҳим ва қатъий ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳужжатдир.

Қонунлар ва бошқа манбаларни илмий (доктринал) шарҳлаш натижасида олимларнинг ифодаланадиган хулосалари ҳуқуқ манбалари ҳисобланмайди ва мажбурий тусга эга бўлмайди.



Индивидуал ва локал ҳужжатлар (масалан, шартномалар, турли юридик шахсларнинг уставлари, ички тартиб қоидалар) ҳуқуқ манбалари ҳисобланмайди, бинобарин, улар умуммажбурийлик касб этмайди, балки иштирокчилар ўртасидаги муайян муносабатларни тартибга солишда аҳамиятга эга бўлади ҳолос.

### **Ёдда тутиш!**

Халқаро савдо ҳуқуқи манбалари савдо муносабатларини тартибга солиш ва қонуний ҳал этишга қаратилган ҳуқуқ нормаларини ифодаловчи норматив ҳужжатлардир. Бундай норматив ҳужжатлар мажмуаси кенг маънода фуқаролик қонунчилигини ташкил қилади.


Ҳуқуқ манбаларига мажбурийлик, формал белгиланганлик, ҳаммага маълумлилик каби белгилар хосдир. Манба ҳуқуқнинг ташқи шакли бўлиб, бу шаклда ҳуқуқ нормаларининг ўзи ифода этилади. Доктрина расман ҳуқуқ манбаси ҳисобланмайди. Баъзи ҳолларда доктрина суд қарорига таъсир ўтказиши мумкин.

### **Халқаро қонунчилик**

Халқаро савдо муносабатларининг тартибга солинишида тўғри маънодаги, яъни у ёки бу махсус ваколатли ҳокимият органи қабул қилган, императив ва диспозитив кучга эга бўлган нормалар йиғиндиси қўлланилмайди. Бундай ҳуқуқий воситалар амалда мавжуд ҳам эмас.

### **Ёдда тутиш!**

Халқаро қонунчилик деганда, (ингл. international legislation) халқаро ташкилотлар қабул қилган конвенциялар, давлатлараро кўп томонлама шартнома ва битимлар назарда тутилади.



Халқаро шартномалар деганда, гап хусусий ҳуқуққа оид муносабатлар ҳақидаги анъанавий халқаро конвенциялар, улардаги унификацияланган (бир шаклга келтирилган) қоидалар ҳақидагина эмас, унификацияланган қонунларга илова қилинган ҳолдаги шартномалар ҳақида ҳам боради. Улар тегишли давлат ратификациялаганидан кейингина унинг учун муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

Халқаро ташкилотларнинг қарорлари ҳам халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Масалан, Европа ҳамжамияти (ЕҲ) аъзоси бўлган давлатлар учун ЕҲ кенгашининг қарорлари, МДҲ давлатлари учун эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кенгаши қарорлари (Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгашининг қарорлари) ана шундай ҳужжатлар жумласига киради.

Халқаро қонунчилик ҳужжатларини универсал ва минтақавий ҳужжатларга ҳам бўлиш мумкин.

### **Ёдда тутинг!**

Халқаро қонунчиликнинг шаклланиш жараёни – халқаро унификация, унинг натижасида юзага келган нормалар йиғиндиси эса унификация ҳуқуқи деб юритилади.

Ҳуқуқ нормаларининг халқаро миқёсда унификациялашуви туфайли халқаро савдо муносабатларининг тартибга солинишида турли давлатлар қўллайдиган қоидалардаги фарқлар камайиб, халқаро савдо-иқтисодий алоқалар соҳасида ягона ҳуқуқ вужудга кела бошлади.

Халқаро савдо муносабатлари соҳасида ҳуқуқни унификациялашнинг дастлабки кўринишлари чек ва векселларга оид конвенцияларда (1930 – 1931 йиллар) ифодаланган. Товарларнинг халқаро олди-сотдисига оид қоидаларнинг унификацияланиши бу борадаги яна бир муҳим воқеа бўлди. XX асрнинг ўрталарида Миллатлар Лигаси қошида Рим шаҳрида хусусий ҳуқуқни унификациялаш институти (ҳозирда УНИДРУА – UNIDROIT номи билан машҳур) ташкил этилиши билан бу йўналишдаги ишлар жонлантирилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу институт савдо муносабатларини унификациялашга оид ишларини давом эттирди. 1964 йилда Гаага шаҳрида икки конвенция (унификация қонуни матни билан) қабул қилиниши унинг фаолият натижаларидан бўлди.

Бироқ халқаро савдо ҳукуки ва унинг нормаларини унификациялаш юзасидан энг салмокли ишларни БМТнинг халқаро савдо ҳукуки бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) амалга оширди. Ушбу комиссия Венгрия давлатининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг қарори асосида 1966 йилда ташкил этилган эди.

Комиссия фаолияти натижасида халқаро савдо муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган икки конвенция ишлаб чиқилди. Улар: товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар тўғрисидаги ва товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар юзасидан даъво муддатлари тўғрисидаги конвенциялар эди.

“Товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар юзасидан даъво муддатлари тўғрисида”ги конвенция 1974 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланди. “Товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар юзасидан даъво муддатлари тўғрисида”ги конвенция эса 1980 йилда дипломатларнинг халқаро Вена конвенциясида қабул қилинди ҳамда айтилган пайтда уни даъво муддати тўғрисидаги қоидалар билан тўлдирувчи протокол ҳам имзоланди. Натижада 1974 йилги даъво муддати тўғрисидаги конвенция мазмунан 1980 йилги “Товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар тўғрисида”ги халқаро конвенцияга мувофиқлаштирилди.

Универсал халқаро қонунчилик билан бир қаторда ер юзининг муайян қисмларига дахлдор бўлган минтақавий халқаро қонунчилик ҳам шакллана бошлади. Минтақавий халқаро қонунчилиكنинг пайдо бўлишида минтақавий халқаро ташкилотлар фаолияти етакчи ўрин тутди. Булар орасида Европа Иттифоқи доирасидаги уйғунлаштириш ва унификациялаш ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

МДХ махсус минтақавий халқаро ташкилот сифатида ўз органлари (Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгаши ва бошқалар) орқали, давлатлараро аҳамият касб этувчи шартномалардан ташқари протокол-қарорлар, протоколлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Айтилган пайтда МДХ фаолияти унга аъзо давлатлар фикр ва қарашларини ўзаро мувофиқлаштиришга, уйғунлаштиришга қаратилган. Шу сабабли у қабул қиладиган ҳужжатлар унга аъзо давлатлар миллий қонунчилиги нормаларидан устун бўлмайди.

Халқаро савдо муносабатларида бу муносабатларга оид нормалар самарадорлигини ошириш, низоларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг бир хилда қўлланилишига эришиш ҳамда шарҳлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Универсал ва минтақавий

халқаро савдо ҳуқуқи нормаларининг турли давлатларда бир хил татбиқ этилиши, тушунилиши мақсадида уларни шарҳлаш юзасидан зарур тадбирлар амалга ошириб келинади. Ана шу мақсадда халқаро конвенциялар матнида айрим нормаларга шарҳлар берилади. Халқаро қонунчилик нормаларини давлатларнинг олий суд маҳкамалари шарҳлайдилар, уларни унификациялаш ишларини амалга ошириб борадилар.

Халқаро қонун ҳужжатларидан фойдаланишнинг энг муҳим соҳаларидан бири миллий қонунчилик нормаларидаги бўшлиқларни ушбу ҳужжатлар ёрдамида тўлдириш бўлиб, бунинг натижасида миллий қонунлар халқаро нормалар асосида ўзаро яқинлашиб, бирхиллиги ортиб боради.

### **Миллий қонунчилик**

Шу ўринда халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари сифатида миллий қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам тан олинади. Биринчи навбатда манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзида бозор иқтисодиёти тамойилларини ифода этадиган миллий ҳуқуқининг бошланғич асосларига таянган ҳолда қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ўзида мужассам этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишдаги энг асосий нормалар белгиланган. Бу нормалар мулк ҳуқуқининг шакли ва мазмунини, ҳуқуқ лаёқати мезонларини, шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқларини белгилайди.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Конституцияси 17-моддасининг 2-қисмига биноан, Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин. Ушбу қоида республикамиз ташқи сиёсатининг асосий мазмунини халқнинг фаровон ҳаёти ва манфаатларининг таъминланиши ташкил қилишидан, ушбу мақсадда давлатимиз бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатишга тайёр эканлигидан далолат беради. Бундай алоқалар нафақат сиёсий, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир. Давлатларнинг биргаликда корхоналар барпо этиши, инвестиция ва кредитлар ажратиш, товарлар олди-сотдиси, грант эълон қилиш асосида тегишли

лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларни бажариш билан боғлиқ муносабатлар иқтисодий аҳамиятга эга. Мазкур муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланувчи халқаро савдо ҳуқуқи нормалари воситасида тартибга солинади.

Савдо муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси алоҳида аҳамиятга эга. Фуқаролик кодекси ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутди ҳамда фуқаролик қонун нормалари унинг мазмунига зид бўлмаслиги лозим. Кодификациялашган норматив ҳужжатлар билан бирга фуқаролик ҳуқуқининг манбалари, фуқаролик ҳуқуқи предмети ҳисобланувчи алоҳида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи махсус қонунлар ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлатдаги қонунийликни таъминлашда ҳуқуқ шакллари (манбалари) муҳим ўрин тутди. Кўрсатиб ўтилган шаклларнинг такомиллашуви улар ҳақидаги назарий қарашларнинг даржаси ва юридик амалиётнинг барча турлари сифатига боғлиқ. Ҳуқуқ фани ўз вақтида ҳуқуқ шаклларини яхшилашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиши, амалиёт эса ҳуқуқ манбаларининг қатъий, самарали тизими амал қилиши учун олимларнинг таклифларидан унумли фойдаланиши лозим. Ҳуқуқнинг ушбу тизими сифатидан давлатдаги қонунийлик мустақкамлигини англаб олиш мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқ манбасини қабул қилишда қонун устуворлигига тўлиқ амал қилиш ва Фуқаролик кодексига зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаси сифатида халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро шартномаларни ҳам эътироф этиш мумкин.

Манба бўлувчи нормалар ва тамойиллар халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида, кўп томонлама шартнома (конвенция)ларда, халқаро суд қарорларида ифодаланади. Масалан, БМТнинг 1980 йилги “Товарларни халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги конвенциясини келтириб ўтиш мумкин.

Халқаро ҳужжатлар нормалари одатда чет эл жисмоний ва юридик шахслар иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини, чет элликларнинг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини, ташқи иқтисодий битимларни амалга ошириш тартибини ва шу кабиларни белгилайди.

## Халқаро шартномалар

Халқаро савдо ҳуқуқи соҳасининг манбаларини ташкил қилувчи шартномаларда савдо алоқаларини тузишда тарафларнинг фойдаланиши зарур бўлган умумий қоидалар, шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқий лаёқати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, савдо арбитражига ёки ҳакамлик судига тааллуқли масалаларга доир қоидалар назарда тутилади.

Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи сифатида халқаро шартномаларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда. Халқаро шартномада олдиндан ўз ифодасини топган нормалар давлатлар ўртасидаги муносабатларда давлатнинг ички қонунларига нисбатан кўпроқ қўлланилади.

Халқаро савдо масалаларига оид алоҳида конвенциялар қаторига биринчи галда “Кўчар моддий ашёлар халқаро олди-сотдисида нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 1995 йил Гаага конвенцияси, “Халқаро товарлар савдосида мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 1958 йил Гаага конвенцияси, “Халқаро олди-сотдига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 1986 йил Гаага конвенциясини келтириб ўтиш мумкин. Бир хил мазмундаги коллизия хусусиятга эга бўлган нормалардан ташкил топган ушбу конвенциялардан фарқли ўларок, 1964 йилда Гаагада “Товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисида бир хил мазмунга эга бўлган қонунлар қабул қилиш тўғрисида”ги конвенция тузилган эди. Ушбу конвенция амалда кенг қўламда қўлланилмади ва унинг ўрнига 1980 йилда Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг “Товарлар халқаро олди-сотдисида доир шартномалар тўғрисида”ги конвенцияси имзоланди. Мазкур конвенция 1988 йил 1 январдан амалга киритилди. Ўзбекистон конвенцияни 1996 йил 30 августда ратификация қилди. Бунга кўра 1974 йилдаги конвенциянинг айрим қоидалари БМТнинг “Товарлар халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисида”ги конвенцияси билан мувофиқлаштирилди. 1983 йилда Женевада бўлиб ўтган конференцияда Товарлар халқаро олди-сотдисини бошқариш бўйича ваколатхона ташкил қилиш ҳақида конвенция тузилди, 1988 йилда эса Оттавада “Халқаро молиявий лизинг тўғрисида”ги конвенция қабул қилинган. Ўзбекистон мазкур конвенцияни 2000 йил 26 майда ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуни, халқаро конвенциялари ва битимлари халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг манбаини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи оламга шиддат билан чиқиб бораётган, халқаро савдо-иқтисодий алоқалари мустаҳкамланаётган ва мамлакатимиз ягона жаҳон ҳўжалик тизимининг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётган бугунги кунда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларидан хабардор мутахассис кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

### Ёдда тутиш!

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси – республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ҳамда ихтиёрий келишувидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги 172-1-сон Қонуни.

Халқаро шартномалар ҳам фуқаролик ҳуқуқи предметига кирувчи муносабатларга, агар халқаро шартномада уни қўллаш учун ички давлат ҳужжати қабул қилиниши кўзда тутилмаган бўлса, бевосита татбиқ этилади. Мисол сифатида 1883 йилги “Саноат мулки объектларини кўриклаш тўғрисида”ги Париж конвенциясини келтириш мумкин. Бинобарин, унда Иттифоққа аъзо давлатлар бошқа белгидан кўчирилган мамлакатдаги ваколатли органнинг ҳулосасига кўра шу мамлакатда барчага маълум бўлган бошқа белги ўхшаш бўлса ва бир турдаги бошқа товарлар учун қўлланилаётган бўлса, товар белгиларини рад этиши ёки рўйхатдан ўтказилишини тан олмаслиги ва уларни қўллашни тақиқлаши лозим бўлади. Мазкур конвенцияга мувофиқ “Товар белгилари, хизмат белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, у товар белгилари, хизмат белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, халқаро хусусий муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқлари ҳимояси масалалари ҳозирда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан шундай жаҳон мамлакатлари глобаллашуви жараёнида хорижий мамлакатлар фуқаролик ва савдо ҳуқуқи манбаларини ўрганиш, ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари, ўзаро қиёсий таҳлил ва ижобий ҳулосалар чиқариш учун юқори аҳамиятли ҳисобланади.

## Суд прецеденти (суд амалиёти)

Англо-саксон ҳуқуқ тизимига мансуб мамлакатларда муҳим ҳуқуқ манбаси сифатида суд прецеденти эътироф этилади.

### Ёдда тутинг!

Суд прецеденти – “бу муайян иш бўйича суднинг қарори (одатда бу мамлакатдаги олий суд инстанцияси) бўлиб, кейинчалик бу қарор келажакдаги айнан шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишга нисбатан татбиқ этилади”.

Бугунги кунда дунёда ҳуқуқ манбаси фақат суд прецедентига асосланган ҳуқуқ тизимлари мавжуд эмас. Бироқ умумий ҳуқуқ тизим амал қиладиган мамлакатларда судьялар амал қиладиган қонунлар ўта умумий тусга эга бўлиб, кўпчилик вазиятларда улар асосида аниқ ҳуқуқий вазиятни ҳал қилиш қийин кечади.

Англияда умумий ҳуқуқ қироллик судлари томонидан яратилган ва улар фуқаролик ишларини кўришда маҳаллий одатларга таянишган. Вақт ўтиши билан уларнинг қарорлари (прецедентлар) айни ишларни ҳал қилишда (ишнинг айнан шу ҳудуд билан боғлиқлиги аҳамиятга эга эмас эди) шу тоифадаги ёки қуйи судлар учун мажбурий тусга эга бўлди. Шу билан бирга суд қарори билан яратилган ҳар қандай қарор парламент томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

### Эътибор беринг!

Оксфорд луғати бўйича прецедент “кейинги ишлар учун намуна ёки қоида сифатида қабул қилинадиган ёхуд унинг ёрдамида айни ҳужжат ёки вазият тасдиқланадиган ёки тушунтириладиган мисол ёки иш” сифатида эътироф этилади. Бинобарин, фактларнинг тўлиқ айнийлиги нисбатан жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, бунда қарор суднинг хоҳишига боғлиқ бўлади ва у бу вазиятда қонун чиқарувчига айланади.

Муҳими шуки, прецедент фақатгина *ratio decidendi* (яъни “қарор асоси: қарор қабул қилишда қўлланиладиган қоида ёки тамойил ёхуд асос”) деб номланадиган суд қарорининг қисмини ўзида ифодалайди, холос. Руперт Кросснинг фикрича, *ratio decidendi* ҳуқуқ нормаси бўлиб, судья томонидан бевосита ёки билвосита ҳулоса чиқариш учун зарурий қадам ҳисобланади ва унинг олдинги фикрлари, қарашларига мос бўлади ёки бу ҳолат судьянинг маслаҳатчилар учун кўрсатмаси ҳисобланади; суд қарорининг қолган қисми *obiter dictum* (қарорнинг



предмети ҳисобланмайдиган, масалага оид бўлган ариза) деб номланиб, фақатгина ишонтирувчанлик тусига эга бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикрларимизни қуйидаги мисол билан асослаш мумкин: Англия шартнома ҳуқуқи мураккаб ҳуқуқий механизм сифатида ўзида кўп сонли ва ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган суд прецедентлари ва судларнинг кенг хоҳишларини ҳамда уларнинг тузилган шартнома шартларини эркин шарҳлашларини ифодалайди. Бу ўринда икки ярим аср олдин инглиз сатириги Свифт томонидан прецедентларга берилган баҳони эслаб ўтиш жоиз. Судларда, – деб ёзади у, – бир вақтлар қабул қилинган қарор айнийлик ҳолатида яна қўлланилиш қоидаси ўрнатилган; шу асосга кўра улар юксак куйунчаклик билан адолат ва соғлом ақлни ифодаловчи барча эски қарорларни сақлашади. Бу қарорлар уларда прецедентлар номи билан машхур; энг адолатсиз қарорларни оқлаш учун ушбу қарорларга ҳавола қилишади ва судьялар ушбу прецедентларга асосланиш имкониятини ҳеч қачон қўлдан чиқаришмайди.

Низони ҳал қилишда судья ишнинг моҳиятига эътибор қаратишдан қочади; лекин ишга умуман алоқаси бўлмаган ҳолатларни изоҳлаб жазавага тушади ва бақиради. Масалан, қўшним менга тегишли сигирни эгаллаб олмоқчи бўлди. Бундай ишни кўришда судья рақибим сигирга қандайдир ҳуқуққа эгаллиги ва бу ҳуқуқни тасдиқловчи қандай ҳужжатларни кўрсата олишини билиш истагини ифода этмайди; бироқ низоли сигир сариқ ёки қора эканлигини; шохлари узун ёки қисқалигини; сигир ўтлайдиган дала думалоқ ёки тўртбурчак эканлигини; сигирни уйда ёки даллада соғишларини; сигир қандай касалликларга чалинганлигини аниқлашга катта қизиқиш билдиради. Шундан кейин у ишни бир муддатдан иккинчи муддатга қолдириб, прецедентлар билан солиштиришни бошлайди ва ўн, йигирма ёки ўттиз йилдан кейингина бирорта қарорга келади.

АҚШ Ангlijядан “умумий ҳуқуқ”ни қабул қилиб олган бўлсада, АҚШ ҳуқуқи Англия ҳуқуқидан фарқ қилиб, иккита муҳим хусусиятга эга. Биринчидан, АҚШда савдо ҳуқуқининг икки тизими: штатлар ва федерал тизим мавжуд. Хусусий ҳуқуқнинг кўплаб манбалари алоҳида штатларнинг прецедент ва статут ҳуқуқи билан тартибга солинади. Ўзларининг фуқаролик кодексига, қабул қилинган нормаларига, ишлаб чиқилган суд амалиётига фақатгина Шимолий ва Жанубий Жоржия, Монтана ва Калифорния штатлари эга. Федерациянинг мутлақ ваколатларига патент, муаллифлик,

монополияга қарши қонунчилик, тўловга қобилиятсизлик, штатлар ўртасидаги ва чет эл давлатлари билан савдо масалалари киради. Иккинчидан, Америка судларига нафақат қонулар ва қарорларни шархлаш, балки уларнинг федерал ва штатлар конституцияларига зидлигини аниқлаш ҳуқуқи ҳам берилган.

Прецедент гарчи суд амалиёти у ёки бу низони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этса да, континентал ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ манбаси ҳисобланмайди.

### **Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаси сифатида *lex mercatoria* ва савдо муомаласи одатлари**

“*Lex mercatoria*” назарияси бирон-бир давлатнинг миллий ҳуқуқини эмас, балки халқаро савдо муомаласи учун умумий бўлган тартибга солиш воситалари, чунончи: халқаро конвенциялар, халқаро савдо одатлари, намунавий контрактлар ва ҳоказолар йиғиндисини қўллайд<sup>4</sup>. “*Lex mercatoria*”дан фойдаланиш зарурияти шу билан белгиланадики, мазкур тушунча халқаро ҳужжатларда (шу жумладан, УНИДРУА тамойилларида) анча кенг қўлланилади. Мухтасар қилиб айтганда, у халқаро савдо, энг аввало, халқаро шартномалар ва халқаро савдо одатлари билан тартибга солиниши лозимлигини назарда тутлади.

#### **Эътибор беринг!**

*Lex mercatoria* халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи билан бир қаторда учинчи мустақил ҳуқуқий тартибот сифатида тавсифланади.

Мазкур назария XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган, бироқ уни талқин қилишга нисбатан ягона ёндашув ҳали-ҳануз мавжуд эмас. Унинг мазмунини таҳлил қилган айрим муаллифлар халқаро иқтисодий муносабатларни халқаро одатлар ва суд прецедентлари воситасида тартибга солишни назариянинг асосий элементи сифатида кўрсатганлар, айримлар эса халқаро ташкилотлар томонидан миллий қонунлар учун моделлар сифатида ишлаб чиқиладиган намунавий битимлар, унификация қилинган ҳужжатлар ва халқаро конвенцияларга урғу берганлар. “*Lex mercatoria*”нинг моҳиятини тушуниш учун унинг қўйидаги асосий қоидаларини келтириш мумкин.

<sup>4</sup> Зыкин И.С. Теория “*Lex mercatoria*” // МЧП: Современные проблемы / Отв. ред. М.М. Богуславский. – С. 396 – 405.

1. Халқаро иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий тартибга солиш мустақил амалга оширилади ва миллий тартибга солиш билан боғланиши мумкин эмас.

2. Ҳуқуқий тартибга солиш манбалари сифатида фақат халқаро шартнома ва халқаро савдо одати амал қилиши мумкин; халқаро савдо одати миллий норматив ҳужжатлар учун моделлар сифатида ишлаб чиқиладиган намунавий қонунларни ўз ичига олади; “одат” тушунчаси одат қоидалари билан бир қаторда суд прецедентларини ҳам қамраб олади.

3. “*Lex mercatoria*” тамойиллари жумласига ҳуқуқ умумий тамойиллари, чунончи, мажбуриятларни бажаришда инсофлилик, *pacta sunt servanda* тамойили, шартнома контрагент томонидан жиддий бузилган ҳолда уни бекор қилиш имконияти киради.

4. Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг фаолиятида ўз-ўзини бошқариш элементининг мавжудлиги қоидалардан бири сифатида эътироф этилади.

5. “Ҳуқуқ” тушунчасининг мазмунига ижтимоий ҳулқ-атворни тартибга солиш воситаларининг барчаси киритилади.

6. Назария “тижоратчилар халқаро уюшмаси” мавжудлигини асослашни кўзда тутлади.

Давлат ички ҳуқуқидан мустақил равишда амал қилувчи “трансмиллий” ҳуқуқ тавсифи “*lex mercatoria*” назариясининг асоси ҳисобланади. У наинки юридик нормалар тизими сифатида, балки замирида инсофлилик, адолат, андишалилик ҳақидаги умуминсоний тасавурлар ётувчи турли ижтимоий тартибга солиш воситалари йиғиндиси сифатида ҳам талқин қилинади.

*Lex mercatoria* – халқаро хусусий ҳуқуқда узоқ йиллардан бери қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган, зиддиятларга тўла ҳодисалардан бири.

Ҳозирги замон *lex mercatoria* назариясининг мураккаблиги шу билан белгиланадики, доктринада мазкур ҳодисанинг моҳияти, табиати ва мазмунини тушунишга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас, балки ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаларининг муайян йиғиндиси таркиб топтирилган ва у кишиларнинг ҳуқуқ ҳақидаги одатдаги тасавурлари билан тўла мос келмайди. Фанда миллий ҳуқуқий тизимлардан фарқ қилувчи муайян тартибга солиш воситаси мавжуд бўлса керак деган фикр кенг тарқалган. Аммо Р.Ю.Колобов қайд этишича, бундай ҳодисаларга

нисбатан *lex mercatoria* атамасини қўллаш ўринли бўлмайди, чунки бугунги кунда у шу даражада кўп маъно касб этганки, бир андозалилик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас<sup>5</sup>.

“Янги *lex mercatoria*”, “нодавлат тартибга солиш”, “савдо одат ҳукуқи”, “ҳалқаро савдо ҳукуқи”, “номиллий ҳуқуқ”, “трансмиллий ҳуқуқ”, “трансмиллий тижорат ҳукуқи”, “тадбиркорлик фаолияти ҳалқаро ҳукуқи”, “контракт ҳукуқи”, “квазихалқаро ҳуқуқ” маълум маънода синоним тушунчалар сифатида амал қилади.

Ҳозирги вақтда чет эл ва мамлакатимиз фанида *lex mercatoria* назариясининг мазмуни ва моҳиятини тушунишда бир нечта ёндашув фаркланади<sup>6</sup>:

1) ташки иктисодий битимларнинг тарафлари томонидан спонтан тарзда яратилган ва миллий ҳуқуқий тартиботлардан мустақил ҳолда мавжуд бўлган алоҳида ҳуқуқий тартибот (Голдман Б., Якобсон Д., Шмиттгофф К., Гольдштейн А.);

2) миллий ҳуқуққа нисбатан муқобил сифатида амал қилувчи нормаларнинг ҳалқаро тижорат низоларини ҳал этиш учун етарли бўлган йиғиндиси, яъни *lex mercatoria* ҳалқаро тижорат ҳуқуқининг барча жиҳатларини миллий ҳуқуқни истисно этган ҳолда тартибга солувчи ўзига тўқ тизим ҳисобланмайди ва анча мураккаб ҳамда меҳнатгалаб бўлган коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш усулининг муқобили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

3) деярли тўлиқ рад этилади, тан олинган тақдирда эса қўлланиладиган миллий ҳуқуққа мавжуд ҳалқаро савдо одатлари ва амалиётни бирлаштирувчи қўшимча сифатида қаралади. *Lex mercatoria* манбалари судлар ва арбитражлар томонидан фақат контрактга билвосита инкорпорация қилинган қондалар сифатида қўлланилади<sup>7</sup>.

*Lex mercatoria* ҳалқаро тижорат низоларини ҳал этишда ундан қўлланиладиган ҳуқуқ сифатида фойдаланиш нуқтаи назаридан тобора фаол таҳлил қилинмоқда. *Lex mercatoria* трансчегаравий савдо муносабатларини тартибга солиш ҳалқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий усуллари олдида қуйидаги муайян афзалликларга эга:

<sup>5</sup> Колобов Р.Ю. К вопросу о новом торговом праве. // <http://law.edu.ru>.

<sup>6</sup> Craig W., Park W., Paulsson J. International Chamber of Commerce Arbitration. Oceana Publication, 1990. Para. 35.1.; Канашевский В.А. Концепция «lex mercatoria» в международном частном праве // Российский ежегодник международного права. – СПб., 2008. – С. 226-227.

<sup>7</sup> Mustill L. The New Lex Mercatoria / In Liber Amicorum Lord Wilberforce. – OUP, 1987. – P. 157.

– *lex mercatoria* нормалари бевосита тижорат фаолияти иштирокчилари томонидан яратилади, иш амалиёти жараёнида такомиллашади, шу сабабли мумкин қадар қулай бажариладиган, самарали ҳисобланади;

– *lex mercatoria* нормалари трансчегаравий тижорат муносабатларининг тарафлари ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши натижасини, хоҳиш-ирода эркинлигини, оқилона ва одилона қарор алгоритмининг ўзида акс эттиради;

– том маънода халқаро хусусиятга эга: нормаларга миллий ҳуқуқий тизимлар кам таъсир кўрсатади ва бу уларни қўллаш пайтида талқин қилиш, коллизиявий муаммоларни бартараф этиш имконини беради;

– “*lex mercatoria*”ни қўлланиши ҳам ҳуқуқни танлаш, ҳам танланган миллий ҳуқуқни қўллаш босқичида кўп сонли муаммолар билан мураккаблашган йирик коллизия механизмдан фойдаланишга ҳожат қолдирмайди; коллизия ҳавола натижасида “тасодифан ва нооқилона танланган” ҳуқуқни қўллаш хавфи юзага келиши имкониятининг ўзини йўққа чиқаради;

– *lex mercatoria* нормаларини танлаш тарафларга бошқа мамлакатларда маълум бўлмаган, халқаро контрактни тартибга солиш учун мос келмайдиган миллий моддий нормаларни қўллашни четлаб ўтиш имконини беради;

– нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган *lex mercatoria* кодификацияланган нормалари (масалан, УНИДРУА тамойиллари, шунингдек бошқа унификация қилинган қоидалар, умумий шартлар, қўлланмалар, намунавий контрактлар ва ш.к.) техник мукамаллиги, мослашувчанлиги, мослаштирилганлиги туфайли янада кенг амалий аҳамият касб этади ва бу улардан халқаро тижорат низоларини ҳал этишда миллий ҳуқуқдаги бўшлиқларни тўлдириш учун фойдаланиш имконини беради;

– низони *lex mercatoria* нормаларига мувофиқ ҳал қилар экан, жараёнда иштирок этувчи барча шахслар ягона (ҳуқуқий) асосда низолашади ва ҳеч ким иш унинг ўз ҳуқуқи асосида кўриб чиқилаётгани ва ҳал этилаётганида устунликка эга бўлмайди, худди шунингдек, ҳеч ким иш чет эл ҳуқуқи билан тартибга солинаётганидан жабрланмайди.

Халқаро ва трансчегаравий савдо муносабатларини тартибга солишда ранг-баранг воситаларини битта, ягона халқаро савдо норматив тизимига бирлаштириш мумкин. Бу тизим турли-туман

халқаро савдо муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ноҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳозирги замон *lex mercatoria* назарияси халқаро савдо норматив тизимининг элементи ҳисобланади, трансчегаравий савдо муносабатларини тезкорлик билан ва тўлиқ тартибга солишни таъминлайди.

Фанда миллий ҳуқуқий тизимлардан фарқ қилувчи муайян тартибга солиш воситаси мавжуд бўлса керак деган фикр кенг тарқалган. Аммо бундай ҳодисаларга *lex mercatoria* атамасини қўллаш ўринли бўлмайди, чунки бугунги кунда у шу даражада кўп маъно касб этганки, бир андозалилик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳозирги замон ҳуқуқ назариясида *lex mercatoria* муаммосига турли нуқтаи назардан ёндашишга уринишларни кузатиш мумкин.

Люк Ноттаж *lex mercatoria* тўғрисидаги масалани тадқиқ этар экан, унга моддий ва процессуал нуқтаи назарлардан ёндашишни таклиф қилади. Чунончи, процессуал даражада ҳакамлар янги моддий *lex mercatoria* билан бир қаторда, “янги процессуал *lex mercatoria*” – низоларни кўриб чиқиш жараёнининг турли босқичларини тартибга солувчи умумий нормаларни ҳам ривожлантирадилар ва қўллайдилар<sup>8</sup>.

Гральф-Петер Каллисс кўриб чиқилаётган масалаларни таҳлил қилар экан, трансмиллий тижорат ҳуқуқи тушунчасига алоҳида тўхталади ва халқаро тижорат ҳуқуқи контекстида “трансмиллий ҳуқуқ” атамаси бошқача, алоҳида маънода қўлланишини таъкидлайди. Унинг фикрича, айти ҳолда трансмиллий ҳуқуқ (тижорат ҳуқуқи) учинчи тоифа ҳуқуқни, миллий ва халқаро ҳуқуқ ўртасидан ўрин олган оралик ҳуқуқни, яъни миллий ҳуқуқий тизимларнинг умумий тушунчаларини вазифа жиҳатидан қиёсий таҳлил қилиш йўли билан олинган ҳуқуқ асосий тамойилларига (масалан, УНИДРУА тамойиллари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларга, шунингдек халқаро иш муомаласи одатларига (масалан, шартномаларнинг стандарт шакллари, умумий шартлар ва ҳоказоларга) асосланган ҳамда халқаро тижорат арбитражи билан таъминланган мустақил халқаро ҳуқуқий тизимни англатади. Кейинчалик у трансмиллий ҳуқуқ тушунчасига шунга ўхшаш таъриф беради: трансмиллий ҳуқуқ – миллий ва халқаро оммавий ҳуқуқ доирасидан ташқарида ётувчи, пайдо бўлаётган глобал фуқаролик

<sup>8</sup> Nottage L. The Procedural Lex Mercatoria: The Past, Present and Future of International Commercial Arbitration // CDAMS Discussion Paper 03/1E 2003 CDAMS Symposium, Kobe University Law Faculty. 2003. 29 September.

жамиятининг ҳуқуқ ижодкорлиги кучлари билан яратилган ҳамда ишлаб чиқиладиган, ҳуқуқ умумий тамойиллари ва ижтимоий одатларга асосланган, низоларни хусусий йўл билан ҳал этувчи субъектлар томонидан ҳаракатга келтириладиган ва хусусий нормаларни таърифловчи субъектлар томонидан (зарур ҳолда) кодификация қилинадиган учинчи даража мустақил ҳуқуқий тизим.

*Lex mercatoria* ҳуқуқий тизим сифатида қаралиши учун суд ва халқаро тижорат амалиётида юзага келувчи кўп сонли низолар мавжуд бўлиши лозим.

Халқаро юридик тафаккур илгари сурган нуқтаи назарга кўра, ҳозирги замон *lex mercatoria* тикланган ўрта асрлар савдо ҳуқуқини ўзида ифодалайди<sup>9</sup>. Ҳозирги замон *lex mercatoria* назариясида баъзан унинг ўтмишдоши (*medieval lex mercatoria*) ҳақидаги тасаввурлар ҳам акс этади: аксарият олимлар тартибга солиш воситалари нодавлат хусусиятига эга эканлигига эътиборни қаратадилар. Бизнингча, бу тасодифий бир ҳол эмас. Зотан замирида давлат амри ётувчи тартибга солиш воситаларининг мазмуни бошқача категориялар ёрдамида ёритилади (бу ерда ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилади). Шундай қилиб, уларни *lex mercatoria* мазмунига киритиш шунинг учун ҳам асоссизки, бунда очиқ-ойдин такрорлаш кузатилади (яъни айтиш мумкин, бир ҳодисалар ҳам миллий ҳуқуқ, ҳам *lex mercatoria* таркибига кирилади). Янги "*lex mercatoria*"нинг пайдо бўлиши айнан ўз табиатига кўра бутунлай янги тартибга солиш воситалари етарли микдорда пайдо бўлгани билан белгиланади.

*Lex mercatoria* манбалари сифатидаги тамойиллар ҳақидаги тасаввурларни ривожлантириш жараёнига Трансмиллий ҳуқуқ бўйича марказ (CENTRAL) деган ном остида машҳур бўлган олимлар гуруҳи алоҳида ҳисса қўшган. Мазкур гуруҳ томонидан мазкур тамойиллар рўйхати ишлаб чиқилган ва ҳар бир тамойилнинг умумий талқини таклиф этилган. Шунинг қайд этиш лозимки, бу иш назария даражасида қолиб кетгани йўқ ва амалда қўлланилган. Бунга ёрқин мисоллардан бири сифатида Эрон ва АҚШ ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш бўйича суд (матнда кейинги ўринларда суд деб юритилади) фаолиятини келтириш мумкин. Мазкур суд Эрон ва

<sup>9</sup> Шунинг таъкидлаш лозимки, мазкур масалага нисбатан таъкидий ёндашув ҳам мавжуд. Чунинчи, мақолада (Mangels A., Volckert O. Aretherootsof the modern "lex mercatoria" really medieval? // Southern Economic Journal. 1999. № 1/1) *lex mercatoria* тарихига бундай нуқтаи назардан ёндашишнинг тўғрилиги шубҳа остига олинмади. Муаллифлар ўрта асрлар савдо ҳуқуқини ахлит тизим сифатида тасаввур қилиш уни бўрттириб кўрсатишдан бошқа нарса эмаслигини, чунки аслида у фақат умумий хусусиятга эга бўлган тарқок қондаларни ёки тижоратчиларнинг ўз-ўзини мудофла қилишга қаратилган бирлашмасини ўзида ифодаланиши таъкидлайдилар.

АҚШ резидентлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш учун тузилган алоҳида орган ҳисобланади. Ўз фаолиятида суд кўпинча шартномаларда мустаҳкамланган қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги изоҳларни рад этган ва низони умумий тамойилларга мувофиқ, масалан, енгилмас куч ҳолатлари амал қилгани туфайли жавобгарликдан озод қилиш тамойилини, асоссиз бойиш юз берган ҳолда зарарни қоплаш тамойилини, тарафларнинг хулқ-атворини инобатга олиш тамойилини қўллаш йўли билан ҳал этган. Шундай қилиб, муайян ҳуқуқни қўлловчи орган мазкур тамойилларга норматив амрнома кучини берган<sup>10</sup>. Юқорида зикр этилган тамойиллар “куйдан” туриб амалга оширилган норма ижодкорлиги махсулидир. Халқаро савдонинг ривожланишига қараб ҳам хусусий масалаларга тааллуқли бўлган муайян қоидалар (масалан, тадбиркорлик фаолиятининг муайян соҳасида иш муомаласи одатлари, товар етказиб беришнинг асосий шартлари ва ҳ.к.), ҳам умумий хусусиятга эга бўлган қоидалар, яъни тамойилларнинг шаклланиши юз берган ва юз бермоқда.

Тамойилларни ҳуқуқий расмийлаштириш жараёнида уларнинг айримлари норматив даражада расман мустаҳкамланган (масалан, 1980 йилги “Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Вена конвенциясида мустаҳкамланган инсофлилик тамойили). Шундай қилиб, илгари давлат иштирокисиз мустаҳкамланган баъзи бир тамойиллар бугунги кунда ўз мақомини ўзгартирмоқда ва ҳуқуқ нормасига айланмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, муайян тамойил норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг даражасидан (миллий ёки халқаро) қатъи назар, мустаҳкамланган ва у мазкур ҳужжатга мувофиқ қўлланилган ҳолда унинг халқаро хусусий ҳуқуқга мансублиги тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади. Бевосита ҳуқуқий мустаҳкамлаш мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам тамойил муносабатларни халқаро тижорат арбитражи томонидан тартибга солиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин, лекин бу ҳолда у муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан легитимлаштирилмайди, балки ноҳуқуқий восита (бошқача ижтимоий тартибга солиш воситаси) – *lex mercatoria* сифатида амал қилади.

Халқаро савдо муносабатларини тартибга солишда ва уларнинг манбаси ҳисобланадиган халқаро савдо одатлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан мамлакатлар томонидан халқаро савдо, айниқса, денгиз

<sup>10</sup> Brunetti M. The Lex Mercatoria in Practice: The Experience of the Iran – United States Claims Tribunal // Arbitration International. –2002. – № 4.



орқали савдо соҳаларида кенг миқёсда фойдаланилади. Халқаро тижорат арбитраж судларида содир бўлган низоларни хал қилишда мавжуд савдо одатлари ҳисобга олинади.

Халқаро одатнинг табиати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро судининг статуси, яъни мақомининг 38-моддасида ўз ифодасини топади. БМТ Уставининг ажралмас қисми бўлган ушбу ҳужжатда халқаро одат амалиётда синовдан ўтган ва ҳуқуқ нормаси сифатида умум эътироф этилган қоида сифатида тавсифланади.

Давлатлар ўртасида мазмуни ва шакли жиҳатдан бир хил бўлган муносабатнинг кўп йиллар давомида доимо такрорланиб туриши натижасида одатга айланган ҳаракатлар, шартлар юзага келиб чиқиши ва уларга риоя қилиш ҳам анъанага айланиб қолади.

Савдо соҳасидаги одатларнинг ташкил топишида тадбиркор хатти-ҳаракати, уларнинг ёзилмаган қоидаларга амал қилиш учун билдирган хоҳиш ва ҳаракатлари биринчи ўринда туради. Одат қоидаларини вужудга келтиришда давлат томонидан тан олинган ва тасдиқланган суд, арбитраж амалиёти, шунингдек одат нормаларини норасмий равишда кодификация қилувчи халқаро нодавлат ташкилотларининг фаол ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Улар томонидан тайёрланган ва ихтиёрий аҳамиятга эга бўлган қоидалар тўплами, агар уларга шартномада ҳавола қилинган бўлса, тарафлар томонидан қўлланилади.

Халқаро савдо соҳасида кенг қўлланиладиган савдо муомаласи одатлари сифатида ИНКОТЕРМС қоидаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**ИНКОТЕРМС (International Commercial Terms – INCOTERMS)** – халқаро савдо-сотиқ муносабатларида қўлланиладиган савдо атамалари ва уларга шарҳларни назарда тутувчи ҳужжатлар тўплами. Улар вақти-вақти билан тўлдирилиб, қайта кўриб чиқиб турилади.

ИНКОТЕРМС қоидалари Париждаги Халқаро савдо палатаси (ХСП) томонидан тайёрланган савдо атамаларини шарҳлашнинг халқаро қоидалари ҳисобланади. ИНКОТЕРМСнинг асосий мақсади халқаро савдоларда кўп учраб турадиган тамойилларни, ибораларни изоҳлаш йўли билан халқаро аҳамиятга эга бўлган тўпламни ишлаб чиқиш ва шу орқали тузиладиган шартномаларнинг одатда тан олинмаган шартларини аниқлаш ва уларни бажариш жараёнида тарафлар учун қулай имкониятлар яратишдан иборат.

Бугунги кунда ИНКОТЕРМС 2010 қоидалари амалда, лекин амалиётда аввал нашр этилган ИНКОТЕРМС қоидаларини қўллаш ҳам мумкин.

Етказиб беришнинг базис шартлари ИНКОТЕРМС 2010 халқаро қоидалари, шартноманинг икки томони (сотувчи ва харидор)нинг белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича йиғмаси асосида белгиланади.

ИНКОТЕРМС 2010 қоидаларининг айримларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин:

#### **“EXW (EX Works)” – “Франко завод”**

Бу шакл сотувчи олди-сотди шартномасига мувофиқ харидорга товар, тижорат ҳисобварақ – инвойси, шунингдек шартнома шартларига биноан талаб қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай товарнинг мувофиқлиги исботини тақдим қилишга мажбуриятини билдиради.

Сотувчи товарни харидор тасарруфига ўзининг биносида ёхуд бошқа келишилган жойда (яъни корхонада, омборда ва ҳ.к.) тақдим қилса, у ҳолда сотувчи етказиб беришни ҳам амалга оширади. Сотувчи товарни ҳар қандай транспортга юклаши шарт эмас, у шунингдек бундай ҳолат қўлланса, олиб чиқиш учун расмиятчиликни бажаришга ҳам мажбур эмас.

*Изоҳ:* томонларга етказиб бериш жойини ва ушбу пунктга ҳаражатлар ва хатарлар сотувчи зиммасида бўлишини аниқ белгилаш қатъий тавсия этилади. Харидор келишилган жойда товарни қабул қилиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар ва хатарларни кўтаради.

#### **“FCA - free carrier” – “Франко ташувчи”**

Сотувчи товарни харидорга ёки харидор ёллаган ташувчига ўз биносида ёхуд бошқа келишилган пунктда топширади.

*Изоҳ:* томонларга етказиб бериш жойини аниқ белгилаш тавсия этилади, чунки унда хатар харидорга ўтади. Харидор товарни етказиб бериш жойидан ташиш шартномасини ўзи тузади, шунингдек сотувчи ҳудудида (ёки бошқа олдиндан келишилган жойда) товарни қабул қилган пайтдан эътиборан товарнинг ярқисиз ҳолга келиши ва йўқолиши бўйича хатарларни ўзига олади.

## **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Халқаро савдо ҳуқуқи манбалари мазкур ҳуқуқ тизимини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқ манбаси ҳар бир ҳуқуқ

соҳасини тан олишда асосий мезон ҳисобланади. Халқаро савдо ҳуқуқи манбаларини ўрганишда “халқаро қонунчилик” ва “халқаро шартномалар” тушунчасига дуч келамиз. Халқаро қонунчилик ҳамда халқаро шартномалар халқаро доирада тан олинган тамойиллар асосида қабул қилинади. Шу ўринда талаба қуйидаги саволга жавоб бериши лозим, яъни халқаро нормаларнинг миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлиги тамойили деганда нима тушунилади?

2. Халқаро шартномаларда акс эттириш йўли билан бир нечта давлат ёки давлатлар гуруҳи ҳудуди доирасида бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши ўзаро келишиб олинган тушунчалар унификациялашган қондалар сифатида халқаро савдо ҳуқуқида тан олинади. Талаба юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги саволга жавоб бериши талаб этилади. Яъни халқаро савдо ҳуқуқида унификациялаш деганда нима назарда тутилади ва унификациялаш усулларини (методлари) ёритиб беринг.

3. Ўзбекистон Республикаси ташкилоти ва Англия компанияси ўртасида тузилган олди-сотди шартномасида тарафлар шартномага нисбатан қўлланиладиган қонун деб шартнома тузилган жой қонунини белгилайдилар. Шартнома факс орқали тузилган бўлиб, Англия компанияси оферент сифатида, ўзбек ташкилоти эса акцептант сифатида иштирок этган. Шартномани ижро этиш пайтида тарафлар ўртасида низо келиб чиқади ва ўзбек ташкилоти даъво аризаси билан Ўзбекистон Республикаси судига мурожаат қилади.

*Савол: Англия қонунчилиги бўйича шартнома тузилган жой қонуни сифатида акцепт жўнатилган жой қонуни қўлланилишини инobatга олган ҳолда ушбу масалага нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш кераклигини аниқланг.*

4. Ўзбекистон Республикаси Хитой Халқ Республикаси билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома, шунингдек Монголия давлати билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузади. Бу шартномаларни тузиш эса, ўз навбатида, ушбу давлатлар субъектлари ўртасидаги савдо алоқаларининг янада ривожланишига сабаб бўлди.

*Савол: Бундай шартномаларнинг халқаро савдо ҳуқуқини ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатиб ўтинг.*

### III БОБ. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Халқаро савдо ҳуқуқи субъектларига умумий тавсиф. Халқаро савдо ҳуқуқи субъекти сифатида юридик шахслар. Юридик шахснинг “миллатини” аниқлаш муаммосига доир ёндашувлар. Халқаро савдо ҳуқуқида трансмиллий компанияларнинг ҳуқуқий мақоми. Халқаро савдо ҳуқуқи субъекти сифатида давлат. Халқаро савдо ҳуқуқида “хусусий тадбиркор” тушунчаси. Хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатга эгаллигини тан олиш шартлари.

#### Халқаро савдо ҳуқуқи субъектларига умумий тавсиф

Халқаро савдода иштирок этиш, яъни халқаро савдо субъектлари фаолияти, мамлакатлар ўртасидаги товар ва хизматлар айирбошлаш кўламини оширади, бунинг натижасида мамлакатда мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ошади, аҳоли эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади, жаҳонда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг фан-техника имкониятлари ривожланади, маданий алоқалар кенгаяди.

Халқаро савдо муомаласининг субъектлари у ёки бу давлатнинг фуқаролик (савдо) ҳуқуқи субъектларидан жуда кам миқдордаги белгилари билан фарқ қилади, чунки шахс (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган) ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ шартномалар туза олиш ҳуқуқини қўлга киритиши, кўпчилик давлатларда автоматик тарзда халқаро савдо муомаласида ҳам шарномалар тузиш ҳуқуқини вужудга келтиради.

Бу масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, маълум бир давлатнинг ҳуқуқига мувофиқ субъектларнинг турли хил эканлиги уларнинг ХСҲда ҳуқуқий мақомини (ХСҲ субъектларининг ҳуқуқий мақоми) белгилашга доир муаммоларни вужудга келтиради. ХСҲ субъектларининг ҳуқуқий мақомини аниқлашнинг амалий зарурати шундаки, мазкур масалани ҳал қилмасдан туриб шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати доирасини (яъни унинг халқаро савдо муомаласида шартномалар тузиш ҳуқуқи), ваколатли органнинг шартнома тузиши ва бошқа бир қатор масалаларни аниқлашнинг имкони бўлмайди.

Умуман олганда, ХСҲда халқаро савдо субъектларини доирасини махсус тартибга солиш қоидалари мавжуд эмас. Бу субъектларнинг ҳуқуқ лаёқати ўзларининг миллий қонунчилиги билан тартибга солиниши билан тавсифланади. Шу билан бирга,

хўжалик юритувчи субъектларга оид миллий қонун ҳужжатларини унификация қилишга қаратилган ҳудудий ташкилотларнинг бир қатор ҳужжатларини ҳам учратиш мумкин (Масалан, ЕИда мазкур масалага қаратилган бир қатор декретлар мавжуд).

Шунингдек, бевосита ХСХнинг субъектларига оид халқаро шартномалар ҳам мавжуд, бироқ уларнинг маълум бир қисми шу соҳага алоқадорлиги билан характерланиб, айримлари амал қилмайди ёки амал қилиши чекланган ҳисобланади. Мисол тариқасида, 1968 йилдаги “Ўзаро компания ва юридик шахсларни тан олиш тўғрисида”ги Брюссель конвенцияси ҳозирги кунгача давлатлар томонидан қабул қилинмаганлигини келтиришимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда МДХ доирасида ҳам келишувлар мавжуд:

– “Трансмиллий корпорациялар тўғрисида”ги Конвенция (1998 йил);

– “Тижорат, суғурта, молиявий-кредит ва аралаш трансмиллий бирлашмаларида ташкил этиш фаолияти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида”ги конвенция (1994 йил);

– “Молиявий саноат гуруҳларини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Беларусия Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасидаги келишув (1995 йил).

Халқаро савдо муомаласида қатнашувчи субъектларнинг доираси миллий қонунчилик воситасида белгиланиши туфайли уларнинг рўйхати жуда кенг бўлиб, барча турларини мазкур курсда санаб ўтиш қийин.

Шу билан бирга, жаҳондаги асосий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш у ёки бу хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилсада, кўпчилик давлатлар миллий қонунчилигида учрайдиган қуйидаги турларини кўрсатиш имконини беради:

– хусусий тадбиркорлик;

– юридик шахслар;

– чет эл ҳукукига кўра юридик шахс ҳисобланмайдиган ташкилотлар;

– халқаро характерга эга бўлган юридик шахслар (трансмиллий корпорациялар);

– давлат;

– халқаро ташкилотлар.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган ташкилий-ҳукукий тадбиркорлик шакллари амалда халқаро савдо эҳтиёжлари туфайли юзага келган.

Халқаро савдо муомаласида, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари умумий иқтисодий мақсадли бирлашмалар, трансмиллий корпорациялар, бевосита давлатнинг ўзи ва давлат мулкчилигига асосланган бошқа субъектлар ҳам иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда хўжалик фаолияти ва тадбиркорликка оид бошқа қонунларда назарда тутилган турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар белгиланган тартибда халқаро савдо муомаласининг субъектлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, давлат монополияси ўрнатилган муайян товарлар юзасидан халқаро савдо муносабатларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган ташқи савдо компаниялари иштирок этиши белгилаб қўйилган. Уларга қуйида батафсил тўхталамиз.

### **Хусусий тадбиркорлар (савдогарлар)**

Кўпчилик давлатлар қонунчилигида савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг мажбурий тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиши белгиланган.

Тадбиркорлик фаолиятининг амалга ошираётган жисмоний шахснинг лаёқати, яққа тадбиркор бўлиши ва шу билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлиши унинг шахсий қонуни билан белгиланади.

**Хусусий тадбиркор ёки савдогар, тижоратчи** (АҚШда – individual proprietorship, Англияда – sole proprietor, Германияда – Kaufmann) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг энг биринчи тарихий шаклидир.

Савдогарлар (яъни ўз номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар) инсониятнинг узок тарихи давомида амалда ягона савдо субъектлари бўлиб келганлар.

Бунинг устига ўрта асрлар даврида савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига фақат савдогарлар табақасининг аъзолари эга бўлганлар, бироқ капитализм ривожланиши билан ушбу ҳуқуқ барчага берилган. Шу билан бирга, кўпгина Европа давлатларининг қонунларида жисмоний шахс (МДХ мамлакатларининг кўпчилигида ўз фаолиятини юридик шахс ташкил қилмай туриб амалга оширувчи тадбиркор) савдо фаолияти билан шуғулланиши учун уни савдо рўйхатида (реестрида) қайд этиш талаб этилади. АҚШ қонунларида

эса бундай талаб қўйилмаган. Уларда бундай шахс лицензия олиниши керак бўлган фаолият билан шуғулланишни ёки жисмоний шахс фамилиясидан фарқ қилувчи фирма номи остида савдо муомаласида қатнашишни режалаштирган тақдирдагина рўйхатга туриш мажбурияти белгиланган.

Бундай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда ҳуқуқнинг янги субъекти юзага келмаганлиги сабабли, халқаро савдо муомаласидаги битим бўйича ҳуқуқ ва бурчларни жисмоний шахснинг ўзи олади, бинобарин, хусусий тадбиркор (савдогар, тижоратчи) ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми ҳам жисмоний шахс ҳуқуқий лаёқатининг ушбу шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жойдаги миллий қонун ҳужжатларининг нормалари билан белгиланган ҳажмига мос келади.

Тадбиркор сифатида қайд этилмаган жисмоний шахснинг тадбиркорлик битими тузиши ёхуд шахснинг тадбиркорлик реестрида қайд этилган тадбиркорлик фаолияти доирасидан чиқувчи битим тузиши битимнинг ҳақиқийлигига таъсир этадими, деган масала анча мураккаб масаладир. Кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилиги бундай битимлар тузганлик учун турли хил (маъмурий, солиққа оид, жиноий ва бошқ.) жавобгарлик белгилаганлигига қарамай, мазкур шахс ўз ҳуқуқий лаёқатини ошириб юбориши натижасида тузган бундай битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисобламайди (чунки кўпгина давлатлар доктринаси жисмоний шахснинг умумий ҳуқуқий лаёқатга эгаллиги принциpigа асосланади).

Европадаги кўпгина давлатларнинг қонунларида тадбиркорларнинг савдо реестрида қайд этилишига доир талаб белгиланган бўлиб, тадбиркор фирмаси (савдо номи)ни ҳам қайд этиш зарурлиги кўрсатилган. Қоида тариқасида, фирма тадбиркорнинг ўзини кўрсатувчи (яъни унинг фамилиясини ўз ичига олган), шунингдек у амалга оширадиган фаолият турини ифодаловчи номга эга бўлиши керак (масалан, К.Шмидт. Улгуржи савдо). Шундай қилиб, фирма номида фақат фамилия ва амалга ошириладиган фаолият тури кўрсатилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг бошқа шаклини ифодаловчи ўзга қисқартмалар бўлмаса, кўпинча бу тадбиркорлик фаолиятини жисмоний шахс амалга ошираётганидан далолат беради.

## **Ёдда тутинг!**

Хусусий тадбиркор (савдогар, тижоратчи) номидан битим тузиш ҳуқуқига фақат тижоратчининг ўзи эга бўлади. Бунда унинг мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи, айтишлик, акционерлик жамияти директорининг ҳуқуқлари каби чекланиши мумкин эмас. Тадбиркор номидан тузилган битимни муносиб шахс амалга оширганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун уни тадбиркорнинг ўзи имзолаганлигига ишонч ҳосил қилиш етарли.

Хусусий тадбиркорнинг корхонаси етарлича катта бўлса, савдо реестрига прокуристлар, яъни махсус ваколатларсиз ушбу тадбиркор номидан битимлар тузишга ҳақли бўлган шахслар ҳақида ҳам маълумотлар киритилади.

Бошқа барча шахслар хусусий тадбиркор номидан фақат ишончнома асосида битим тузишга ҳақлидирлар. Бунда айрим давлатлар (масалан, МДҲ мамлакатлари) қонунларида жисмоний шахс номидан ишончнома беришда уни нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилади.

Хусусий тадбиркор билан битим тузиш фойдалилигини кўрсатувчи муҳим жиҳат ушбу шахснинг ўз мажбуриятлари бўйича чексиз масъулиятга эгалигидир. Ҳатто шахснинг кейинчалик савдо реестридан чиқарилиши (масалан, тадбиркорнинг аризаси бўйича) факти ҳам у тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қабул қилган мажбуриятлар тўхтатилишига олиб келмайди.

## **Юридик шахсларнинг айрим турлари**

### **Тўлиқ ширкат**

Тўлиқ ширкат худди жисмоний шахс амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти каби савдо фаолиятини амалга оширишнинг анча қадимий шакли ҳисобланади. Савдонинг, айниқса, хорижий савдонинг ривожланиши савдогарлардан савдо операцияларини амалга ошириш учун ҳам маблағларини, ҳам шахсий кучларини бирлаштиришни талаб қилган. Шу боис ширкат бирлашмаларининг дастлабки шакллари қадимги Римдаёқ маълум бўлган замонавий тўлиқ ширкатнинг жиҳатларига эга бўлган, илк ширкатлар эса тахминан XII асрнинг биринчи ярмида Венеция ва Генуяда савдо компанияси номи билан пайдо бўлган (савдо компаниялари XIII асрдан бошлаб кенг тарқала бошлаган). Кейинчалик янги савдо жамиятлари ва ширкатлари пайдо бўлиши билан тўлиқ ширкатга нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам аъзо бўлиб кирган.



Шундай қилиб, **тўлиқ ширкат** деганда кўпчилик мамлакатлар қонунларида бир фирма асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар бирлашмаси тушунилади<sup>11</sup>.

### **Маълумот учун !**

Европа давлатларининг қонунларида тўлиқ ширкатни савдо реестрида қайд этиш талаби белгиланган. Англия ҳуқуқида ширкатни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди, АҚШда эса ширкат шартнома имзоланган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва қонунда белгиланган айрим ҳоллардагина қайд этилиши талаб этилади.

Кўпгина давлатларнинг ҳозирги қонунларида тўлиқ ширкатлар савдо муомаласининг субъектлари эканлигига (яъни тўлиқ ширкат ўз фирмаси номидан битимлар тузишга, шунингдек судларда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли эканлигига) қарамай, уларга юридик шахс ҳуқуқини бермайди. Шу билан бирга, Франция ҳамда унинг хусусий ҳуқуқи тизимига кирувчи давлатлар, шунингдек Россия ҳуқуқига кўра тўлиқ ширкатлар юридик шахслардир.

### **Ёдда тутинг!**

Тўлиқ ширкатнинг хўжалик жамиятларидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳати шундаки, тўлиқ ширкатда юридик шахсларга хос бўлган ички ташкилот (бошқарув органлари тизими) бўлмайди. Бошқарув органлари (аввало, битимлар тузиш мақсадида тўлиқ ширкат номидан вакиллик қилиш) функцияларини бир ёки бир неча шериклар бажаради.

Хусусий тадбиркор (савдогар, тижоратчи) савдо фаолиятини амалга оширгандаги каби тўлиқ ширкат шериклари ширкат мажбуриятлари бўйича чексиз биргаликдаги (солидар) жавобгарликка эга бўлгани туфайли ушбу шакл бугунги кунда халқаро савдода кенг тарқалмаган. Тўлиқ ширкат шакли қўлланилганини учратиш мумкин бўлган ягона соҳа катта инвестиция лойиҳаларини кредитлаш учун ташкил қилинган банк бирлашмалари ёки катта объектларни қуриш учун яратиладиган қурилиш консорциумлари ёхуд суғурта

<sup>11</sup> АҚШ қонунларида юридик шахс ташкил этмай туриб тадбиркорлик билан шугулланишнинг ширкат (шериклик) қондалари асосида фаолият юрғатадиган joint venture ҳамда аъзолари ўз иштирокнинг акциялар билан тасдиқлайдиган ва аслида, шерикларнинг маъсулияти чекланган ширкатидан иборат бўлган joint stock (or company) деган шакли мавжуд.

ташкilotларидан иборат. Бундан ташқари, тўлиқ ширкатлар юридик шахс деб ҳисобланмайдиган мамлакатларда тўлиқ ширкат шаклидан солиқ юкини камайтириш мақсадида ҳам фойдаланилади, чунки тўлиқ ширкат “корпоратив” солиқлардан, аввало, фойда солиғидан озод қилинади, зеро тўлиқ ширкатнинг фойдаси шериклар фойдаси деб ҳисобланмайди ва шерикларнинг ўзлари солиққа тортилади.

### **Маълумот учун!**

Тўлиқ ширкатнинг савдо реестрида қайд этилиши талаб этиладиган мамлакатларда фирма номига барча шерикларнинг исмини, шунингдек уларнинг фаолият соҳаси (предмети)ни киритиш талаби мавжуд. Масалан, “Гольдшмидт ва Крамер. Автомобиллар прокати”.

### **Коммандит ширкат**

Коммандит ширкат тўлиқ ширкатларга қараганда бироз илгарирок, Фарбий Европанинг феодал муносабатларга ўтиши ва халқаро савдо муомаласининг, шу билан бирга, соф хусусий хўжалик мақсадларини кўзловчи ихтиёрий ширкатларнинг юзага келиши билан пайдо бўлган. Коммандит ширкатлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 976 йил (Венеция)га тааллуқли, бироқ коммандит ширкатлар XII асрга келибгина кенг тарқалди. Айнан Италиянинг денгиз бўйидаги шаҳарларида ушбу даврда денгиз орқали савдо қилувчи савдогарларнинг бирлашмалари кўпинча “коменда” – Венецияда у “колленца” деб номланган – шаклида намоён бўлган. Савдо фаолиятининг ушбу шакли турли хил ижтимоий гуруҳларга халқаро денгиз савдосида савдогарларга пул (мол) бериш орқали қатнашиш, бунда ушбу фаолиятдан катта фойда олиб, айна пайтда саёҳатларнинг қийинчиликлари ва хавфларидан фориғ бўлиш имконига эга бўлганлар.

### **Маълумот учун!**

Ҳозирги вақтда кўпгина давлатларнинг қонунларида коммандит ширкат деганда, ўз фирмаси орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзи қўшган улуш доирасида масъулиятга эга бўлувчи шериклар билан бир қаторда ширкат мажбуриятлари бўйича чексиз масъулиятга эга бўладиган лоқал битта шерик (тўлиқ шерик) мавжуд бўладиган ширкат тушунилади.

Коммандит ширкатлар савдо реестрида қайд этилиши керак. Масъулияти чекланган шерикчиликни қайд этиш талаби (тўлиқ

ширкатдан фарқли равишда) Англия ва АҚШ қонунларида белгиланган. Англия қонунларига кўра ушбу талабга риоя этмаслик масъулияти чекланган шерикларнинг масъулиятини чеклаш ҳақидаги қонданинг қўлланилмаслигига олиб келади.

Тўлиқ ширкатлар каби коммандит ширкатлар кўпгина давлатларнинг қонунларида (Франция ва француз тизими давлатлари ҳамда Россия бундан мустасно) юридик шахслар деб тан олинмайди.

Коммандит ширкатда тўлиқ шерикнинг ҳуқуқий ҳолати тўлиқ ширкатдаги шерикнинг ҳуқуқий ҳолатидан амалда ҳеч бир фарқ қилмайди. Коммандитист эса тўлиқ шерикдан фарқли ўлароқ юқорида айтилганидек, ширкат ишлари бўйича вакиллик қилишга ҳақли эмас ва фақат ўзи кўшган улуш доирасида масъулиятга эга бўлади.

Коммандит ширкат фирмасининг номи тўлиқ шериклардан ақалли бирининг номини ва ширкат шаклини ифодалаши керак (масалан, Германияда “Гольдшмидт ва К<sup>о</sup>, КГ”). АҚШ қонунчилигига мувофиқ, масъулияти чекланган ширкатнинг номида “Limited Partnership” сўзлари бўлиши керак.

Тўлиқ ширкатдан фарқли равишда коммандит ширкат шакли халқаро савдода анча кенг қўлланилади, чунки у коммандитистнинг чекланган масъулиятидан ҳамда коммандит ширкат юридик шахс бўлмаганлиги туфайли бериладиган “корпоратив солиқлар” бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконини беради. Бунда ширкат иштирокчилари таркибига тўлиқ шерик сифатида масъулияти чекланган жамиятни кўшиш орқали тўлиқ шерикнинг чексиз масъулиятдан қутулиш мумкин бўлади.

### **Акциядорлик жамияти**

Акциядорлик жамияти капитални бирлаштириш шакли сифатида капитализм ривожланиши билан кенг тарқалди, чунки тўлиқ шериклардан нафақат маблағ қўшиш, балки ширкат ишларида шахсан иштирок этиш талаб этиладиган савдо ширкатларидан фарқли равишда акциядорлик жамиятида биринчи ўринга капитал чиқади. Айнан акциядорлик жамиятлари дастлабки тадбиркорлик бирлашмалари юридик шахслар бўлган.

### **Маълумот учун!**

Ҳозирги “акциядорлик жамияти” институтига мос келувчи тадбиркорлик бирлашмалари тахминан XIX аср ўрталарида юзага келган, қолбуки, акциядорлик жамиятларининг бевосита “аждоди” XVI-XVII асрлардаёқ халқаро денгиз (океан) савдоси ҳамда буюк жуғрофий кашфиётлар даврида очилган ҳудудларни мустамлака қилиш мақсадларида юзага келган мустамлакачи компаниялар бўлган.

**Акциядорлик жамияти** деганда (АҚШда – publicly held corporation, Англияда – public limited company with share capital, Германияда aktiengesellschaft, Францияда société anonyme), устав фонди улушларга бўлинган ва ушбу улушларига бўлган ҳуқуқ иштирокчиларига фойдадан ҳисса (дивидендлар) олиш, жамият тугатилган тақдирда мулкнинг бир қисмини олиш, шунингдек бошқарувда иштирок этиш (айрим имтиёзли акциялар турлари бундан мустасно) ҳуқуқи акциялар билан тасдиқланадиган хўжалик жамияти тушунилади.

### **Маълумот учун!**

Акциядорлик жамиятини билдирувчи инглизча термин сифатида кўпинча “joint-stock company” атамаси фойдаланилади, аммо бу унчалик тўғри эмас, чунки Англияда ушбу термин инглиз компанияларига нисбатан деярли қўлланилмайди. АҚШда эса юқорида кўрсатганимиздек, “joint-stock company” терминининг ўзи акциядорлари чексиз масъулиятга эга бўлмаган юридик шахсларнинг ҳуқуқларига эга бўлмаган тадбиркорлик бирлашмасини билдиради. Ҳозирги вақтда АҚШ ҳуқуқида ўзининг ташкилий шаклига кўра акционерлик жамиятига яқин бўлган тадбиркорлик ташкилотларига нисбатан “publicly-held corporation” терминидан фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятининг бошқа шаклларидаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлардан фарқ қилувчи жиҳати акцияларнинг, яъни иштирокчи акциядорлик жамиятининг устав фондида улушга эга эканлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғознинг мавжудлигидан иборат. Бироқ акцияларнинг мавжудлиги, масалан, айрим Европа давлатлари, хусусан, Франция қонунларида тартибга солинган акциядорлик коммандитига ҳам хосдир.

Одатда акционерлик жамиятларини ташкил қилиш тартибига акцияларга обуна бўлиш, шунингдек, акциядорлик жамиятининг ўзини, унинг акцияларини қимматбаҳо қоғоз сифатида қайд эттириш билан боғлиқ муайян қийинчиликлар хос.

Акциядорлик жамиятининг фирмаси юридик шахснинг ушбу турини кўрсатиб туриши керак. Кўпинча бу қонунда белгиланган қисқартмалар, масалан, Германияда – AG, Англияда – PLC, Франция, Италия ва (аббревиатуралар мос келиб қолганлиги туфайли) Польшада – S.A. шаклида бўлади.

Бошқарув (жумладан, ташки вакиллик) функцияларини тўлиқ шериклар амалга оширадиган тўлиқ ва коммандит ширкатлардан фарқли равишда акциядорлик жамиятида қуйидаги шаклларда бошқарув органлари тузилади:

– акциядорлик жамияти бошқарув органларининг уч бўғинли тизими, масалан, ГФРда бу акциядорлар йиғилиши, кузатув кенгаши, бошқарув;

– бошқарув органларининг икки бўғинли тизими, масалан, АҚШда бу акциядорлар йиғилиши ва директорлар кенгаши;

– акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжатларига қараб икки ёки уч бўғинли тизим (масалан, Россияда).

### **Маълумот учун!**

Одатда акциядорлар йиғилиши ва кузатув кенгаши (уч бўғинли бошқарув тизимида) акциядорлик жамияти ишлари бўйича унинг ташқарисида вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди ва бу функцияни ижро этувчи орган аъзолари бажарадилар: Англия ва АҚШда – директорлар кенгаши, Францияда – маъмурий кенгаш, ГФРда – бошқарувнинг вакиллари.

Акциядорлик жамиятлари бугунги кунда капитални бирлаштиришнинг энг афзал шакли бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Шу боис халқаро савдо муомаласида иштирок этувчи деярли барча йирик субъектлар акциядорлик жамиятларидир. Йирик трансмиллий корпорацияларнинг бош ташкилотлари доимо акциядорлик жамиятлари бўлади.

Шу билан бирга, акциядорлик жамияти шаклининг ўзи унинг тўловга қобиллиги ва ишончлилигининг кафолати бўлмайди, чунки ҳозирги замон қонунчилигининг тамойилини устав фондининг энг

кам миқдорини камайтириш ташкил этмоқда (АҚШнинг баъзи штатларидаги қонунларда устав капиталисиз корпорациялар ташкил қилинишига йўл қўйилади), шу боис акциядорлик жамияти нисбатан кичик капитал асосида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Устав капиталининг кам миқдорда бўлиши ва акциядорлари масъулиятининг чекланган бўлиши акциядорлик жамияти билан битим тузаётганда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатдир.

### **Масъулияти чекланган жамият**

Масъулияти чекланган жамият тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг анча янги шаклидир. Агар тадбиркорлик бирлашмаларининг бошқа шакллари савдо муомаласи амалиётида ишлаб чиқилган бўлса, хўжалик жамиятининг ушбу турини XIX аср охирларида немис юристлари сунъий равишда ишлаб чиққанлар. Ушбу шаклнинг яратилишини икки асосий сабаб билан асослаш мумкин. Биринчидан, XIX асрнинг 70-йилларида Германияда юз берган ва кўпчилик немис акционерлик жамиятларининг синишига олиб келган инқироз билан. Иккинчидан, Германия мустамлакаларини бўлиш жараёнида асосий мустамлака қилувчи давлатлардан қолишмаслик истаги билан. Бунинг учун мустамлака мамлакатларда уларнинг метрополияларга иқтисодий қарамлигини ўрнатиш (жумладан, Германияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш орқали) мақсадида пухта ўйланган савдо сиёсатини юритиш зарур бўлган. Тадбиркорлик бирлашмасининг тегишли шакли ҳам зарур бўлган, чунки акционерлик жамияти немис савдогарлар (тадбиркорлар)ини кониктирмаган. Чунки бунда савдогар акционерлик жамиятининг фаолиятдан ажралиб қолган, тўлиқ ширкатда эса лозим даражадаги капиталистик асос бўлмаган ва масъулият чекланмаган. Шу боис “акционерлик жамияти” институтини такомиллаштириш орқали барча соҳаларни қамраб олувчи капиталистик асос иштирокчиларнинг жамият фаолиятдан шахсий манфаатдорлиги акционерлик жамиятига нисбатан кўпроқ бўлган шакли билан уйғунлашган ҳуқуқий тузилма яратилди. Ушбу ҳуқуқий тузилмани германиялик тадбиркорлар кўллаб-қувватлаганлар ва у 1892 йил 20 апрелда қонун даржасида мустаҳкамланган.

## **Ёдда тутинг!**

Тадбиркорликнинг ушбу шакли тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун шунчалик қулай бўлиб чиққанки, бугунги кунда ҳам халқаро савдо субъектларининг каттагина қисми (айниқса, Европада) айнан масъулияти чекланган жамият сифатида ташкил қилинган.

**Масъулияти чекланган жамият** деганда устав фонди иштирокчиларига фойдадан ўз хиссасини (дивиденд), жамият тугатилган тақдирда эса мулкнинг бир қисмини олиш ҳамда бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи улушларга бўлинган хўжалик жамияти тушунилади. АҚШда масъулияти чекланган жамиятига яқин бўлган хўжалик юритиш шакли “ёпиқ корпорация” (closely-held corporation or close corporation), Англияда устав капиталга эга бўлган масъулияти чекланган хусусий компания (private unlimited company with share capital)дир.

Аслида масъулияти чекланган жамиятнинг акционерлик жамиятидан асосий фарқи қуйидагилардан иборат: масъулияти чекланган жамият иштирокчисида нафақат ҳуқуқлар, балки мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин, шунингдек масъулияти чекланган жамиятда унда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи акциялар бўлмайди. Масъулияти чекланган жамиятнинг акционерлик жамияти билан ўхшашлиги АҚШ ҳуқуқида сезиларлидир, чунки унда масъулияти чекланган жамиятининг ҳам, акционерлик жамиятларининг ҳам (ушбу терминларнинг европача тушунилишида) корпорацияларни тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш масалаларини тартибга солувчи айти бир қонунлар билан белгиланади.

**Хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатга эгаллигини тан олиш шартлари**

Давлатнинг хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқий лаёқатини тан олиши ушбу шахсларнинг мазкур давлатга мансуб субъектлар билан битимлар тузиши ва ушбу давлат ҳудудида фаолият кўрсатишларининг зарур шarti ҳисобланади.

Амалда барча давлатлар жисмоний шахсларга ўз фуқаролари билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини беради (сиёсий ҳуқуқлардан ташқари), аммо муайян турдаги битимлар тузилишида маълум бир қўшимча талаблар ва шартларни белгилайди. Бир марталик халқаро

савдо битимлари тузишда одатда қандайдир расмиятчиликларга риоя этиш талаб этилмайди. Аммо ушбу шахс тегишли давлат ҳудудида хўжалик фаолияти юритишни мўлжаллаётган бўлса, мавжуд миллий қонунларга кўра доимий яшаш ҳуқуқини олиши ҳамда тижоратчи сифатида рўйхатдан ўтиши талаб қилинади.

### **Маълумот учун!**

Айрим давлатларда (хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда) хорижий юридик шахс тан олиниши учун у рўйхатдан ўтган давлатнинг ўзида расмий тан олинган бўлиши лозим. Бунда агар биринчи босқич судлари хорижий юридик шахсни у ташкил топган давлат суверенитетини мазкур давлат тан олинмаганлигини сабаб қилиб кўрсатган ҳолда тан олишни рад этган бўлса, юқори босқич судлари бундай асосни қабул қилмаслиги мумкин. Чунки масалага бундай ёндашувни кўллаб-қувватлаш ҳуқуқий ноаниқликни, халқаро савдо муомаласида беқарорликни юзага келтирган бўлар эди.

Бошқа бир қатор давлатларда (масалан, Францияда) эса чет мамлакат юридик шахси ушбу мамлакат билан тузилган халқаро шартнома мавжуд бўлгандагина тан олиниши мумкин. Бунда икки томонламалик нафақат юридик шахсни тан олиш масаласига, балки ушбу турдаги юридик шахс ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми ҳар иккала давлатда мос келишига ҳам тааллуқли бўлади.

Халқаро савдо муомаласида бир давлатнинг юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида мустақил юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритишни режалаштирган ҳоллар тез-тез учраб туради. Бундай ҳолат кўпинча мазкур давлат миллий қонунчилиги билан махсус тартибга солинади. Ушбу ҳолларда хорижий шахслар ҳуқуқий лаёқатини тан олиш масаласини мазкур шахсни муайян давлат ҳудудидаги хўжалик фаолиятига қатнаштириш билан чалкаштириб юбормаслик лозим.

Англияда хорижий юридик шахсларнинг хўжалик фаолиятида қатнашиш масаласи компаниялар ҳақидаги қонун билан тартибга солинади. Бунда хорижий компания (Oversea company) деганда, Буюк Британия ҳудудларидан ташқарида юридик шахс мақомини олган компания тушунилади. АҚШда бундай юридик шахслар одатда “хорижий корпорациялар” (Foreign corporation) деб юритилади. Бунда “хорижий корпорация” тушунчаси нафақат АҚШдан ташқарида



юримдик шахс мақомини олган шахслар, балки АҚШнинг бошқа штатларида рўйхатдан ўтган юримдик шахсларни ҳам ўз ичига олади, чунки АҚШнинг ҳар бир штати корпорациялар тўғрисидаги ўз қонунига эга.

Германия Федератив Республикасида ушбу мамлакат ҳудудида хўжалик фаолияти юримтоқчи бўлаётган хорижий юримдик шахслар учун рухсат этишининг яхлит тизими назарда тутилади. Бундай юримдик шахс фаолият олиб бориши кутилаётган ўлка хўжалик вазирлигидан махсус рухсат олиши талаб этилади. Бунда рухсатноманинг ўзида фаолиятнинг муайян тури кўрсатилади, холос. Рухсатноманинг ўзи эса муддатли ёки шартли бўлиши мумкин. Агар хорижий давлатда Германияда ташкил этилган юримдик шахс тан олинмаган ёхуд хорижий юримдик шахснинг устав маблағи ГФРда белгиланган энг кам миқдордан паст бўлган тақдирда рухсат бериш рад этилиши мумкин.

Агар хорижий юримдик шахс ГФР ҳудудида ўз бўлимини очмоқчи бўлса, ушбу бўлинмани ГФР хўжалик жамиятлари ва ширкатлари учун белгиланган тартибда савдо реестрида кайд этиш керак бўлади.

Шу билан бирга, хорижий субъектни юримдик шахс сифатида тан олиш ва бошқа давлат ҳудудида хўжалик фаолияти билан шуғулланишига рухсат этиш эмас, балки унинг қайси давлатга тегишли эканлигини аниқлаш халқаро савдо муомаласига нисбатан анча мураккаб муаммо ҳисобланади, чунки барча давлатларнинг миллий қонунчилиги турли давлат субъектлари учун турлича қоидаларни назарда тутади. Энг аввало, бу божхона тўловларига (бож ва йиғимларга) тааллуқли бўлиб, турли давлатларга мансуб субъектларга нисбатан турли бож ставкалари қўлланилади. Бундан ташқари, юримдик шахснинг давлати ҳақидаги қоидалар айна пайтда халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар билан боғланувчи бўғин вазифасини ҳам бажаради ва унинг воситасида юримдик шахснинг ҳуқуқий лаёқатини белгилашда қайси ҳуқуқ қўлланилишини ҳам ҳал этади. Ҳозирги пайтда юримдик шахснинг қайси давлатга тегишлилигини аниқлаш муаммоси бўйича уч хил асосий ёндашув мавжуд.

**Халқаро савдо муомаласи субъектларининг бошқа турлари**  
**Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси.** Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ҳуқуқ

субъектларини бирхиллаштиришга интилиш умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмасининг (фр. *groupement d'interet economique*) ташкил қилинишга олиб келди.

Юридик шахснинг ушбу турига иқтисодий манфаатларга асосланган Франция бирлашмаси омил бўлди. Франция қонунларига мувофиқ, иқтисодий манфаатларга асосланган бирлашма деганда икки ёки ундан ортиқ жисмоний ёки юридик шахснинг иштирокчилари иқтисодий фаолиятига ёрдам бериш ёхуд ушбу фаолият натижаларини кўпайтириш ёки яхшилаш учун барча имкониятдаги усуллардан фойдаланиш мақсадида муайян муддатга тузиладиган бирлашмаси тушунилади.

Ушбу бирлашма савдо жамиятлари ва ширкатларининг бошқа шаклларида фойда олиш мақсадида эмас, балки иштирокчилари учун бошқа иқтисодий натижаларга эришиш, масалан, янги технологияларни ишлаб чиқиш, хом ашё сотиб олиш каби мақсадларда тузилиши билан фарқ қилади.

Халқаро савдо муомаласи субъектларининг ушбу шакли Европа Ҳамжамиятларида Европа Иқтисодий Иттифоқи кенгашининг Рим шартномаси 253-моддаси асосида қабул қилинган 1985 йил 31 июль қарори билан қонунлаштирилган.

Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмасининг таъсисчилари ЕИ иштирокчилари бўлган давлатлар ҳудудида жойлашган (яшайдиган) юридик ва жисмоний шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси ЕИ иштирокчиси бўлган давлатларнинг қайси бирида расмий адресга эга бўлса, ўшанисида қайд этилиши керак.

Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси юридик шахсдир, аммо у устав фонди билан ҳам, устав фондсиз ҳам ташкил этилиши мумкин. Бирлашма таъсисчилари унинг мажбуриятлари бўйича қўшимча биргаликдаги (солидар) масъулиятга эга бўладилар.

### **Трансмиллий бирлашмалар**

Трансмиллий бирлашмалар улар таркибига кировчи субъектларнинг ривожланган тармоғи мавжудлиги, шунингдек улар эга бўлган катта капитал туфайли ҳозирги замон халқаро савдосида муҳим ўрин тутаяди. Ўйрик трансмиллий бирлашмалар бутун бошли минтақаларнинг иқтисодий сиёсатида таъсир кўрсатади, ҳукуматлар

билан шартномалар тузади, шу боис айрим муаллифлар ушбу бирлашмаларни халқаро хусусий ҳуқуқ субъектларига киритишга мойилдирлар.

### Ёдда тутинг!

Трансмиллий бирлашма ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра турли давлатлар юрисдикциясида бўлган, юридик жиҳатдан мустақил, бироқ иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган ва одатда биттаси бошқаларини бошқариш орқали назорат қиладиган тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг гуруҳи (иқтисодий бирлашмаси)дир.

Мазкур назорат трансмиллий бирлашмага кирувчи ҳар бир юридик шахснинг олий бошқарув органи устидан назоратни қўлга киритиш (олиш) орқали амалга оширилади. Бунга юридик шахсда олий бошқарув органининг қарорини қабул қилиш ёки рад этиш учун етарли бўлган ҳиссага эгалик орқали ҳамда билвосита назорат ёхуд бошқарув (тобелик) шартномаси тузиш орқали ёки назоратнинг ўзга шаклларига мувофиқ бошқа йўллар билан эришилади.

Бундан ташқари, трансмиллий бирлашма иштирокчилари бир-бирларига уларнинг олий бошқарув органларини назорат қилиш, агар гуруҳ иштирокчиларининг ҳаракатларида бирдамлик кузатилса, билвосита биргаликда иштирок этиш орқали ўзаро таъсир кўрсатувчи юридик шахслар гуруҳидир.

Бунда турли давлатларнинг қонунлари ва доктриналарида ушбу ҳодисани таърифлаш учун “холдинг”, “хўжалик бирлашмаси” (“компаниялар бирлашмаси”, “жамиятлар бирлашмаси”); “хўжалик гуруҳи”; “концерн”; “жамиятлар тизими”; “бир-бирига боғлиқ корхоналар (турдош корхоналар)”; “конгломерат”, “ташкилотлар ташкилоти”, (“жамиятлар жамияти”, “ширкатлар ширкати”, “иккинчи гуруҳ ширкатлари”) ҳамда “шўъба жамият, ширкат, корпорация”, “филиал”; “устунлик қилувчи ва қарам субъект” (инглиз тилида бош ва тобе субъектга нисбатан “holding company” ёки “subsidiary”, француз тилида – “societe-mere” ёки “filiale”, немис тилида – “muttengesellschaft” ёки “tochtergesellschaft”) терминларидан фойдаланилади.

Айрим давлатлар қонунчилигидан мисол келтирамиз.

Францияда ва Европанинг бир қатор бошқа давлатларида “филиал” терминдан фойдаланилади. Франциянинг савдо ширкатлари тўғрисидаги қонунда акцияларининг 50% дан ортиғи бошқа жамият (ширкат)га тегишли бўлган жамият (ширкат) – филиал деб аталади. Агар бошқа жамият акцияларининг 10% дан 50% гача эгалик қилса, бу ҳолат бир жамиятнинг бошқасида иштирок этиши деб тан олинади.

Англиянинг “Компаниялар тўғрисида”ги 1985 йил қонунига кўра, “Она” компания иштирокида фаолият кўрсатадиган ва директорлар кенгашининг ташкил этилишини назорат қиладиган ёхуд барча акцияларнинг ярмидан ортиғига эгаллик қиладиган компания шўъба компания ҳисобланади.

АҚШда корпорация агар бошқа корпорация унга бевосита ёки билвосита эгаллик қилса, уни назорат қилса ёки 25% дан ортиқ овозларга эга бўлса ёхуд кўпчилик директорлар сайланишини назорат қилса ёки уни бошқаришга бевосита ёки билвосита назорат қилувчи таъсир кўрсатади деб эътироф этилса, бошқа корпорацияларнинг назоратида деб тан олинади.

Польша Республикасининг “Қимматбаҳо қозғалар ва ҳомийлик фондлари тўғрисида”ги 1991 йилги қонунда устунлик қилувчи ва тобе субъект кўрсатишган. Бунда устунлик қилувчи субъект деганда:

– бошқа шахснинг органида кўпчилик овозга эга бўлган (жумладан, бошқа шахслар билан шартнома асосида);

– бошқа шахснинг раҳбар органи бўлган органининг кўпчилик аъзоларини тайинлаш ёки чақириб олиш ҳуқуқига эга бўлган;

– тобе жамият идораси аъзоларининг ярмидан ортиғи айни пайтда устунлик қилувчи шахс ёки унга тобе бўлган шахс раҳбар органининг аъзоси бўлган шахс устунлик қилувчи субъект деб тушунилади.

Шундай қилиб, устунлик қилувчи шахсни таснифлаш учун нафақат бошқа шахснинг бошқарув органига бевосита кўрсатиш фактидан, балки устунлик қилувчи субъектга боғлиқ шахслар орқали билвосита таъсир кўрсатиш фактидан ҳам фойдаланилади.

**Холдинг асосан ҳуқуқнинг англо-америка тизимида хос бўлиб** (ҳолбуки, бошқа қонунчилик тизимларида ҳам холдинглар мавжуд), умуман иқтисодий бирлашмаларни ҳам, унинг асосий субъектини ҳам билдиради. Бош субъект бўлган холдинг кўпинча иқтисодий бирлашманинг молиявий маркази ва “мия”сидир, бунда ушбу субъектнинг ўзи одатда хўжалик фаолияти билан шуғулланмайди.

Субъектлар гуруҳини холдингга ажратиш учун иқтисодий бирлашма қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

– бош субъект бўлган холдинг гуруҳнинг бошқа иштирокчилари акцияларига эга бўлиши керак;

– бош субъект бўлган холдингга тегишли акциялар пакети гуруҳнинг бошқа иштирокчиларини назорат қилишга имкон бериши керак;

– холдинг назоратида бўлган гуруҳ иштирокчилари юридик жihatдан мустақил юридик шахслар бўлишлари керак.

Ҳозирги замон холдинги ҳақида гап кетганда одатда холдинг акцияларнинг фаол пакетида эга бўлмаслиги ҳам мумкинлиги, аммо гуруҳ иштирокчиларига ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши лозимлиги, масалан, абсентеизм йўли билан ҳар қандай қарорнинг қабул қилинишини тўхтатиб қўйиш имконига эга бўлиши кераклиги ҳақида гапирилади.

ГФР доктринасига мувофиқ, тобе корхоналарга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи устунлик қилувчи корхона бўлган тақдирда тобе ва ҳукмрон корхона биргаликда **концерн**ни ташкил қилади.

### Маълумот учун!

Германия Федератив Республикасининг қонун ҳужжатларида англо-америка тизимидан фарқли равишда, “ўзаро боғлиқ корхоналар (турдош корхоналар)”, “концерн” атамаларидан фойдаланилади. Бунда ГФРнинг акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда, “ўзаро боғлиқ корхоналар” ҳақида гап кетганда улар ҳуқуқий жиҳатдан мустақил субъектлар сифатида қаралади.

Концерн мустақил субъектларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг барча концерн аъзоларининг фаолиятига дахлдор қарор қабул қиладиган битта маркази бўлади. Қоида тариқасида қарор қабул қилиш функциясини концерннинг бозорда устун мавқега эга бўлган иштирокчиси бажаради. Концерн одатда устунлик қилувчи субъект ушбу бозорда фаолият кўрсатувчи бошқа субъектларда иштирок этишнинг назорат қилувчи ҳиссасига эга бўлиши оқибатида ташкил топади. Бу эса уни холдингга ўхшаш қилади.

Бундан ташқари, бўйсунуш шартномалари ёки бир корхонанинг бошқасига кириши тўғрисидаги шартномаларнинг томонлари ҳам концерн сифатида эътироф этилади. Ягона раҳбарият бирлаштирган бир-бирларидан мустақил корхоналар ҳам концерн сифатида қаралади. Бунда холдингдан фарқли равишда концерндаги бошқарувчи корхона кўпинча хўжалик фаолиятини амалга оширади.

Россияда трансмиллий бирлашмаларни ташкил қилишда молиявий-савдо гуруҳи шаклидан ҳам фойдаланиш мумкин. 1995 йил 30 ноябрда қабул қилинган Россия Федерациясининг федерал қонунда молиявий савдо гуруҳи дейилганда инвестицияга оид ҳамда бошқа лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун технологик ёки иқтисодий жиҳатдан бирлашиш мақсадида молиявий саноат гуруҳи ташкил қилиш ҳақидаги шартнома асосида асосий ва шўба жамият сифатида амал қилувчи ёхуд ўз мулкни, жумладан, мулкый ҳуқуқларини (иштирок этиш тизими) қисман бирлаштирган юридик шахслар мажмуи тушунилади.

## Бизнестраст

Бизнестраст бошқача қилиб Массачусетс трасти деб номланади. Бунинг сабаби шундаки, дастлаб ушбу шаклдан 1910 йилдан 1925 йилгача Массачусетс штатида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда, бенефициарларнинг чекланган масъулиятидан фойдаланиш ва кўчмас мулкни харид қилиш битимларида корпорациялар учун белгиланган чекловларни бартараф этишда фойдаланилган. Бизнестраст фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, яъни фойда олиш ва уни бенефициарлар ўртасида тақсимлаш мақсадида тузиладиган трастдир. Бунда бенефициарлар ҳуқуқлари, трастнинг бошқа турларидан фарқли равишда одатда траст сертификатлари деб номланадиган қимматбаҳо қоғозлар ёрдамида расмийлаштирилади.

### Маълумот учун!

АҚШда бизнестраст (ушбу шакл АҚШнинг барча штатларига ҳам хос эмас) корпорацияга бирлашмаган (инкорпорацияланмаган) ассоциация, яъни юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлмаган шахсларнинг бирлашмаси сифатида қаралади. Бироқ АҚШнинг айрим штатларида муайян мақсадлар учун бизнестраст корпорация (юридик шахс) сифатида қаралади.

Бизнестраст АҚШда тадбиркорлик бирлашмасини ташкил қилишнинг шартнома (ширкат, шерикчилик) ва юридик шахс (корпорация) билан бир қаторда турадиган учинчи асосий шакли ҳисобланади. Шу боис у мазкур шахсларга ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатларга эга. Бунда бизнестрастнинг тўлиқ ширкатдан асосий фарқи бенефициарларнинг траст мажбуриятлари бўйича чекланган масъулиятга эгалигидан иборат (яъни бенефициарлар, ширкатдаги шериклардан фарқли равишда траст мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар).

ГФР доктринасига мувофиқ, тобе корхоналарга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи устунлик қилувчи корхона бўлган тақдирда тобе ва ҳукмрон корхона биргаликда **концерн**ни ташкил қилади.

## **Ёдда тутинг!**

Бизнестраст ўзининг айрим белгилари (қимматбаҳо қоғозларнинг мавжудлиги, тадбиркорлик даромадини олувчи шахслар масъулиятининг чекланганлиги) бўйича бизнескорпорацияларга ҳам яқин туради. Бирок ушбу шакллар ўртасида жиддий фарқлар ҳам бор. Хусусан, корпорация ҳар доим рўйхатдан ўтказилиши керак, бизнестрастлар масаласида эса АҚШнинг айрим штатларидагина шундай талаблар қўйилган.

Корпорация юридик шахс бўлганлиги учун тузилган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга битимни тузган бошқарувчи эмас, корпорациянинг ўзи эга бўлади. Бизнестрастда эса тузилган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга корхона (бизнестраст) эмас, балки трасти эга бўлади.

Бирок ҳуқуқий табиати нуктаи назаридан бизнестраст ва корпорация кўп белгилари бўйича бир-биридан фарқ қилишига қарамай, амалда улар ташқи аломатлари бўйича ўхшаш кўринади. Чунки бизнестраст одатда ташқаридан қараганда акционерлар йиғилишига ўхшаш бўлган ўз органларини туза оладиган кўп сонли бенефициарларга эга бўлади. Йирик бизнестрастларда трасти томонида ташқаридан қараганда корпорацияларнинг директорлар кенгашига ўхшаш бўлган ўз бошқарув органини тузадиган шахслар одатда кўпчилик бўлади.

## **Халқаро савдо ҳуқуқи субъекти сифатида давлат**

Одатда давлат оммавий ҳуқуқ субъекти, яъни бошқа субъектларга нисбатан ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект сифатида қаралади. Бирок, шу билан бирга, давлат хусусий ҳуқуқ субъекти, яъни мулкӣ, бинобарин, савдо муносабатларига киришиши мумкин бўлган шахс сифатида ҳам қаралади. Шу муносабат билан халқаро соҳада ҳам давлат нафақат икки мустақил субъект сифатида бошқа давлатлар билан муносабатларга киришиши, балки бошқа субъектлар билан тенг асосларда савдода иштирок этиши ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти миллий хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, яъни бутун ҳудудига таъсир этганлиги сабабли, давлат унинг ҳудудидан ташқарида ҳокимият субъекти сифатида қаралиши мумкин эмас. Бирок бунда шаклланган халқаро одатларга кўра, давлат ўз суверенитетини йўқотмайди, бунинг натижасида

давлат савдо муносабатларида халқаро савдонинг бошқа субъектлари билан тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун у ўз иммунитетидан воз кечиши зарур. Чунки давлатнинг унинг худудидан ташқарида ҳам қисман сақланадиган суверенитети унинг розилигисиз уни бошқа давлатда судга тортиш имконини бермайди. Давлат унга нисбатан ҳам, халқаро савдо муомаласининг бошқа субъектига нисбатан ҳам иммунитетдан воз кечган тақдирда шахснинг субъектив ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай чоралар қўлланилиши мумкин. Амалиётда давлатлар иммунитетдан умуман воз кечмайдилар (халқаро оммавий ҳуқуқ принциплари асосида бунинг имкони ҳам йўқ), балки буни муайян битимлар тузиш чоғидагина қиладилар.

**Давлат халқаро савдода кўпинча куйидаги муносабатларнинг иштирокчиси сифатида қатнашади:**

– давлат қарзлари, жумладан, давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш орқали (чунки анъанага кўра, давлатлар маблағни нафақат ички манбалар, балки ташқи манбалар ҳисобидан ҳам жалб этадилар, бунинг устига ташқи қарзлар нафақат бошқа давлатлардан, балки хусусий субъектлар (масалан, банклар)дан ҳам олинади;

– давлатнинг ушбу давлат субъектларининг қарзлари бўйича кафолатлари (давлат ушбу давлатнинг субъектига берилган хусусий қарз бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаган тақдирда);

– инвестиция шартномалари (улар орқали ривожланаётган давлатлар айрим субъектларга махсус имтиёзлар ва афзалликлар бериш орқали ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун кўшимча маблағларни жалб қиладилар);

– товарларни халқаро олиш-сотиш шартномалари (одатда бу ташқи савдо монополияси жорий қилинган ёки ташқи савдо чекланган тақдирда юз беради).

Давлат халқаро савдо бўйича битимларга ўз органлари орқали киришади. Давлат қарзлари ёки кафолатлари масаласида бу ёки давлат ҳуқумати, ёхуд молия вазирлиги, ёки миллий (марказий) банк бўлади. Инвестиция шартномаларини ё ҳуқумат ёки давлатнинг иқтисодий (ташқи иқтисодий) сиёсати учун масъул бўлган вазирлиги (иқтисодиёт вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ҳ.к.) тузади. Товарларни халқаро олиш-сотиш шартномаларига келсак, ушбу ҳолларда давлат одатда давлатнинг бошқа давлатлар



худудидаги дипломатик вакили статусига эга бўлмаган махсус ташкил этиладиган бўлинмалар, айнан савдо ваколатхоналари орқали ҳаракат қилади.

### **Маълумот учун!**

Айрим давлатларнинг конунларида юридик шахсларнинг давлат мулкига асосланган тадбиркорлик билан шуғулланувчи махсус турлари белгиланган. Масалан, Россия Федерациясининг конунларида Россия Федерациясининг давлат ва маъмурий-худудий тузилмалари, шунингдек Россия Федерациясининг ўзи давлат мулкининг бир қисмини ажратиш ва ушбу мулк асосида таъсисчининг тасарруфида ушбу мулкка бўлган мулкдорлик ҳуқуқини сақлаб қолиш ва мулкни корхонага хўжалик юритув ҳуқуқи билан топшириш асосида юридик шахс мулкини ташкил қилиш орқали таъсис этиладиган унитар корxonалар тартибга солинган.

Давлат, хўжалик жамиятлари ва ширкатлардан фаркли ўларок, унитар давлат корxonаларининг мулкини тасарруф этиш чегараларини белгилаб қўйиши мумкин. Шу боис бундай субъектлар битим тузганда уларнинг ҳуқуқий лаёқати доирасини текшириш зарур. Давлат унитар давлат корxonаси мулкининг мулкдори бўлишга ва унинг хўжалик фаолиятини юритишга таъсир кўрсата олишига қарамай, мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқида эгаллик қилувчи унитар корxonадаги ушбу таъсир фақат умумий масалалар билан чекланган бўлиб, корxonанинг аниқ хўжалик фаолиятини амалга оширишига аралашмайди, бунинг натижасида давлат унитар корxonанинг мажбуриятлари бўйича қўшимча масъулиятга эга бўлмайди.

Давлат мулкига асосланган субъектлар Франция, ГФР, Англия ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида ҳам назарда тутилган. Ушбу юридик шахслар нафақат хўжалик жиҳатидан, балки молиявий жиҳатдан ҳам давлат билан тўлиқ боғлиқ. Чунки кўпинча уларнинг даромадлари ва харажатлари давлат бюджети орқали ўтади (шу боис улар солиқ тўламайдилар).

## **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Юридик шахслар тушунчаси турли хил лотин тилидаги тушунчалар ёрдамида ифодаланган бўлиб, улар орасида энг кўп учрайдигани *juristische person, personne civile, personne morale, persone*

juridique, corporation, legal person, juridical person ва бошқалардир. Юридик шахс фақатгина ўзига мансуб бўлган мулкӣ ҳуқуқи ва мажбуриятлари соҳиби сифатида кўриб чиқилади, у таркибига кирувчи шахслардан мустақил равишда ва ўз номидан ҳаракат қилади.

*Савол: Халқаро хусусий ҳуқуқ қоидаларига асосан турли давлатларда ўз бирлашмалари ва шўъба корхоналарига эга бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва ўзаро муносабатлари, айниқса, уларнинг жавобгарлик масалаларининг ҳал қилинишини мисоллар ёрдамида муҳокама қилинг.*

2. Ҳозирги вақтда компаниялар бир давлатда таъсис этилган бўлиши, бир қанча бошқа давлатларда хўжалик фаолиятини амалга ошириши, унинг мол-мулки турли хил фуқароликка эга бўлган ташкилотлар ва шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Бундай вазиятда, албатта, қайси давлат ҳуқуқини қўллаш муаммоси келиб чиқиши табиий ҳодиса бўлиб кўринади ва шунинг учун ҳам юридик шахснинг шахсий қонунини белгилашда ягона фикр мавжуд эмас.

*Савол: Бу масалани ҳуқуқий ҳал қилишнинг бир қатор йўллари илмий адабиётларда кўрсатилган ва уларни очиб беринг.*

3. Россия ташкилоти (сотиб олувчи) ва Америка ташкилоти (сотувчи) ўртасидаги халқаро олди-сотди шартномасига мувофиқ Америка ташкилоти томонидан изоҳ киритилган бўлиб, унга мувофиқ (АҚШ қонунчилигида назарда тутилган, сотиб олувчи товарларни учинчи мамлакатга сотишини тақиқлаш) Россия ташкилоти товарларни импорт қилишда чеклашни назарда тутди. Яъни Россия ташкилоти томонидан учинчи мамлакатга сотишни тақиқлайди.

*Савол: Мазкур изоҳ қандай характерга эга? Мазкур ҳолат суд ёки арбитражга мурожаат қилиш учун асос бўлиши мумкинми?*

4. “Асқар” очик акциядорлик компанияси Тошкент шаҳридаги мулк фондидан компания ишлаб чиқариш ва маиший бинолар учун 40 га ер сотиб олди. Компаниянинг 90 фоиз акцияси америкалик компания “Procter and Gamble” компаниясига қарашли.

*Савол: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича чет эллик шахслар ерни сотиб олиши мумкинми?*

## **IV БОБ. ХАЛҚАРО САВДО СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ**

Халқаро савдо соҳасидаги ташкилотларга умумий тавсиф. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссия (ЮНСИТРАЛ). Халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялаштириш институти (УНИДРУА). Халқаро савдо палатаси. Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва унинг фаолияти. Халқаро савдо муносабатларини тартибга солувчи бошқа ташкилотлар.

**Халқаро савдо соҳасидаги ташкилотларга умумий тавсиф ва улар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг иштироки масалалари**

Иқтисодий ривожланган давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш тажрибаси давлатнинг фаол мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ролисиз ташқи иқтисодий стратегияни самарали амалга ошириш мумкин эмаслигини тасдиқламоқда. Миллий бозор ва маҳаллий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш ва иқтисодиёт очиклигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида улар қайси минтақада жойлашганидан қатъи назар, жаҳон савдосининг роли ошиб бормоқда<sup>12</sup>. Бунда жаҳон савдосининг ривожланиши жаҳон ишлаб чиқариши ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) даражасининг ўсиш суръатларига қараганда жадалроқ кечиш тенденциялари кузатиляпти. Халқаро савдо айни бир вақтда миллий иқтисодиётларнинг ривожланишини рағбатлантирувчи кучли омил ва бошқариш воситаси ҳамда уларнинг халқаро ҳамкорликка боғлиқлигини ошириш омили сифатида амал қилмоқда. Шу аснода агар глобаллашув туб замирида жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви, меҳнатнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви, ҳам хўжалик юритувчи субъектлар, ҳам айрим минтақалар даражасида ўзаро интеграциялашув, ҳамкорликни ривожлантириш жараёнлари ётган объектив ҳодиса саналса, жаҳон савдоси мазкур жараёнларни жадаллаштирувчи омил ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик жараёнларининг кенгайтиши халқаро савдонинг умумий нормалари ва

<sup>12</sup> Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – С. 328.

қоидалари ишлаб чиқилишига ҳамда Бутунжаҳон савдо ташкилоти<sup>13</sup> ((БСТ) мазкур ташкилот тўғрисида кейинги мавзуларда батафсил тўхталиб ўтилади), Халқаро савдо палатаси, ЮНСИТРАЛ ҳамда УНИДРУА ташкилотларининг тузилишига олиб келди. Бугунги кунга келиб мазкур ташкилотлар кўп тарафлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал асосини таъминловчи, халқаро савдонинг деярли барча жабҳаларини камраб олган йирик халқаро муассасалар ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш республикамизнинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий яқинлашуви учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳамкор мамлакатларнинг кучи ва захираларини жалб этиш бир қатор улкан трансмиллий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ҳудудлараро муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

Ўзбекистон ривожланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйиб, иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолмоқда. Қисқа вақт ичида республика Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр-алоқа уюшмаси, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамда ижтимоий комиссияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, МДҲнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотларга қабул қилинди<sup>14</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат тақсимооти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа молиявий-иқтисодий ташкилотлар аъзоси сифатида улар билан фаол алоқалар олиб бормоқда.

Ўзбекистон қисқа муддат ичида икки тарафлама кенг ташқи алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлди. Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригининг барпо этилганлиги, ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганлиги, ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамияти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш

<sup>13</sup> БСТ 1947 йилдан бери ўзгаришлар билан амал қилишда давом этаётган Тарифлар ва савдо буйича бош битим негизда ташкил толдди.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ташқи иқтисодий фаолият – жаҳон иқтисодидеги яқинлашув йўлида. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, саноат, мафкура. 1-жилд. –Т., 1993.

ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, республикамиз мустақиллик йилларида ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги барча йўналиш ва соҳаларда ривожланиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистан республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг: “XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур”<sup>15</sup> деган сўзлари ўта долзарбдир.

### **Халқаро савдо ҳукуқи бўйича комиссия (ЮНСИТРАЛ)**

БМТнинг Халқаро савдо ҳукуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) 1966 йил (2205(XXI) – резолюция. 17 декабрь 1966 йил) Бош Ассамблея томонидан тузилган бўлиб, 1968 йил 1 январдан ўз фаолиятини амалга оширишни бошлаган. Халқаро савдода ҳар хил давлатларнинг ҳуқуқларини қўллашда юзага келувчи муаммолар, савдо оқимларидаги тўсиқларга сабаб бўлувчи омиллар Бош Ассамблея томонидан мазкур комиссиянинг ташкил этилишига олиб келган. БМТ комиссия ёрдамида халқаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш ва қисқартиришда катта аҳамият касб этувчи ташкилот сифатида фаоллигини оширишга ҳаракат қилган.

Бош Ассамблея комиссияга умумий мандат эълон қилиб, халқаро савдо ҳуқуқини унификациялаш ва прогрессив келишувларга эришишга кўмаклашиш вазифасини юклади. Шу вақтдан бошлаб комиссия БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқидаги асосий юридик орган тизимига айланди.

Комиссия томонидан қабул қилинган ва тайёрланган асосий халқаро ҳужжатлар қуйидагилар:

– Товарларнинг халқаро олди-сотдисиди даъво муддатлари тўғрисидаги конвенция БМТ томонидан 1974 йил қабул қилинган;

<sup>15</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қифолатлари. – Т.:Ўзбекистон, 1997. – Б. 289.

– ЮНСИТРАЛнинг арбитраж регламенти БМТ томонидан 1976 йилда маъқулланган;

– Денгизда юкларни ташиш тўғрисидаги конвенция БМТнинг 1978 йил март ойидаги Гамбург конференциясида маъқулланган;

– Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисидаги БМТ конвенцияси БМТ томонидан 1980 йил апрель ойида Венада қабул қилинган;

– Халқаро нусха кўчириладиган векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисидаги конвенция БМТ томонидан 9 декабрь 1988 йилда қабул қилинган;

– Халқаро аралашган юкларни ташиш тўғрисидаги конвенция;

– БМТнинг мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлар тўғрисидаги конвенцияси (Нью-Йорк, 1995);

– Халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (1985);

– Халқаро кредит ўтказмалари тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (1992);

– Товар (иш)ларни ва хизматларни сотиб олиш тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (1994);

– Трансчегаравий банкротлик тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (1997);

– Электрон савдо тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (1996);

– Электрон имзолар тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (2001);

– Ишлаб чиқариш объектларини куриш учун халқаро шартномаларни тузиш бўйича ЮНСИТРАЛ ҳуқуқий йўриқномаси (1987) ва бошқа ҳужжатлар.

Комиссия ўз ишини БМТнинг Нью-Йоркдаги марказида ва Вена шаҳридаги Вена халқаро марказида ҳар йили бир мартаба бўлиб ўтадиган сессияларда олиб боради.

Аъзо давлатлардан ташқари барча комиссияга аъзо бўлмаган давлатлар ҳамда аъзо бўлишни истаган халқаро ташкилотлар комиссиянинг сессияларида ва ишчи гуруҳларида кузатувчи сифатида иштирок этишга таклиф этилади. Кузатувчиларга комиссия сессиясидаги музокараларда ва ишчи гуруҳларида шу тартибда иштирок этишга рухсат берилади.

Шунингдек, комиссия давлатларга қабул қилмоқчи бўлган ҳужжат матнларининг ишлаб чиқилишида қўмаклашади.

ЮНСИТРАЛ котибияти мурожаатларга мувофик комиссия томонидан тайёрланган бирор-бир ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдаги саволларни кўриб чиқувчи давлатларга доимий техник ва консултатив ёрдам кўрсатиб келади. Бундай ёрдам одатда таклиф қилинаётган қонун лойиҳаларини кўздан кечеришни талаб этади.

Комиссия халқаро савдо ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларини тайёрлаш фаолиятида қуйидаги шаклларда кўмак беради:

Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича миллий ва ҳудудий семинарларни ташкиллаштириш юзасидан; комиссия миллий ва ҳудудий семинарларни ташкиллаштириш ҳамда халқаро савдо ҳуқуқи бўйича ахборот йиғиш, комиссия ишлари тўғрисидаги ахборотларни тарқатишга кўмаклашиш мақсадини ўз мажбуриятига олган ва асосий тарзда ривожланаётган давлатларда унинг матнлари қабул қилиниши ва амалда ишлашга таъминлаш.

ЮНСИТРАЛ котибияти ёш ҳуқуқшуносларга ЮНСИТРАЛ ишлари билан яқиндан танишиш имкониятини яратиш ва аниқ халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида билимларини ошириш мақсадида стажировка дастурларини амалга оширади, бироқ ЮНСИТРАЛ котибияти стажорларга уларнинг йўл чиқимлари ва бошқа чиқимларига кўмак бериш мажбуриятини ўзи зиммасига олмайди.

**Халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялаштириш институту УНИДРУА (UNIDROIT фр. *Institut international pour l'unification du droit privé*)** – хусусий ҳуқуқни унификациялаштириш бўйича ҳуқуматлараро ташкилот бўлиб, 1926 йил Римда ташкил топган<sup>16</sup>.

Ташкилотнинг асосий мақсади давлатлар ва давлатлар гуруҳлари ўртасидаги модернизациялар, гармонизациялар ва координацияларнинг зарурий методларини хусусий ва қисман тижорат ҳуқуқига оид муносабатларни ўрганишдан иборат.

Ташкилотга 1926 йилда Миллатлар лигасига кўмаклашувчи орган сифатида асос солинган. Миллатлар лигаси ўз фаолиятини тўхтатгандан сўнг ташкилот УНИДРУА низоми, кўп томонлама келишувлар асосида 1940 йил қайта тузилган.

УНИДРУА аъзолигига фақат УНИДРУА низомини тасдиқлаган давлатлар киради. Ҳозирда УНИДРУАга беш минтақадан 63 давлат аъзо бўлиб, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ҳамкорлик олиб боришмоқда. Институт фаолияти Бош Ассамблея томонидан ўрнатилган, унинг аъзолари томонидан ҳар йили тўлаб бориладиган

<sup>16</sup> <http://www.unidroit.org/about-unidroit/overview>

тўловлар ҳамда ҳар йилги Италия ҳукуматининг ёрдами асосида молиялаштириб борилади. Яна ташкилот фаолиятини молиялаштириш турли хил фондларни ташкил этиш натижасида амалга оширилади.

**Ёдда тутинг!**

УНИДРУАнинг асосий вазифасини янги, хусусий ҳуқуқ учун унификациялашган кенг маънода ягона қоидаларни тайёрлаш ташкил қилади.

УНИДРУА таркибий тузилиши уч буғиндан иборат бўлиб котибият, Бош Ассамблея ва бошқарув кенгашидан иборат.

Котибият УНИДРУАнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, ташкилотнинг ҳар кунги вазифалари бажарилиши учун маъсул. Котибиятни, институт Президенти томонидан таклиф этиладиган, бошқарув кенгаши томонидан тайинланадиган Бош котиб бошқариб боради. Бош котиб ўзига бўйсунувчи жуда кўп персонал хизматчиларга раҳбарлик қилади.

**Бошқарув кенгашининг** вазифаси ташкилотнинг иш фаолиятини назорат қилиб ташкилот низомидаги мақсадларига эришиш ва котибият билан институтнинг ишчи дастурларини ижросини амалга оширишдан иборат. Бошқарув кенгаши лавозими бўйича ташкилот Президенти кенгаш раиси сифатида ва 25 нафар сайланувчи аъзолардан (судьялар, амалиётчи юристлар, академиклар ва шу соҳада малакага эга булган аъзолардан) иборат бўлади.

**Бош Ассамблея** УНИДРУАнинг қарор қабул қилиш бўйича ягона ваколатли ташкилоти ҳисобланади. Бош Ассамблея ташкилотнинг ҳар йилги бюджетини қабул қилади, институтнинг уч йиллик ишчи дастурини тасдиқлайди ҳамда ҳар беш йилда Бошқарув кенгаши аъзоларини тайинлайди. Ассамблея таркибига ҳар бир аъзо давлатлардан вакиллар киради.

**Маълумот учун!**

УНИДРУАнинг расмий тиллари инглиз, француз, немис, итальян ва испан тиллари ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий иш юритув тилига инглиз ва француз тиллари киради.

УНИДРУА томонидан тайёрланадиган қоидалар асосан моддий ҳуқуқий нормалар ҳисобланиб, ўз ичига айрим коллизия нормаларни қамраб олади. Шунингдек, УНИДРУА ҳукуматлараро



ташкilotлар орасида мустақил бўлиб, унга сиёсий эмас, балки ҳуқуқнинг техник муаммолари билан шуғулланиш мақсадида ташкил этилган.

Янги технологиялар, олди-сотди муносабатлари ва бошқа шунга ўқшаш муносабатлар янги тартибга солувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилишини ва қабул қилинишини талаб қилади. Мазкур келишувлар (ҳалқаро ҳужжатлар) тартибга солиш доирасига кўра миллатлараро хусусиятга эга бўлганда нормалар бирхиллаштирилган бўлиши лозим. Бирхиллаштирилган ёки унификациялашган ҳалқаро тартибга солиш қоидаларини амалда қўллаш аввало, давлатнинг ўз қонунчилигида мазкур бирхиллаштирилган норма қоидаларини ифодалаш истагига боғлиқ бўлади. Бирхиллаштириш учун юридик ва бошқа маълумотлар тўғри баҳоланган бўлиши лозим ҳамда янги унификацияланган қоидалар қўллаш доираси, яъни ҳалқаро элементлар билан боғлиқ ҳолатларга қўлланилиши ёки ички миллий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши аниқ бўлиши лозим.

УНИДРУА ҳукуматлараро ташкilotларнинг тизими билан боғлиқ, унификациялашган қоидалар одатда ҳалқаро конвенциялар шаклида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади ҳамда бирор бир давлатни конвенцияни ратификация қилиши билан, конвенцияни тасдиқлаган давлатларнинг миллий қонунчилигидан конвенция қоидаларининг устун кўрилишини таъминлайди. Лекин аъзо давлатларнинг шу каби конвенцияларни имплементация қилишга бўлган қизиқишининг йўқлиги ҳамда шу конвенцияларнинг узок муддат давомида кучга кириши ва уларнинг имплементация билан боғлиқ сабабларига кўра тез-тез муқобил ҳуқуқий нормаларни қўллашига сабаб бўлмоқда. Бу каби муқобил шаклларнинг қўлланилиши намунавий қонунларни давлатлар миллий қонунчилигида мустаҳкамлаш орқали конвенция қоидаларини тўғридан-тўғри муносабат предметига, тарафлар томонидан келишилган арбитражлар фаолиятига, умумий тамойилларга нисбатан қўлланилиш ва қўлланилмаслик ҳолатларини белгилаб қўймоқдалар. Умуман олганда, қабул қилинган “hard law” (конвенция) қоидалари, фақат шартнома асосидаги икки тарафлама муносабатларни ёки давлат манфаатлари ва учинчи шахсларнинг манфаатлари (масалан, шахсий ҳуқуқ)ни тартибга солиш учун зарурдир.

Маълум бир ҳуқуқий муносабатлар УНИДРУАнинг ишчи дастурига киритилганда котибият баъзан маълум бир соҳадаги экспертларнинг кўмагида, маълум бир лойиҳаларнинг бажарилишига

тааллуки бўлган ва ҳуқуқий ислохотнинг амалга оширилишини баҳоловчи дастлабки таққослаш ҳисоботларининг тадқиқот ишларини тайёрлайди. Қачонки ислохотни амалга оширишда маълум бир молиявий манбаларга эҳтиёж сезилса, лойиҳанинг иқтисодий томони баҳоланади. Ҳисоботнинг келажақдаги тамойиллари ва унификациялашган қоидаларининг лойиҳаси бўлса, Бошқарув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Агар Кенгаш тақдим этилган ҳисоботлардан қониқса, у Кенгаш аъзоси томонидан бошқариб бориладиган котибиятга, конвенциянинг дастлабки лойиҳасини ёки бошқа ҳужжатни тайёрлаш учун тадқиқот (эксперт) гуруҳини тузишга кўрсатма беради. Тадқиқот гуруҳлари таркиби котибият томонидан экспертлар, максимал даражада турли ҳуқуқий ва иқтисодий тизимлардан ҳамда географик ҳудудлардан юқори малакага эга бўлган мутахассислардан шакллантирилади.

Тадқиқот гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган дастлабки лойиҳа кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Бошқарув кенгашига тақдим этилади. Одатда Конвенциянинг дастлабки лойиҳаси тақдим этилганда котибият конвенциянинг дастлабки лойиҳасига ишлов берувчи ва дипломатик конференцияларда уни тасдиқлашга тавсия этувчи ҳукумат экспертларининг қўмитасини чақиради.

УНИДРУАнинг ҳукумат экспертлари қўмитасига аъзолик, УНИДРУАга аъзо бўлган барча давлатлар учун очик ҳисобланади. Котибият бу каби жараёнда кузатиб борувчи сифатида иштирок этиш учун турли хил ҳалқаро ташкилотлар ва профессионал ассоциацияларни жалб этишга ҳақли ҳисобланади. Конвенциянинг дастлабки лойиҳаси қўмита томонидан кўриб чиқилганидан сўнг тасдиқлаш учун Бошқарув кенгашига тақдим этилади. Одатда агар Кенгаш конвенциянинг дастлабки лойиҳасини қўмитада иштирок этган мамлакатлар ўртасида консенсусни келтириб чиқарса ва конвенция дипломатик конференцияларда қабул қилиниши учун яхши имкониятларга эга бўлса, у конвенцияга Халқаро конвенция мақомини бериш учун дастлабки лойиҳани тасдиқлаб, дипломатик конференцияга ўтказишга тавсия қилади. Бу конференция УНИДРУАнинг аъзо давлатларини чақиршига олиб келиши мумкин.

УНИДРУА доимий равишда алоқада бўлиб келаётган ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларга асосан, шартномалар тузиб қабул қилинаётган конвенция қоидаларига ўзларининг миллий қонунчилигини мослаштириш тўғрисида келишиб олишади.

## **Маълумот учун!**

УНИДРУА ушбу ташкилотга аъзо ҳамда аъзо бўлмаган давлатларда ўзиларининг ташкилотига доимий маълумот бериб борадиган махсус мухбирларига эга бўлиб, ушбу вазифани бажарувчи шахслар Бошқарув кенгаши юристлари томонидан тайинланади.

**Халқаро савдо палатаси (ХСП)** 1919 йилда ноҳукумат ташкилот сифатида ташкил этилган. Ташкилот бутун дунё ишбилармон доираларини бирлаштиради ва хусусий бизнеснинг энг йирик халқаро ташкилоти ҳисобланади. ХСПнинг мақсади унинг уставига асосан халқаро бизнеснинг барча соҳаларида (саноат, савдо, транспорт ва молия) ҳаракат қилиб, мамлакатлар ўртасида муносабатларнинг кенгайишига ва алоқаларнинг ўрнатилишига кўмаклашишдан иборат.

ХСП аъзолари миллий тадбиркорлик ташкилотлари ва бирлашмалари бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда ХСПга тадбиркорларнинг 1,6 мингдан ортиқ бирлашмалари аъзо бўлиб, улар асосан саноатчилар федерациялари, миллий савдо палаталари, кичик ва ўрта фирмаларнинг бирлашмалари, банк ва бошқа иттифоқлардан иборат. ХСПга шунингдек, халқаро бизнес билан боғлиқ бўлган корпорациялар, компаниялар, фирмалар ва бошқа юридик шахслар аъзо бўлиши мумкин. ХСП таркибида 6 мингдан ортиқ саноат ва савдо компаниялари мавжуд.

**ХСП фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

- савдо, инвестициялар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини рағбатлантириш орқали жаҳонда тадбиркорликни ривожлантириш;
- халқаро савдони ривожлантириш мақсадларида иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда самарали ҳамда изчил чора-тадбирларни қабул қилишга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш ва тартибга солиш;
- савдо амалиётини уйғунлаштиришни таъминлаш йўналишида:
  - 1) мавжуд халқаро ишбилармонлик амалиётини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
  - 2) намунавий контрактлар, “ИНКОТЕРМС” халқаро атамаларини ишлаб чиқиш;
  - 3) халқаро тижорат операцияларида иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш;

– БМТ ва унинг махсус муассасаларига ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ишбилармон доиралари қарашларини ҳамда фикрларини тақдим этиш<sup>17</sup>.

ХСПнинг олий бошқарув органи одатда йилига икки марта йигиладиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш аъзолари миллий кўмиталар ва гуруҳлар томонидан тайинланади. Ҳар бир миллий кўмита Кенгашга биттадан учтагача аъзо тайинлаши мумкин. Аъзолар сони миллий кўмитанинг ХСП бюджетига тўлайдиган умумий бадали миқдорига боғлиқ. Ўз ишида қатнашиш учун Кенгаш бевосита 10 аъзо таклиф этиши мумкин. ХСПнинг олий раҳбарлари лавозими бўйича Кенгаш аъзолари ҳисобланади.

ХСП Кенгаши таркибида 15 тадан 21 аъзогача бўлган Ижроия кенгашини сайлайди. Ижроия кенгаши ХСП сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш учун масъул ва йилига учтадан кам бўлмаган сессияларни ўтказади. ХСП Кенгаши сайлайдиган Бош котиби бир вақтнинг ўзида Ижроия кенгаши котиби ҳисобланади. ХСП Кенгаши тайинлайдиган Молия кўмитаси Ижроия кўмитасига молиявий масалалар бўйича маслаҳатлар бераб боради, шунингдек бюджетни тайёрлайди, бюджет сарфлари ва даромадларини назорат қилади. Бош котиб томонидан раҳбарлик қилинадиган халқаро штаб-квартира (Парижда жойлашган) ХСПнинг бутун фаолиятини мувофиқлаштиради. У асосий бешта департаментлардан (халқаро ривожланиш; коммуникациялар; иқтисодий сиёсат ва алоқалар; халқаро савдо сиёсати ва технологиялари; маъмурият, молия ва шахсий таркиб), Халқаро арбитраж суди, савдо палаталарининг халқаро бюроси, бизнес соҳасидаги ҳуқуқ ва амалиёт институти, Иқтисодий жиноятлар билан курашиш бўйича ХСП хизматлари, Атроф муҳит бўйича бутун жаҳон кенгаши, БМТ билан алоқа бўйича ХСПнинг Нью-Йорк ва Женевадаги бюроси, Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйича ХСП маслаҳатчиси бюросидан иборат.

ХСП сиёсати ва амалий тавсиялари махсус ишчи органлари, комиссиялар ва ишчи гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилади. Ишчи гуруҳлари аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун вақтинча асосда ташкил этилади.

ХСП олий органи – Конгрессдир. У қабул этувчи мамлакат миллий кўмитасининг таклифи бўйича уч йилда бир маротаба ўтказилади. Конгресслар оралиғида халқаро ҳамжамият, ишбилармон

<sup>17</sup> [http://www.iccwbo.ru/about/about\\_icc/](http://www.iccwbo.ru/about/about_icc/)

доиралар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ мавзуларни муҳокама этиш учун конференциялар ўтказилади (қабул қилувчи мамлакат миллий қўмитаси таклифи билан).

### **Маълумот учун!**

Кўп мамлакатларда ўз давлатларининг иқтисодий манфаатларини ифода этувчи миллий қўмита ва гуруҳлар ташкил этилган. Уларнинг раислари миллий ишбилармон доиралар раҳбарлари ҳисобланади. ХСПга кирувчи компаниялар ва ташкилотлар автоматик тарзда миллий қўмиталар аъзолари ҳисобланади.

### **Бутун жаҳон савдо ташкилотининг умумий тавсифи**

Бутун жаҳон иқтисодиётида кечаётган жараёнларнинг тахли натижалари шунини кўрсатадики, ташқи савдони эркинлаштириш жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияларидан бирига айланмоқда. Барча мамлакатларда божхона божларининг пасайиши, кўплаб турдаги чеклашларнинг бекор қилиниши кузатиш мумкин. Кўплаб мамлакатлар яширинча протекционистик (давлатнинг ўз ички бозорини ҳимоя қилиш сиёсати) чора-тадбирлардан ҳам кенг фойдаланадилар. Бундай чора-тадбирлар жумласига миллий ишлаб чиқариш турларига дотациялар бериш, экспортни субсидиялаш, турли хил меъёрлар ва стандартлар жорий қилиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Жаҳон хўжалигида эркин савдо ва протекционизм ўртасида вужудга келаётган зиддиятларни ҳал этишда, халқаро савдони бошқариш, унинг тараққиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш ва эркинлаштиришида халқаро иқтисодий ташкилотлар, хусусан, Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) муҳим ўрин эгаллайди.

**Бутун жаҳон савдо ташкилоти** (ингл. *World Trade Organization* (*WTO*), фр. *Organisation mondiale du commerce* (*OMC*), исп. *Organización Mundial del Comercio*) – халқаро савдони либераллаштириш ва аъзо-давлатларнинг савдо-сиёсий муносабатларини тартибга солиш мақсадида 1995 йил 1 январда тузилган ташкилотдир<sup>18</sup>.

<sup>18</sup> [http://wto.org/english/thewto\\_e/whatis\\_e/tif\\_e/fact1\\_e.htm#top](http://wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/fact1_e.htm#top)

### **Эътибор беринг!**

БСТ 1947 йилда тузилган ва деярли 50 йил давомида амалда халқаро жамият функцияларини бажарган лекин шунга қарамасдан юридик маънода халқаро ташкилот ҳисобланмаган Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (ГАТТ) асосида ташкил этилган.

БСТ янги савдо келишувларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун масъул ҳамда ташкилот аъзолари томонидан барча келишувларга амал қилинишини кузатади. Бу келишувлар БСТга аъзо давлатлар томонидан имзоланган ва уларнинг парламентлари томонидан ратификацияланган. БСТ ўз фаолиятини 1986 – 1994 йилларда Уругвай раунди доираларидаги ва ГАТТнинг олдинги келишувлари қарорларидан келиб чиқиб амалга оширади. Жаҳон савдосини либераллаштириш ва янада ривожланиш истиқболлари, муаммоларини муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилиш кўп томонлама музокаралар (раундлар) доирасида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда бундай раундлардан 8 таси ўтказилган, шу жумладан Уругвай раунди ҳам, 2001 йилда эса Қатарда, тўққизинчи раунд Дохада бошланган. Ташкилот Дох раунди музокараларини тугатишга ҳаракат қилмоқда. Бу музокаралар ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларини қондиришга урғу бериш билан бошланган эди. 2012 йилнинг декабрига келиб Дохадаги музокаралар раундининг келажаги мавҳумлигича қолмоқда, масалан, иш дастури 21 қисмдан иборат, дастлаб белгиланган якуний муддат бўлмиш 2005 йилнинг 1 январи эса аллақачон ўтказиб юборилган<sup>19</sup>. Музокаралар давомида эркин савдога бўлган инитилиш билан кўплаб мамлакатларнинг протекционизмга инитилиши ўртасида низо юзага келди. Айниқса кишлоқ хўжалик субсидиялари борасида. Ҳозиргача бу тўсиқлар асосий тўсиқлигича қолмоқда ва Доха раунди доирасида янги музокараларни бошлаб юборишга ҳалақит қилмоқда. 2012 йил июли ҳолати бўйича кишлоқ хўжалигининг жорий масалаларини ҳал қилиш учун БСТ тизимида музокараларнинг турлича гуруҳлари мавжуд. Бу эса музокараларнинг ўзида турғунликка олиб келмоқда<sup>20</sup>.

### **Ёдда тутинг!**

БСТнинг бош ваколатхонаси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. Ташкилотнинг ўз штати 640 кишини ташкил қилади.

<sup>19</sup> [http://www.wto.org/english/tratop\\_e/dda\\_e/negotiating\\_groups\\_e.pdf](http://www.wto.org/english/tratop_e/dda_e/negotiating_groups_e.pdf).

<sup>20</sup> Ушша жойнинг ўзида.

1995 йилнинг 1 январидан бошлаб эса ГАТТ ўрнига бошқа ташкилот – Бутун жаҳон савдо ташкилоти фаолият кўрсата бошлади. БСТга потенциал аъзо бўлиши мумкин бўлган 152 мамлакатнинг 76 таси биринчи кунданок БСТ аъзосига айланди. 1996 йилнинг бошида мазкур ташкилотга аъзо бўлганлар сони 130 тага яқинлашди. 1998 йилда эса 132 тага етди, 2015 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра 162 тани ташкил этади. Собиқ Иттифоқ мамлакатлари БСТга турли йилларда аъзо бўлган: Киргизистон 1998 йил 20 декабрь (133-чи БСТ аъзоси); Латвия 1999 йил 10 февраль (134-чи БСТ аъзоси); Эстония 1999 йил 13 ноябрь (135-чи БСТ аъзоси); Грузия 2000 йил 14 июнь (137-чи БСТ аъзоси); Литва 2001 йил 31 май (141-чи БСТ аъзоси); Молдавия 2001 йил 26 июль (142-чи БСТ аъзоси); Армения 2003 йил 5 февраль (145-чи БСТ аъзоси); Украина 2008 йил 16 май (152-чи БСТ аъзоси); Россия 2012 йил 22 август (156-чи БСТ аъзоси); Тожикистон 2013 йил 2 март (159-чи БСТ аъзоси), Қозоғистон 2015 йил 30 ноябрь (162-чи БСТ аъзоси)<sup>21</sup>.

БСТ қоидалари ривожланаётган мамлакатлар учун бир қатор имтиёзларни назарда тутди. Ҳозирги пайтда БСТнинг ривожланаётган аъзо мамлакатлари ривожланган мамлакатлардан кўра ўз бозорларининг божхона тарифларини ҳимоя этиш даражаси юқори бўлади. Шунга қарамадан, абсолют ифодаланганда божхона тариф санкцияларининг умумий ҳажми ривожланган мамлакатларда анча баланд, бунинг натижасида ривожланаётган мамлакатларнинг бозорга кириши жиддий чекланади. БСТ қоидалари фақат савдо ва иқтисодий масалаларни тартибга солади. АҚШ ва қатор Европа мамлакатларининг меҳнат шароитлари тўғрисидаги мунозарани бошлашга уринишлари (ишловчиларни қонунчилик билан етарлича муҳофаза этмаслик рақобат устунлик деб ҳисоблашга имкон берарди) ривожланаётган мамлакатларнинг норозилиги сабабли инкор этилди. Ривожланаётган мамлакатлар бундай чоралар ишчи ўринларининг қисқаришига, даромадларнинг ва рақобатбардошлиликнинг пасайишига, ишловчиларнинг фаравонлиги ёмонлашишига олиб келади деб ҳисоблашади. Шу боис ривожланиш жараёнида бўлган давлатлар одатда БСТга аъзо бўлишга шошилмайдилар.

<sup>21</sup>Исмаилова Н.С., Ахрарова Д.А. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари. Маъруза матн. – Т.: ТДИУ, 2013. – Б. 66., Шунингдек, БСТ расмий сайти маълумотлари, электрон манба: [https://www.wto.org/english/thewto\\_e/whatis\\_e/tif\\_e/org6\\_e.htm](https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/org6_e.htm).

## **Бутун жаҳон савдо ташкилотининг вужудга келиши тарихи**

Халқаро савдони тартибга соладиган халқаро ташкилот тузиш гоёси Иккинчи жаҳон уруши тугамасиданоқ пайдо бўлди. Асосан АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳаракатлари билан 1944 йилда Бреттон-Вуд конференциясида Халқаро валюта фонди ҳамда Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки тузилди. Айтиб ўтилган ташкилотлардан ташқари янги иқтисодий тартибнинг учинчи устуни сифатида Халқаро савдо ташкилоти (БСТ)нинг тузилиши назарда тутилган эди. Бунинг учун 1946 йилда Гаванада савдо ва бандлик бўйича халқаро конференция чақирилди. Бу конференция тарифларни пасайтириш тўғрисида халқаро келишувнинг мақсади моддий ва ҳуқуқий чегараларини ишлаб чиқиш, манфаатдор томонларга ушбу ташкилот уставини таклиф этиши, ташки савдони енгиллаштириш ва товарларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтишида божхона тўловларини пасайтириш масалаларини мувофиқлаштиришдан иборат эди. 1947 йилнинг октябрь ойида Тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битим (ГАТТ) имзоланди. Ушбу келишув бошида фақат янги савдо ташкилоти доирасидагина умумий келишувнинг қисми сифатида кўрилар эди. Вақтинча ҳисобланган ушбу келишув 1948 йил 1 январдан кучга кирган.

Халқаро валюта фонди ҳамда Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкига аъзо бўлишдан бош торганлиги учун ССРИ ушбу Гавана конференциясига таклиф этилмади. Совет ҳукуматининг бу ташкилотлардаги АҚШнинг катта таъсири ҳамда идеологик блоклар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг (совуқ уруш) бошланиши ССРИнинг манфаатлари ушбу ташкилотда етарли даражада инобатга олинмайди деб ҳисоблашига сабаб бўлди.

Лекин кутилмаганда АҚШ Конгресси БСТ уставини ратификация қилишдан бош тортди. Ваҳоланки, Қўшма Штатлар БСТ ташкилоти ва ГАТТнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланарди. Аввалги вақтинча келишув БСТга айланиши керак бўлган ташкилий тузилмасиз ҳаракат қилишда давом этди.

Кейинги йилларда ГАТТ бошида белгиланганидан кўра қисқартирилган ҳолда бўлса ҳам етарли даражада самарали тизим бўлди. Бу тизим доирасида ўртача божхона божи 1940 йиллар ўрталарида келишув имзоланиши пайтидаги 40% дан 1990 йиллар ўрталарига келиб 4% га пасайди. Тўғридан тўғри божхона божларини ва маҳсулотни чет мамлакатдан келтиришга тарифдан ташқари деб аталувчи чекловларни пасайтириш мақсадида ГАТТ доирасида аъзо-



мамлакатлар ўртасида музокаралар раундлари мунтазам ўтказиб турилди. 1986 йилдан 1994 йилгача давом этган Уругвай раунди деб аталувчи музокаралар энг муваффақиятли бўлган. Узоқ давом этган музокаралар натижасида БСТни тузиш тўғрисида 1994 йилда Марокашда келишув имзоланди. Келишув 1995 йил 1 январидан кучга кирди. Аъзо мамлакатлар ушбу ташкилот доирасида фақатгина товарлар савдоси тартибга солиниб қолмасдан (1948 йилдан бошлаб ГАТТ бу билан шуғуллана бошлаган) хизматларнинг постиндустриал жамиятда тобора ортиб бораётган роли ва хизматларнинг жаҳон савдосидаги ошиб бораётган улуши (XXI аср бошида тахминан 20%) сабабли ташки савдонинг ушбу соҳасини тартибга солувчи Хизматлар билан савдо қилиш тўғрисида бош келишув (GATS) қабул қилинади. Шунингдек, Марокаш келишуви доирасида Интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдо аспекти бўйича келишув (TRIPs) қабул қилинди. Бу келишув интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг савдо масалаларини тартибга солиди ҳамда БСТ ҳуқуқий пойдеворининг ажралмас қисми ҳисобланади.

### Ёдда тутинг!

**Бутун жаҳон савдо ташкилоти** (World Trade Organization (WTO) – 1995 йилда аъзо-давлатлар ўртасидаги халқаро савдони либераллаштириш, савдо ва сиёсий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ташкил этилган. БСТ 1947 йил тузилган халқаро ташкилот – ГАТТ (General Agreement on Tariffs and Trade, Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув)нинг давомчиси ҳисобланади.

Жаҳон савдосини янада либераллаштириш тўғрисида 2001 йил кузида Қатар пойтахтида БСТнинг Доха раунди бошланди. Унга киритилган масалалар ичида аграр маҳсулотлар билан савдо қилиш, жаҳон савдосини либераллаштириш, шу жумладан тарифларни пасайтириш ва субсидияларни бекор қилиш, молия хизматлари ҳамда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масалалари мавжуд. Лекин, ноқишлоқ ҳўжалиги бозорларига киришнинг муаммолари бўйича музокаралар чўзилмоқда. Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларнинг саноат секторига кўпроқ киришга ҳаракат қилади, ривожланаётган мамлакатлар эса бу иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши мумкин деб хавотирланишади.

Демак, Бутун жаҳон савдо ташкилоти кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институтлашган ўзагидир. У ички савдо

конун-қоидаларини ривожлантириш ҳамда амалга ошириш услубларини ҳукуматларга белгилаб, шартномавий мажбурият тамойилларини тақдим қилади.

Бутун жаҳон савдо ташкилотига 1995 йил январда асос солинди ва у Уругвай давраси натижалари ифодаси ҳамда Тариф ва савдо бўйича умумий битм давомчисидир.

**Савдо тизимини бошқаришдаги БСТнинг асосий тамойиллари ва қоидалари**

БСТ битмлари кенг миқёсли ва комплекслидир, чунки улар кенг доирада жаҳон савдоси масалаларини қамраб олувчи юридик ҳужжатлар ҳисобланади. Барча битимлар негизида бир нечта оддий, фундаментал тамойиллар ётади, жумладан:

**Мумкин қадар қулайлик бериш режими тамойили (ҚБР).** ҚБР низомига биноан аъзо мамлакатларнинг ҳар бири ўзга барча аъзоларга савдо шериклари сифатида тенг шароитларни қўллаиди. Агар бирор-бир мамлакат ўзга савдо шеригига имконият берса, у ҳолда ҳудди шундай режим БСТнинг бошқа аъзо мамлакатларига ҳам мазкур тамойил ишлашини таъминлаш учун қўлланиши шарт.

Истисноларни қўллашга ижозат берилади. Масалан, мамлакатлар шу гуруҳлардан ташқарида товарлар савдосини амалга оширишга қўлланилмайдиган минтақавий битимлар тузишлари мумкин. Ёки мамлакат савдони ноқонуний йўллар билан амалга оширувчи муайян давлат товарларига тўсиқ қўйиши мумкин. Хизматлар кўрсатиш бўйича ҳам мамлакатлар муайян чеклашларга риоя этишда истисноларни қўллашлари мумкин. Битимлар бундай истисноларни қўллашга изн беради, бироқ белгиланган муайян шартларга риоя этган ҳолда. Умуман, ҚБР низоми БСТ қоида ва низомларини белгилашда устун туради.

**Дискриминациясиз савдо.** Мамлакат ўз савдо шериклари ҳамда мамлакат ва хорижий товарлар, хизматлар ва шахслар ўртасида дискриминация ўтказмаслиги керак.

**Савдо тўсиқларини бартараф этиш.** Музокаралар ўтказиш орқали мавжуд савдо тўсиқларини аста-секин бартараф этиш.

**Башорат этиладиган савдо.** Хорижий инвесторлар, компания ва ҳукуматлар савдо тўсиқлари (жумладан, тарифлар, нотариф тўсиқлари ва бошқалар) асоссиз жорий этилмаслигига ишонч ҳосил қилишлари шарт ва бозорни эркинлаштириш мажбуриятлари БСТга “боғланади”.

**Рақобатбардошликни такомиллаштириш.** БСТ қоидалари экспортни субсидиялаш ва демпинг каби “ноадолатли” фаолиятларга тўсқинлик қилади.

**Етарли даражада ривожланмаган давлатлар учун қулай шарт-шароитлар.** Етарли даражада ривожланмаган, ўтиш даврида бўлган давлатларга махсус режимлар тақдим этилади.

**ГАТТ БСТнинг қисми сифатида қуйидаги асосий қоидаларга эга:**

**1. Тарифлар орқали миллий иқтисодиётни ҳимоялаш.** ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам, БСТга аъзо мамлакатлар 88 ўз миллий саноатини ташқи рақобатдан химоя қилиш ҳуқуқига эгаллигини тан олади. Бироқ ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали химоя қилишни талаб этади. Бу тамойилнинг амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

**2. “Тарифларни алоқалаш”.** Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-қувватлашни камайтириши, иложи бўлса, тарифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб “алоқа”га кирмоқда. Алоқага киришиш шуни билдирадики, аниқ бир маҳсулотнинг муносабатга киришишдаги тариф даражаси ЖСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация ҳақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди.

**3. “Энг қулай режим”.** ГАТТ нинг ушбу қонуни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар БСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Ҳеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

**4. “Миллий режим”.** Агар афзал қўрилган давлатларда камситиш ман қилинган бўлса, “Миллий режим” қондасида эса бозорга чиқарилган товарлар давлат ичида ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шарт-шароитда амалга оширилиши керак.

## **Маълумот учун!**

**БСТнинг мақсадлари:** жаҳон иқтисодийтини мустаҳкамлаш ва бутун дунёда барча кучларни савдони кенгайтиришга, инвестицияларнинг кўпайишига, бандликни ва даромад қатламини оширишга йўналтириш.

**Функциялари:** БСТ ташкил қилувчи кўп томонлама келишувлар билан боғлиқ администрация ишлари; халқаро савдони бошқариш масалалари доирасида консултациялар бериш ва жаҳон садоси аҳволини кузатиб туриш; – кўп томонлама келишувлар учун форум вазифасини бажариш; савдо келишмовчиликларини бартараф этиш учун келишув механизмлари билан таъминлаш; жавлат савдо сиёсатини кузатиб бориш; глобал савдо сиёсатига таъсир қилувчи бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда алоқада бўлиш.

**Тамойиллари (принциплари):** камситишсиз савдо; бозорга кенгайиб борувчи ва олдиндан башорат қила оладиган кириш ҳуқуқи; соғлом рақобатга ёрдам бериш; божхона божлари орқали ёрдам бериш; иқтисодий реформаларни ва ривожланишни рағбатлантириш.

### **Тузиллиши:**

1. Вазирлар конференцияси.
2. Савдо сиёсати назорати бўйича комиссия ва баҳсларни бартараф этиш бўйича комиссия сифатида иш олиб борувчи умумий кенгаш
3. Асосий ёрдамчи органлари: маҳсулотлар савдоси бўйича Кенгаш; хизматлар савдоси бўйича Кенгаш; интелдектуал мулк ҳуқуқлари савдоси аспекти бўйича Кенгаш; атроф-муҳит ва савдо бўйича Кенгаш; ривожланиш ва савдо бўйича Кенгаш; тўлов балансини чегаралаш бўйича Кенгаш; бюджет, молия ва администрация масалалари бўйича Кенгаш.
4. Бошқа ишчи гуруҳлар, музокаралар гуруҳлари, кўмита ва комиссиялар.
5. Котибият (секретариат).

**Бутун жаҳон савдо ташкилоти томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлар**

Бутун жаҳон савдо ташкилоти кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институтлашган ўзагидир. У ички савдо

конунчилиги ва қондаларини ривожлантириш ҳамда амалга ошириш услубларини ҳукуматларга белгилаб, шартномавий мажбурият тамойилларини тақдим қилади.

### **Ёдда тутиш!**

1994 йил 15 апрелдаги Мароккаш декларациясида “Уругвай давраси натижалари жаҳон иктисодиётини мустаҳкамлайди ва бутун дунёда савдони, инвестицияларни кенгайтириб, ишчи кучи бандлиги, даромадларнинг ўсишига олиб келади” деб ёзиб қўйилган. Шу билан бирга, у жамоавий баҳслар, музокаралар ва тақдимлаш орқали мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларини ривожлантирувчи платформа ҳисобланади

БСТ Уругвай давраси натижалари ифодаси ҳамда Тариф ва Савдо бўйича умумий битим давомчисидир. Мароккаш декларациясининг кучга кириши билан БСТга янги халқаро ташкилот сифатида асос солинди. У БСТ битимларига қўшилган товарлар савдоси, хизматлар савдоси ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ битимларнинг амалга оширилишида кўмак беради. Бундан ташқари, у битимга илова сифатида киритилган савдо сиёсатини ёритиш механизми билан юзага чиқувчи ихтилофларни бартараф этиш шартномасининг қўлланишини амалга оширади<sup>22</sup>.

Кўп томонлама савдо музокаралари бўйича Уругвай давраси натижаларини ўзида мужассам этган Яқунловчи ҳужжат Бутун жаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш бўйича Битимни ўз ичга олади.

БСТ Битимига тўртта илова ўзгартиришлар киритилган икки матнни – 1947 йилда қабул қилинган Тариф ва савдо бўйича умумий битим ва янги битимлар, жумладан, хизматлар савдоси ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя этиш битимларини (TRIPs) ўз ичига олгади<sup>23</sup>.

### **Биринчи Низом таркибида:**

- 1А Илова. Товарлар савдоси ҳақида умумий битим.
- 1В Илова. Хизматлар савдоси ҳақида умумий битим.
- 1С Илова. Савдо ҳақида битим ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ жиҳатлар (TRIPs) мавжуд.

<sup>22</sup> Мироганнис Дж. 5 лет после Punta del Este. Новые переговоры в Уругвае. Сотрудничество Севера-Юга. Афины, июль 1992 г.

<sup>23</sup> ВТО. Руководство для новичков. Ertalofos ed., 2000, Афины-Греция (Англ.).

**Иккинчи Низом** ихтилофларни бартараф этишни назорат этувчи қоида ва жараёнлар бўйича битимлардан иборат

**Учинчи Низом** савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизмини ўз ичига олади.

**Тўртинчи Низом** БСТнинг барча аъзо давлатлар томонидан имзоланган кўп томонлама Савдо битимини ўз ичига олади ҳамда "...ушбу битимларни қабул қилмаган аъзо мамлакатларга ҳеч қандай мажбурият юкламайди ва ҳуқуқ бермайди" деб қайд этади.

**Тўртта битим:**

- фуқаролик самолётлари савдоси ҳақида битим;
- давлат таъминотлари ҳақида битим;
- сут маҳсулотлари ҳақида халқаро битим;
- мол гўшти ҳақида битим.

Биринчи уч иловада келтирилган битимлар барча аъзо давлатлар учун боғловчи вазифасини ўтайди (ҳар томонлама савдо битимлари), тўртинчи иловадаги битим эса фақат имзо чеккан давлатларнигина бирлаштиради (кўп томонлама савдо битимлари).

Тарифлар ва савдо ва бўйича асосий келишув (ГААТ)нинг аввалги низомлари ГААТ Товарлар савдоси ҳақида битимга (1А Илова) киритилган. Агар аниқроқ айтадиган бўлсак, 1А Илова ГААТнинг 1994 йилдаги низомларини (Уругвай даврасигача бўлган ГААТнинг 1947 йилдаги низоми назарда тутиляпти), жумладан, махсус протокол, қарорлар ва тушунчаларни ўз ичига олади. 1994 йилдаги ГААТнинг Товарлар савдоси ҳақида Битим қарорлари БСТ битимлари 1А Иловасига киритилган:

- савдода техник тўсиқлар ҳақида битим;
- божхона баҳоси ҳақида битим (1994 йилдаги ГААТнинг VII бандининг бажарилиши);
- келиб чиқиш жойи ҳақида битим;
- импортни лицензиялаш жараёнлари ҳақида битим;
- юклашдан олдинги текшириш ҳақида битим;
- ҳимоя чоралари ҳақида битим;
- санитар ва фитосанитар тадбирларни қўллаш ҳақида битим;
- субсидиялаш ва компенсациялаш тадбирлари ҳақида битим;
- антидемпинг ва компенсацион бож ҳақида битим (1994 йилдаги ГААТнинг VII бандининг бажарилиши);
- садо билан боғлиқ инвестицион тадбирлар ҳақида битим;
- текстил ва кийим ҳақида битим;
- қишлоқ хўжалиги ҳақида битим.

БСТ битимлари жами 29 та алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади. Бу матнлар БСТга аъзо мамлакатлар вазирлари кафолатлари даражасида қабул қилинган яна 25 та қўшимча баёнотлар, қарорлар ва келишувлар билан мустаҳкамланган. Бу барча ҳужжатлар бир бутун ҳужжатлар тизимини ташкил этади. Бу шуни англатадики, БСТга аъзо бўлаётган барча мамлакатлар ушбу ҳужжатларни ҳеч бир истисносиз қабул қилишлари шарт. Бу соҳадаги ягона имтиёз келишувларни амалга ошириш муддатининг турличалигидир: ривожланаётган мамлакатлар ва баъзи ҳолатларда ўтиш даври мамлакатлари учун мазкур муддат бирмунча узоқроқ қилиб белгиланган<sup>24</sup>.

### **Халқаро савдо ташкилотига кириш шартлари ва аъзолик институти**

БСТга аъзо бўлиш мамлакатларга анча башорат этиладиган ва барқарор савдо доирасида бўлиш орқали ўз тараққиёт стратегия ва савдо сиёсатларини ишлаб чиқишларига имконият беради. БСТга аъзолик ривожланиш миллий сиёсати мақсадларига эришишнинг асосий элементи сифатида қаралиши керак. Бу мақсадлар мамлакат музокаралар жараёнига киришишдан анча аввал аъзолик шартлари, яъни товар ва хизматлар бозоридан хорижликларнинг фойдалана олишида махсус ён босишлар ва мажбуриятлар мазкур сиёсат параметрлари (қишлоқ хўжалиги ва саноат субсидиялари, интеллектуал мулк савдоси ҳамда ҳуқуқига дахлдор инвестицион сиёсат ва бошқалар) БСТ битимларидаги мажбуриятлар билан мутаносиб бўлиши аниқ белгилаб олинган бўлиши шарт. Макбул асосларда БСТга аъзо бўлиш юқори даражада тайёргарликни талаб этувчи узоқ муддатли қийин ва мураккаб жараён сифатида қаралиб, миллий манфаатларга риоя этиш ҳамда уни самарали ҳимоя этиш учун давлат идоралари орасида мувофиқлаштирилиши лозим. Шу сабабли БСТ аъзо мамлакатлари билан жиддий музокаралар олиб борилади. Бундай музокараларда келгуси бир неча йил мобайнида мамлакатларнинг савдо ва сиёсий ривожланишларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган стратегик ва узоқ муддатли масалаларни кўриб чиқадилар.

<sup>24</sup> Исмаилова Н.С., Ахрарова Д.А. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари: Маъруза матни. – Т.: ТДИУ, 2013. – Б. 191.

Иқтисодий ривожланиш молия тизимини мустаҳкамлаш ҳамда юқорида зикр этилган махсус шартномалар асосида чуқур маънода фойда олиш мақсадида ўз савдосига мувофиқ мувозанатлаштириш шартларига эришиш учун БСТга аъзо бўлиш музокараларида номзод мамлакатлар музокаралар даврида асосий иқтисодий стратегия ва сиёсатларини мукамал таҳлил этиш асосида мақсадларни ҳамда уларнинг БСТ меъёрлари ва қоидаларига мутаносиблигини белгилаб олишлари шарт. Бу музокараларни бошлаш учун муҳим замин бўлади. Мазкур ҳужжат, шунингдек, ўз ичига иқтисодиётда ташқи савдо ва асосий савдо шерикларининг ўрни ҳамда таракқиёт учун улардан кутиладиган натижалар каби саволларни қамраб олиши, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга кодир иқтисодиётнинг халқаро-рақобатбардош секторларини белгилаб олиши, ва номзод мамлакатнинг ижтимоий муҳим сектори ва саноатнинг “туғилаётган” соҳаларини ҳимоя қилиш заруратига эътиборни қаратиши керак.

Кираётган давлат БСТ назоратчиси мақомидан аъзолик музокаралари учун аъло даражада тайёргарлик ишларини ўтказишда тўлиқ фойдаланиши лозим. Жумладан, БСТга аъзо бўлишда ўзга давлатлар Ишчи гуруҳи йиғилишларида иштироки бундай музокаралар мураккаблигини англаш имконини беради. Шу билан бирга, мамлакат БСТ амалиётида оддий амалиёт ҳисобланган аъзо мамлакатлар билан ишлашнинг ноанъанавий усулларига асосий эътиборини қаратиши даркор.

Аъзолик музокаралари мазкур жараён учун масъул тизим яратишни талаб қилади. Аъзолик музокараларига ёрдам берувчи ва қўллаб-қувватловчи, давлат идоралари орасида ҳамда ҳуқуқий ва савдо ташкилотлари билан мувофиқлаштириш ваколатига эга самарали ҳукумат механизминини яратиш учун куч сарф этилиши лозим. Шу билан бирга, катта миқдорда ҳужжатларни қайта ишлаш ҳамда қонун яратувчилик ҳужжатларини БСТ расмий тилларига таржима қилиш каби техник ва мантиқий муаммоларни ҳам бартараф этишга тайёргарлик кўриниш муҳимдир.

Савдо сиёсатига жалб этилган институтларнинг хилма-хиллиги мувофиқлаштирувчи масалаларда муҳим аҳамият касб этади. Мувофиқлаштириш нафақат давлат идоралари орасида, балки улар ва хусусий сектор орасида ҳам муҳимдир. Шу мақсадда, номзод давлатларнинг деярли бари БСТга аъзо бўлиш масалалари бўйича ишловчи мувофиқлаштирувчи механизмнинг мутаносиб шаклини яратадилар.



Аъзо бўлиш масалаларида хусусий секторнинг иштироки бир неча сабаб бўйича муҳим бўлиши мумкин. Музокаралар бўйича манфаатларни аниқлаб олиш хусусий сектор томонидан, жумладан, иктисодиёт секторлари сезирлиги масаласида фойдали хисса бўлиши мумкин. Боз устига, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва БСТ масалалари бўйича мажбуриятларнинг мутаносиблиги хусусий сектор фаолиятига боғлиқ. Бирок номзод давлатларнинг аксариятида бундай ёрдамни таъминлашда хусусий сектор имкониятлари жуда паст.

Музокаралар жараёнида муҳим қонунларни қабул қилиш борасида парламентлар муҳим ўринни эгаллайди. Миллий парламентлар билан ҳамкорлик БСТга кириш амалиётининг қонунийлигини таъминлайди ва музокаралар жараёнининг ички очиклигини таъминлайди.

Аъзолик музокаралари ва БСТга аъзо бўлишнинг ўзи номзод мамлакатлар миллий институционаллашган инфратузилмаларини анча кучайтиришларига зарурат сезади. Номзод мамлакатларнинг аксари кириш ҳақида баёнот берганларидан сўнггина мазкур мақсадларга мос инсон ва молия ресурслари етарли даражада ривожланмаганлиги ҳақида хулосага келадилар. Улар томонидан институтлар жорий этиш, инсон ресурсларини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш ва бошқариш шакллари яхшилаш чоратадбирлари керак бўлади. Номзод мамлакатлар, бу ишда халқаро ҳамжамиятнинг кенг қамровли ва объектив ёрдамига муҳтож бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳам аста-секинлик билан БСТ аъзоси мажбуриятларини ўз зиммасига олиш йўлидан кетмоқда. Бунда Ўзбекистон ушбу халқаро ташкилот томонидан кўзда тутилмаган воситалардан босқичма-босқич воз кеча бошлайди. Бунда миллий иктисодиётга жиддий фойда келтира олмайдиган воситаларни имкон қадар тезроқ бекор қилиш ва токи улар ўз ролини охиригача ўйнамагунигача қадар таркибий қайта қуришга жиддий ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Мос равишда БСТ билан музокараларда ҳам Ўзбекистон учун бу давр мобайнида мамлакат соф техник талабларни бажарибгина қолмай, ўзгаришлар учун фойдаланиладиган ташқи савдони тартибга солиш элементларини босқичма-босқич қисқартириши ҳам мумкин бўлган ўтиш даврига эришиш зарур. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг жаҳон иктисодиётига тўлиқ интеграциялашувини изчиллик билан таъминлашга имкон берадиган

ташқи савдо режимини янада либераллаштириш билан боғлиқ барча масалаларни комплексли ҳал этишни таъминлайди. Ҳозирги пайтгача Ўзбекистоннинг БСТга аъзо бўлиб кириши доирасида қуйидаги ишлар бажарилган. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон БСТ кузатувчиси мақомига эга бўлиб, бу ташкилотга аъзо бўлиб кириш учун ариза берган ва мазкур ташкилотга кириш учун тегишли ишларни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда.

БСТга қўшилиш мамлакатнинг жаҳон хўжалиги алоқалари тизимига интеграцияси динамикасининг юқорилиги, ғарб бозорларини маҳаллий маҳсулотлар учун “очиш” ва мамлакат саноати рақобатбардошлигини ошириш зарурати билан асосланадиган объектив жараён дир. Миллий иқтисодиётнинг қиёсий устунликларини амалга ошириш вазифаларининг муқобил вариантларга эга эмаслиги нуқтаи назаридан айнан ушбу ошириш салоҳияти, миллий ихтисослашувнинг рақобатбардошли ишлаб чиқаришларини ривожлантириш имконияти – Ўзбекистон БСТга аъзо бўлиб киришдан оладиган асосий фойда мана шулар дир.

### **Халқаро савдо муносабатларини тартибга солувчи бошқа ташкилотлар**

Халқаро савдода содир бўлаётган жараёнлар тахлили, қайд этиш лозимки, либераллаштириш унинг асосий тенденцияси эканлигини кўрсатмоқда. Халқаро кўламда божхона божларининг камайтирилиши, янги имтиёзларнинг берилиши ва бошқа кўплаб чекловларнинг бекор қилиниши билан боғлиқ кўплаб ишлар амалга оширилди. Бироқ шунга қарамай, ҳали ҳам олдинда бир қатор муаммолар ўз ечимини кутиб турмоқда. Халқаро савдодаги муаммолардан бири ҳозирги кунда аҳамияти ошиб бораётган йирик савдо-иқтисодий блоклардан иборат. Мазкур блоклар давлатлар иттифоқи асосида ташкил этилиб, ҳозирда бир-бирларига савдо соҳасидаги рақиблар сифатида қарашади.

Қуйида дунёнинг 9 та йирик халқаро ҳудудий савдо блокларига тўхталиб ўтамиз:

1. Европа Иттифоқи (ЕИ). Аъзо давлатлар Австрия, Бельгия, Болгария, Венгрия, Буюк Британия, Греция, Германия, Дания, Италия, Ирландия, Испания, Кипр Республикаси, Люксембург, Латвия, Литва, Мальта, Нидерландия, Португалия, Польша, Румыния, Словения, Словакия, Франция, Финляндия, Хорватия, Чехия, Швеция, Эстония.

Европа Уюшмаси (ЕУ) ёки “Умумий бозор” деб аталувчи давлатлар бирлашмаси, ўзларининг миллий суверенитетининг бир қисмидан воз кечиш эвазига ягона сиёсий ва иқтисодий бирликка эришишга ҳаракат қилишади. “Умумий бозор”га аъзо давлатлар ўзларини бўлажак Европа Қўшма Штатларининг ядроси деб ҳисоблашади.

“Умумий бозор” бирлашмаси келишувлари қуйидагилар:

– Европа темир ва кўмир бирлашмаси (мазкур шартнома 1952 йилда кучга кирган);

– Европа иқтисодий уюшмаси (шартнома 1958 йилда кучга кирган).

Мазкур шартномлар Ягона Европа актлари деб аталувчи ҳужжат билан 1978 йилда қўшимчалар киритилган ва кенгайтирилган. Ягона Европа актлари “Умумий бозор” аъзо давлатларининг сиёсий ҳамкорлигининг базасини ташкил қилади.

“Умумий бозор”нинг биринчи галдаги вазифаси эркин ягона бозорни ташкил этиш, бошқача қилиб айтганда савдони ўзаро тўланадиган божларсиз амалга ошириш, товар контингентларини белгилаш ва бошқа имтиёзлар киритишдан иборат. Шу билан бир қаторда, учинчи давлатлар учун ягона бож тўлови жорий қилинган (божхона иттифоқи).

2. Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка келишуви (НАФТА). Аъзо давлатлар АҚШ, Канада, Мексика.

3. Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ). Аъзо давлатлар Исландия, Норвегия, Швейцария, Лихтенштейн.

4. Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС). Аъзо давлатлар Австралия, Бруней, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Янги Зеландия, Папуа янги Гвинея, Индонезия, Филиппин, Тайвань, Гонконг, Япония, Жанубий Корея, Китай, Канада, АҚШ, Мексика, Чили.

5. “Меркосур”. Аъзо давлатлар: Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай.

6. Жанубий Африка тараққиёт қўмитаси (САДК). Аъзо давлатлар: Ангола, Ботсвана, Лесото, Малави, Мозамбик, Маврикий, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве.

7. Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЮЭМОА). Аъзо давлатлар: Кот-д’Ивуар, Буркина-Фасо, Нигерия, Того, Сенегал, Бенин, Мали.

8. Жанубий Осиё худудий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК). Аъзо давлатлар: Ҳиндистон, Покистан, Шри-Ланка, Бангладеш, Мальдива, Бутан, Непал.

9. Анд пакти. Аъзо давлатлар: Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия.

Уқоридаги сингари блокларни ташкил этиш, сиёсий, иқтисодий ва тарихий объектив жараёнлар билан характерланади. Бундай жараёнларни фаоллаштириш, бир тарафдан халқаро савдо муносабатларини ривожлантирса (худудлар ва блоклар доирасида), бошқа тарафдан ҳар қандай ёпиқ ташкил этиладиган ташкилотлардаги сингар бир қатор тўсиқларни вужудга келтиради. Бир сўз билан айтганда, халқаро савдо-иқтисодий алоқаларга киришаётган давлатлар иттифоқи ўртасида глобал жаҳон бозорига онд ҳали ҳам кўплаб каршилиқлар ва тўсиқлар мавжуддир.

### **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Бутун жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш натижасида яратиладиган имкониятлар ва ташкилот томонидан давлат учун қўйиладиган талабларни БСТга аъзо давлатлар мисолида муҳокама қилинг.

2. Халқаро савдо муносабатларида БСТнинг давлатлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни мувофиқлаштиришдаги тутган ўрнини мисоллар ёрдамида муҳокама қилинг.

3. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссия ЮНСИТРАЛ ва халқаро УНИДРУА институтининг халқаро савдо муносабатларини тартибга солишдаги вазифаларини муҳокама қилинг.

4. Маълумки, халқаро савдо муносабатларини амалга оширишда ва тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг аҳамияти катта. Бу эса халқаро савдо ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, халқаро савдо соҳасидаги ташкилотлар ўзаро ҳамкорлигини (алоқасини) муҳокама қилинг.

## **V БОБ. ХАЛҚАРО САВДО МУОМАЛАСИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ**

Халқаро савдо ҳуқуқи объектлари ва уларнинг турлари. Халқаро савдо ҳуқуқи объекти сифатида товар ва унинг турлари. Пул товар сифатида. Халқаро савдо ҳуқуқи объекти сифатида қимматли қоғозлар. Халқаро савдо ҳуқуқи объекти сифатида ишлар ва хизматлар. Халқаро савдо ҳуқуқи объекти сифатида ахборот ва унинг хусусиятлари. Халқаро савдо ҳуқуқи объекти сифатида интеллектуал мулк фаолияти натижалари.

### **Халқаро савдо ҳуқуқи объектлари ва уларнинг турлари**

Халқаро савдо муносабатларининг глобал иқтисодий интеграция жараёни натижасида кенгайиб бориши сўнгги ўн йилликда халқаро савдо муомаласи объектлари рўйхатининг ҳам кенгайишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, давлатлараро турли йўналишлардаги иқтисодий, савдо ва инвестиция муносабатларининг кенгайиши, бу борадаги икки ва кўп томонлама битимлар тузилишининг ижобий самарасидир.

Халқаро савдо муносабатлари пайдо бўлишининг дастлабки асрларида унинг объектлари сифатида моддий дунё товарлари назарда тутилган бўлса, XIX асрнинг охиридан бошлаб номоддий объектлар ҳисобига (турли кўринишдаги ишлар ва хизматлар, интеллектуал мулк объектлари, қимматли қоғозлар бозорининг кенгайиши ва ҳ.к.) халқаро савдо муомаласининг объектлари ҳам кенгайиб бормоқда.

Халқаро савдо муомаласининг ривожланиши билан савдо муомаласининг объекти деб ҳисобланиши мумкин бўлган предметларнинг турлари доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

XIX асрнинг охирига келиб нафақат мулклар ёки бошқа моддий ашёлар, балки мулквий ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар, ишлар, хизматлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар халқаро савдо объектлари орасидан мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Халқаро ташкилотларнинг қарори билан савдо муомаласидан чиқарилмаган ҳар қандай предмет халқаро савдо муомаласининг объекти бўлиши мумкинлиги мустаҳкамланди. Муайян давлат миллий қонунчилигига кўра, фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган объектлар тегишли давлат фуқаролик ҳуқуқининг объектлари бўлиши мумкин.

Умуман олиб қараганда, халқаро савдо муомаласи объектлари миллий фуқаролик ҳуқуқи объектлари билан деярли бир хил кўришга

эга, юқори даражада фарқланмайди. Лекин халқаро савдо муомаласи объектлари ўзи кўлами ва ўзига хослигига кўра миллий фуқаролик ҳуқуқи объектларидан ажралиб туради.

Х.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, “ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимага нисбатан қаратилган бўлса, ўша нарса фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади”<sup>25</sup>.

Академик Х.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқининг объектларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) ашёлар;
- 2) ишлар;
- 3) хизматлар;
- 4) интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари, номоддий неъматлар.

Халқаро савдо-сотиқ муомаласида қатнашувчи объектларни ҳам юқоридаги белгиларига кўра турларга ажратиш мумкин.

Демак, юқоридаги олимлар ва бутунги кунда халқаро савдо муносабатларида шаклланган умумий тенденциялардан келиб чиққан ҳолда халқаро савдо муомаласи объектлари доирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: товарлар; ишлар ва хизматлар; пул ва қимматли қоғозлар; интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари, номоддий неъматлар ва ахборот; давлатларнинг мутлақ ҳуқуқлари доирасига кирувчи айрим фаолият турлари (концессия ва инвестиция шартномалари тузиш фаолияти) билан шуғулланиш ҳуқуқи ва бу борасидаги давлатларнинг ҳуқуқий кафолати.

Энди бевосита ушбу гуруҳга кирувчи предметларни алоҳида тарзда кўриб чиксак.

### **Товар халқаро савдо ҳуқуқи объекти сифатида**

Халқаро савдо муомаласининг объектлари турли-туман бўлишига қарамасдан, халқаро савдо муомаласининг энг муҳим объекти товар саналади. Илмий адабиётларда товар деганда сотиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият натижасида яратилган меҳнат фаолияти натижаси саналади. Товарнинг иқтисодий характеристикасига унинг истеъмол қиймати (инсоннинг аниқ бир эҳтиёжини қондириш қобилияти) ва айирбоплаш қиймати (бошқа товарларга алмашинув ҳолати) киради. Фуқаролик кодексининг

<sup>25</sup> Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисмига тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 221.

нормаларида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари назарда тутилган бўлиб, лекин товар тушунчаси назарда тутилмаган. (ФКнинг 81-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқида товар тушунчаси фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тушунчаси билан шахсий номулкий ҳуқуқларни истисно қилган ҳолатда бир хил тушунча деган фикрлар илгари сурилади. Бунга сабаб фуқаролик ҳуқуқининг кўпчилик объектлари товар шаклида намоён бўлади.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 81-моддасига кўра Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулккий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради. Шу билан бирга, ФКнинг 387-моддасига кўра олди-сотди шартномаси бўйича ҳар қандай ашёлар ушбу Кодекснинг 82-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда товар бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатни маҳсулот етказиб бериш шартномасида ҳам, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактда ҳам кузатиш мумкин. Демак, Фуқаролик кодексининг кўпчилик шартномаларининг объектлари товар тушунчаси орқали ифодаланади.

Товар тушунчаси ва унинг хусусиятлари ҳақида миллий ва хорижий олимларнинг кўплаб таърифлари мавжуд. Уларда энг кенг тарқалган таърифларга тўхталиб ўтсак.

### **Ёдда тутинг!**

Товар деганда моддий дунё ашёлари, уларнинг пул билан баҳоланган, савдо битимининг мавзуси бўла оладиган табиий мухитдан олинадиган (масалан, кўмир, нефть ва бошқалар) ёки инсон қайта ишлайдиган кўринишлари назарда тутилади.

Жисмоний ўлчовларга (оғирлик, ҳажм, узунлик ва ҳ.к.) эга бўлган, олиш-сотиш, ижарага бериш, айирбошлаш ва бошқа битимлар мавзуси бўла оладиган буюмлар товар бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, халқаро савдо муомаласининг объектлари бўлиб эркин айирбошлаш ёки сотиш ҳамда сотиб олиш имконияти мавжуд бўлган, савдо муомаласи предмети бўла оладиган товар тушунилади. Демак, халқаро савдо ҳуқуқида товар деганда табиий

ҳолатдаги моддий дунё предметлари ёки халқаро савдо муомаласи объекти сифатида қараш мумкин бўлган унинг қайта ишланган ҳолатини тушуниш керак.

Ушбу ашёлар хусусиятлари, ўлчамлари ва ташқи кўринишларига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Улар жисмонан мавжуд бўлганларидагина битим мавзуси ҳисобланиши мумкин.

Шу билан бирга, товарларни аниқлашнинг умумий ва индивидуал мезонларини ҳам инобатга олиш лозим.

Товарларни умумий белгиларга асосан аниқлашнинг мезонларига, энг аввало, унинг оғирлиги, ўлчови ва товарнинг нави (сифати) киради. Қайд этиш лозимки, товарнинг нави (сифати) мавжуд миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аниқланади. Халқаро савдо битимларида маълум бир корхонада ўрнатилган ёки тарафлар томонидан келишилган шаклдаги товар стандартлари бўйича савдо муомаласини олиб боришга рухсат берилади.

Товарларни миқдор жиҳатдан аниқлаш усуллари ҳам хилма-хилдир. Баъзи товарлар ўлчаб кўрилади, бошқалари эса санаб чиқилади ёки эгаллаган ҳажми кўрсатилади ва ҳ.к.

Ҳозирги пайтда товар ва оғирлигини ўлчашнинг турли халқаро ва миллий стандартлари мавжуд. Товарнинг оғирлигига нисбатан нетто оғирлиги (товарнинг ўзи) ва брутто оғирлиги (унинг идиш ва ўрамлари билан бирга олгандаги оғирлиги) бир-биридан фарқланади. Халқаро савдо муомаласида товар баҳосини аниқлашда нетто оғирлигидан, транспортга юклаб жўнатиш жараёнида эса брутто оғирлигидан фойдаланилади. Халқаро савдо муносабатларида асосан метрик ўлчовдан фойдаланилсада, баъзи давлатларда ўлчовларнинг бошқа тизимлари ҳам қўлланилишини қайд этиш лозим.

Халқаро савдо муомаласида товарнинг сифати ва хили муҳим аҳамиятга эга. Товарнинг хили ва сифати одатда амалдаги миллий стандартлар ёки халқаро стандартларга мувофиқ аниқланади. Шунингдек, халқаро савдо битимларида тарафлар томонидан келишилган ҳолда товарнинг хили ва сифатига нисбатан ишлаб чиқариш корхонасининг стандартлари ҳам қўлланилиши мумкин.

Товарларнинг индивидуал белгилари (асосан мураккаб техник маҳсулотлар) завод-ишлаб чиқарувчилар томонидан ўрнатилган техник шартлар ва стандартларга мувофиқ аниқланади. Сифат даражасининг номувофиқлиги ҳолатлари юзага келган ҳолатда ушбу товарларни алмаштириб бўлмайди. Шу билан бирга, халқаро савдо муомаласи тарафлари баъзи ҳолатларда товарларга бўлган талабларни қўшимча равишда белгилаш орқали шартномалар тузишга ҳақли.



Мураккаб техника маҳсулотлари, шунингдек индивидуал-аник товарларнинг сифати одатда тайёрловчи завод белгилайдиган стандартлар ёки техник шартларга мувофиқ аниқланади.

Халқаро савдо муомаласида товарларга берилган тавсиф юқорида санаб ўтилган мезонлар билан чекланиб қолмайди. Бу, энг аввало, товарларнинг ҳар бир алоҳида ҳолатда турлича хусусиятларга эга бўлиши билан белгиланади. Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда халқаро савдо шартномаси тарафлари томонидан шартнома тузиш вақтида товарга қўйилган талаблар (товарнинг қаерда тайёрланганлиги, ранги, ҳажми ва ҳ.к.) ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилигида ўз ҳудудида ишлаб чиқиладиган товарларга нисбатан ҳам, ташқаридан келтирилган товарларга нисбатан ҳам сифат бўйича ўз талабларини белгиламоқда.

Давлатлар томонидан бундай талаблар айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги зарарли кимёвий ва бошқа моддаларга, шунингдек товар тайёрланган материалларнинг сифатига нисбатан озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда бошқа ҳолатлар нуқтани назаридан белгиламоқда.

### **Эътибор беринг!**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан 2000 йилда бўлиб ўтган БМТнинг Мингйиллик саммитида дунё мамлакатлари олдида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни режа асосида амалга ошириш вазифаси ҳам қўйилганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, айти пайтда қирққа яқин маҳаллий корхона "ISO 9001" сифатни бошқариш халқаро сертификатига эга. Қатор корхоналарда "ISO 22000" озиқ-овқат хавфсизлиги халқаро менежмент тизими йўлга қўйилган.

Дунё миқёсида товарларнинг сифати ва хавфсизлигига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда амалдаги қонун ҳужжатларида товарларга нисбатан миллий импорт ва экспорт давлат стандартлари ўрнатилган. Ушбу стандартлар импорт ва экспорт молларига бирдек амал қилади. Қайд этиш лозимки, халқаро савдо муомаласида экспортчи давлатнинг стандартлари асосида ишлаб чиқилган товар импорт қилаётган давлатнинг ҳудудига

киритилмаслиги, муомалага қўйилмаслиги мумкин. Яъни ҳар бир давлат ўзининг миллий стандартларини ўрнатиши ва бу бошқа давлатларнинг стандартларига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва халқаро савдо муомаласини кенгайтириш мақсадида бугунги кунда халқаро тан олинган стандартлар асосида ишлаб чиқаришга бўлган интилиш кучаймоқда.

### Ёдда тутинг !

2000 йил 26 майдаги Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги (янги таҳрирда) қонунининг 11-моддасига биноан ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Шу билан бирга, мазкур Қонуннинг 27-моддасига биноан, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ бўлиши лозим”<sup>26</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига ушбу кўрсатилган стандартлар ва талабларга мос келмайдиган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сертификати, маркировкаси ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган товарларни олиб кириш тақиқланади<sup>27</sup> деб қонунда аниқ белгилаб қўйилиши бу борадаги императив норма саналади.

Кўп ҳолларда халқаро савдо битимлари тузиш пайтида сотувчи учун (харидор учун ҳам) ҳуқуқий оқибатлар товар индивидуаллаштирилганидан (ажратиб олинганидан) кейин юзага келади. Хусусан, халқаро олди-сотди шартномасига кўра, сотувчи товарни омбордан EXW шартлари асосида юбориши лозим бўлса, харидор кечиктирган тақдирда (ўз вақтида олмаганида) товарнинг тасодифан (масалан, ёнғиндан) нобуд бўлиши туфайли юз берадиган оқибатлар харидор зиммасига тушади, бироқ бунинг учун товар тегишли даражада индивидуаллаштирилган бўлиши лозим.

Товарни индивидуаллаштириш учун муҳофазага лаёқатли белгилар ҳам, муҳофаза қилишга лаёқатсиз белгилар ҳам эътиборга

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил, № 5-6, 148-модда.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. 5-6-сон, 148-модда.

олинади. Товарларни индивидуаллаштиришга ёрдам берувчи муҳофазаловчи белгилар сифатида одатда рўйхатга олинган товар белгиларидан фойдаланилади. Аммо товарнинг тегишлилиги муҳофаза белгилари билангина эмас, балки муҳофазалашга хизмат қилмайдиган белгилар (савдо, тижорат белгиси, партияси ва бошқалар) воситасида ҳам аниқланиши мумкин. Белгилар товарнинг бевосита ўзига ёки унинг ўрамига (кутисига) қўйилган бўлиши мумкин. Товарлар ана шу мақсадда этикетка ва тамғалар билан таъминланиши мумкин.

Халқаро савдо муомаласининг моддий объектларига инсонларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган истеъмол товарлари ҳамда ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва унда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар, тўлдирувчи ёки иккиламчи маҳсулот, асбоб-усканалар ҳамда бошқаларни киритиш мумкин.

**Пул товар сифатида.** Халқаро савдо муомаласида пулнинг асосий вазифаси ҳисоб-китоб воситаси бўлиб, хизмат қилишдан иборат. Пул ички давлат муносабатларида ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг қонуний воситаси бўлиши билан бирга, у чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда битим объекти бўлиб ҳам иштирок этиши мумкин. Пул халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг мустақил объекти эканлиги тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, давлатларнинг миллий қонунчилиқ ҳужжатларида қайд этиб қўйилган.

#### **Ёдда тутинг!**

1980 йил 11 апрелда қабул қилинган БМТнинг “Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияга 1996 йил 30 августдаги Олий Мажлиснинг № 294-І қарори билан қўшилган бўлиб, ушбу конвенция Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 1 декабрдан кучга кирган.

Ташқи савдо мажбуриятларини амалга оширишда пул бирлиги қоида тариқасида чет эл валютасида ёки миллий валютада ифодаланиши мумкин. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 94-моддасида пул Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм ҳамда чет эл валютаси фуқаролик муомаласининг мустақил объектлари деб белгилаб қўйилган.

Миллий ҳуқуқий таълмотлар пулга фуқаролик (савдо) ҳуқуқи объекти сифатида қараш билан бирга, уни универсал товар сифатида таърифлайди. Башарти қарздор ўз мажбуриятини натурал ҳолда бажариши лозимлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, пул воситасида ҳар қандай мажбурият бажарилиши мумкин.

**Шу билан бирга, қуйидаги хусусиятлар туфайли пулнинг универсаллиги ўзгариб туради:**

– эркин конвертацияладиган, яъни бошқа валютага эркин алмаштириладиган, муайян шартлар мавжуд бўлганда чекланган даражада конвертация қилинадиган валютага алмаштириладиган валюталар, умуман конвертация қилинмайдиган, яъни бошқа валюталарга алмаштирилиши қийин бўлган ёки умуман алмаштирилмайдиган валюталарнинг мавжудлиги;

– валюта баҳоси доимий равишда ўзгариб туриши, яъни валютанинг реал харид қуввати бошқа валютага нисбатан ортиши ёки камайиши мумкинлиги;

– тўлов валютасининг ўзгартирилиши баъзи мамлакатлардаги ҳуқуқ тизимларида ушбу давлат валюта қонунчилигининг бузилиши сифатида баҳоланиши мумкинлиги.

Ушбу ҳолатлар туфайли мажбурият халқаро савдо битими шартларида белгилаб қўйилганидан бошқа валютада бажарилишини халқаро тижорат арбитражлари томонидан шартнома шартларини лозим даражада бажармаслик деб баҳоланиши мумкин.

Одатда пул, яъни бирор - бир давлатнинг валютаси сифатида ушбу давлатнинг миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солинади. Шу сабабли ушбу давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пул турларини ўзгартириши, яъни муайян пул бирликларини муомаладан чиқариб олиши ёки уларнинг муомалада бўлиш шартларини ўзгартириши мумкин.

Шу билан бирга, бир қатор халқаро, ҳукуматлараро универсал ва минтақавий ташкилотлар халқаро савдо муомаласига “халқаро пул”ни қайд этиб ўтадилар.

### **Маълумот учун!**

1999 йил 1 январдан бошлаб Европа Иттифоқи мамлакатлари доирасида ҳисоб-китоблар ягона валюта – EURO (евро) орқали амалга ошириб келинмоқда. Маълум бир минтақада жойлашган давлатларнинг ягона пул бирлигига ўтганлиги халқаро савдо сиёсий-иқтисодий интеграциянинг маҳсули саналади.

Тарихан пул ҳамма вақт тур белгилари билан ажралиб турадиган ашёлар қаторига киритиб келинган ҳамда бўлинадиган ва алмаштириладиган хусусиятга эга бўлган (олтин, кумуш тангалар, куйма олтин ва ҳ.к.).

Аста-секин танга шаклидаги металл пулни банкнота (қоғоз пул, яъни тақдим этилганида танга шаклидаги реал пулга алмаштириб бериш юзасидан банк мажбурияти) муомаладан сиқиб чиқара бошлаган. Кейинчалик банкноталар нақд пулсиз муомала қила бошлади, ҳисоб-китоблар нақд пулни сиқиб чиқара бошлади. Нақд бўлмаган пул ҳисобдаги ёзувлар тарзида мавжуд бўлиб, аслида ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра муайян суммани бир ҳисобварақдан бошқа ҳисобвараққа ўтказиш мажбуриятини англатади. Шу тариқа пул ашё шаклидан мулкый ҳуқуқ шаклига, халқаро савдо муомаласининг объектларидан бирига айлана бошлаган.

### **Қимматли қоғозлар**

Қимматли қоғозлар халқаро савдо муомаласининг мустақил объекти сифатида узоқ вақтдан буён иқтисодий муносабатларда қатнашиб келмоқда. Қимматли қоғозлар савдо муносабатларининг объекти сифатида товар муомаласининг тезлашувига, савдо муносабати қатнашчиларининг ҳуқуқлари муҳофазаланишига хизмат қилади.

#### **Маълумот учун!**

Қимматли қоғоз (фр. *titrecrédit* ёки *titres négociables*, нем. *Weirpapier*) англо-америка ҳуқуқ тизимига оид давлатларда муомала ҳужжатлари сифатида юритилади. Халқаро савдо муомаласининг ушбу объектига бундай ном берилиши унга аъъанавий ҳужжат тарзида ёндашилишидан келиб чиқади. Бугунги кунда қимматли қоғозлар ҳужжатсиз чиқарилаётган ва муомалага киритилаётган ҳоллар ҳам маълум.

Кўпчилик миллий ҳуқуқ тизимларида қимматли қоғоз (муомала ҳужжати) деганда муайян мулкый ҳуқуқ мавжудлигини тасдиқловчи объект тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасида қимматли қоғозлар фуқаролик муомаласининг мустақил объекти эканлиги кўрсатиб қўйилган.

### **Ёдда тутинг!**

Қимматли қоғозлар ҳужжатлар бўлиб. улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулк ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди. Қимматли қоғозларнинг киймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.

(Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси).

Қимматли қоғоз деганда кўпчилик ҳуқуқий тизимларда аниқ бир мулк ҳуқуқини мавжудлиги тасдиқлашга мўлжалланган объект тушунилади. Ушбу қимматли қоғознинг мулкдорининг унинг тўла ҳуқуқли эгаси саналади. Бундай тарзда ва усулда юзага келган қимматли қоғоздан ҳамда у билан боғлиқ мулк ҳуқуқдан белгиланган тарзда фойдаланиш, унга бўлган ҳуқуқни бошқаларга ўтказиш ҳақида фармойиш бериш мумкин бўлади.

Қимматли қоғозларга бериладиган анъанавий тавсифнинг ўзига хос жиҳати унинг икки томонлама ҳуқуқий табиатидан, яъни бир томондан, қимматли қоғоз, мулк ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат, иккинчи томондан эса мулк ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат – ашё (кўчар мулк) эканлигидан келиб чиқади.

Қимматли қоғозларнинг икки томонлама табиати унинг муомалага чиқарилиш ва муомалада бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ, чунки қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалага киритиш мулк ҳуқуқларни уларга хос бўлган белгилар билан муомалага киритишнинг айнан ўзидан иборат.

### **Эътибор беринг!**

Қимматли қоғозларга доир битимлар деганда қимматли қоғозлар олди-сотдиси, уларни ҳаё қилиш, мерос қилиб олиш, уларни устав фондига киритиш ва қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа актлар, шунингдек қимматли қоғозлар гарови тушунилади.

(Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси).

Юқорида кўрсатилганидек, қимматли қоғозларнинг асосий хусусияти уларнинг муомала қобилиятига эгаллиги, яъни бу қимматли

қоғозлар орқали мулкий ҳуқуқларни бир шахсдан бошқасига ўтказиш мумкинлиги, унда мажбуриятга эга шахсга мулкий ҳуқуқни бажариш мажбурияти ифодаланганлигидадир. Шу туфайли қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ масалалар давлатнинг миллий қонун ҳужжатлари воситасида таъмин этилади, чунки ҳозирги пайтгача ҳали халқаро миқёсда амал қиладиган ягона “қимматли қоғозлар” яратилган эмас ва ҳар қандай қимматли қоғоз “миллий” хусусиятга эга, яъни муайян давлатга тегишлидир.

**Халқаро савдо муомаласида қимматли қоғозларнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади ва улар ўртасида қуйидагилар кенг тарқалган:**

– **Вексель** – вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз саналади.

#### **Эътибор беринг!**

Векселни берувчининг ҳеч қандай шартларсиз қарз мажбуриятига эга эканлигини тасдиқловчи оддий вексель (ингл. **promisory note**) ҳамда векселда кўрсатилган шахс мажбуриятини кўчириладиган вексель (ингл. **bill of exchange**) шакллари мавжуд.

Халқаро вексел ва уни тартибга солишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга 1930 йилда қабул қилинган учта Женева конвенцияларини, шунингдек 1988 йилги БМТнинг Халқаро оддий вексел ўтказмалари ва халқаро пул ўтказмалари тўғрисидаги Нью-Йорк конвенциясини кўрсатиб ўтиш мумкин.

– **Облигациялар (ингл. bond)** – облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз.

– **Чек (ингл. check)** – банкнинг чек эгасига муайян пул суммасини чек тақдим этилган заҳоти тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз бўлиб, уни чек берувчи шахс ёки банк ёзиб берган бўлиши мумкин. 1931 йилда учта чекларнинг халқаро савдосини тартибга солишга қаратилган Женева конвенцияси қабул қилинган.

– **Коносамент (ингл. bill of lading)** – юк ташувчи ёки унинг вакили (агенти) юк ташиш шартномасининг шартлари, юк жўнатувчининг номи, юкнинг хусусиятлари, юкнинг уни индивидуаллаштиришга имкон берувчи белгилари, юк топшириладиган жой, уни олишга вакил қилинган шахсни кўрсатган ҳолда берадиган қимматли қоғоз. Коносаментни тартибга солишга қаратилган 1924 йилги “Коносамент ҳақидаги айрим қондаларини унификация қилиш ҳақида”ги конвенцияни кўрсатиб ўтиш мумкин.

– **Акция (ингл. certificate of stock)** – акциядорлик жамиятида иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра акция деганда ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз тушунилади.

– **Омборхона гувоҳномаси (ингл. Warehouse receipt)** – товарнинг омборхонада сақлаш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қимматли қоғоз.

– **Варрант (ингл. warrant, гаров гувоҳномаси)** – ушбу ҳужжат эгаси бўлган шахсининг омборга жойлаб қўйилган товарга нисбатан гаровга олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

– **Деливери ордер (ингл. delivery order)** – омбор эгасига, юк ташувчига омборхона гувоҳномаси ёки коносаменти берган бошқа шахсга берилган топшириқни ифодаловчи қимматли қоғоз бўлиб, унда деливери ордерида кўрсатилган шахсга муайян туркумдаги товарни топшириш лозимлиги кўрсатилади. Одатда ушбу ҳужжатдан битта коносамент билан расмийлаштирилган қатта туркумдаги товарларни қисмларга бўлиб тарқатиш учун фойдаланилади.

Давлатлар ўзларининг ҳуқуқий тизимларидан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозларни бир қатор хусусиятларга кўра таснифлайди. Таснифлаш асосларига кўра қимматли қоғозларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

**Континентал ҳуқуқ тизими доктринаси** уларни расмийлаштиришдаги ҳуқуқнинг табиатига кўра қуйидагича таснифлайди:

– **пулли қимматли қоғозлар (векселлар, чеклар, облигациялар ва х.к.).** Буларда муайян суммадаги пул маблағини талаб қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлади;



– иштирокчиликка оид қимматли қоғозлар (акциялар ва унинг турлари). Уларда шахснинг акциядорлик жамиятида, бошқа хўжалик жамияти ёки ширкатида қатнаша олиш ҳукуқи ифодаланади;

– товарларга оид қимматли қоғозлар (копосамент, деливери ордери, варрант ва бошқалар). Бундай қимматли қоғозларда муайян товарга бўлган ҳуқуқ ўз аксини топган бўлади.

Англо-америка ҳуқуқ доктринаси муомала ҳужжати ҳисобланувчи қимматли қоғозларнинг бошқача таснифини назарда тутди. Ушбу доктринага кўра қимматли қоғозлар қуйидагиларга бўлинади:

а) инвестиция қоғозлари. Акциядорлик жамиятида қатнашиш (акция), акция эгаси (қарз берувчи) билан қарз олувчи ўртасидаги муносабатларни тасдиқловчи муомала ҳужжати;

б) савдо қоғозлари – вексель, чек, депозит сертификати каби кўринишдаги муомала ҳужжатлари;

в) товар-топшириқ ҳужжатлари – ўз белгиларига кўра товарларга оид қимматли қоғозларга ўхшаш муомала ҳужжатлари.

Қимматли қоғозда белгиланган ҳуқуқ кимга тегишли эканлигига кўра улар қуйидагиларга бўлинади:

– “тақдим этувчига” деб берилган қимматли қоғоз. Унда назарда тутилган ҳуқуқ ушбу қимматли қоғоз эгаси бўлган ҳар қандай шахсга тегишли бўлиши мумкин. Қимматли қоғозда кўрсатилган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш учун ушбу қимматли қоғозни бошқа шахсга топширишнинг ўзи етарли бўлади;

– номи кўрсатилган қимматли қоғоз. Унинг эгаси деб унда номи кўрсатилган шахс тан олинади. Номи кўрсатилган қимматли қоғозда гувоҳлантирилган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш учун ягона эгасининг номи кўрсатилган ҳолда бошқа қимматли қоғозлар реестрига тегишли ёзув ёзилиши лозим бўлади;

– ордер шаклидаги қимматли қоғоз. Қимматли қоғозда кўрсатилган шахс ундаги ҳуқуқларни бевосита ўзи амалга ошириши ёки қоғоз устига тегишли ўтказиш ёзуви ёзиш орқали (индоссамент) ушбу ҳуқуқни бошқа шахсга бериб қўйиши мумкин. Бунда қимматли қоғоз билан тасдиқланган ҳуқуқнинг мавжудлиги учун ҳам, бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун ҳам индоссант (устхат ёзган шахс) жавобгар ҳисобланади.

### **Эътибор беринг!**

Баъзи давлатларнинг миллий қонунчилиги айрим турдаги қимматли қоғозларни номи кўрсатилган, ордерли ёки тақдим этувчига деб бериладиган қимматли қоғозлар шаклида чиқарилишини тақиқлайди. Масалан, ГФР ва Швейцария қонунчилиги фақат номи кўрсатилган акциялар чиқарилишини назарда тутди.

Континентал Европа давлатлари қонунчилигидан фарқли ўларок, АҚШ ҳукуки номиналсиз акциялар, яъни ўз номинал баҳосига эга бўлмаган акциялар чиқарилиши мумкинлигини назарда тутди. Қимматли қоғозларнинг умумий таснифланишидан ташқари, кўпчилик ҳуқук тизимларида уларнинг айрим турларига хос бўлган таснифлаш ҳам учраб туради. Масалан, акциялар оддий ва имтиёзли акциялар тарзида муомалага чиқарилиши мумкин.

### **Ёдда тутинг !**

**Оддий акция** – акция эгасининг соф даромаднинг бир қисмини (дивиденд) олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш, жамият тугатилганда эса унинг мол-мулкдан улуш олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғозлар тушунилади.

### **Ёдда тутинг !**

**Имтиёзли акция** – акция эгасининг жамият олган соф фойдадан акция чиқарилиш пайтида белгилаб қўйилганидан кам бўлмаган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқи, акциядорлик жамияти тугатилганда эса кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингач, қолган мол-мулкдан оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзли шартларда улуш олиш ҳуқуқи мустақкамлаб қўйилади.

Облигациялар эса **оддий ва дисконт** облигацияларга бўлинади. Бунда оддий облигация эгасига фоизлар тўланиши, тўлов муддати келганида унинг номинал қийматини олиш ҳуқуқи берилади.

### **Ёдда тутинг!**

**Дисконт облигациялар** – унинг эмитентлари (чиқарувчилари) номинал қийматидан паст баҳоларда жойлаштирадиган, эгаси эса тўлов муддати келганда облигациянинг номинал қиймати миқдоридан тўловни амалга ошириш мажбуриятини оладиган қимматли қоғоз.

Булардан ташқари, айрим давлатларнинг қонунчилиги (масалан, АҚШ) конвертацияланадиган қимматли қоғозларни ҳам тартибга солади. Конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар деганда оддий ёки дисконт облигациялар назарда тутилади ва унинг эгасига тўлов муддати келганда ўз хоҳиши билан тегишли пул суммасини олиш ёки ушбу акциядорлик жамияти акцияларини пул ўрнига олиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари, бир қатор давлатлар ҳуқуқ доктриналари ва қонунчилиги қимматли қоғозлар таснифланишининг бошқача турларини ҳам назарда тутати. Қайд этиш лозимки, қимматли қоғозларнинг шакли унга татбиқ этиладиган миллий қонунчиликнинг ўзига хослигидан келиб чиқади.

### **Халқаро савдо ҳуқуқининг объекти сифатида ишлар ва хизматлар**

Бугунги кунда халқаро савдо муомаласининг объектлари доирасида ишлар ва хизматлар ҳам муҳим институтлардан бири саналади. Давлатларнинг миллий қонунчилик тизимларида иш ва хизматларнинг фуқаролик муомаласи объектига оид қоидалар халқаро савдо муносабатларида ушбу объектлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга жуда ҳам яқин бўлиб, уларга тегишли давлатларнинг миллий қонунчилик нормалари татбиқ этилади.

#### **Ёдда тутинг!**

Иш ва хизматларнинг фуқаролик муомаласида иштирок этишига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 6, 37, 40-бобларида, иш ёки хизматнинг айрим турларига оид қонунлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги, “Туризм тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган.

Товарларни ҳаракатланиши нуқтаи назаридан халқаро савдо

Халқаро савдо муомаласида турли хизматлар мавжуд, хусусан, товарларнинг сақланиши, уларни савдо ваколатхоналари ёки бошқа давлатлардаги шаҳобчаларига ташиш ва бошқалар. Халқаро савдо муносабатларида пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, воситачилик ҳақи (комиссия), топшириқ, омонат, агентлик шартномаси ва бошқаларнинг кенг тарқалиши халқаро савдо муомаласида моддий

дунё объектлари ва интеллектуал мулклар билан бир қаторда, иш ва хизмат турларининг ҳам муносабат объекти сифатида иштирок этишига сабаб бўлди.

Шунга ўхшаш тарзда халқаро савдо муомаласида юқори даражада амалга оширилишида турли шаклдаги ишларни бажаришни ҳам талаб қилади. Хусусан, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, реклама маҳсулотини яратиш ва бошқалар.

### **Ёдда тутиш!**

Халқаро савдо муомаласининг объектлари сифатида ишлар ёки хизматларни амалга ошириш бўйича битимлар доирасига бугунги кунда қуйидаги ишлар ва хизматларни киритиб ўтиш мумкин: **пудрат, комиссия, топшириқ, дистрибьюторлик, факторинг, лизинг, консалтинг, инжиниринг, суғурта, етказиб бериш, транспорт экспедицияси шартномалари ва бошқалар.**

Пудрат шартномаси бажарилишининг натижаси моддий дунёнинг аниқ объекти бўлишига қарамай, шартноманинг предмети бўлиб мазкур объект эмас, балки пудратчи бажарган иш ҳисобланади. Айнан шу сабабли воситачилик ҳақи, топшириқ ва хизмат кўрсатиш кабиларга оид шартномаларда ҳам мол-мулклардан фойдаланилсада, уларнинг объектлари бўлиб, бир шахс бошқа шахсга кўрсатган хизматлар ҳисобланади.

### **Эътибор беринг!**

Шу билан бирга, халқаро савдо муомаласи билан боғлиқ барча операцияларни ишлар ҳамда хизматлар деб баҳоламаслик лозим. Масалан, пул ёки даромад олиш ҳуқуқини тақдим қилувчи фонд қоғозлари, облигациялар, таъминланган қоғозларни сотиш операцияларини халқаро савдо муомаласининг объектлари, яъни ишлар ёки хизматлар деб ҳисоблаб бўлмайди.

Халқаро савдо муомаласининг объектларидан бири сифатида ишлар ҳамда хизматлар ўз мазмунига кўра алоҳида халқаро савдо шартномалари тарзида ташкил қилинади.

### **Ахборот ва унинг хусусиятлари**

Ахборот феноменига нисбатан турли хил илмий ёндашувлар мавжуд. Ушбу ёндашувларда билдирилган қарашлардан хулоса қилиб

шуни айтиш мумкинки, ахборот – бу атроф-муҳитдаги объектлар ва ходисалар ҳамда уларнинг ноаниқлик даражасини камайтирадиган хусусиятлар ва муносабатлар тўғрисидаги маълумотлардир.

### Ёдда тутинг!

Ахборот моддий тарқатувчи – жисмоний объект, бошқа энергетик субстрат ёки ижтимоий ва психологик жараёнлардан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Ахборотнинг борлиқдаги шакли ҳаракатдир. У жисмоний ёки ижтимоий муҳитда ҳаракат қилиб, одамларнинг ўзаро муомала ва алоқа қилишга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

### Ахборот:

- объектив мавжуд бўлади ва моддий тузилмалар, шунингдек инсон онгининг ажралмас хусусияти ҳисобланади;
- нафақат сон, балки сифат жиҳатига ҳам эга бўлади;
- материя, онг ва жамият ҳаракатининг ҳар хил тур ва шакллари учун сифат жиҳатидан ҳар хил бўлади<sup>28</sup>.

Ахборотни тавсифлаганда унинг тўлиқлиги, ўз вақтида олинганлиги, аниқлиги, тўғрилиги, фойдалилиги ва қиммати ҳақида гапирилади. Тўғри қарор қабул қилиш учун минимал, аммо етарли маълумотлар мажмуидан иборат ахборот тўлиқ ахборот бўлади. Вақт ўлчовини ҳисобга олган ҳолда қарор ишлаб чиқаришда ҳисобга олиниши мумкин бўлган ахборот вақтида олинган ахборот ҳисобланади. Ахборотнинг тўғрилиги – бу унинг реал мавжуд бўлган объектларни зарур даражада аниқлик билан ифодалай олиш хусусиятидир. Ахборотнинг фойдалилиги ундан у ёки бу соҳада фойдаланиш хусусиятлари билан белгиланади. Ахборотнинг қиммати – унинг сифат комплекс кўрсаткичи муайян соҳада қарор қабул қилиш учун яроқлилиқ мезонидир.

Ихтиёрий воқеликни хилма-хил асосларга кўра турларга бўлиш мумкин. Жумладан, ахборотнинг ҳам қуйидаги турларини фарқлаш мумкин:

– қўлланиш соҳасига кўра: оммавий, ҳукукий, илмий-техник, сиёсий, статистик, фавқуллода вазиятлар ҳақидаги, шахс ҳақидаги ахборот ва ҳ.к.

<sup>28</sup> Хургия В.М. О праве граждан на доступ к информации. // Научные и технические библиотеки. – 2004. – № 5. – С. 4-5.

– ахборот олиш режимларига кўра: очик ахборот; олиш чекланган ахборот; ёлик ахборот; давлат сири; сир тутилган ахборот; тижорат сири; касбий сир; хизмат сири.

– ахборот тарқатувчининг турига кўра: қоғозда; машина ўқийдиган тарқатувчиларда; экрандаги тасвир кўринишида; ЭҲМ хотирасида; алоқа каналлари орқали узатиладиган ахборот; бошқа тарқатувчилардаги ахборот.

Ахборот халқаро савдо муомаласининг мустақил объекти сифатида кўрсатилиши мумкин, яъни инсон фаолиятининг турли соҳаларига оид билимлар, олам хусусиятларига оид маълумотлар аллақачондан буён халқаро савдо муносабатларининг объекти сифатида қаралади. Бунда ахборот интеллектуал фаолият натижаси сифатида халқаро савдо муомаласининг объекти бўлиши мумкин.

Ошкор этилмайдиган турли хабарлар, маълумотлар фуқаролик муомаласининг объекти, олди-сотди муносабатларининг предмети ҳисобланувчи мулк эканлиги тўғрисидаги қондалар давлатларнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, мазкур қонунларда уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий усул ва воситалари ҳам назарда тутилган.

#### Ёдда тутинг!

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 64-бобида ошкор этилмайдиган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларининг товар бозорида муомала объекти бўлиши, ҳуқуқий ҳимояланиши билан боғлиқ қондалар белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг қонунларида мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган масалалар ёритилган.

Ўзининг ташқи сифатларига кўра, ахборот моддий дунё ҳодисалари қаторига кирмайди, аммо уларнинг истеъмол қилиниши (шу жумладан, моддий дунё объектларига айлантирилиши) учун улар соф жисмоний ҳолда объектлаштирилмоғи, яъни қоғозга, магнит лентасига ёки бошқа ахборот ташувчи материалга кўчирилмоғи лозим.

### **Ёдда тутинг!**

Ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси)

Кейинги пайтларда бутун дунёнинг бирлашиб бораётганлиги, жумладан, компьютер тармоқлари, ахборот базасидан фойдаланиш натижасида бундай бирлашиш юз бераётганлиги оқибатида ахборот халқаро шартнома муносабатларининг объектига айланиб бормоқда.

### **Интеллектуал мулк фаолияти натижалари**

Халқаро савдо битимларини тузилишида интеллектуал фаолият натижаларининг битим объекти сифатида намоён бўлади.

Халқаро интеллектуал мулк ташкилотини ташкил қилиш ҳақидаги 1967 йилги БМТнинг Стокгольм Конвенциясида интеллектуал мулкни ташкил қилувчи элементлар сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган: фан, адабиёт ва санъат асарлари; санъаткорларнинг ижро фаолияти, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатувлар; инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтиролар; илмий янгиликлар; саноат намуналари; товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар чиқарилган жой номи; фан, адабиёт ва санъат асарлари соҳаларидаги интеллектуал фаолиятга таалукли бўлган бошқа барча ҳуқуқларнинг ноҳалол рақобатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлар.

### **Ёдда тутинг!**

Интеллектуал мулк объектларининг янада кўпроқ рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1031-моддаси ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунинг 5-моддасида белгилаб берилган.

Бу рўйхат халқаро савдо муомаласи объектларига тўлиқ мос келади. Мутлақ ҳуқуқларнинг ўзига хослиги унинг ҳудудийлик тамойилига қатъий риоя қилинишидадир. Бу, ўз навбатида, мутлақ ҳуқуқларнинг аниқ бир давлатларнинг ҳудудидагина амал қилинишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимида интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари, Фуқаролик кодекси қондалари билан бир қаторда, кўпгина махсус қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

### Ёдда тутинг !

Махсус қонунлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги; “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги (янги таҳрирда); “ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисида”ги; “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги; “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги; “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги; “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги; “Интеграл мисросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқалар.

Ушбу қонунларда тегишли интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласи объекти бўлиши билан боғлиқ хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Халқаро савдо муносабатлари ва бошқа иқтисодий муносабатлар даражасида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш махсус воситалар билан амалга оширилади. Ушбу масалада инсоният ҳамжамияти фаолиятининг тарихи давомида “халқаро қонунчилик” шаклланган.

Интеллектуал мулкни бошқа чет эл мамлакатлари ҳудудида муҳофаза қилиниши учун ўша давлатлар билан халқаро келишув имзоланиши лозим. Халқаро савдо муомаласида мазкур объектларга нисбатан халқаро ҳамкорликни ўрнатилиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида бугунги кунда кўплаб халқаро кўп томонла шартномалар мавжуд.

### Маълумот учун

Муаллифлик ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги қабул қилинган дастлабки ҳужжат “Адабий ва бадний асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1886 йил Берн конвенциясидир (унга 1896, 1908, 1914, 1928, 1948, 1967, 1971 йилларда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган). Юзга яқин давлатлар бу конвенциянинг аъзоси бўлиб, унга мувофиқ адабий ва бадний асар муаллифларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида Берн иттифоқи ташкил этилган.

Ушбу объектларга доир иккинчи муҳим ҳужжат ЮНЕСКО доирасида ишлаб чиқилган ҳамда 1952 йилда имзоланган (1971 йилда ўзгартишлар киритилган) Муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги (Женева) умумжаҳон конвенциясидир. Ҳозирги пайтда 80 дан ортқ давлат, шу жумладан МДХ аъзоси бўлган ва Берн конвенциясида иштирок этмаган давлатлар ҳам



мазкур конвенция катнашчилари ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу муносабатларни тартибга солувчи минтақавий халқаро қонунчилик ҳам яратилган бўлиб, унга мисол тариқасида Европа кенгашининг “Муаллифлик ва унга турдош бошқа ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муддатлари тўғрисида”ги 93/98 ЕС-сонли 1993 йил 29 октябрь директивасини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Саноат мулки ҳуқуқининг объектлари, аниқроғи, ушбу объектларга бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш 1883 йил 20 мартда Парижда бўлиб ўтган конференцияда имзоланган Саноат мулкини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция билан тартибга солинади (ушбу конвенцияга 1900 йилда, 1911 йилда, 1925 йилда, 1934 йилда, 1958 йилда, 1967 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган). Ҳозирги пайтда ушбу конвенцияда юздан ортиқ давлатлар, шу жумладан МДҲ аъзоси бўлган давлатлар ҳам иштирок этмоқдалар. Мазкур конвенцияга кўра ихтиро, барча учун фойдали моделга, саноат чизмаси ёки моделига, фабрика ёки товар белгисига, фирма номига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек инсофсиз рақобатдан ҳимояланиш билан амалга оширилади.

Конвенция фақат патент бериш ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш пайтида конвенция устунлиги принципига амал қилинишини таъминлайди, холос. Париж конвенцияси, қабул қилинганига бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, саноат мулки ҳуқуқлари соҳасидаги асосий кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлигича қолмоқда.

### **Эътибор беринг!**

“Фабрика ва товар белгиларини халқаро рўйхатга олиш тўғрисида”ги 1891 йилги Мадрид конвенцияси. 30 дан ортиқ давлатлар, шу жумладан МДҲнинг қатор давлатлари ушбу конвенция иштирокчиларидир.

Ушбу конвенция товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Париж конвенциясини ўзига хос тарзда тўлдирган. Ушбу конвенцияга кўра товар белгисига бўлган ҳуқуқлар конвенция аъзоси бўлган давлатлар ҳудудида махсус рўйхатга олинмаган ҳолда, ҳимоя қилиниши мумкин.

Париж конвенциясини тўлдирувчи ана шундай халқаро ҳужжатлардан яна бири 1973 йил 12 июнда Вена шаҳрида имзоланган “Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги шартнома”дир.

Интеллектуал мулк муаммоларини етарли баҳолаган ҳолда ва бу соҳадаги ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини жонлаштириш ҳамда янгилаш мақсадида 1967 йил 14 июлда Стокгольм шаҳрида конвенция имзоланди ва унинг негизида Интеллектуал мулклар бўйича умумжаҳон ташкилоти (WIPO) тузилди. Ушбу конвенциянинг 3-моддасига биноан, мазкур халқаро ташкилотнинг мақсади – турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали бутун жаҳонда интеллектуал мулк ҳимоясининг қўллаб-қувватланишини ташкил этиш, ҳозирда мавжуд бўлган халқаро

ташкilotларнинг маъмурий жихатдан ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлашдан иборат. Ташкilotнинг халқаро бюроси котибиятдан иборат бўлиб, унинг қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган.

**Ёдда тутинг!**

**“Интеллектуал мулкнинг” биринчи расмий таърифи** WIPO ташкил этиш ҳақидаги конвенцияда баён этилган бўлиб, унга кўра интеллектуал мулк деганда адабиёт, санъат ва илмий асарлар, артистлик ижро фаолияти, овозли ёзувлар, радио ва телекўрсатувлар, инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтиролар, илмий кашфиётлар, саноат намуналари, товар ёки хизмат кўрсатиш белгилари, бошқа номлар ва савдо белгилари, саноат, савдо, адабиёт, санъат соҳасидаги ҳар қандай интеллектуал фаолиятга оид барча ҳуқуқлар назарда тутилади.

WIPOнинг ташкил этилиши саноат ва бошқа интеллектуал мулк соҳасидаги, уларни химоя қилиш борасидаги муаммоларнинг ҳал этилишига катта кўмак берди, уларнинг ривожлантирилишига хизмат қилди. WIPO ҳомийлиги остида қабул қилинган ҳужжатлардан бири 1970 йилда Вашингтон шаҳрида имзоланган Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома бўлди. Ушбу ҳужжат 1973 йилда кучга кирган бўлиб, 50 дан ортиқ давлат, шу жумладан МДХ давлатлари ҳам унда иштирок этадилар.

Patent Cooperation Treaty (Патент кооперацияси ҳақидаги шартнома) тизими қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

– патент бюрolari ишини соддалаштириш ва бунда патентлар юзасидан кўп мартали тадқиқотлар ва масалаларини ҳал қилиш ҳаракатларига барҳам бериш;

– тақдим этилган патентнинг таъсирчанлигини ошириш;

– патентларга оид масалаларни ҳал қилишда унга ихтисослашган халқаро ташкilotлар фаолиятини ўзаро яқинлаштириш;

– патент ишларининг бажарилишида малакали, ишда керак бўладиган техника билан қуролланган ходимларга эга бўлиш;

– патентга оид бой ҳужжатлар тўпламига ва адабиётларига эга бўлиш;

– ихтироларни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий нормаларни ўзаро яқинлаштиришга уриниш ва ҳ.к.

1994 йил 15 апрелда Мароккашда қабул қилинган ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти (WTO) тайёрлаган битим интеллектуал мулкни халқаро ҳуқуқий муҳофазалашга кўмаклашган навбатдаги омил бўлди.

### **Ёдда тутиш!**

Унинг иловасида интеллектуал мулкнинг савдо йўналишлари масалалари юзасидан келишув назарда тутилган (ингл. Agreement on Trade Related Aspects of Intellectual Property Rights Including Trade in Counterfeit Goods ва унинг қисқача “TRIPS” деб юритиладиган келишуви Бутунжаҳон савдо ташкилотининг барча аъзоларини саноат мулкларини муҳофаза қилиш юзасидан Париж конвенциясининг Стокгольм матни атрофида бирлаштириш принципини ўрнатади, интеллектуал мулкнинг барча объектларини, хусусан, жуда юқори ҳимоялаш даражасини жорий этиш орқали товар белгиларини ҳам тартибга солади.

“TRIPS” келишуви, шунингдек, интеллектуал мулкнинг янги объектларини (масалан, компьютер дастурларини) ҳимоя қилишда ҳам муҳим тартибга солувчилик вазифасини бажармоқда. Хусусан, келишувнинг интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳажми уларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган иккинчи қисмида бевосита компьютер дастурларига оид қоидалар назарда тутилган.

Аммо, келишувнинг 9-моддасида иштирокчи давлатлар Берн конференциясининг Париж конвенциясининг (6-lic моддаси изоҳи билан) 1–21-моддаларини ҳурмат қилишлари шарт эканлиги кўрсатилган (яъни шахсий муаллифлик ҳуқуқлари билан боғлиқ талабларни бажаришлари шарт деб кўрсатиб қўйилган). Ушбу норма, бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқини “ифодалаш шаклига” ҳам қўлланилиши, аммо ғоялар, таомиллар ҳаракат қилиш усуллари ва математик тушунчаларни қамраб олмаслигини қайд этади.

### **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Турли давлат фуқароларининг кашфиёт, товар белгилари, фонограмма ва компьютер программаларига бўлган мулк ҳуқуқларини лицензиявий муносабатларда ҳуқуқ эгасининг манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари тавсифланг.

2. “Товарларни халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги 1980 йилдаги Вена Конвенцияси ва УНИДРУА принципларининг ўзаро нисбатини тавсифланг.

3. “Асқар” очик акциядорлик компанияси Тошкент шаҳридаги мулк фондидан компания ишлаб чиқариш ва маиший бинолар учун 40 га ер сотиб олди. Компаниянинг 90 фоиз акцияси америкалик компания “Procter and Gamble” компаниясига қарашли.

*Савол: Республикаси қонунчилиги бўйича чет эллик шахслар ерни сотиб олиши мумкинми? Акциянинг халқаро савдо ҳуқуқининг объекти сифатида тутган ўрнини таҳлил қилинг.*

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган М. 2010 йилда ўзининг шеърини тўпламини нашрдан чиқаради. 2011 йилда Туркменистон фуқароси ҳисобланган А. Ўзбекистон Республикаси фуқароси саналган М.нинг шеърини китоб тўпламини инглиз тилига таржима қилиб, ўзининг номидан эълон қилди. 2012 йилда эса Туркменистон фуқароси ҳисобланган А. ушбу таржима қилинган асарни сотиш юзасидан Англия ва Норвегия давлатларининг китоб тарқатувчи дўконлари билан шартнома тузган.

*Савол: Ушбу таржима ҳолатидан хабардор бўлган М. муаллифлик ҳуқуқларини талаб қилиб, қаерга мурожаат этиши лозим? Ушбу ҳолатда Англия ва Норвегия китоб дўконлари билан тузилган халқаро савдо битимининг ҳуқуқий ҳолати қандай бўлади? Интеллектуал мулк объектларининг халқаро савдо ҳуқуқининг объекти сифатида тутган ўрни ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажаралиб туради?*

## VI БОБ. ХАЛҚАРО САВДО БИТИМЛАРИ

Халқаро савдо битимлари тушунчаси ва турлари. Халқаро савдо битимларининг шакллари. Савдо битимини тартибга солишга қаратилган халқаро қонунчилик. Халқаро савдо битимларини амалга ошириш усуллари: оферта-акцепт ва савдо музокаралари йўли билан шартномалар тузиш. Биржада тузиладиган савдо битимларининг ўзига хос хусусиятлари. Аукцион ва уларни ўтказиш шакллари.

### Халқаро савдо битимлари тушунчаси ва турлари

Халқаро савдо битимларининг тушунчасини таърифлашга ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Мазкур тушунчага таъриф беришда халқаро савдо битимини ифода этувчи турли жиҳатларни очиб беришга ҳаракат қилинади. Халқаро савдо битими деганда, бирор-бир тижорат муносабати юзасидан энг камида икки давлат тадбиркорлик субъекти ўртасида тузиладиган ҳар қандай битимни номлаш мумкин.

Бошқа бир қарашда, халқаро савдо битими ёки трансчегаравий битимлар деганда турли давлат субъектлари иштирокида тузиладиган ва битим юзасидан вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан халқаро савдо соҳасидаги қонунчилик ва *lex mercatoria* қоидалари қўлланиладиган битимларни назарда тутати.

Халқаро савдо битиминини қуйидаги жиҳатларига кўра бошқа битимлардан фарқлаш мумкин.

#### Ёдда тутинг!

- савдо битими иштирокчиларининг икки ёки ундан ортиқ давлатга мансублиги;
- битим ўзида тадбиркорлик мақсадини ифода этиши;
- битим ҳақ бараварига тузилиши, яъни ўзида товар (иш ёки хизмат) учун тўланадиган ҳақни ифодалаши;
- битимга нисбатан халқаро қонунчилик нормалари татбиқ этилиши;
- халқаро савдо битимининг объектлари – товарлар, ишлар, хизматлар давлатнинг чегарасини кесиб ўтиши ва уларга нисбатан боғжона режимларини татбиқ этиши;
- халқаро савдо битимлари юзасидан ҳисоб-китобларнинг валютада амалга оширилиши.

1) Халқаро битим тузилаётган вақтда турли давлатлар худудида жойлашган тадбиркорлик субъектлари томонидан имзоланаётган пайтда ўзида савдо муносабатларини акс эттириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ушбу битимни тузаётган субъектлар муносабатга киришишдан олдин, албатта, тадбиркор сифатида эътироф этилган, тадбиркорлик фаолияти билан у ёки бу шаклда шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритган, тегишли ташкилий-ҳуқуқий билимга эга бўлиши лозим. Агарда битим турли давлат тадбиркорлари ўртасида тузилган бўлса ва ушбу битимга нисбатан халқаро қонунчилик нормалари татбиқ этилса, унда у халқаро савдо битими бўла олади.

2) Халқаро савдо битими ўзида тадбиркорлик фаолиятини кўзда тутиши, яъни, товарларни олди-сотди қилишда, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек бошқа фаолият натижасида келажакда ўз олдига фойда олишни мақсад қилган ва таваккалчиликка асосланган бўлиши лозим. Битим натижасида томонлар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб оладилар. Агарда битимда тадбиркорлик фаолияти эмас, балки истеъмол характери акс этадиган бўлса, унда ушбу битимни халқаро савдо битими деб эътироф этилмайди. Истеъмол характери деганда, гарчи, чет эл элементи билан мураккаблашган шартномавий муносабатларга киришаётган савдо ҳуқуқининг субъектлари ўртасида шартнома предметидан келажакда фойда олиш эмас, балки ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш назарда тутилаётган бўлса, ушбу шартномага нисбатан ўз-ўзидан халқаро савдо соҳасидаги қоидалар, меърий-ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиб бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан ушбу битимларни халқаро савдо битимлари деб эътироф этишни истисно этади. Ушбу қоидалар 1980 йилги Халқаро товарлар олди-сотдиси тўғрисидаги Вена Конвенциясида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, конвенциянинг 2-моддаси мазмунига кўра олди-сотди шартномаси объектлари шахсий, оилавий ёки уй-рўзғорда фойдаланишни ифодалайдиган кўчар ашёларга нисбатан қўлланилмайди деб белгиланган.

3) Халқаро савдо битими ўзида товар (иш ёки хизмат) учун тўланадиган ҳақни ифодалайди, яъни ҳақ бараварига тузилади. Шартнома тузилаётган пайтда томонлар ушбу шартнома объекти нархини тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтмасаларда, шартноманинг мазмунидан ёки умумэътироф этилган савдо қоидаларидан шартнома предмети нархини аниқлаш имкони бўлади.

Шартномада нарх ҳақидаги келишувни аниқлашда бир қанча усул ва воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, халқаро савдо амалиётида дастлабки шартномада шартноманинг нархи ҳақидаги келишувнинг йўқлиги ушбу шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди, фақат ушбу шартномада нарх ҳақидаги келишувни қўшимча шартнома тузиш йўли билан белгилаш ёки шартнома объекти – предметини шартнома тузилган пайтдаги биржа баҳоси ёхуд шунга ўхшаш усуллар ёрдамида товар (иш ёки хизмат) нархини аниқлаш билан бартараф этилади.

4) Халқаро савдо битимига нисбатан халқаро қонунчилик, яъни икки томонлама, кўп томонлама халқаро шартномалар, халқаро ташкилотларнинг ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган қоидалари, конвенциялар, пактлар ва шу каби ҳуқуқ нормалари татбиқ этилади. Бу ўринда бир нарсани назардан қочирмаслик керакки, халқаро савдо субъектлари ўртасида тузиладиган битимларга нисбатан нафақат халқаро қонунчилик, балки миллий қонунчилик ёхуд тарафлар шартномада белгиланган исталган ҳуқуқ нормаларнинг қўлланилишида акс этиши мумкин.

5) Халқаро савдо битими объектлари – товарлар, ишлар, хизматлар давлатнинг божхона ҳудудини кесиб ўтиши билан ҳарактерланади. Яъни халқаро олди-сотди шартномаларида товар бир давлатдан иккинчи давлат ҳудудига олиб келинади. Унга нисбатан ташиш жараёнида ва ҳужжатлар расимйлаштирилганда “божхона режими” қоидалари татбиқ этилади. Божхона тўловлари турли давлатларда турлича бўлиб, бу давлатларнинг ўзаро келишуви, халқаро ташкилотлар, уюшмалар ва иттифоқларга бирикиши ва шу кабиларга боғлиқ ҳолда саналиб, турлича ҳал этилади. Ушбу жиҳат ҳақида гапирганда икки ҳолатга: биринчидан, товарнинг бир давлат ҳудудидан иккинчи давлат ҳудудига олиб кирилишига, товарнинг давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳолатига, иккинчидан, чегарадан олиб киритилган товарлар(ишлар, хизматлар)га нисбатан божлар ва шунга ўхшаш қўшимча тўловларнинг жорий қилинишига аҳамият бериш лозим.

6) Халқаро савдо битимлари юзасидан ҳисоб-китоблар хорижий валютада амалга оширилади. Бу ерда товар, ишлар ва хизмат учун тўланиши назарда тутилган валюта муносабатларга киришаётган савдо субъектларининг бири учун миллий валюта саналса-да, иккинчиси учун ўз-ўзидан хорижий валюта ҳисобланади. Фақатгина ёдда тутиш керакки, ҳисоб-китоб қилинаётган валюта муайян кийматга эга бўлиши ва эркин конвертацияланиши лозим.

## **Ёдда тутинг!**

**Савдо битимини тартибга солишга қаратилган халқаро қонунчилик:**

– 1980 йилги товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Вена конвенцияси;

– 1983 йилги товарлар халқаро олди-сотдисиди вакиллик тўғрисидаги Вена конвенцияси;

– 1988 йилги халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Оттава конвенцияси;

– 1988 йилги халқаро факторинг тўғрисидаги Оттава конвенцияси;

– 1992 йил 1 июлдан кучга кирган МДХга аъзо давлатлар учун товарлар етказиб беришнинг умумий шартлари тўғрисида аъзо давлатлар иштирокидаги келишув;

– 1955 йил 15 июнда қабул қилинган ва 1986 йил 22 декабрда ўзгартирилган товарларнинг халқаро олди-сотдисиди қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Гаага конвенцияси;

– 1978 йил 14 мартдаги воситачилик ва вакиллик (агентлик шартномалари)га қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Гаага конвенцияси;

– Халқаро шартномаларда қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Мехико конвенцияси;

– 1993 йил 22 январдаги МДХ давлатлари ўртасида ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий алоқалар тўғрисидаги Минск конвенцияси.

## **Халқаро тижорат битими турлари**

Халқаро савдо амалиётида савдо битимларини кўплаб турлари мавжуд бўлиб, улар кундалик ҳаётда турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Олимлар ўртасида ушбу битимларни у ёки бу белгисига қараб муайян синфларга ажратиш, уларнинг кичик умумий белгиларига кўра турларга бўлиб ўрганиш бу соҳадаги билимларни ўзлаштиришга энгиллик яратади. Шу боисдан биз тадбиркорлик фаолиятида кенг қўлланилиб келинаётган халқаро савдо битимларини ўзаро ўхшаш ва умумий белгиларига кўра қуйидаги турларга ажратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.



### **Ёдда тутинг!**

#### **Объектига кўра халқаро савдо битимлари турлари:**

- товарни мулк қилиб бериш билан боғлиқ бўлган халқаро савдо битимлари;
- мол-мулкдан фойдаланишда ифодаланадиган халқаро савдо битимлари;
- иш ва хизматлар кўрсатишда ифодаланадиган халқаро савдо битимлари;
- воситачилик ёки вакиллик соҳасидаги халқаро савдо битимлари.

Энди юқоридаги гуруҳларга ажратилган битимларнинг турлари ҳақида батафсил тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Товарни мулк қилиб бериш билан боғлиқ бўлган халқаро савдо битимларига мисол қилиб, халқаро олди-сотди шартномасини келтиришимиз мумкин. Бунда томонлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ шартнома предмети сотиб олувчи – харидорга мулк қилиб топширилади.

Одатда, муносабатга киришувчи томонлардан бири сотувчи, иккинчиси харидор сифатида муносабатга киришади, аммо халқаро савдо амалиётида шартномавий муносабатга киришадиган томонлар ўртасида айтилган бир шартнома билан, ташқи томондан биров ўзгача ва мураккаб характер касб этувчи бир неча операцияларнинг амалга оширилиш ҳолатлари кузатилади. Яъни айтилган бир шартномада “сотувчи” сифатида иштирок этган тараф бир пайтнинг ўзида формал жиҳатдан “сотиб олувчи” сифатида ҳам иштирок этади. Ушбу ўзига хосликка осон ечим топиш учун биз товарларни мулк қилиб бериш билан боғлиқ бўлган халқаро савдо битимларини қуйидаги турларга бўлаемиз:

### **Ёдда тутинг!**

#### **Товарни мулк қилиб бериш билан боғлиқ битим турлари:**

- бартер шартномалари;
- карама-қарши харид қилиш (сотиб олиш)да ифодаланган шартномалар;
- харид қилиниши (сотиб олиниши) компенсацияланган шартномалар;
- хизмат кўрсатиш мажбурияти билан тузилган олди-сотди шартномалари.

***Эслаб қолинг!***

Бартер (айирбошлаш) шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа бир тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк килиб топшириш мажбуриятини олади.

Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни эса сотиб олувчи дейди. Бир томон фақат сотувчи иккинчиси эса фақат сотиб олувчи бўладиган олди-сотди шартномасидан фаркли ўларок, айирбошлаш шартномасида бир тараф ҳам сотувчи (товарни топшириш мажбуриятини олганида) ҳам сотиб олувчи (товарни қабул қилиш мажбуриятини олганида) ҳисобланади.

***Ёдда тутинг!***

Олди-сотди шартномасидан фаркли равишда халқаро бартер (айрибошлаш) шартномасида томонлар ўртасида ҳисоб-китоб ишлари тўлов амалга оширилмасдан бажарилади. Яъни томонлар ўзаро харид қилган маҳсулотлари учун бирор-бир тўлов усули билан эмас, айнан шартномада назарда тутилган товар (шартнома объекти) билан ҳисоб-китоб қиладилар.

Бунда томонлар шартномада келишувга эришиш шартларига мувофиқ “дастлабки харид қилинган товар”нинг нархига мутаносиб товарни ўзаро айрибошлайдилар. Бунда айрибошланадиган товарларнинг тури, ассортименти, миқдори, сифати ва ҳақазолар инобатга олиниши мумкин.

***Эслаб қолинг!***

Қарама-қарши харид қилиш (сотиб олиш)да ифодаланган шартномаларда ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни сотиш, иккинчи тарафдан эса бошқа товарни сотиб олиш, “сотувчилар” сотилган товарларни мулк килиб топшириш ва сотиб олинган товар ҳаққини тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу шартноманинг бартер (айрибошлаш) шартномаси билан умумий жиҳати, ҳар иккала шартномада ҳам муносабатга киришаётган томонлар ўз эҳтиёжларига кўра, муайян ашёни қўлга киритади ва ўзига тегшли бирорғбир ашёни иккинчи томонга мулк қилиб топширади.

Фарқли жиҳати эса қарама-қарши харид қилиш (сотиб олиш)да томонлар ўртасида амалга ошириладиган товар алмашинуви учун алоҳида тартибда тўлов амалга оширилади. Яъни ҳар бир сотиб олинган товар учун томонлар шартномада белгиланган тартибда алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб ишларини амалга оширадilar.

### Ёдда тутинг!

**Харид қилиниши (сотиб олинниши) компенсацияланган шартномаларда дастлабки шартноманинг объекти одатда, ишлаб чиқариш ускуналари, технологияси ва хизматлари бўлади. Бунда дастлабки шартноманинг объекти, мисол учун, бирор-бир ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ ёки ускунани сотаётган тараф сотиб олувчига ушбу сотиб олинган дастгоҳ ёрдамида келажакда ишлаб чиқарилиши кўзда тутиладиган маҳсулотларни “дастлабки сотувчи” (яъни дастгоҳ сотган сотувчи)га қайтариб сотиш мажбуриятини олади.**

Муайян ишлаб чиқариш ускунасини сотган тараф ўзи сотган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотни яна ўзи қайтариб сотиб олади. Бундан кўзланган мақсад хизмат сирларини кенг тарқалишини олдини олиш, маҳсулот бозорига қайсидир маънода монопол муҳит ўрнатиш, муайян ишлаб чиқариш сирига ва сифатига бўлган катта ишонч, шунингдек ўзига тегишли ёки алоқадор бўлган маҳсулотга содиқлик ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш мажбурияти билан тузилган олди-сотди шартномалари формал жиҳатдан қарама-қарши харид қилиш (сотиб олиш) шартномаларига ўхшаб кетади. Уларнинг умумий жиҳати, ҳар иккала шартнома турида ҳам дастлабки шартнома предметининг ишлаб чиқариш ускунаси, технологиялар, ноу-хау, хизматлар ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Фарқли жиҳати шундаки, хизмат кўрсатиш мажбурияти билан тузилган олди-сотди шартномаларида бир тараф тўлалигича “сотувчи”, иккинчи тараф эса “харидор”, “истеъмолчи” бўлади.

#### *Амалий мисол:*

Тошкентдаги UZEXPOCENTRE кўргазма савдоларида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекнетгазхолдинг” ва Швецариянинг “STUHLING” корхоналари ўртасида умумий қиймати 3,5 миллиард АҚШ доллари бўлган шартнома имзоланди. Маркур шартномага мувофиқ Швецариянинг “STUHLING” компанияси ўзи томонидан ишлаб чиқарилган, ерни вертикал ҳолатда бурғилашга ихтисослашган, ноёб ускунани “Ўзбекнетгазхолдинг”га қарашли Бухоро вилоятининг “Кўкдумалок” нефт конига етказиб бериши белгиланган. Шунингдек, мазкур шартномада қўшимча равишда шартнома предмети саналган ерни вертикал ҳолатда бурғилашга ихтисослашган ушбу ускуна янги ноу-хау саналиб, илгор инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилган. Қолаверса, ушбу янги теҳнологияни амалиётга татбиқ этиш бу соҳа олдига

қатор бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қўяди. Ушбу технологик қурилмани ишлатиш жараёнида муайян вақт оралиғида унинг турли эҳтиёт қисмларини алмаштириш ва уни соғлашни тақозо этгани, бу ишларни бажаришда эса Ўзбекистонлик мутахассисларнинг йўқлиги сабабли, "STUHRING" компанияси ўзи сотган ускунага 2 йил техник хизмат кўрсатиб бериш мажбуриятини ҳам олган.

Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ савдо битимларига пудрат шартномасини мисол қилиб, келтиришимиз мумкин.

### **Ёдда тутинг!**

Пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Пудратчи ҳам ўз фаолиятида ишни бажариш учун таваккал қилади. Пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш тўғрисида тузилади. Одатда, иш пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари ҳисобидан бажарилади, буюртмачининг топшириғини бажариш усулларини пудратчи мустақил белгилайди, аммо тарафлар шартномада ўзгача қоида билан белгилаган бўлсалар, пудрат шартномаси бошқача кўринишда ҳам бўлиши мумкин.

Иш бажариш шартномаси якунига кўра муайян моддий қийматдаги ашё яратилади ёки такомиллаштирилади. Яъни иш бажариш натижасида моддий нарса вужудга келади.

Хизмат кўрсатиш шартномаларига суғурта, сақлаш, ташиш, экспедиция ва шу каби бошқа шартномаларни келтиришимиз мумкин.

### **Халқаро савдо битимларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш**

Халқаро савдо битими принциплари:

- шартнома тузиш эркинлиги;
- томонларнинг эрк мухторияти;
- виждонийлик, онглилик ва адолатлилик;
- иш муомаласи ва савдо одатларига риоя этиш принципи.

**Тарафлар хоҳиш-иродаси эркинлиги тамойилини эътироф этади.** Бу тамойилга мувофиқ битим иштирокчилари шартнома

тузаётганда ўз ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи мамлакат ҳуқуқини мустақил танлашлари мумкин. Хоҳиш-ирода эрканлигининг йўл қўйиладиган чегараси турли давлатларнинг қонун ҳужжатларида ҳар хил тушунилади.

### Халқаро савдо битимини тузиш

**Ёдда тутинг!**

**Халқаро савдо битимини тузиш усуллари:**

- оферта ва уни акцептлаш йўли билан;
- намунавий шартномалар асосида;
- стандарт шартлар асосидаги шартномаларни тузиш орқали (қўшилиш шартномаси);
- ким ошди ёки аукцион савдоларида иштирок этиш орқали.

Халқаро савдо битимлари принциплари ва УНИДРУА қоидаларининг 2.1-моддасининг мазмунига кўра шартномалар оферта-акцептлаш ёки томонларнинг шартнома тузишга қаратилган хоҳиш-истакларини намоеън этувчи бошқа ҳолатларга асосан тузилиши қайд этилган.

Шартнома тузиш юзасидан қилинган таклиф – оферта деб аталади. Халқаро савдо амалиётида оферта муайян талабларга жавоб бериши лозим, ушбу талаблар товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Вена конвенцияси ва УНИДРУА қоидаларида ўз аксини топган бўлиб, улар қуйидагилар:

**Ёдда тутинг!**

**Офертага қўйиладиган талаблар:**

- томонлар манзилларининг аниқлиги;
- таклиф мақсадининг етарлича аниқлиги;
- оферент (таклиф этувчи)нинг таклифни қабул қилинган деб ҳисоблаши учун етарли бўлган ҳатти-ҳаракат (ишора)нинг мавжудлиги.

Оферта ва акцептнинг мазмунига қўйилган талаблар, уларнинг юбориш ва қабул қилинишига оид меъзонлар ва талаблар турли давлатлар қонунчилигида турлича бўлишига қарамай УНИДРУА қоидаларида уларга қўйиладиган умумий талаблар келтириб ўтилади.

Унга кўра агар, томонларнинг бири томонидан шартнома тузиш ҳақидаги таклиф, яъни офертада назарда тутилган шартлар ва

таклифнинг мазмунига таклифни қабул қилиши назарда тутилаётган тараф томонидан шартнома шартларининг жиддий ўзгаришига сабаб бўлмайдиган таклифнинг берилиши акцепт деб қабул қилинади.

Халқаро савдо амалиётида қарама-қарши оферта (контрферта) термини мавжуд бўлиб, ушбу термин илк маротаба 1980 йилги товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Вена конвенциясида мазмунан ёритиб берилди.

### **Ёдда тутинг!**

**Қарама-қарши оферта (контрферта)** деб берилган таклифнинг шартларини ва мазмунини жиддий ўзгаришига сабаб бўладиган қўшимча ва ўзгартишларга айтилади.

Халқаро савдо битимлари хусусида савдо амалиётида ҳам, докторинал манбаларда ҳам унинг шаклига қўйилган ягона талаб мавжуд эмас. Шу боисдан халқаро савдо битимини ҳар бир иштирокчи субъектларнинг миллий қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига таяниб, ушбу шартнома юзасидан келажақда низо келиб чиққан тақдирда, тарафлар уни тузилганлигини исботлаш имкониятига эга эканлигидан келиб чиқади.

Континентал ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда шартнома шаклига расмий равишда ёзма талаб мавжуд бўлмасада, барча шартномалар ёзма равишда расмийлаштирилади. Ҳаттоки шартноманинг у ёки бу шаклига риоя қилмаслик келажақда унинг ҳақиқий эмаслигига ҳам олиб келиши мумкин.

Аммо 1980 йилги халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Вена конвенциясининг 11-моддаси мазмунига кўра товарлар олди-сотди шартномаси ёзма шаклда бўлиши ёки унга қўйилган қатъий бир талабга жавоб бериши лозим эмаслиги кўрсатиб ўтилади. Бу ҳолатда шартнома шаклининг эркинлиги тамойили ўртага чиқиб, ҳаттоки тарафлар шартноманинг тузилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари ёхуд бошқа далиллар билан исботлаб берган тақдирда ҳам тузилган деб ҳисобланиши мумкинлиги қайд этилган.

Шартномани биргина ёзма шаклда тузилганлигини ҳам олимлар ўртасида турлича талқини мавжуд. Бир гуруҳ олимлар халқаро савдо шартномалари шартномага киришувчи томонлар ўртасида биргаликда ишлаб чиқилган шартнома шартларидан иборат ёзма ҳолатга келтирилган ва ҳар иккала томонларнинг уни тасдиқлашлари

билан тузилган деб топиш мумкин деса, иккинчи бир гуруҳ докторинал шарҳларда эса шартнома тузиш эркинлиги тамойилига асосан шартнома шартларини ва матнини шакллантиришда муносабатга киришувчи томонлар тенг ҳуқуққа эгадирлар. Улар шартнома юзасидан ўзларининг ҳар қандай фикр ва мулоҳазаларини турли ёзишмалар, хусусан, телетайп, телеграф, электрон почта жўнатмалари орқали ҳам олиб боришлари мумкин. Шартноманинг муайян шартларига доир алоҳида келишувлар, гарч, ҳар бир шарт турли ёзишмалар орқали амалга оширилган бўлсада, келишувга эришилган шартларнинг йиғиндисига кўра шартнома тузилган деб ҳисобланишига асос мавжудлигини таъкидлаб келадилар.

### **Халқаро савдо битимларини ўзгартириш**

Халқаро савдо битимлари қандай шаклда тузилган бўлса, шундай ўзгартирилиши мумкин, Фақат уни ўзгартириш асослари мазкур шартноманинг ўзида ўзгартиришга оид шартлар мавжуд бўлганда ёки томонларнинг розилиги билан ўзгартиришга йўл қўйилади.

### **Биржа битимлари. Биржада амалга ошириладиган биржа битими турлари**

Маълумки, республикамизда биржа фаолиятини тартибга соладиган ҳужжат “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонун биринчи маротаба 1992 йил июлда пайдо бўлган бўлиб, у бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдаги ҳуқуқий чегаралар ва талабларни белгилаб берган эди. Кейинчалик 2001 йилда қабул қилинган “Биржа ва биржалар фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунда республикамизда иқтисодий ислохотларнинг илгарिलाб бориши ҳисобга олинди.

Энг аввало, биржа тушунчасининг ўзи кенгрок тарзда баён қилинди. Қонунга мувофиқ биржа олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қондалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахсдир. Муҳим янгиликдан яна бири биржаларнинг фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши билан изоҳланишидир. Шундан келиб чиққан ҳолда қонун Биржанинг бошқарув органлари деган янги модда билан тўлдирилган бўлиб, унда биржанинг акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи каби бошқарув орган ваколатлари акс эттирилган. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, амалдаги қонуннинг тегишли

моддасининг мазмуни унинг фақат товар биржаси учун татбиқ этилишини билдирувчи ҳолат бартараф этилди. Биржалар ўз фаолиятини товар-хом ашё, фонд ва валюта биржаси тарзида амалга оширади. Бундан ташқари, биржанинг фирма номида “биржа” сўзи бўлиши керак. Биржалар белгиланган тартибда лицензия олганидан кейин биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади.

**Ёдда тутинг!**

**Биржа битими** – биржа савдосига нисбатан биржада рўйхатга олинган олди-сотди шартномаси.

Биржада қайд қилинган биржа савдоси натижаси бўйича тузилган биржа товарининг олди-сотди шартномаси биржа битими ҳисобланади. Биржа савдоси давомида биржа битимлари тузишга фақат брокерлар ҳақли саналади. Биржада тузилган битимлар қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларни истисно қилганда нотариус томонидан тасдиқланиши лозим.

Биржада қуйидаги биржа битим турларини амалга оширишга рухсат этилади:

**spot битимлар** – реал товарни ёки товарга эгалик қилиш ҳуқуқини дарҳол етказиб бериш шарти билан тузиладиган битимлар;

**форвард битимлар** – реал товар билан уни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолда тузиладиган олди-сотди битимлари;

**фьючерс битимлар** – уларни келажакда ижро этиш мажбурияти билан товарларга стандарт шартномалар билан тузиладиган олди-сотди битимлари;

**опцион битимлар** – товарлар ёки товар етказиб бериш бўйича шартномаларни олдиндан белгилаб қўйилган нархда белгилайдиган келажакдаги олди-сотди битимлар.

Барча биржа битим турлари қуйидагича тақсимланади:

– республикада ички битимлар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги товарлар олди-сотди битимлари;

– экспорт битимлар – товарларни экспортга сотиш кўзда тутиладиган битимлар;

– импорт битимлар – товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритиш кўзда тутиладиган битимлар.



## Маълумот учун!

Биржа битими у биржа савдолари умумий электрон тизимида қайд этилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржасида биржа савдоси шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни Тошкент вақти билан соат 9.00 дан то 17.00 гача бўлиб ўтади. Ички ва экспорт-импорт шартномалар бўйича олди-сотди битимлари биржада аккредитацияланган брокерлар орқали амалга оширилади.

Биржа битимлари Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржасида “тўловга қарши етказиб бериш” формуласи асосида амалга оширилади, шу билан бирга савдо спот ва форвард шартномаси шаклида олиб борилади. Биржада амал қилувчи ҳисоб-китоб клиринг палатаси институти шартнома савдо қатнашчиларига битим қатнашчиларининг олган шартнома мажбуриятларини сўзсиз ижро этилишини кафолатлашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаларида битимларнинг “тўловга қарши етказиб бериш” режимида амалга оширилишини ҳисобга олиб, ҳисоб-китоб клиринг палатаси бу аккредитив тўлов шаклидан фойдаланади. Биржа битимларининг ҳисоб-китоби тўғридан-тўғри эмас балки уларни ўртасидаги тарафдорлар (орқали амалга оширилади) бўлмаса ҳисоб-китоб клиринги палатасини ҳисоб-китоб маркази орқали амалга оширилади, қачонки сифат кафолатини олгандан кейингина ҳақиқий товарни мавжудлиги ва уни туширишга тайёрлиги аниқланган кейингина амалга оширилади.

Биржа бозори субъектларининг муносабатлари. Товар биржаси бозор нархлари, бозорнинг ҳолати ва ҳоказолар ҳақида тижорат ахбороти шакллантириладиган жой бўлиб хизмат қилади. Биржалар нарх ҳақидаги ахборотларнинг ягона манбаси бўлиб, нарх шаклланиши жараёнига тобора катта таъсир кўрсатмоқда. Биржа ахбороти эълон қилинади, олди-сотди натижалари эса тижорат сирини ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, товар биржасининг ўзи савдо-воситачилик фаолиятини амалга оширмасдан фақат унинг учун шароитлар яратади холос. Савдони брокерлик идоралари ва брокерлар (дилерлар, трейдерлар) амалга оширади. Мамлакат қонунчилигига кўра агар бу корхоналар ўз олдига бевосита биржа савдосини ташкил қилиш ва тартибга солиш билан боғлиқ фаолият амалга оширишни мақсад қилиб қўймаса, биржа корхоналарнинг

акцияларини харид қилиш, қўйилмаларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Товар биржалари Россияда ҳозирги пайтда жаҳон бозори билан боғлиқ эмас, уларнинг вазифаларидан бири мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарувчидан яқуний истеъмолчига савдо айланмасини ташкил қилиш. Бу биржалар фаолиятида алоҳида из қолдиради.

### **Аукцион савдолари ва уларни ўтказиш шакллари**

Аукцион ўтказиш учун сотувчи савдолар ташкилотчиси билан кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларни сотишга хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузади, унда томонларнинг реквизи́тлари, шартнома предмети, савдолар ташкилотчиси ва сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан сотиладиган кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида савдолар ташкилотчисини зарур ҳужжатлар ва ахборот билан таъминлаш бўйича, ҳисоб-китоблар тартиби ва томонларнинг жавобгарлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар кўрсатиб ўтилган бўлади.

#### **Ёдда тутинг!**

**аукцион** — шартнома тузиладиган талабгор мусобакалашиш асосида аниқланадиган савдо шакли бўлиб, унда кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга энг юқори нархни таклиф қилган иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин;

**очик аукцион** — кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқларни кўлга киритиш нияти тўғрисида маълум қилган исталган юридик ёки жисмоний шахс иштирок этиши мумкин бўлган аукцион тури;

**ёпиқ аукцион** — сотувчи томонидан олдиндан белгиланган мезонлар асосида махсус таклиф қилинган юридик ёки жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин бўлган аукцион тури.

Савдолар ташкилотчиси сотувчи билан тузилган шартномага ва сотувчининг тасарруф этувчи ҳужжатларига мувофиқ аукционда иштирок этиш учун буюртмалар бериш муддатини белгилайди; очик аукцион ўтказиш санасидан ўттиз кун олдин республика ва маҳаллий газеталарда, шунингдек ўзининг веб-сайтида очик аукцион тўғрисида хабарнома чоп этади; талабгорларнинг аукционда иштирок этишга буюртмаларини рўйхатга олади; ёпиқ аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарномаларни тарқатади ва ушбу хабарномада кўрсатилган юридик

хамда жисмоний шахслардан буюртмаларни олади; талабгорларни тақдим этиладиган ҳужжатларнинг намуналари билан таъминлайди ва уларни расмийлаштириш бўйича ёрдам беради; мувофиқ талабгорлар ичидан аукцион иштирокчиларининг рўйхатини шакллантиради.

Аукцион тўғрисидаги хабарномада савдолар ташкилотчисининг номи ва почта манзили, унинг алоқа телефони, телефакс, электрон почта манзили; аукционга қўйилган кўчмас мулк объектларининг номи, миқдори, тавсифи ҳамда уларнинг жойлашган жойи; сотиладиган кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич нархи; савдони ўтказиш тартиби; иштирок қилишни расмийлаштириш тартиби; аукционни ўтказиш санаси, вақти ва жойи; закат миқдори, киритиш муддати ва бошқа маълумотлар ақс этиши мумкин.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор закат тўғрисида шартнома тузиши ва хабарномада кўрсатилган муддатда кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда мажбуриятларни бажарилишини таъминлашнинг кафолати сифатида закат киритиши шарт.

Аукцион ўтказиладиган кунда иштирокчиларга уларнинг рақамлари ҳамда аукционга қўйилган кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқларнинг номи кўрсатилган аукцион иштирокчисининг билети ҳамда аукцион давомида фойдаланиладиган махсус рақамли белгилар берилади.

Аукционда бошланғич нархни босқичма-босқич оширган тарзда савдолашиш кўринишида ўтказилади. Уни савдолар ташкилотчиси томонидан тайинланадиган аукциончи ўтказди. Аукцион аукциончи томонидан савдо предмети, кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқларнинг номи, қисқача тавсифи ва бошланғич нархини, уни ошириш босқичи (аукцион босқичи) эълон қилинган ҳолда бошланади. Бунда иштирокчилар кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқларни ушбу нарҳда сотиб олишга тайёрликларини ўз махсус рақамли белгиларини кўтарган ҳолда хабар қиладилар.

Аукциончи охири нархни эълон қилган пайтда билетини кўтарган ҳолда қолган иштирокчи ғолиб ҳисобланади. Аукциончи аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулк объекти ёки унга бўлган ҳуқуқлар сотилганлигини, аукцион савдолари ғолибининг нархи ва унинг билет рақамини эълон қилади.

Аукционда ютиб чиққан шахс ва савдолар ташкилотчиси аукцион ўтказилган кунда аукцион натижалари тўғрисида баённомани имзолайди. Аукцион натижалари тўғрисидаги баённомада аукцион комиссиясининг таркиби; аукцион натижалари; олди-сотди шартномасини имзолаш муддати кўрсатилади.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси М320 йўналишли Тошкент – Ангрэн – Фарғона – Поп автомагистралининг капитал қурилиш-таъмирланиши кўзда тутилган тендерда йўлнинг Тошкент вилоятидан Фарғона вилоятига ўтувчи 1350 – 1640 км.даги тоғли доvon қисмидаги қурилиш-тамирлаш ишлари бажаришни Испаниянинг “J&D Construction LTD” қурилиш компанияси тендер ғолиби деб эътироф этилади. “J&D Construction LTD” ушбу ишларни бажариш учун йўл қурилиши, тупроқ дренаж ишларини амалга оширувчи барча керакли техника асбоб-ускуналарини ўзи билан олиб келади. Транспорт харажатлари ва бож тўловларини инобатга олиб, юк ташишда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган “MAN” заводидан умумий қиймати 130 000 АҚШ доллари баҳосидаги 2 та юк ташиш машинаси ҳамда ишчиларининг кундалик транспорт эҳтиётжари учун “GM Uzbekistan” ҚҚдан умумий қиймати 170 минг АҚШ доллари бўлган 10 донa ЛАСЕТТИ автомашинаси сотиб олиш учун шартнома тузади. Кейинчалик тарафлар ўртасида тузилган ҳар иккала ушбу олди-сотди шартномалари юзасидан низо келиб чиқади.

*Савол: Томонлар ўртасидаги юқорида назарда тутилган олди-сотди шартномалари халқаро савдо битими ҳисобланадими? Мазкур ҳолатда 1980 йилги Халқаро товарлар олди-сотдиси тўғрисидаги Вена конвенциясининг қоидалари қўлланиладими? Қайси жиҳатларига кўра биз мазкур шартномани халқаро савдо битимига киритамиз (ёки киритмаймиз)? Масалага ҳуқуқий баҳо беринг.*

2. Ҳарид қилиниши (сотиб олиниши) компенсацияланган савдо битимни товарни мулк қилиб бериш билан боғлиқ бошқа битимларнинг қандай ўзига хослиги мавжуд? Саволга мисоллар келтириб жавоб беринг.

3. Биржада тузиладиган савдо битимларининг аукцион савдоларида тузиладиган битимлардан ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.

4. Тарафлар ташқи иқтисодий битим имзолашиб, шартномага нисбатан Ўз.Рес. Қонуни қўлланилиши тўғрисида келишиб олишди. Шу билан бирга, шартнома ижроси юзасидан даъво муддатини ҳам б

йил қилиб белгилашди. Низо келиб чиқганидан сўнг тарафлардан бири 4 йил муддат ўтганидан кейин Халқаро арбитраж судига мурожаат қилди. Масалани куриб чиқиш жараёнида Халқаро арбитражда даъво муддатини тарафлар келишувига кўра ўзгартирилганлигига нисбатан шубҳа туғилди.

*Савол: Тарафлар келишувига мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ёки коллизия нормалар миллий ҳуқуқнинг императив нормалари худди олмавий тартиб каби чет эл ҳуқуқига нисбатан муайян устуңликга эгами?*

## VII БОБ. ХАЛҚАРО САВДОДА ТАШИШЛАР

Умумий қоидалар. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда темир йўлларда ташиш. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда автомобилларда ташиш. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ҳаво йўлларида ташиш. Халқаро кўламда денгиз транспортида ташишлар. Аралаш катновда юкларни халқаро ташиш.

### Умумий қоидалар

Давлатлар ўртасида халқаро савдо муносабатларининг ривожланиши халқаро савдода товар ва хизматларни чегара орқали ташиш заруратини юзага келтирди. Юридик адабиётларда халқаро шартномаларда ва қонун ҳужжатларида юклар ва йўловчиларни икки ва ундан ортиқ мамлакат ўртасида ташиш бир мамлакат доирасида ташишдан (ички ташишлар, ички катнов ташишларидан) фарқли равишда халқаро ташишлар ёки халқаро катнов деб аталади.

### Эътибор беринг!

Халқаро юк ташиш турли хил ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади:

- 1) турли давлатларнинг миллий ҳуқуқида қўлланиладиган юк ташиш муносабатларини тартибга солувчи нормалар;
- 2) халқаро муомалада юк ташишни тартибга солувчи халқаро (унификациялаштирилган) нормалар;
- 3) халқаро муомаладаги халқаро коллизия (унификациялаштирилган) нормалар.

Амалиётда халқаро катновларнинг ҳар хил турлари маълум уларнинг ҳар бири талай ўзига хос хусусиятларга эга. Транспортнинг қайси бир туридан фойдаланишга қараб халқаро катнов темир йўл, автомобиль, ҳаво, денгиз транспортида ташишларига ажратилади. Шу билан бирга, халқаро йўналишларда турли транспорт воситалари билан ташишлар (масалан, темир йўл – сув транспорти билан) Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ҳамда контейнерли ташишлар маълум бир ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради.

Амалдаги халқаро битимларнинг қоидаларидан келиб чиққан ҳолда халқаро катновнинг қуйидаги асосий турларини фарқлаш зарур:

– иштирок этувчи транспорт ташкилотларининг хусусиятларига кўра – транспортнинг айрим турларида ташиш ва турли транспорт воситалари катновида ташиш;

– ташиш предметига кўра юкларни, йўловчиларни ташиш, темир йўл транспортида эса юк багажини (товар багажини) ташиш;

– транспорт операцияларининг даврийлигига қараб мунтазам (линияли) ва номунтазам ташишлар;

– юклар ва йўловчилар чегара пунктларидан (ўтиб борилаётган портлардан) ўтиши тартибини ҳисобга олган ҳолда қайта ортишларсиз (бошқасига ўтирилмай) ва қайта ортиладиган (бошқасига ўтириладиган) ташишлар;

– ташиш қўшни давлат ҳудудида тугалланиши ёки тугалланмаслигига кўра қўшнилараро, транзит ва тўғридан-тўғри ўтадиган (айланма, халқа шаклидаги) ташишлар;

– катнов бир ёки бир нечта ташиш шартномаси асосида амалга оширилишига қараб тўғри боғланадиган, тўғри боғланмайдиган (булинишли) ташишлар, бирин-кетин ташувчилар томонидан ташишлар ва янги жойга жўнатиш билан боғлиқ ташишлар;

– транспортнинг айрим тармоқларида халқаро катновларнинг алоҳида турлари чегара ёнидаги (темир йўл транспорти) ташишлар.

Халқаро транспорт ташкилотларининг ҳуқуқий соҳадаги фаолияти жуда ранг-баранг. У халқаро шартнома лойиҳаларини тайёрлашни, транспортга оид ва техник ҳар хил регламентларни, юк ва йўловчиларни ташиш қоидаларини, транспорт ҳужжатларининг намунавий шаклларини ишлаб чиқишни, тавсиялар ва хулосалар, амалдаги битимларга шарҳлар беришни, воситачилик ва ҳакамлик йўли билан низоларни бартараф этишни, расмий ва бошқа ҳуқуқий материалларни, аввало, суд қарорларини нашр этишни ўз ичига олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида халқаро транспорт муаммолари билан БМТнинг денгизда ташиш бўйича қўмитаси бўлган Савдо ва тараққиёт Конференцияси (ЮНКТАД), халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (ЮНСИТРАЛ), шунингдек таркибида асосан автомобиль ва дарё транспорти масалалари билан шуғулланувчи ички транспорт бўйича Европа иқтисодиёт комиссияси (ЕИК) қўмитаси, айниқса, фаол равишда ишламоқда. Қўмита 1966 йил декабрь ойида БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан таъсис этилган бўлиб, унинг вазифаси “халқаро савдо ҳуқуқини”, шу жумладан транспорт соҳасида “тобора мувофиқлаштиришга ва бирхиллаштиришга қўмаклашишдан” иборат.

Ихтисослаштирилган халқаро транспорт ташкилотларининг транспорт турлари бўйича, одатда, ҳам ҳукуматлараро, ҳам ноҳукумат ташкилотлари сифатида тузилади. Биринчисининг ваколати кўпинча умумий хусусиятга эга бўлади ва транспортнинг тегишли тармоғига тааллуқли кенг доирадаги масалаларни қамраб олади. Ноҳукумат ташкилотларнинг фаолият соҳаси, одатда, транспортга оид бўлган махсус масалалар (тижоратга оид ҳуқуқий масалалар, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби ва ҳоказо)нинг муайян доираси билан чекланган.

Ҳозирги вақтда ўз таркибига кўра анча эътиборли ва ўз қарорларини рўёбга чиқариш учун катта имкониятларга эга бўлган ҳукуматлараро транспорт ташкилотларининг фаолияти тобора биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Темир йўл транспорти соҳасида халқаро ташкилот – Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти (ОСЖД-рус). ОСЖД темир йўл, шунингдек автомобиль транспорти соҳасидаги талай масалалар билан шуғулланувчи идоралараро ташкилот бўлиб Европа, Осиё, МДХ мамлакатлари унинг қатнашчиларидир. ОСЖДнинг асосий вазифаси Халқаро йўловчи ва юк катновлари тўғрисидаги битимлар (СМГС ва СМПС) ишларини юритишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Темир йўл транспорти соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотлар орасида бу соҳа фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ишига Берн шаҳридаги Халқаро темир йўллар Марказий бюроси сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Марказий бюро ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади ва бир қатор “вазифаларни” бажаради. Улардан “асосийлари” – Темир йўллар орқали юк ташиш тўғрисидаги халқаро конвенция (МГК-рус) ва Темир йўллар орқали йўловчилар ва багаж ташиш тўғрисидаги халқаро конвенция (МПК-рус) ишларини юритиш ҳамда уларни қайта кўриб чиқишга тайёргарлик кўради. Марказий бюронинг органи – “Bulletin des transports internationaux par chemins de fer” – ҳуқуқий материаллар ва суд амалиётини мунтазам эълон қилиб боради.

Халқаро темир йўл қатнови шартларини тартибга солишда Берндаги Халқаро темир йўл транспорти қўмитаси муҳим ўрин тутади. Қўмита ноҳукумат ташкилот бўлиб, унинг қатнашчилари МГК ва МПКни имзолаган темир йўллар маъмуриятларидир. Қўмитанинг асосий вазифаси темир йўлларда халқаро ташишнинг ҳуқуқий масалаларини ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу халқаро ташкилотга МДХ давлатлари, жумладан, Ўзбекистон аъзо эмас.



Автомобиль транспорти соҳасида ихтисослаштирилган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар йўқ. Нохукумат ташкилотлар орасида Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи (МСАТ-рус) энг фаол ўрин тутди. Европа мамлакатлари ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг миллий автотранспорт бирлашмалари Иттифокнинг аъзоларидир. 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспортида юк ташувчиларнинг миллий уюшмаси (АСМАП) ушбу Иттифокқа аъзо бўлди. МСАТ халқаро автомобиль транспорти бўйича йиллик маълумотнома нашр этади.

Ҳаво транспорти соҳасида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) энг йирик ҳукуматлараро ташкилотдир. Уни таъсис этиш 1944 йил 7 декабрдаги Чикаго конвенциясида назарда тутилган эди. Жаҳон мамлакатларининг аксарияти, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан шу конвенциянинг қатнашчиси ва, бинобарин, ИКАОнинг аъзосидир. Бу халқаро ташкилотнинг вазифалари фуқаро авиацияси фаолиятининг барча томонларини қамраб олади. Халқаро ҳаво транспортида ташиш шартларини белгилашда Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси (ИАТА) муҳим ўрин тутди. Бу уюшма халқаро ноҳукумат ташкилоти ҳисобланади.

Денгиз транспорти соҳасида кўплаб халқаро ташкилотлар иш олиб бормоқда. Ҳукуқий жиҳатдан тартибга солишни ривожлантириш ва такомиллаштириш ишига Ҳукуматлараро денгиз консултив ташкилоти (ИМКО) ва иккита ноҳукумат ташкилоти Болтиқ ва Халқаро денгиз конференцияси (БИМКО) ҳамда Халқаро денгиз кўмитаси (ММК) фаолияти энг кўп таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро денгиз кўмитаси (ММК) савдо кемалари қатновининг ҳукуқий муаммоларини ўрганиш учун махсус таъсис этилган.

Фаолияти транспорт соҳасини ҳукуқий тартибга солиш учун муҳим бўлган ихтисослаштирилган нотранспорт халқаро ташкилотлари орасида Римдаги Халқаро хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш институти (УНИДРУА)ни айтиб ўтиш зарур. Бу институт 1926 йилда тузилган ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, унга салкам 58 та мамлакат аъзо. УНИДРУА фаолияти институтнинг йилда бир марта чиқадиган тўпламида ёритиб борилади ва у суд амалиёти материалларини ўз ичига олади.

Халқаро транспорт масалаларига оид халқаро шартномаларни тизимлаштириш учун ҳукуқий тартибга солиш объекти мезонидан келиб чиқилган ҳолда транспорт конвенцияларини қуйидаги еттига гуруҳга бўлиш мумкин:

- транспорт алоҳида турлари фаолиятининг умумий тамойиллари тўғрисидаги битимлар;
- мамлакатлар ўртасида халқаро қатновни ташкил этиш тўғрисидаги битимлар;
- юклар ва йўловчиларни ташиш шартлари тўғрисидаги битимлар;
- ташиш тарифлари тўғрисидаги битимлар;
- мамлакатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини энгиллаштиришга (содаллаштиришга) қаратилган битимлар;
- транспорт айрим турлари фаолиятининг ўзига хос томонларини тартибга солувчи битимлар;
- халқаро транспорт соҳасида мулкий манфаатлар ҳимоя қилинишини назарда тутувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш хусусиятидаги битимлар.

### Эътибор беринг!

Халқаро ташишларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ички ҳуқуқ ҳужжатларини умумий шаклда бешта гуруҳга бўлиш мумкин:

- умумий қонун ҳужжатлари;
- транспортга оид бўлган қонун ҳужжатлари;
- халқаро қатновни тартибга солиш учун махсус чиқарилган ҳужжатлар;
- қабул қилиниши халқаро битимларда назарда тутилган ҳужжатлар;
- халқаро қатновларни амалга оширишга кўмаклашиши керак бўлган ҳужжатлар.

Кўплаб хорижий давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам транспорт конвенцияларига мос равишда халқаро ташувларни тартибга солувчи махсус нормаларни қамраб олган қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

- Ҳаво кодекси (1993);
- Фукаролик кодекси (1997);
- “Автомобил транспорти тўғрисида”ги Қонун (1998);
- “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонун (1998);
- “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонун (1992);
- “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун (1999);
- “Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида”ги Қонун (2001).

## Юк ва йўловчиларни халқаро қўламда темир йўлларда ташиш

Темир йўлларнинг халқаро йўналишларида юк ва йўловчиларни ташиш асосан кўп томонлама халқаро шартнома – Берн конвенциялари ва унинг узвий давоми ҳисобланадиган халқаро темир йўл ташишлари тўғрисидаги Битим (КОТИФ) билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ушбу транспорт конвенциясига қўшилмаган бўлсада, уларнинг қоидалари, хизмат йўриқномалари ва бошқа норматив ҳужжатлари мамлакатимизнинг ташқи савдо юкларини ғарбий Европа давлатларига жўнатиш ва Ўзбекистонга ташишда қўлланилади.

### Эътибор беринг!

“Юк ва йўловчиларни темир йўлларда ташиш тўғрисида”ги Берн конвенциялари узоқ муддат давомида темир йўл транспорти соҳасида энг муҳим ҳужжатлардан ҳисобланиб келган (қисқартмаси – МГК (халқаро юк конвенцияси) ва МПК (халқаро йўловчи конвенцияси) (рус тилида)). 1966 йили Халқаро йўловчи конвенциясига йўловчиларни ташишда темир йўл ташкилотлари жавобгарлиги тўғрисида қўшимча келишув имзоланади. 1980 йили Берн конвенцияларини қайта кўриб чиқиш конференциясида янги битим имзоланади. Ягона битимнинг матни Халқаро темир йўл ташишлари тўғрисидаги Берн конвенцияси номини олди (КОТИФ). Ҳозирда Европа давлатларининг катта қисми, шунингдек Осиё ва Шимолий Африканинг бир қатор давлатлари ушбу конвенция иштирокчилари ҳисобланади.

КОТИФ Берн конвенцияларининг халқаро-ҳуқуқий нормалари таркибида халқаро темир йўл ташишларига бағишланган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги нормалари бўлган икки иловани (А ва Б) камраб олувчи 1966 йилда қабул қилинган ягона асосий битимнинг Қўшимча битимини бирлаштиради. А илова йўловчи ташишнинг, Б илова эса юк ташишнинг Ягона қоидаларига бағишланган.

Ушбу Ягона қоидалар баъзи темир йўл йўналишларида амал қилади, йўналишлар рўйхати эса Берн конвенцияси иштирокчилари бўлган тарафлар томонидан белгиланади. Юк ҳақи ставкалари миллий ва халқаро тарифдан келиб чиқиб белгиланади. Юкни манзилга етказишнинг охириги муддатлари КОТИФ қоидаларига биноан катта тезликда ташишлар учун суткасига 400 км, кичик

тезликда ташиладиган юклар учун суткасига 300 км.ни ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу транспорт конвенциясида миллий темир йўллар учун баъзи йўналишларда юкларни етказиб беришнинг алоҳида муддатларини ҳамда айрим ҳолатлар учун эса қўшимча муддатларни белгилаш ҳукуқи назарда тутилган.

КОТИФга биноан ташилаётган юкларни сақламаганлик учун темир йўлларнинг жавобгарлик даражаси Халқаро валюта фондининг ҳисоб бирликларида, яъни 17 махсус ўзлаштирилган қоидалар ёки 51 эски олтин франк қийматига эга бўлган 1 кг брутто (ўров-идиш билан биргаликда) оғирлигидаги юкка нисбатан белгиланган.

КОТИФ қоидалари юклар ўз вақтида етказиб берилмаганлик натижасида етказилган зарар миқдорини ташиш ҳақининг уч баробари чегарасида белгиланишини назарда тутди.

### **Эътибор беринг!**

Темир йўл транспорти билан ташишлар соҳаси учун Юкларнинг халқаро катнови тўғрисидаги Битим (СМГС Битими) муҳим ўринни эгаллайди.

1998 йил таҳририда амал қилаётган ушбу транспорт конвенциясида Европа ва Осиё минтақасидан 22 давлат катнашади, жумладан, Ўзбекистон Республикаси унга 1992 йилда қўшилган.

1997 йил 1 октябрда Баку шаҳрида “СМГСнинг алоҳида нормаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида”ги Битим МДХ иштирокчи-давлатлари, Латвия, Литва, Эстония давлатлари темир йўл маъмуриятлари томонидан имзоланган ва 1998 йил 1 июлдан кучга кирган. Бу ҳужжат СМГС қоидаларини қўллаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ташқи савдо юклари СМГС Битими иштирокчиси ҳисобланган давлатларга юкни жўнатиш мамлакати қонуни қоидаларига биноан тузилган халқаро юк хати асосида жўнатилади. Бироқ юкларни маркировкалаш ва транспорт ҳужжатларини расмийлаштиришга оид бўлган қўшимча қоидалар СМГС Битимининг талабларидан ҳисобланади. Юкни олиш мамлакатаида юк шу мамлакатнинг қонунларига биноан топширилади, аммо шунда ҳам СМГС Битими яна қўшимча кўрсатмаларни, яъни юкларнинг сақланмаганлиги аниқланганда тижорат далолатномаларини тузиш тўғрисида махсус қоидаларни назарда тутди.

## Эътибор беринг!

Юк жўнатувчининг истагига монанд, юклар катта ёки кичик тезликда ташилиши мумкин, бунинг устига СМГС Битими юкларни етказиш муддатлари чегара темир йўл бекатларида юкни қайта ортишга кетган вақт ҳисобига узайтирилишини назарда

Транзит мамлакатларининг темир йўлларида юкларни ташиганлик ҳақи, олди-сотди шартномасининг базис қоидаларига, хусусан етказиб бериш шартларига қараб, халқаро транзит тарифининг валютаси ҳисобланган швейцария франки билан белгиланган нархда юк жўнатувчи ёки юк олувчи томонидан тўланади. Етказиб беришнинг базис қоидалари тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу ҳолат инобатга олинган ҳолда аниқланиши лозим.

Юкларни ташишга қабул қилган темир йўлларнинг сақланмаган юклар учун жавобгарлиги учун айб мавжуд бўлганда, вужудга келиши тахмин қилинади. Айрим ҳолларда (транспорт воситаларининг созлиги, юк эгасининг йўл кўрсатувчиси томонидан юкнинг кузатилиши ва х.к.) темир йўллар айбининг мавжудлиги юк эгаси томонидан исботланиши керак. Сақланмаган ташқи савдо юкига етказилган зарар учун хорижий давлатлар ёки Ўзбекистон темир йўллари жавобгар бўлганида юкнинг ташқи савдо баҳоси ва ички баҳоси асосида аниқланган ҳақиқий қиймати миқдорида тўланади. СМГС Битими ва уни тўлдирувчи халқаро транзит тарифи асосида Ўзбекистоннинг ташқи савдо юкларини ушбу СМГС Битим иштирокчиси бўлмаган ғарбий Европа давлатларига ва улардан яна Ўзбекистонга темир йўлда ташишларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун экспорт юкларини жўнатиш мобайнида СМГС Битими бўйича тузилган юк хатига СМГС Битими иштирокчиси бўлган мамлакатнинг чиқиш темир йўл бекати юк олувчиси сифатида кўрсатилади, юк хатининг айрим аризалар жадвалига эса ғарбий Европа мамлакатларидан бири юкнинг охириги олувчиси деб кўрсатилади. Ана шундай кўрсатма асосида чегара темир йўл бекати маъмурияти томонидан ғарбий Европа мамлакатларининг темир йўллари иштирокчиси бўлган КОТИФнинг талабларига асосланган янги юк хати ёзиб берилади ва юк охириги олувчига жўнатилади. Ўзбекистонга ғарбий Европа мамлакатларидан юклар жўнатилса, аввал КОТИФ бўйича юк хати тузилади, сўнгра тегишли чегара темир йўл бекатида СМГС Битимига асосланган юк хати қайта тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро темир йўл транспорти соҳасида икки томонлама халқаро шартномалари Қозоғистон, Қирғизтон Республикаси, Туркменистон, Озарбайжон, Хитой, Литва, Латвия, Руминия ва кўплаб бошқа давлатлар билан тузилган. Бу икки томонлама транспорт битимлари умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилинган. Бундан ташқари, жаҳон транспорт коммуникациялари тизимига жадал кириб бориш, ўзбек маҳсулотларининг эркин транзитини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз кўп томонлама халқаро транспорт битимларини ҳам имзолаган. Булар – Озарбайжон Республикаси, Грузия Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда худди шу давлатлар иштирокида транзит ташишларни тартибга солишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, Европа – Кавказ – Осиё йўлагини ривожлантиришнинг халқаро транспорти тўғрисида кўп томонлама асосий битимлардир.

### **Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда автомобилларда ташиш**

Халқаро автомобиль қатновининг умумий ва энг муҳим ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда бир мамлакатнинг автотранспорт воситалари давлат чегарасини кесиб ўтади ва бошқа давлатнинг йўллари орқали ўтиб боради. Шу сабабли халқаро автомобиль қатновини ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун бир хил тарздаги йўл ҳаракати қоидалари, йўл белгилари ва сигналларини белгилаб қўйиш зарур бўлади. Чет эл худуди орқали ташишни амалга ошириш шу чет давлат ваколатли органларининг тегишли санкциясини (розилигини) олишни ҳам тақозо этади. Шу билан бир вақтда, божхона ва солиқ масалаларини, шунингдек чет эл автотранспорт воситаларига техник ёрдам кўрсатиш масаласини тартибга солиш зарурати юзага келади.

## Ёдда тутинг!

Халқаро автомобиль йўл ташишлари ҳам худди темир йўл ташишлари сингари халқаро битим ва хужжатлар асосида амалга оширилади. Уларга 1968 йилда қабул қилинган “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Конвенция, ушбу конвенцияни тўлдирилган 1971 йилда қабул қилинган Европа битими, 1956 йилги Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция, 1975 йилги МДП китобларини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси (МДП конвенцияси), 1970 йилги Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташиш ва бундай ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари тўғрисидаги Битим, 1957 йилда қабул қилинган Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисидаги Европа битими (ДПОГ русча) каби хужжатларни келтириб ўтиш мумкин.

Ўз қатнашчиларининг мажбуриятларини анча аниқ белгиловчи “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги конвенция энг кўп ўзгартишларга дуч келди. Бу ўзгартишлар шундан иборатки, аҳдлашувчи томонлар, бир томондан, ўз худудларида амал қилувчи қоидалар ўз моҳиятига кўра конвенция қоидаларига мувофиқ бўлиши чораларини кўрадилар, иккинчи томондан, конвенция талабларига жавоб берадиган автомобиллар ва тиркамалар ўз худудларида халқаро ҳаракат қилишга йўл қўядилар ҳамда конвенция талабларига мувофиқ бериладиган рўйхатга олиш шаҳодатномаси ва ҳайдовчи гувоҳномасини тан оладилар. Аввалгидек расмиятчиликларни соддалаштириш йўли билан халқаро қатновни енгиллаштириш ниятида аҳдлашувчи томонлар қабул қилган чоралар конвенция мақсадларига мос ҳисобланади.

Конвенцияга мувофиқ, халқаро қатнов учун фойдаланиладиган автомобиль муайян маълумотлар минимумини ўз ичига олган рўйхатга олиш гувоҳномасига, рўйхатга олиш рақамига, рўйхатга олинган давлатнинг фарқловчи белгисига, шунингдек конвенцияда белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи танитувчи белгиларга эга бўлиши керак.

Миллий ёки халқаро ҳайдовчи гувоҳномаси бўлиши халқаро қатновга ижозат бериш учун асос ҳисобланади. Конвенцияда бундай гувоҳномаларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар назарда тутилган ҳамда белгилаб қўйилганки, аҳдлашувчи томонлар 18 ёшга тўлмаган шахснинг ҳайдовчилик гувоҳномасини ўз худудларида тан

олмасликлари мумкин. Ҳаракат қоидаларини бузганлик тақдирида ҳайдовчиларни ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тартиби белгиланган. Конвенцияда юкларни ташиш тўғрисида ҳамда ташилаётган юкларнинг боғлаш мосламаларини жойлаштириш тартиби ҳақида умумий кўрсатмалар ва ногабарит юкларни ташиш хусусида айрим махсус қоидалар берилган.

Халқаро автомобиль катновларини йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар. Давлатлар ўртасидаги автомобиль ташишларни бажариш учун автомобиль ҳаракатини ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг умумий қоидаларини аниқлаш билан боғлиқ маъмурий ва техник масалаларни тартибга солиш зарур. Бундай масалалар махсус халқаро шартномалар мавзуси ҳисобланади.

### **Эътибор беринг!**

Ўзбекистон Республикаси томонидан кўпгина мамлакатлар билан, жумладан, Чехия, Греция, Болгария, Финляндия, Литва, Словакия, Қирғиз Республикаси, Руминия, Озарбайжон, Латвия, Туркменистон, Молдова, Грузия, Қозоғистон, Беларусь, Хитой, Украина, Россия ўртасида халқаро автомобиль катновини ўрнатиш тўғрисида икки томонлама битимлар тузилган.

Бу битимлар ҳукуматлараро битимлар ҳисобланади, улар тегишли мамлакатлар ўртасида автомобиль катнови учун асос яратади ва унинг ҳуқуқий режими асосларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси тузган икки томонлама битимларда уларнинг таъсири остига тушувчи халқаро автомобилда ташишларга таъриф берилади. Бу жўнатиш жойи аҳдлашувчи томонлардан бирининг ҳудудида жойлашганлиги тайинланган пункт эса бошқа аҳдлашувчи томоннинг ҳудудида жойлашгандаги автотранспорт воситаларида ташиш, шунингдек транзит билан ёки учинчи мамлакатлардан ташишлардир.

Йўловчилар катнови (автобусларда йўловчилар ташиш) мунтазам ва номунтазам бўлиши мумкин. Битимларда мунтазам катновга таъриф берилган. Мунтазам катнов деганда ваколатли органлар ўртасида келишилган жадваллар, тарифлар ва йўналишлар бўйича амалга ошириладиган йўловчилар ташиш тушунилади. Келтирилган таъриф тўғри келмайдиган йўловчи ташишлар номунтазам деб ҳисобланади.



### **Эътибор беринг!**

Битимлар халқаро автомобиль қатнови учун бир қатор умумий талабларни белгилаб қўяди:

Биринчидан, ташишлар фақат ахдлашувчи томонларнинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро автомобилда ташишларни амалга оширишига ижозат берилган ташувчилар томонидан бажарилиши мумкин;

Иккинчидан, ташишлар томонларнинг ваколатли органлари берадиган махсус рухсатномалар асосида амалга оширилиши лозим;

Учинчидан, ташишлар халқаро автомобиль қатнови учун очик бўлган шоссе йўллар орқали амалга оширилиши керак;

Тўртинчидан, чет эллик ташувчи бошқа давлатда ички ташишларни амалга ошира олмайди. Ниҳоят, бешинчидан, халқаро қатновда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари учинчи шахсларга ва ташилаётган йўловчиларга зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб мажбурий суғурта қилиниши керак.

Ташишлар ташувчи томонидан ўз мамлакати тилида тўлдириладиган махсус юк хати асосида (бир қатор битимларда у халқаро деб аталади) амалга оширилиши назарда тутилади. Агар юк ва автотранспорт воситасининг умумий оғирлиги ёки уларнинг ўлчамлари бошқа ахдлашувчи томон ҳудудида белгиланган нормалардан ортиқ бўлса, шунингдек хавфли юкларни ташишда бошқа томоннинг ваколатли органларидан ташиш учун махсус рухсатнома олинishi зарур.

Бундан ташқари, давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномаларда юкларни ташиш ва буни бажараётган автотранспорт воситалари бошқа ахдлашувчи давлатларнинг ҳудудида солиқлар ва йиғимлардан икки томонлама озод қилинади; ҳайвонлар ва тез бузилувчан юкларни ташишда чегара, божхона ва санитария назорати навбатсиз амалга оширилади. Баъзи битимлар бошқа томоннинг ҳудудида автотранспорт ташкилотларининг ваколатхоналарини таъсис этиш ҳамда юкларни ташишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий, техникавий, тижорат ва бошқа масалаларга оид идоравий битимлар тузиш мумкинлигини назарда тутди.

Йўловчиларни, багажни ва юкларни автомобилда ташиш тўғрисидаги халқаро битимлар. 1956 йил 19 майда Женевада тузилган “Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги

конвенция (кискартмаси – ЦМР, шунингдек русча номи қискартмаси – КДПГ) шундай энг йирик битим ҳисобланади. Ҳозирги кунда ЦМР халқаро транспорт соҳасида энг муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади ва ташишлар ҳақидаги бошқа давлатлараро битимларга таъсир кўрсатади.

Агар юкни жўнатиш ёки тайинланган жойи, ёхуд уларнинг ҳеч бўлмаса биттаси конвенция қатнашчиси бўлган иккита давлатда бўлса, ЦМР юкларини автомобиль транспортида ташиш шартномаларига нисбатан татбиқ этилади.

Юкни халқаро автомобилда ташиш шартномаси, жўнатувчи, олувчи ва ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, юкни жўнатиш ва белгиланган манзилда қабул қилиш шартларини белгилайди. Юкнинг қиймати эълон қилинмаган бўлса, юк учун товон юкни ташишга қабул қилиб олиш пайтида жўнатиш манзилидаги қийматидан келиб чиқиб, биржа нархи асосида аниқланади. Тўланадиган товоннинг энг кўп миқдори брутто (ўров-идиш билан биргаликдаги) оғирликнинг бир килограмми учун 25 олтин франкни ташкил этади. Бундан ташқари, юк тўла ёки қисман йўқотилганда ташиш ҳақи ва юк билан боғлиқ бошқа чикимлар тегишлича қисмларда копланadi. Юкни элтиб бериш кечиктирилган тақдирда, кўрилган зарар юк учун ташиш ҳақи доирасида копланadi.

Юкни қабул қилиб олар экан, олувчи унинг бут сақланмаганлиги ҳақида дарҳол, яширин нуқсонлар ҳақида эса 7 кун ичида маълум қилиши керак. Юкни элтиб қўйиш кечиктирилган тақдирда, бундай арз қилиш учун 21 кунлик муддат белгиланган. Юк бут сақланмагани хусусида эътироз билдирмаслик ташувчига талабнома тақдим этиш ҳуқуқининг йўқотилишига олиб келмайди, бут сақланмаганликни исботлаш вазифасини юк эгаси зиммасига юклайди. Аммо юкни элтиб беришни кечиктирилганлик хусусида эътироз билдирмаслик кечиктириш туфайли етказилган зарар копланишига бўлган ҳуқуқдан маҳрум этади. Ташувчига ёзма талаб йўлланиши мумкин бўлиб, бироқ бундай талаб билан муурожаат этиш мажбурий эмас.

Даъво муддати 1 йил, унда жавобгар мажбуриятларини қасддан бузган бўлса, 3 йилни ташкил этади. Даъво ташувчига қуйидаги судлардан бири орқали қўзғатилиши мумкин: томонларнинг келишуви бўйича судда, жавобгарнинг турар жойи бўйича, унинг корхонаси бош бошқаруви жойлашган жой бўйича судда, қайси идораси (маҳкамаси) воситасида шартнома тузилган бўлса, ўша идора

(махкама) жойлашган ердаги судда, шунингдек юкни ташишга қабул қилиб олинган ёки у топшириладиган жойдаги судда. Низони ҳакамлик ҳал этиши учун топшириш тўғрисида томонлар келишувига йўл қўйилади.

### **Эътибор беринг!**

“МДП китобларини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисида”ги Божхона конвенцияси (МДП конвенцияси) халқаро автомобиль транспортида юкларни ташишда асосий атрибут сифатида МДП китобларини кўрсатиб ўтади. МДП китоби – ягона божхона ҳужжати МДП ҳудудида жўнатиш мамлакати божхонасидан қабул қилиб олинishi белгиланган мамлакат божхонасигача юкларни боришида асосий ҳужжат ҳисобланади.

Конвенция қафолат берувчи бирлашмалар институтини жорий қилади. Унга кўра қафолат берувчи бирлашма Конвенцияда иштирок этувчи мамлакатларнинг божхона органлари томонидан тан олинган бўлиши ва юкларни халқаро йўлларда ташиш жараёнларидан фойдаланувчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда гарант вазифасини бажариб бериши белгиланган. Ўзбекистонда қафолат берувчи бирлашма вазифасини Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги амалга оширади. Ушбу орган Ўзбекистон автомобиль транспортида юк ташувчиларни МДП китоблари билан таъминлайди ва МДП жараёнларини қўллаганлик натижасида юзага келган шикоятларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширади. МДП жараёнларини қўллаган ҳолда ташилаётган юклар оралиқ божхоналардаги кириш-чиқиш божлари ва йиғимларидан озод қилинади. МДП операцияларини амалга ошираётган автомобиль транспорти воситаларида “TIR” деб ёзилган махсус табица ўрнатилган бўлиши лозим. “TIR” белгиси юкларни божхонада биринчи бўлиб расмийлаштириш имкониятини яратиб беради.

### **Эътибор беринг!**

Халқаро йўловчи ва багажларни автомобилларда ташиш бўйича Конвенция ва “Йўловчиларни ташиш қоидалари тўғрисида”ги илова 1997 йил 9 октябрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияни ратификация қилган. Конвенция халқаро йўлларда автобуслар билан йўловчиларни ташишни амалга оширувчи ташувчиларга татбиқ этилади.

Халқаро йўловчи ва багажларни ташишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби ушбу Конвенциянинг ажралмас қисми бўлган Йўловчилар ташиш қоидалари билан белгиланади. Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ ташувчи ташиш вақтида йўловчининг соғлиғига етказилган зарар ёки багажга етказилган зарар учун ҳодиса рўй берган жой ёки вақтдан қатъи назар, йўловчининг ўлими ёхуд унга тан жароҳати етказилгани ёки йўловчи соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар учун багажнинг тўла ёки қисман йўқотилгани ёки унга шикаст етгани учун жавобгардир. Йўловчи ўзи ёки багажи манзилга етиб келган кундан эътиборан 7 кун мобайнида ташувчига даъво қилиш ҳуқуқига эга.

Йўловчиларнинг ташиш қоидалари ташиш жараёнини ташкил қилиш ва назорат қилиш тизимини, шунингдек юк ташувчилар ҳамда йўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутати. Йўловчилар ва багажни ҳамкорликда мунтазам ташиш тўғрисидаги халқаро шартнома халқаро доимий йўлларда автобуслар билан йўловчилар ва багажларни ташишни ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

### **Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ҳаво йўлларида ташиш**

Иқтисодий муносабатларнинг доимий равишда ривожланиб бориши халқаро ҳаво ташишларининг аҳамиятини кун сайин ошириб бормоқда. Ўзбекистон ҳаво бўшлиғи орқали амалга оширилаётган ҳаво ташишлари тегишли халқаро битимлар ва келишувлар асосида олиб борилмоқда. Халқаро кўламда йўловчиларни ҳаво транспортида ташиш доимий равишда турли хил мамлакат авиакомпаниялари томонидан амалга оширилмоқда. Навоий мультимодаль логистика марказининг ишга туширилиши мамлакатимизга ҳаво транспортида юк ташиш оқимининг ошишига сабаб бўлди. Халқаро ҳаво транспортида ташиш ҳисобланиши учун ҳеч бўлмаганда бир кўниш жойи бошқа давлатнинг ҳудудида жойлашган бўлиши лозим.

Халқаро ҳаво ташиш муносабатларини тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. 1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган “Халқаро ҳаво транспортида ташишларга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисида”ги Конвенция (Варшава конвенцияси) ҳаво транспортида ташиш шартлари ҳақидаги асосий халқаро ҳужжатдир. Жаҳон мамлакатларининг кўпчилиги (100 дан зиёд мамлакат) Конвенция

қатнашчисидир. 1955 йил 28 сентябрда Гаагада “Варшава конвенциясининг айрим қоидаларини ўзгартириш тўғрисида”ги Баённома (Гаага баённомаси) имзоланди. Бундан ташқари, Варшава конвенцияси Гватемала ва Монреаль протоколлари билан ҳам тўлдирилган.

Унда салкам 90 та давлат иштирок этади, Ўзбекистон Республикаси уларни 1995 йилда ратификация қилган. Барча минтақаларда халқаро ҳаво транспортида ташишларнинг ҳуқуқий режими амалда Варшава конвенцияси ва Гаага баённомаси қоидалари билан белгиланади.

### **Эътибор беринг!**

Варшава конвенциясининг 1-моддасида у амал қиладиган ташишларнинг куйидаги таърифи берилган: 1) ташишда ёки қайта ортишларда танаффус борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, жўнатиш жойи ва тайинланган жой Конвенцияда иштирок этувчи икки давлат ҳудудида жойлашган бўлади; 2) жўнатиш жойи ва тайинланган жой Конвенцияда иштирок этувчи айни битта давлат ҳудудида жойлашган бўлади, бироқ тўхтаб ўтиш, ҳатто у Конвенция қатнашчиси бўлмаса ҳам, бошқа давлат ҳудудида назарда тутилган бўлади.

Шу тариқа Конвенция унда иштирок этувчи давлат ва унда иштирок этмайдиган давлат ўртасидаги ташишларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ташишлар Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 75-моддаси мазмунидан келиб чиққанда халқаро парвоз бўлади, негаки Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан кесиб ўтилади, аммо бу ташишлар Варшава конвенцияси таъсирига бўйсундирилмайди.

Конвенциянинг 2-моддасига кўра у почтани ташишга нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Варшава конвенциясининг қоидалари императив (қатъий) хусусиятга эга. Аммо бу қоидадан бир қатор чекинишлар маълум. Биринчидан, ташувчи ва йўловчининг келишувига кўра, ташувчининг жавобгарлик меъёри оширилиши мумкин. Иккинчидан, юкларни ташишда ташиш ҳужжатида Конвенция қоидаларидан чекинишлар қилиниб, бунда юкни идора қилиш (тасарруф этиш) бўйича ҳуқуқларни ва уни тайинланган жойида бериш тартибини белгилловчи чекинишлар кўрсатиб ўтилиши мумкин. Учинчидан, ташувчининг жавобгарлиги чегараларини ўзгартиришга ташилаётган юкнинг

хусусияти оқибатида йўқотилган ва шикастлантирилган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин. Ниҳоят, тўртинчидан, юкларни ташиш судларнинг Конвенцияда белгилаб қўйилган ҳудудий ваколати доирасида ҳакамлик тўғрисидаги келишувга йўл қўйилади.

### **Эътибор беринг!**

Ташиш шартномаси йўл чиптаси (йўловчилар учун) багаж паттаси (багаж учун) ёки авиаюк хатининг ташиш ҳужжатини (юк учун) тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Конвенцияда ташиш ҳужжатларининг реквизитлари (зарурий қисмлари) белгиланган бўлиб, уларнинг доираси Гаага баённомаси билан жиддий равишда чеклаб қўйилган. Жаҳон авиакомпанияларининг аксарияти томонидан халқаро ҳаво транспорти катновида қўлланиладиган ташиш ҳужжатларининг шакллари IATA ишлаб чиққан тегишли бир шаклдаги андозаларга (проформаларга) мос ҳолда тузилган.

Тарафлар муносабатларининг шартномавий хусусияти Варшава конвенциясининг йўловчи ва юк шартномасини тузиш тўғрисидаги сўз юритилувчи моддаларида аниқ-равшан ифодаланган.

Бахтсиз ходиса натижасида шахсга тан ёки ҳар қандай жароҳат етказилганда ёхуд ўлимига сабаб бўлганда ва бундай ходиса ҳаво кемаси бортида ёки пассажирларни ҳаво кемасига чиқариш ва тушириш операцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келган бўлса; рўйхатга олинган юк ёки багажга зарар етказилганда, йўқотилганда ёки нобуд бўлганда, агар зарар етказиш билан боғлиқ бўлган ходиса ҳаво транспортида ташишларни амалга ошириш вақтида юз берган бўлса; йўловчилар, юк ва багажни ҳаво транспортида ташишлари кечиктирилиб амалга оширилган ҳолларда ташувчи жавобгар ҳисобланади.

Агарда ташувчи зарарни олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни кўрган ёки бундай чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, зарарни тўлашдан озод қилиниши мумкин. Ташувчи зарар жабрланувчининг айби билан етказилганлигини ёки жабрланувчининг айби зарар етказилишига имконият яратиб берганлигини исботлаб берса, суд ўзининг миллий қонунига мувофиқ ташувчининг жавобгарлигини чеклаши мумкин.

Варшава конвенциясига мувофиқ юк ва багажнинг бир килограмми учун 250 олтин франк (20 АҚШ доллари) сумма билан чекланган.

*Амалий мисол:*

Ёпиқ акциядорлик жамияти “Коопимпекс” Финландиянинг Хельсинки шаҳрида жойлашган “FINAIR” авиаконпаниясига нисбатан Санкт-Петербург арбитраж судига Халқаро ҳаво ташишларга оид қондаларни унификациялаш тўғрисидаги 1929 йилдаги Варшава конвенцияси (1955 йилги Гаага протоколи билан ўзгартирилган) нинг 22 моддаси 6 бандига мувофиқ юкнинг топширилганда етмаган қисми учун 1289,9 АҚШ доллари миқдоридаги зарарни ундирish мақсадида даъво аризаси билан муурожаат қилади. Сўралган талаблар суд томонидан қаноатлантирилди. Иш кейинчалик Федерал округ арбитраж суди томонидан кўриб чиқилди. Россия Федерациясининг Олий Арбитраж суди Президиуми ушбу иш бўйича қарор қабул қилади ва қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратади.

Тижорат актига мувофиқ, юкнинг бир қисми бой берилиши юк кадокларига путур етганлиги натижасида келиб чиққанлиги кўрсатиб ўтилган.

Конвенциянинг 18 моддаси 1 ва 2 бандларига мувофиқ, ташувчи рўйхатга олинган юк ва багаж нобуд бўлган, йўқотилган ёки унга зарар етказилганда, агар зарар етишига сабаб бўлган ҳолат ҳаво ташишларини амалга ошириш жараёнида юз берган бўлса жавобгар бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Конвенциянинг 22 моддаси 2, 4 ва 5 бандларига мувофиқ рўйхатга олинган юкни ташиш пайтида ташувчи жавобгарлиги 1 кг юк учун 250 франк билан чегараланади. 1955 йилги Гаага протоколининг XI моддаси 5 бандига мувофиқ агарда иш судда кўриб чиқилмайдиган бўлса, олтин қийматига эга бўлмаган миллий валюталарга тегишли суммани алмаштириш суд қарори чиққан кундаги нархлар бўйича амалга оширилади.

Даъвои тақдим этиш вақтида даъвогар юкнинг етарли бўлмаган қисмини Лондон қимматли металллар биржасидаги 1 унсия олтин нархидан келиб чиққан ҳолда АҚШ долларида ҳисоблаган. Лондон қимматли металллар биржаси олтиннинг валюталарга нисбатан қийматини эмас, балки рангли металлларнинг халқаро бозордаги нархини белгилайди. Ҳисоб-китобларни бундай тарзда амалга ошириш Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилотининг (Монреаль, 1975 йил) № 3 ва № 4 Протоколларида ўрнатилган 250 олтин франкни миллий валютага ўтказиш тартибларига зид ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолат ҳар бир кг учун тўланиши лозим бўлган суммани тахминан 20 \$ ошишига ва умумий даъво суммасини эса 1389,9 \$ бўлишига олиб келади.

Даъвогар ўз даъвосини иккала мамлакатлар томонидан ҳам ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий шартноманинг франкни иккала давлатлардан бирининг миллий валютасига ўтказилиши тўғрисидаги қисми билан асослайди. Лекин халқаро шартномада иккала мамлакатдан қай бирининг ҳуқуқи қўлланилиши очик қолади.

1991 йилда қабул қилинган Фуқаролик қонунчилиги асосларининг 166 моддасининг 1 банди 7 қисмида агарда тарафлар ташқи-иқтисодий битимлар бўйича келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш тўғрисидаги келишувга эга бўлмаса, ташиш шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан ташувчи мамлакат ҳуқуқи қўлланилиши белгиланган. Ушбу халқаро ташиш шартномасида Финландиянинг “FINAIR” компанияси ташувчи ҳисобланади.

Финландия қонунчилиги бўйича ташувчининг жавобгарлиги ва Варшава конвенциясини қўллаш масалалари 1977 йил 14 январдаги “Авиатранспорт билан ташиш шартномаси тўғрисида”ги Қонун билан тарғибга солинган. Ушбу қонуннинг 23 параграфида рўйхатга олинган товар ва багажни ташишда ташувчининг жавобгарлиги 17 СДР (махсус ўзлаштириш ҳуқуқи) ёки ҳар кг учун 23,8 АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Варшава конвенцияси йўловчи вафот этганда зарарни қоплашни талаб қилувчи шахслар доираси ва зарарни қоплаш миқдорини

аниклаш масалаларини очик қолдирган. Ушбу ҳолатлар ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги ва у ерда мавжуд бўлган амалий тажрибалар асосида ҳал қилинади.

Гаага баённомасига мувофиқ йўловчиларга нисбатан ташувчи жавобгарлигининг миқдори 250 минг олтин француз франки чегарасида белгиланган.

Айтиб ўтилган лимитлар йўловчига, багажга, қўл юки ва юкка етказилган зарар учун ҳам, уларни элтиб қўйишни кечиктирганлик учун ҳам ташувчи жавобгарлигининг чегараси ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда суд ўз миллий қонунига мувофиқ даъвогарга у қилган суд харажатларининг ҳаммасини ёки бир қисмини қоплашни қарор қилиши мумкин.

Багаж ва юкларни ташишлар учун Варшава конвенциясининг мажбурий даъвогарлик иш юритишини назарда тутати. Зарар аниқланган тақдирда олувчи дарҳол аммо багаж ва юк олинган кундан эътиборан ҳисоблаганда багаж бўйича 7 кундан ва юк бўйича 14 кундан кечиктирмай ташувчига талаб қўйиши керак. Элтиб қўйиш кечиктирилган тақдирда, талаб багаж ёки юк олувчи тасарруфига берилган пайтдан эътиборан 21 кун ичида билдирилиши лозим.

Йўловчилар ва юк эгаларининг ҳуқуқларини мажбурий равишда ҳимоя қилиш учун 2 йиллик даъво муддати назарда тутилган бўлиб, у тайинланган пунктга етиб келинган пайтдан эътиборан, ҳаво кемаси етиб келиши лозим бўлган санадан ёки ташишда танаффус бўлган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

Ҳаво транспортида ташишга бўлган талабнинг, айниқса, сайёҳат мавсумлари даврида ўсиши, шунингдек бўш турган самолётлар мавжудлигининг чартер асосида ташишларнинг ривожланишига асос бўлди. Бир марталик ёки бир нечта парвозларни бажариш учун битта ёки бир нечта самолётни бериб туриш чартер ташишларнинг мазмунини ташкил қилади. Одатда, самолёт етарлича тайёрланган экипаж билан берилади, бироқ самолёт экипажсиз ҳам берилиши мумкин. Ҳаво чартери тарафларини чартерга олувчи (букюртмачи) ва ҳаво кемаси мулкдори (компания) деб аташ қабул қилинган.

Авиакомпанияларнинг қоидалари ва тарифларида чартер қисқача тартибга солинган бўлиб, чартер бўйича чартерга олувчи ва компаниянинг ўзаро муносабатларини эмас, аввало, йўловчилар ва юкларни бўлғуси ташиш шартларини назарда тутати. Чартернинг мақсади унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини чартерларнинг проформалари белгилайди. Улар



авиакомпаниялар томонидан ишлаб чиқилади ва тузиш чоғида тарафлар томонидан тўлдирилиши мумкин бўлган намунавий шартнома кўринишида бўлади. Ҳаво чартерларида шакли, мақсади ва атамалари бўйича ўзининг ўтмишдоши денгиз чартерининг таъсири сезилиб туради.

Ҳаво чартери шартларига кўра жавобгарлик айбнинг бошланишига асосланади. Ташиш шартномаси бўйича жавобгарлик хусусида компаниянинг ташиш қоидаларига ёки бўлмаса Варшава конвенциясининг тегишли кўрсатмаларига ҳавола қилинади.

1999 йил май ойида ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли бўлган айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Монреал Конвенцияси имзоланиб, унда ҳаво орқали ташишнинг тушунчаси келтирилган, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, махсус ўзлаштирилган ҳуқуқларда ифодаланадиган ташувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги чегараси, низоларни ҳал қилишга доир ваколатли органларнинг юрисдикцияси ўрнатилган. Конвенция 2003 йил 4 ноябрдан кучга кирган. Ушбу конвенция 1929 йилда қабул қилинган Варшава конвенциясини алмаштириш мақсадида қабул қилинган. Ҳозирги кунда унга 63 дан ортик давлат, шу жумладан Буюк Британия, Ҳиндистон, Ирландия, Испания, АҚШ, Франция, Швейцария ва Япония каби давлатлар аъзо ҳисобланади.

### **Халқаро қўламда денгиз транспортида ташишлар**

Нисбатан мураккаб ҳуқуқий масалалар халқаро денгиз транспортидаги ташишларда юзага келади. Бу ҳолат мазкур соҳадаги муносабатларнинг хилма-хиллиги билан (тартибга солиш предмети) бир қаторда ҳуқуқий тартибга солишнинг манбалари характерининг турлилиги билан ҳам (конвенциялар ҳамда ички қонун ҳужжатлари нормалари билан бир қаторда, шунингдек денгизнинг халқаро одатларидан кенг фойдаланилганлик билан) тушунтирилади.

Кўп давлатларнинг қонун ҳужжатларида, одатда, юкларни денгиз транспортида ташишга доир муносабатларга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши кераклигини назарда тутувчи коллизия нормалар бўлмайди. Мазкур масалалар суд амалиёти билан ҳал этилади. Буюк Британия ва Франция судларида (француз қонун ҳужжатларига мувофиқ) кема байроғи қонунига амал қилинади, ГФР судларида эса юк бориб тушадиган жой қонунига кўпроқ амал қилинади. Польша қонунига мувофиқ тарафлар томонидан танланган қонунга амал қилинади. Ташиш шартномасига

кўра танлов бўлмаган тақдирда ташувчининг жойлашган жойи конунига амал қилинади. РФнинг Савдо кемалари қатнови кодексига мувофиқ томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юкларни денгиз транспортида ташиш шартномаси бўйича йўловчиларни денгиз транспортида ташиш шартномаси бўйича шунингдек муайян муддатга фрахтга олиш, денгизда буксирга олиш ва денгиз суғуртаси шартномалари бўйича, агар томонлар битимида бошқа ҳол белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган жой конунига мувофиқ аниқланади. Шартноманинг тузилиш жойи РФ ҳуқуқи бўйича белгиланади.

### **Эътибор беринг!**

Юкларни денгиз транспортида ташиш турлича шароитда амалга оширилиши мумкин. Агар мазкур ташиш денгиз транспортида ташувчи томонидан бутун кемани ёки унинг маълум қисмини бермасдан амалга оширилса, у ҳолда ташиш иштирокчилари орасидаги муносабатлар коносамент ёрдамида расмийлаштирилади. 1924 йилда Брюсселда “Коносамент тўғрисида”ги баъзи қоидаларнинг бирхиллаштирилиши тўғрисида конвенция тузилган. Ушбу конвенция аввало 1968 ва 1979 йилларда қабул қилинган Баённомалар асосида ўзгартирилган. Ушбу Баённомаларга қўшилиш конвенцияга қўшишлиш билан тенг баҳоланади.

Аслида денгиз транспортида ташқи савдо юкларини ташиш шарт-шароитлари денгиз транспортида ташувчи томонидан ташиш учун бутун кемани бериш пайтида ёки юкнинг алоҳида партияларини ташиш учун коносамент бўйича тузилган, ўз ичида ташиш шарт-шароитлари тўғрисидаги маълумотларни сақловчи (коносамент ташки бетида) фрахтлаш шартномаларида (чартерда) белгиланади.

Денгиз транспортида ташувчи юкни сақлаб қолмаган тақдирда айбли бўлгани учун жавоб беради, унга талаблар қўйиш учун эса бир йиллик муҳлат амал қилади. Коносамент бўйича юкларни ташиш пайтида унинг нархини эълон қилиш жоиз. Ташувчи навигацион хатолик деб аталмиш (кемани юргизиш ва бошқариш пайтидаги капитан, матрос, боцман хатоси) хато учун жавобгар бўлмайди.

1978 йил март ойида Гамбург шаҳрида ўтказилган конференцияда БМТнинг “Юкларни денгиз транспортида ташиш тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди. Мазкур Конвенция 1924 йилги Брюссель конвенциясининг ўрнига қабул қилинган. Янги конвенция кенгрок қамровга эга бўлиб (хайвонларни ва палубага

жойланадиган юкларни ташишга ҳам татбиқ этилади) бир қатор янгиликларни кўзда тутуди. Хусусан, конвенцияда навигацион хатолик юз берганда денгиз транспортида ташувчини жавобгарликдан озод этувчи қоида бекор қилинди, юкни сақлаб қолиш учун унинг жавобгарлик чегараси бирмунча оширилди, ташувчига бўлган талабларни билдириш тартиби белгиланди (даъво қилиш муддати – икки йил).

Юкларни денгиз орқали ташишнинг анча истиқболли шакли доимий денгиз линияларини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар асосида амалга оширилувчи мунтазам ёки линияли ташишлардир. Бундай битимлар давлатлараро бўлиши мумкин, лекин кўпинча манфаатдор денгиз ташишларини амалга оширувчи компаниялар томонидан тузилади. Уларда мазкур линияларни эксплуатация қилишнинг асосий шарт-шароитлари аниқланади, денгиз транспортида линияли ташишнинг шарт-шароитлари эса тегишли денгиз ташишларини амалга оширувчи компанияларнинг линияли коносаментларида, қоидаларида ва тарифларида белгиланади. Линияли ташишларнинг шарт-шароитлари баъзи транспорт-ҳуқуқий хусусиятларга эга, лекин мазкур соҳадаги ўзига хос коллизиялар масалалар, одатда, юзага келмайди.

Денгиз линияларининг катта қисми бугунги кунда йирик денгиз ташишларини амалга оширувчи компаниялар орасидаги битимлар доирасида эксплуатация қилинади ва шу тариқа линия конференциялари деб ном олган ташувчи гуруҳларини ташкил қилади. Улар ичида юқори фрахт ставкаларини ва бошқа имтиёзли шарт-шароитларни қўйиш йўли билан ўзига энг юқори иқтисодий наф келтиришни таъминлашга ҳаракат қилувчи илғор давлат компаниялари ҳал қилувчи таъсирга эга.

Линия конференциялари фаолиятидаги камситиш элементларини бартараф этиш мақсадида 1974 йилда БМТ доирасида ривожланаётган давлатлар ташаббуси билан катта аҳамиятга молик халқаро битим – Линия конференциялари одоб кодекси тузилди. Конференция линия конференцияларининг белгиланган доирада ишлашига йўналтирилган, камситишни рад этувчи ҳамда ташувчи ва юк эгаси манфаатлари мувозанатини яратувчи бир қатор қоидаларни ўз ичига олади.

### **Эътибор беринг!**

Йўловчиларни денгиз транспортида ташиш охирги йилларда бир катор халқаро битимларнинг асосий мавзуси бўлиб қолди. Шулардан бири “Йўловчилар ва уларнинг юкини денгиз транспортида ташиш тўғрисида”ги 1974 йил 13 декабрдаги Афина конвенцияси. Конвенция илгари ишлаб чиқилган денгиз транспортида ташиш тўғрисидаги кўпгина халқаро-ҳуқуқий нормаларни қабул қилди: айб мавжуд бўлган ҳолдагина жавобгарлик тамойили, ташувчининг жавобгарлик доирасининг чегараланиши (йўловчилар соғлиғига зарар етказилган тақдирда – 700 минг франк), даъво қилиш муддати икки йил. Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияларда иштирок этмасда, унинг қоидалари ҳам ўқувчиларда, ҳам тадбиркорларимизда катта кизиқиш уйғотади.

Денгиз транспортидаги ташишлар чартер бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда юк ташиш учун бутун кема, унинг бир қисми ёки маълум бир хоналар ажратилади. Одатда, амалдаги халқаро денгиз ташкилотлари, шунингдек миллий кемачилик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган чартерлар проформалари ишлатилади. Чартерлар юк турига қараб (кўмир, нефть, ёғоч ва х.к.) ишлаб чиқилади. Шу сабабли айрим юкларни ташишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинади. Денгиз чартери мазмунига кўра ўз ичига 60 та гача турли шартларни олувчи мураккаб шартномадир (юкни тақдим этиш, уни етказиш тартиби, фрахт бўйича ҳисоб-китоблар ва х.к.). Жавобгарлик юзасидан, одатда, Коносамент тўғрисида баъзи қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисидаги конвенция шартларига ҳавола қилинади. Чартер проформаларининг шартлари томонлар орқали изоҳлар киритиш йўли билан ўзгартирилиши ёки уларга кўшимчалар киритилиши мумкин.

### **Аралаш қатновда юкларни халқаро ташиш**

Кейинчалик пайдо бўлган транспорт турларининг (ҳаво ва автомобиль транспорти) жадал ривожланиши ва ташишларни оқилона ташкил этиш манфаатлари мамлакатлар ўртасидаги ташишларни транспортнинг бир қанча тури иштирокида бажаришни тақозо этади. Халқаро аралаш ташишлар деб юкларни бир неча хил транспорт турларида ташишларга нисбатан айтилади.

Тўғри аралаш коносаментларнинг проформаларини ишлаб чиқишда кемачилик компаниялари ва экспедиторлик фирмалари тўғри коносаментларнинг аънавий шартларини асос қилиб олиб, уларни аралаш ташишларнинг ўзига хослигини акс эттирувчи қоидалар (юкларни тушириш ва ортиш портларида топшириш тартиби ва транспортнинг ер устки турлари жавобгарлиги шартлари) билан тўлдирганлар. Кейинги йилларда тўғри аралаш коносаментларнинг проформаларини ишлаб чиқишга халқаро транспорт ташкилотлари қўшилдилар ва улар аралаш ташишлар тажрибасидан ҳамда халқаро битимлар лойиҳаларидан фойдаланмоқдалар. Бир қанча проформалар пайдо бўлиб, улар юкларни аралаш ташиш амалиётида қўлланила бошлади.

### **Эътибор беринг!**

1973 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан “Аралаш ташиш хужжати тўғрисида”ги бирхиллаштирилган Қоидаларнинг чиқарилиши олға силжиш бўлди. Бу Қоидалар 1975 йилда янги таҳрирда эълон қилинди. Қоидалар тарафларнинг юкини аралаш ташиш тўғрисидаги битимида уларга хавола қилинган тақдирдагина қўлланилади. Ушбу Қоидалар коносаментларидан фаркли равишда аралаш ташишни бажарувчи оператор тушунчасини киритади.

Оператор ўзининг тахмин қилинган айби мавжуд бўлгани тақдирда жавобгар бўлади, жавобгарликнинг энг юқори чегараси ҳар бир килограмм оғирлик учун 30 франкни ташкил этади. Юкнинг бут сақланмаган жойлари аниқланган бўлса, тўрли жавобгарлик қўлланилади. Юкни элтиб қўйишни кечиктирганлик учун жавобгарлик борасида ҳам шу тамойил амал қилади. Операторга нисбатан талаблар қўйиш муддати – 9 ой.

ЮНКТАД доирасида “Юкларни халқаро аралаш ташиш тўғрисида”ги БМТ Конвенцияси 1980 йил май ойида Женевада бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда қабул қилинган.

Конвенция барча турдаги транспортга нисбатан татбиқ этилади ва у аралаш ташишни амалга оширишни оператор зиммасига юклайди. Аралаш ташиш шартномасини тузган, ўз номидан иш кўрувчи ва шартноманинг ижро этилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олувчи ҳар қандай шахс оператор бўлиши мумкин. Бу

юкнинг халқаро ташиш шартномасининг янги тури бўлиб, унга кўра транспорт операцияларини операторнинг ўзи ҳам, у жалб этадиган айрим турдаги транспортда ташувчилар ҳам бажаришлари мумкин. Бунда юк эгаси муайян ташувчилар билан эмас, балки фақат аралаш ташиш оператори билан ҳуқуқий муносабатда бўлади.

Операторнинг жавобгарлиги тахмин қилинган айб учун юзага келади. Юк бут сақланмаган тақдирда жавобгарлик чегараси, қайси сумма кўплигига караб бир жой учун 920 махсус ўзлаштирама бирлик ёки ҳар бир килограмм оғирлик учун 2,75 худди шундай бирликдан иборат. Бироқ агар аралаш ташишда денгиз ва дарё транспортида ташувчилар иштирок этмаса, операторнинг жавобгарлиги чегараси юқорирок бўлиб, ҳар бир килограмм оғирлик учун 8,33 бирликни ташкил этади. Юкни бут сақланмаган жой маълум бўлгани тақдирда, турли жавобгарлик коидаси қўлланилади, ammo бунда тегишли халқаро битим ёки миллий ҳуқуқ билан жавобгарликнинг анча юқори чегараси назарда тутилган бўлиши шарт. Етказиб бериш кечиктирилган тақдирда етказиб берилган кечиктирилган юкка тўғри келувчи 2,5 бирликка тенг ташиш ҳақидан ошмаган сумма тўланади.

Юкларни аралаш катновда ташишни амалга оширишда божхона тартиб-таомилини соддалаштиришга қаратилган, божхона коидаларини ўз ичига олган илованинг мавжудлиги янги Конвенциянинг ўзига хос хусусиятидир. Конвенцияда, шунингдек у аралаш ташишлар тўғрисидаги бошқа мавжуд халқаро битимлар қўлланилишига тўсқинлик қилмаслиги, унинг коидалари давлатнинг аралаш ташишлар бўйича операцияларни ва аралаш ташиш оператори фаолиятини миллий даражада тартибга солиш ва назорат қилиш ҳуқуқига даҳл қилмаслиги назарда тутилган.

### **Эътибор беринг!**

1975 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан “Аралаш ташиш ҳужжати тўғрисида”ги бирхиллаштирилган Қоидалар қабул қилинди. У томонларнинг аралаш ташиш тўғрисидаги шартномасида ушбу Қоидаларни қўллаш ҳақидаги ҳавола мавжуд бўлгандагина, қўлланиши мумкин. 1992 йилда ЮНКТАД ва Халқаро савдо палатаси томонидан “Аралаш ташиш шартномаси тўғрисида”ги Қоидалар қабул қилинган.

## HAZOPAT YCHUN CAVOLLAP

1. Transport konvencionlari ular k p sonli b lishiga karamay mamlatkatlar  rtasida yuqlar va  ulovchilarni tashishni tashkil etish va amalga oshirish jara nida yuzaga keluvchi k pgina masalalar yuzasidan  ul- uriqlarni  z ichiga olmaydi. Bunday hollarda bosha huqukiy manba  uqligi sababli xalqaro qatnov tartibotini belgilash masalalarini tartibga solishda muayyan muammolar kелиb chiqishi mumkin.

*Savol: Ushbu vaziyatda vujudga kelgan munosabatlarni yana qaysi huquq manbalari asosida tartibga solish mumkinli t grisidagi masalani muhoqama qiling.*

2.  zbekiston Respublikasining xalqaro temir  ul transporti sohasida ikki tomonlama xalqaro shartnomalari va k p tomonlama xalqaro transport bitimlarining mazmuni va ularda belgilangan vazifalarni muhoqama qiling. Ushbu hujjatlarning xalqaro huqukiy hujjatlar bilan  zaro nisbatiga huqukiy ba o bering.

3.  zbekiston kompaniyasiga tegishli yukni olib ketaётgan Turkiya kemasi, ochiq dengizda Italiyaga tegishli b lgan kema dvigateli nosoz holatda ekranligini, suvga ch kiш  avfi borligini, shu sababli  rdamga muxtojligini k rib koladi. Yakin atrofdagi portgacha uni olib borib k yish uchun Turkiya kemasi nosoz kemani tortib (buksir), olib boriши lozim edi. Turkiya kemasi nosoz kemani torta olishi uchun olib ketilaётgan yukning bir kismidan voz kechishi kerakligi sababli ortiqcha yuk kema bortidan dengizga tashlab yuborildi.

*Savol: Yuk tashuvchi taraф  zbekistonga etkazilgan zararni (dengizga tashlab yuborilgan yuk  qini)  rnini qoplashi kerakmi? Munosabatga nisbatan q llanilishi lozim b lgan huquqni aniqlang?*

4. Rossiya aviakompaniyasi va  zbekiston Respublikasining tashkiloti  rtasida vertol t uchun ehtiёт kismlarni (korobkalар) va bosma uchun uskunalarini (printерlar) umumiy narxi 900 000 \$ va 66 000 \$ b lgan yukni etkazib berish yuzasidan ikkita shartnoma imzolandi. Yuqlarni etkazib berish yuzasidan ikkita avia yuk hujjati (avianakladnoy) rasmiylashtirildi, lekin yukni bitta reystda etkazib berish kerak edi. Yukni etkazib berish yuzasidan javobgarlikni cheklovchi izo  sifatiда vertol t kismlari uchun

300 000 \$ кўп бўлмаган миқдорда босма учун ускуналар юзасидан эса ҳар бир кг. учун 20 \$ кўп бўлмаган миқдорда жавобгарлик чегараси белгилаб олинди. Омадсиз бўлган кўниш жараёнида юкга зарар етди ва маҳсулотлар сифатсиз ҳолатга келиб қолди.

*Савол: Юк ташиш 1929 йилдаги Варшава Конвенциясининг 1955 йилдаги Гаага протоколи нацири қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлигини эътиборга олиб, юк ташувчининг жавобгарлигини муҳокама қилинг. Агар юк ташиш 1999 йилдаги Халқаро хаво орқали юк ташиш тўғрисидаги Монреал конвенциясига мувофиқ амалга оширилганда суд қарори ўзгарадими?*



## VIII БОБ. ХАЛҚАРО САВДО ВОСИТАЧИЛИГИ

Халқаро олди-сотди воситачилиги, унинг аҳамияти ва асосий шакллари. Халқаро савдо воситачилигининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Халқаро савдо вакилиги. Консигнацияга оид муносабатлар ва уларнинг халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солиниши.

### **Халқаро олди-сотди воситачилиги, унинг аҳамияти ва асосий шакллари**

Савдо фаолиятини амалга ошираётган ҳар қандай шахс (кенг маънода) ўз товарлари (иш, хизматлари)ни сотиш бозорининг кенгайишидан манфаатдордир. Ишлаб чиқарувчилар ўз миллий бозорларини ўзлаштирганларидан кейин маҳсулотларини бошқа давлатларга ҳам ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бу нарса товарлар сотиш ҳажмини янги бозорларда янада кенгайтириш билан бир қаторда, ушбу бозорлардаги юқори баҳолар ҳисобига олинадиган фойданинг ҳажмини ошириш имконини ҳам беради.

Аммо маҳаллий ва халқаро бозорларни яхши биладиган воситачиларсиз товарларни хорижий давлатлар бозорида сотиш кўпинча жуда қийин бўлади. Сотувчи воситачиларни жалб этиш йўли билан ўз хавф-хатарини камайтиради ва айни пайтда бошқа мамлакат бозорини ўзлаштириш билан боғлиқ харажатларни камайтиришига эришади.

Бунда миллий ва халқаро савдо амалиётида воситачилик (иқтисодий атамаси) жуда кенг маънода тушунилади. Масалан, Англияда воситачига нисбатан “агент” атамаси қўлланилади. Агент ўз хатти-ҳаракатлари билан принципалга (сотувчига) битимлар тузиш ҳамда товарларни сотишда кўмаклашади. Шу билан бирга, баъзи ҳуқуқий тизимларда “воситачи” атамаси тор маънода ҳам тушунилади ва мустақил равишда амал қилгани ҳолда битим тузувчи томонларга ўзаро шартнома тузишларида кўмаклашувчи шахсни ҳам билдиради<sup>29</sup>.

Халқаро савдо воситачилигини кенг маънода кўриб чиқишда унинг уч асосий шаклини кузатиш мумкин:

<sup>29</sup> Шунинг назарда тутмоқ керакки, халқаро савдо воситачилиги товарларни сотиш, сотиб олиш ёки бошқа мажбуриятларни бажариш (масалан, кредитга оид шартнома тузилишида молиявий воситачилик қилиш)га қаратилиши мумкин. Аммо муносабатларни тушуниб етишни осонлаштириш мақсадида, ушбу бобда товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш шартномаси бўйича воситачи товарларнинг сотилишига кўмаклашувчи шахс сифатида кўриб чиқилади.

1. Унинг кенг тарқалган шакли савдо ваколатхонаси бўлиб, бунда шахс (савдо воситачиси) муайян ҳақ эвазига ўз фаолиятини ўзига берилган топшириққа мувофиқ тарзда амалга оширади (кейинчалик – савдо ваколатхонаси).

2. Воситачиликнинг иккинчи шакли – дистрибьюторлик (тижорат концессионерлиги) билан боғлиқ воситачилик бўлиб, унга кўра дистрибьютор товарни ўз ҳисобидан сотиб олади ва ишлаб чиқарувчи (экспортчи) билан тузилган давомли шартнома асосида ўз номидан сотади. Дистрибьюторлик фаолияти, энг аввало, иқтисодий маънодаги савдо воситачилиги жумласига киради, чунки расман, дистрибьютор бошқа шахс номидан ҳаракат қилмасдан, таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолда мустақил ҳаракат қилади. Аммо иқтисодий нуқтаи назардан олганда дистрибьютор ишлаб чиқарувчига унинг товарларини доимий асосда истеъмолчига етказиб беришда кўмаклашади ва шундай қилиб ушбу занжирда воситачилик вазифасини бажаради.

3. Воситачиликнинг учинчи шакли бўлган соф воситачилик халқаро савдо муомаласида камроқ тарқалган. Бу фаолиятни маклер (брокер) амалга оширади. Маклер (брокер) мустақил равишда ва топшириқсиз ҳаракат қилгани ҳолда шартномалар тузишга кўмаклашади. Тор маънодаги “воситачилик” тушунчасининг мазмунини айнан маклерлик ташкил этади.

Халқаро савдо воситачилигини тартибга солувчи халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларини кўриб чиқишдан аввал турли давлатлар ҳуқуқ тизимларидаги воситачилик билан боғлиқ муносабатларни тасвирлашга ҳаракат қиламиз. Чунки халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларида турли ҳуқуқий тизимлар учун хос бўлган атамалардан фойдаланилади ва шу боис уларнинг миллий ҳуқуқдаги мазмунини яхши англаб олмай туриб халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушуниб етиш анча қийин бўлади.

Савдо воситачилиги билан боғлиқ масалалар тури давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларида ўзига хос тарзда тартибга солинган бўлиши ва муайян фарқларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига воситачилик тадбиркорлик шаклларида бири сифатида алоҳида моддалар билан тартибга солинган (46-бобнинг 832, 848-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 832-моддасига кўра воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз

номидан бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ўз ҳуқуқларига эга бўлади ва зиммасига мажбуриятни олади.

Бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, комитент воситачига вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, воситачига ҳақ берилиши керак бўлганда эса унга бажарган ишига мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт. Бу қоида вакил топшириқнинг бекор қилинганини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин бажарган топшириққа татбиқ этилмайди.

Энди халқаро савдо воситачилигининг айрим шакллари ва уларнинг турли давлат қонунларида тартибга солинишига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз.

**Савдо ваколатхонаси.** Агентлик шартномаси Англия ва АҚШ ҳуқуқида кенг доирадаги воситачилик муносабатларига нисбатан қўлланилади. Агентлик муносабатлари деганда, бир шахс бошқа шахс ўз номидан қарор қабул қилмайдиган, айти пайтда ўз хизмат бурчи тақозоси билан хизмат қилиши шарт бўлган шахс сифатида ҳаракат қилмайдиган ҳолда у ёки бу ҳаракатни содир этишига жалб этиладиган муносабатлар тушунилади (ингл. independent contractor). Шундай қилиб, Англия ва АҚШ ҳуқуқида “агент” атамаси юридик ёки амалдаги ҳар қандай вакиллик муносабатларига нисбатан қўлланаверади (Бунда агентга ваколат берувчи томон (шахс) “принципал” деб юритилади).

Агентлик муносабатларининг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳар қандай принципал агент билан бевосита муносабатда бўлади. Яъни Англия ва АҚШ ҳуқуқига агентлик муносабатини агент принципал учун бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятлар оладиган ҳамда агент аввал бевосита ўзи учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар оладиган, кейинчалик муайян ҳаракатлар содир этиш йўли билан бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни принципалга ўтказадиган муносабатлар таниш эмас. Бунда агент принципал манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётган шахс сифатида муносабатда иштирок этаётганлигини кўрсатган ёки кўрсатмаганлигининг аҳамияти бўлмайди. Бошқа шахслар билан бўладиган муносабатларда принципал манфаатлари йўлида ҳаракат

қилаётган шахс эканлигини кўрсатмаганлиги агент ва принципал ўртасида агентлик муносабати мавжуд эмаслигидан дарак бермайди, фақат агентнинг ўзи билан муносабатга киришган бошқа шахс олдидаги масъулиятни кучайтиради, холос. Чунки ушбу ҳолда ҳуқуқ агент билан битим тузгани ҳолда унинг агент эканлигидан беҳабар бўлган учинчи шахс манфаатларини химоя қилишга қаратилади.

### Ёдда тутинг!

“Агент” тушунчасининг энг умумий таърифи шундан иборатки, у принципал номидан ҳаракатлар содир қилишга вакил қилинган ёки шундай деб тасаввур қилинадиган, унинг номидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қиладиган шахс ҳисобланади.

Бунда аниқ ифодаланган ваколатлар деганда, агент ва принципал ўртасида ўзаро келишилган ваколатлар; тасаввур қилинадиган ваколатлар деганда эса улар ўртасида махсус келишиб олинмаган бўлса да, савдо муомаласи амалиётига кўра, одатда, принципал агентга берадиган ваколатлар назарда тутилади. Ушбу тахмин қилинадиган ваколатлар агентнинг принципал олдидаги мажбуриятларини лозим даражада бажаришига кўмаклашади.

Англия ва АҚШ ҳуқуқий агентлик шартномаларини турлича таснифлаш имконини беради.

Англо-америка ҳуқуқида, энг аввало, қуйидагилар фарқланади:

- номланган принципаллар (named principal);
- очик принципаллар (disclosed principal);
- яширин принципаллар (undisclosed principal).

Номланган принципал деганда, агент бошқа шахсга маълум қилган принципал тушунилади.

Очик (аниқ) принципал деганда, мавжудлигини агент бошқа шахсга маълум қилган, аммо ким эканлиги номаълум бўлган принципал тушунилади.

Махфий (яширин) принципал эса бошқа шахслар учун номаълум бўлиб қолади. Бошқа шахс агент билан алоқада бўлаётганлигини билмайди ва бу нарса битим тузиб бўлингандагина унга маълум бўлиши мумкин.

Англия ва АҚШ доктриналарида таснифлаш асосларига кўра агентларнинг бир неча тури ажратилади. Таснифлаш асосларидан энг муҳимига кўра, улар бош агент (general agents) ва махсус агент (special agents)ларга бўлинади.

Англия ҳуқуқига кўра, бош агент муайян соҳада ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкин бўлган шахсдир. АҚШ ҳуқуқида эса бош агент бир неча битимни тузиши, унинг натижасида принципалга давомли хизмат кўрсатиши мумкин бўлади. Шу сабабли АҚШ штатларининг қонунларида ўз принципиали фойдасига ҳар қандай битимларни туза оладиган шахсни билдирувчи “универсал агент” (universal agent) тушунчаси ҳам назарда тутилган.

Англия ҳуқуқига кўра, махсус агент қатъий белгилаган ҳаракатларни амалга ошира оладиган шахсдир. АҚШ ҳуқуқида эса махсус агент хизмати натижасида узоқ муддатли (давомли) муносабат юзага келмайди.

Бундан ташқари, Англия ҳуқуқи (хусусан, факторлар тўғрисидаги қонун – Factors Act 1889) савдо агентларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Улар жумласига, ўзининг одатдаги фаолиятлари доирасида товарларни сотиш, сотиш мақсадида товарлар консигнацияси, товарларни сотиб олиш ёки товарларни таъминлаш учун аванслар жалб этиш ишлари билан шуғулланади. Савдо агентлари жумласига факторлар, брокерлар, делькредери агентлари киритилади.

Англия ҳуқуқида ҳам, АҚШ ҳуқуқида ҳам фактор деганда, яширин принципал манфаатлари йўлида ҳаракат қиладиган махсус агент тушунилади. Ушбу агент принципал товарларини ҳақ эвазига сотиш учун жалб этилади ва товарларни принципалнинг ўзи ёки бошқа шахслар агентга беради. “Фактор” атамасидан ташқари, “консигнация агенти” (ингл. consignee agent) ёки комиссион агент (ингл. commission agent), АҚШ ҳуқуқида эса, шунингдек “комиссион савдо агенти” (ингл. commission merchant) тушунчалари ҳам қўлланилади. Англиянинг прецедент ҳуқуқи факторнинг оқилона чегараларда товарларни кредитга сотиши мумкинлигини назарда тутди.

Савдо агентларининг иккинчи тури брокерлар бўлиб, улар савдо вакиллари ҳисобланмаганликлари туфайли, уларнинг ҳуқуқий ҳолати куйида алоҳида кўриб чиқилади.

Делькредере (Del credere) агенти харидор принципал олдидаги товар учун пул тўлаш мажбуриятини бажармаганида, ушбу пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

АҚШда ҳам, континентал Европа ҳуқуқидаги сингари, товарларни кредитга сотиш билан шуғулланувчи фактор принципал учун, ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, делькредере агенти бўлиб ҳисобланади.

Континентал Европа хукуқи вакил ўз номидан ёки бошқа шахс номидан ҳаракат қилаётганига катта аҳамият беради (айниқса, савдо муомаласи соҳасида). Бу нарса, одатда, “бевосита вакиллик” ёки “билвосита вакиллик” тушунчалари билан боғланади.

Бунда бевосита (тўғри) вакиллик деганда, бир шахс (вакил) бошқа шахс (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг манфаатлари йўлида битимлар туза олиши мумкин бўладиган муносабатлар тушунилади. Билвосита (эгри) вакилликда эса шахс (комиссионер) битимларни ўз номидан, аммо бошқа шахс (комитент) фойдасига ҳамда унинг ҳисобидан тузади.

Тижорат вакиллиги (агентлик) шартномасининг юкорида кўрсатилган континентал Европа мамлакатларида тартибга солинишини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу давлатлар қонунчилигида тижорат вакиллиги шартномаси деганда, агентнинг ишонч билдирувчи (вакил қилувчи) товарлари ёки хизматларининг муайян бозорларда ҳаракатланишини таъминлаш мажбуриятини олиши. шу орқали ваколат берувчи билан ушбу бозор истеъмолчилари ўртасида бевосита шартномалар тузиши назарда тутилади. Шу тарзда тижорат вакиллиги (агентлик) шартномасининг топшириқ шартномасидан асосий фарқи шундаки, агентнинг асосий вазифаси шартнома тузиш (ёки вакил қилувчи номидан юридик аҳамиятли ҳаракатлар қилиш)дан иборат бўлмасдан, балки (ушбу шартномани агент ёки вакил қилувчи имзолашидан қатъи назар) шартномалар тузишга кўмаклашишидан иборат бўлади.

Халқаро вакилликнинг иккинчи шакли **дистрибьюторлик** (дилерлик) (ингл. distributorship, dealership), тижорат концессияси бўлиб, фақат иқтисодий маънодагина вакиллик ҳисобланади.

Вакилликнинг мазкур шакли турли давлатлар қонунчилигида ҳар хил номлар билан аталади. ГФРда *Allientriebshandler*, *Alleinvertreter*, *Eigenhandler*, *Generalvertrete*, *Konzessionar*, *Vertriebshandler*, *Vertragshandler* каби атамалардан фойдаланилади ҳамда энг кўп ишлатиладигани ва энг сўнгиси ҳисобланади. Францияда эса уни ифодалаш учун *cessionnaire de vente exclusive*, *cessionare*, *agent general*, *agent exclusif*, Италияда – *vend fore con esclusiva*, *rivenditore autorizzata*, *representante esclusivo*, *cessionario* каби атамалар ишлатилади.

Бундан ташқари, халқаро савдо амалиётида “агент-дистрибьютор”, “агент-дилер” тушунчалари ҳам учраб туради, бир қатор давлатлар қонунчилигида эса дистрибьютор фаолиятининг

баъзи йўналишлари бўйича агентга тенглаштирилади: Иордания ва Яманда бу тушунчадан кайд этиш кўрсатмаси сифатида фойдаланилади; Ливан, Гватемала, Доминикан Республикаси каби давлатларда эса ҳомийлик қилаётган воситачининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда қўлланилади. Германия суд амалиётида дистрибьюторлар (диллерлар) ва концессионерларга нисбатан муайян ҳолларда тижорат вакилининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи қоидалар қўлланилади (масалан, бу нарса мижозларни йўқотиб қўйганлик туфайли етган зарар ўрнини қоплаш масалаларига тааллуқли бўлади).

Ушбу шаклдаги воситачи (дистрибьютор) ўз фаолиятини иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда доимий вакиллик муносабатларига яқин бўлган муносабат сифатида ишлаб чиқарувчи билан доимий алоқаларига асосланган ҳолда амалга оширади (чунки дистрибьюторнинг муайян савдо маркаси билан белгиланган маҳсулотларни сотиш тизимига қўшиб олиниши катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлади).

Одатда, дистрибьютор ишлаб чиқарувчи (экспортчи) билан давомли шартнома тузади ва унга кўра ишлаб чиқарувчи ёки экспортчидан даврий равишда сотиб оладиган муайян ҳажмдаги товарларни муайян белгиланган бозорларда сотиш мажбуриятини олади. Бунда ушбу фаолиятни дистрибьютор ўз номидан ва таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолда, аммо ишлаб чиқарувчининг хўжалик манфаатлари йўлида амалга оширади.

Аслида ишлаб чиқарувчи ва дистрибьютор ўртасидаги шартнома маълум бир доирага солинган шартнома бўлиб, унга кўра ишлаб чиқарувчи (экспортчи) муайян савдо маркасига эга бўлган товарни доимий равишда сотиш ва ушбу дистрибьюторни ўзининг маҳсулотларини сотиш тармоғига қўшиб олиш мажбуриятини олади.

Ўз навбатида, дистрибьютор ҳам товарларни ушбу ишлаб чиқарувчи (экспортчи)дан сотиб олиш ҳамда муайян ҳудудларда сотиш мажбуриятини олади. Қоида тарикасида дистрибьютор зиммасига савдо фаолиятини амалга оширишда хизмат кўрсатишнинг муайян савиясини таъминлаш, сотишдан кейинги сервис хизматини ҳамда рекламасини амалга ошириш мажбуриятлари ҳам юкланади. Айни пайтда дистрибьюторнинг юридик жиҳатдан мустақил бўлиш ишлаб чиқарувчи (экспортчи)нинг унга бўлганмуайян таъсир ўтказишини ва дистрибьюторга ўз фаолиятини амалга ошириш усуллари ҳақида муайян кўрсатмалар беришини истисно этмайди.

Чунки халқаро дистрибьюторлик шартномаси доирасида одатда ишлаб чиқарувчи корхона дистрибьюторга муайян ҳудудда ўзининг савдо марказидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ишлаб чиқарувчи корхона дистрибьюторнинг махсулотлар сотиш тармоғига қўшилиши учун муайян имконият яратиши лозим. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи ўз савдо-сотик стратегияси мақсадларидан келиб чиққан ҳолда муайян ассортиментдаги товарлар билан таъминлаши керак. Шу билан бирга, дистрибьютор ишлаб чиқарувчи (экспортчи)дан олди-сотди шартномаси тузилишини (башарти ишлаб чиқарувчи (экспортчи) қандайдир сабаблар билан мол етказиб беролмай қолса) талаб қилишга ҳақли эмас, аммо товар етказиб берилмаслиги туфайли кўрган зарари қопланишини талаб қила олади.

Одатда, ишлаб чиқарувчи дистрибьюторни керакли ахборот ва реклама материаллари билан таъминлашга мажбур бўлади.

Ишлаб чиқарувчида ҳолис бўлиш, яъни барча дистрибьюторлар учун бир хил шароитни таъминлаш мажбурияти бўлади.

Тижорат вакилидан фаркли ўлароқ, дистрибьютор товарларни сотишда келиб чиқадиган барча харажатларни ўзи кўтаради. Аммо ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жиддий харажатлар қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Дистрибьюторлик шартномасининг муҳим хусусияти шундаки, бу шартнома жуда кўп ҳолларда мутлақ бўлиб, ишлаб чиқарувчи (экспортчи) товарларни мазкур ҳудудда дистрибьютор билан келишмасдан сотиши мумкин бўлмайди. Ўз навбатида, дистрибьютор ҳам ушбу ишлаб чиқарувчи билан рақобатлашаётган шахслар товарларини сотмаслик мажбуриятини олади.

Шундай қилиб, дистрибьютор (диллер)лик куйидаги хусусиятларга эга бўлади:

– дистрибьюторлик мураккаб шартнома бўлиб, унда олди-сотди муносабатлари, билан бир каторда, пудрат (хизмат кўрсатиш) муносабатлари, хусусан, реклама қилиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бошқалар, шунингдек интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни, энг аввало, товар белгиларига бўлган ҳуқуқни топшириш ҳам белгиланган бўлади;

– дистрибьюторлик шартномаси давомли ва муайян доирада амал қилувчи шартнома ҳисобланади ва унинг доирасида аниқ олди-сотди шартномалари тузилади;

– дистрибьютор расман ишлаб чиқарувчи (экспортчи)дан мустақил равишда фаолият юритади;



– дистрибьютор шартномага кўра унга сотиладиган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини кўлга киритади;

– дистрибьютор олинган товарга ҳақ тўланиши учун ишлаб чиқарувчи (экспортчи) олдида тўла жавобгар бўлади ва бунда олинган товар сотилмай қолишининг аҳамияти бўлмайди;

– дистрибьютор ўз ҳаракатлари билан ишлаб чиқарувчи (экспортчи) учун ҳуқуқлар ва мажбуриятлар юзага келтира олмайди;

– дистрибьюторнинг тегишли ҳудуддаги фаолияти мутлақ (экссклюзив) ҳисобланади ва бу ҳудудда бошқа дистрибьюторнинг фаолият юритиши ёки ишлаб чиқарувчининг сотиш билан шуғулланиши мумкин бўлмайди.

Халқаро савдо вакилликнинг учинчи шакли “соф воситачилик” бўлиб, континентал Европа мамлакатларида “маклерлик”, англо-америка ҳуқуқ тизимида эса “брокерлик” тарзидаги ҳуқуқий ҳодиса сифатида (ингл. brokerage) қўлланилади.

Германия савдо қоидалари тўпламида маклер деганда доимий ваколатга эга бўлмагани ҳолда шартнома асосида ҳамда касб сифатида бошқа шахслар манфаати йўлида товарлар ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, суғурта қилиш, ташиш, кемаларни ва бошқа савдо-сотик ашёларини ижарага олиш шартномаларини тузишда воситачи сифатида иштирок этадиган шахс тушунилади.

Италия Фуқаролик кодексига маклер деганда (итальянча – mediatore), икки ёки ундан ортиқ шахсни шартнома тузиш мақсадида бир-бири билан боғлаб қўядиган, аммо уларнинг ҳеч бири билан ҳамкорлик муносабатида бўлмайдиган, ҳеч кимга бўйсунмайдиган ёки ҳеч кимнинг вакили бўлиб ҳисобланмайдиган шахс назарда тутилади.

Шундай қилиб, маклер деганда, фаолиятдан ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмайдиган, аммо савдо муомаласининг иштирокчилари ўртасида шартномалар тузилишига кўмаклашадиган ёки бунга шароит яратадиган шахс тушунилади, яъни маклер юридик аҳамиятга эга бўлмаган, аммо амалий натижалар берадиган ҳаракатларни амалга оширувчи шахсдир. Унинг мақсади юридик аҳамият касб этувчи битимлар тузишга кўмаклашидир.

Маклерларнинг ҳуқуқий ҳолати бўлғуси битим томонлари берган ваколатга боғлиқ бўлмайди.

Маклер билан бўладиган ички муносабатларнинг тартибга солиниши муайян ҳуқуқ тизимида қандай конструкциядан фойдаланишига боғлиқ бўлади. Агар топшириқ бериш институтидан

фойдаланилмаса, у холда воситачи (маклер) келгусида битим тузадиган шахс манфаатлари йўлида ғайрат кўрсатишга мажбур бўлмайди, чунки маклернинг ҳаракати ҳар доим ҳам шартнома тузилишига олиб келавермайди. Агар воситачилик (маклерлик) топширик бериш институти орқали тартибга солинадиган бўлса, маклер шартнома тузиш ниятида бўлган томонлар манфаатига мос равишда ғайрат кўрсатиши лозим бўлади ва ўзининг айбли ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун ўзига ваколат берган шахслар олдида жавоб беради.

Маклернинг фаолияти унга нисбатан оммавий ишонч туғдирмоғи лозим. Айнан ошқора ишончга сазовор бўлиши лозимлиги туфайли, дастлабки даврларда маклерлик фаолияти билан давлат тайинлаган шахсларгина шуғулланишга ҳақли бўлганлар. Ҳозиргача ҳам Францияда маклерликнинг муайян турлари билан (айникса, валюта ва фонд биржаларида) давлат тайинлаган маклерлар шуғулланишлари мумкин. Ҳозирги пайтда маклерлар давлатдан мустақил бўлсалар да, аммо кўп ҳолларда ўз фаолиятларини бошлашлари учун аввал давлатнинг муайян процедурасидан ўтказиладилар.

Англия ва АҚШ ҳукукида ушбу параграфда кўриб чиқиладиган воситачилик тури брокерлик деб юритилади. “Брокер” тушунчаси (ингл. broker), одатда, савдо агентларига нисбатан ишлатилади. Ушбу агентлар бошқа шахслар ўртасида шартнома тузиш учун муайян ҳақ эвазига воситачиликка жалб этиладилар. Яъни брокер, одатда, миждозларни сотиладиган товарлар билан таништириш ва шартнома тузиш учун имконият яратиш орқали ўз принципалига шартнома тузишда кўмаклашади.

Брокер томонларнинг манфаати йўлида ҳаракат қилади ва фаолияти континентал Европа мамлакатлари ҳукуки билан тартибга солинадиган маклердан фаркли равишда, муайян принципал манфаатига хизмат қилувчи агент сифатида қаралади.

Бундан ташқари, брокер расмий бозорларда (масалан, биржаларда) ишлар экан, шартнома тузиш ваколатига эга бўлиши мумкин, аммо бунда энди “соф холдаги” брокер ҳисобланмайди ва “холис” воситачи бўлмай қолади.

Аммо таъкидлаш зарурки, брокерлар ва маклерлар ўз фаолиятларини формал (институционаллаштирилган) бозорларда амалга оширадилар. Шу туфайли воситачиликнинг ушбу шакли халқаро савдо муомаласида унинг бошқа шакллариغا нисбатан камроқ оммалашган.

Шу билан бирга, Европа Иттифоқи комиссияси, Европа Иттифоқи суди сингари тақик ушбу товарларни қайтариб сотадиган шахс сифатида ҳаракат қилувчи вакиллар (агентлар) тузган шартномаларга қўлланилишини кўзда тутди.

### **Халқаро савдо воситачилигининг халқаро-ҳуқуқий асослари.**

Халқаро савдо вакиллигининг фаолияти тартибга солишда халқаро-ҳуқуқий нормалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай ҳуқуқий асосларни, одатда, “халқаро конунчилик” ҳужжатлари деб аташади, булардан ташқари мазкур соҳада халқаро савдо муомаласи қатнашчилари учун тавсиялар ҳам мавжуд бўлиб, улар халқаро ташиқлотлар томонидан ишлаб чиқилган.

Энг аввало, Халқаро савдо палатасининг 1991 йил ноябрь ойидаги 496-сонли намунавий тижорат агентлиги контракти (The ICC Model Commercial Agency Contract), Тижорат агентлик контрактларини тузиш бўйича Халқаро савдо палатасининг тавсиялари (The ICC Guide for the drawig up Commercial Agency of Contracts, Халқаро савдо палатасининг 1983 йилги 410-сонли нашри), шунингдек Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат контрактига шарҳлар (512-сонли нашр) шулар каторида кўрсатиб ўтилмоғи лозим.

Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат Агентлиги контракти халқаро савдо муомаласида қўлланилиши учун тавсия этиладиган тижорат агентлиги контрактининг лойиҳасидан иборатдир. Бунда ушбу намунавий контракт халқаро савдо амалиёти, шунингдек савдо вакиллиги бўйича кўпчилик миллий конунчилик тизимлари тан олган принципларни эътиборга олган ҳолда тайинланган.

Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик контрактларини тузиш бўйича қўлланмаси тижорат агентлик контрактлари тузиш пайтида музокаралар олиб бориш тартиби ва контракт мазмунини ўз ичига олади.

Халқаро савдо палатасининг намунавий контракти, энг аввало, қуйидагиларга мўлжалланган:

- сотиш юзасидан агентлик шартномалари (сотиб олувчи агенти эътиборга олинмаган ҳолда сотувчи томон агенти шартномалари);
- хизмат кўрсатиш юзасидан агентлик шартномалари (яъни товарларни сотиш билан боғлиқ агентлар);

– товарлар консигнацияси бўйича агентлик шартномалари (консигнация омборида товарлари сақланаётган агент ва товарлар тарқатиладиган мамлакатда жойлашган омбор агенти).

Халқаро савдо ҳуқуқида, савдо воситачилигидан ташқари, дистрибьюторликни ҳам халқаро тартибга солувчи бир қатор ҳужжатлар мавжуд.

Масалан, Европа ҳамжамияти конунчилиги дистрибьюторлик шартномаларини Рим шартномаларининг 85-моддаси таъсиридан холи қилувчи ҳужжатларни кўзда тутди. Энг аввало, Европа ҳамжамиятининг 1983/83-сонли Эсклюзив дистрибьюторлик шартномаси тўғрисидаги директиваси ҳамда 123/85-сонли Автомобиллар дистрибьюторлигига оид шартномалар тўғрисидаги директиваси бунга мисол бўлиши мумкин.

Халқаро савдо муносабатларида савдо воситачилигидан кенг фойдаланилиши ушбу масалада халқаро савдо ҳуқуқий ҳужжатларини юзага келтирмай қолмайди ва бу масала, айниқса, савдо воситачилигига тааллуқли бўлади.

Хусусан, Женевадаги дипломатия конференциясида 1983 йил 17 февралда УНИДРУА доирасида тайёрланган Халқаро микёсдаги товарлар олди-сотдисида вакиллик тўғрисидаги конвенция имзоланди.

Ушбу конвенция товарларни халқаро олиш-сотиш ҳақидаги Вена конвенциясига қўшимча равишда қабул қилинган бўлиб, умумий ва континентал ҳуқуқ тизимларининг савдо вакиллиги шартномаси юзасидан қарашларини унификациялаш (бирхиллаштириш)га қаратилган уриниш ҳисобланди.

“Халқаро конунчилик” ҳужжатлари орасида Женева конвенцияси билан бир қаторда, вакиллик ҳақидаги шартномаларга ва “Воситачилик ҳақидаги шартномаларга қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги конвенцияни ҳам (1978 йил 14 март Гаага) кўрсатиб ўтиш лозим. Шу билан бирга, ушбу конвенция халқаро хусусий ҳуқуққа ҳам тааллуқлидир, чунки унинг асосий қоидалари коллизия масалаларига бағишланган, яъни савдо воситачилигига доир шартномаларни тузиш ва бажаришда қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш масалалари ҳал этилган.

Коллизия муаммоларига, шунингдек 1980 йил 19 июнда Римда Европа Иттифоқи доирасида қабул қилинган “Шартномали мажбуриятларга қўлланиладиган қонун ҳақида”ги конвенция ҳам бағишланган. Ушбу конвенция нормалари агентлик муносабатларига ҳам татбиқ этилади.

Кўрсатиб ўтмоқ лозимки, Европа Иттифоқи доирасида қабул қилинган юқоридаги конвенциядан ташқари яна халқаро савдо воситачилиги масалаларига оид минтақавий қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Энг аввало, Европа Иттифоқи кенгашининг 1986 йил 18 декабрдаги 86/653-сонли директивасига эътибор қаратилмоғи лозим. Унда тижорат агентларига тааллуқли масалалар назарда тутилган. Ушбу Директивани қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад тижорат агентларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини миллий қонунларда мустақкамлашдан иборат бўлди.

Директива Европа Иттифоқи аъзоси бўлган давлатларнинг ҳудудида агентлик шартномасини тартибга солувчи қонунларни унификациялашга қаратилди. Унда, энг аввало, принципал номидан битимлар тузиш ва музокаралар олиб бориш ваколатига эга бўлган мустақил агентларнинг манфаатлари эътиборга олинди.

Директивада мустақил тижорат агенти (ингл. self-employed commercial agent) ўзга шахс номидан товарларни харид қилиш ёки сотиш шартларини муҳокама қилиш ёхуд шартнома тузиш ваколатига эга бўлган мустақил воситачи сифатида таърифланади.

Мазкур директивага кўра агентлик шартномаси деганда, агентнинг принципал билан учинчи шахс ўртасида шартнома муносабатлари ўрнатишдан иборат пировард мақсад йўлида юридик ва амалий ҳаракатларни бажаришига қаратилган шартнома тушунилади. Директивага кўра, агент, қоида тариқасида, принципал номидан ҳаракат қилади, аммо у принципал номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда ўз номидан ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Агентлик шартномаларининг муайян турлари (хусусан, мутлак (экссклюзив) ваколатни кўзда тутувчи шартномалар) монополияга қарши чекловларни жорий этувчи Рим шартномасининг 85-моддасига зид келиб қолиши мумкинлиги назарда тутилган ҳолда, Европа Иттифоқи суди ўз қарори билан шундай агентлик шартномаларининг катта қисмини Рим шартномасининг 85-моддаси таъсиридан чиқариб олди.

Бундан ташқари, Европа ҳамжамиятининг комиссияси 1962 йил 24 декабрдаги хабарномаси билан мутлак вакиллик шартномаларига (мутлак агентлик шартномаси) чекловчи амалиётни тақиқлаш ҳақидаги қоидалар қўлланилмаслигини белгилади. Ушбу хабарномага

мувофиқ Рим шартномасининг 85-моддаси тижорат вакили (агенти) Европа ҳамжамиятининг катта қисмида мажбуриятга эга бўлган ҳолларда агар у:

- корхона номидан битимлар бўйича музокаралар олиб борса;
- битимларни корхоналар номидан ва ҳисобидан тузса;
- битимни ўз номидан, аммо корхона ҳисобидан тузадиган

бўлса, татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, мазкур хабарномада юқорида кўрсатилган қоидадан истиснолар ҳам назарда тутилган ва уларга кўра агар агент (вакил):

- шартнома предмети бўлган йирик товарлар омборининг мулкдори сифатида қатнашадиган бўлса;
- миждозларга ўз ҳисобидан бепул техникавий хизмат кўрсатилишини ташкил этиши ёки таъминлаши лозим бўлса;
- битим баҳоси ёки шарҳларини аниқлаши мумкин бўлса, юқоридаги қоидалар қўлланилмайди.

Бундан ташқари, халқаро дистрибьюторлик Халқаро савдо палатасининг ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Булар: Дистрибьюторлик бўйича намунавий контракт (ХСПнинг 518-сонли нашри) ва Халқаро савдо палатасининг дистрибьюторлик бўйича халқаро контрактлар тузиш юзасидан қўлланмаси (ХСПнинг 441-сонли нашри) кабилардан иборатдир.

Халқаро савдо ҳуқуқининг халқаро савдо вакиллиги муносабатларини тартибга солувчи манбалари сифатида ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ассоциацияси, йирик савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган шаклларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шуни эътиборга олиш лозимки, халқаро воситачилик шартномаларига, “халқаро қонунчилик” ҳужжатлари билан бир қаторда, миллий қонунчилик нормалари ҳам қўлланилади. Бунда кўпчилик давлатлар қонунчилигида савдо воситачилиги шартномаси тузилиши пайтида қўлланилиши лозим бўлган императив нормалар белгилаб қўйилган.

Масалан, савдо воситачилиги шартномасининг тузилиши кўп ҳолларда сотувчининг воситачи давлат ҳудудида ҳужалик фаолиятини амалга ошириши деб қаралади, шу туфайли бундай шартномалар давлат органларида рўйхатга олинади ва даромадлардан солиқ ундирилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, давлатнинг монополияга қарши бўлган қонунларининг савдо воситачилиги шартномаси бўйича томонларнинг шартнома шартларини белгилаш ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

## Халқаро савдо вакиллиги

Турли давлатлар миллий қонунчилиги нормаларини ҳамда халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида тижорат воситачилиги, комиссия ва агентлик шартномалари ўз моҳиятларига кўра халқаро воситачиликнинг бир турини – халқаро савдо вакиллигини ташкил этади.

### Эътибор беринг!

“ишонч билдирувчи” атамаси (франц. *commetant ou mandant*, нем. *unternehmer*, италянча – *preponente ёки mandante*) инглизчадаги “принципал” (*principal*) атамасига, “вакил” атамаси эса (франц. *representant*, италянча – *rappresentante*, нем. *Handelsvertreter ёки Vertreter*) инглизча “агент” атамасига мувофиқ келади.

Шундай қилиб, халқаро савдо вакиллигига оид шартномаларга қуйидаги умумий жиҳатлар оидлиги ҳақида сўз юритиш мумкин:

– савдо вакили (агент) ўзига ишонч билдирувчи шахс (принципал) берган топшириқ доирасида фаолият юритади;

– савдо вакили (агент) сотиладиган товарга нисбатан мулк ҳуқуқини олмайди;

– савдо вакили (агент) товарнинг йўқолиши ёки охириги харидор унинг пулини тўламаслиги билан боғлиқ хатар учун жавоб бермайди (делькредере – вакил бундан мустасно);

– савдо вакили (агент) ўз фаолиятини маълум бир ҳақ эвазига амалга оширади;

– савдо вакили (агенти)нинг хатти-ҳаракатлари туфайли ишонч билдирувчи (принципал, комитент) учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келиши мумкин;

– савдо вакили (агент) ўз ишлари ҳақида ишонч билдирувчи комитент (принципал) олдида ҳисоб беришга мажбур бўлади.

Уларнинг умумий хусусиятларини батафсил кўриб чиқамиз.

Савдо вакилига бериладиган топшириқ халқаро савдо вакиллиги шартномасининг асосини ташкил этади, чунки унда савдо вакили амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар ҳажми очиб берилади.

Айнан шу сабабли “Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик контрактлари тузиш юзасидан қўлланмаси”да савдо вакилига бериладиган топшириққа катта аҳамият берилган.

Савдо вакилига мутлақо турли шартларда топшириқ берилиши мумкин, яъни у тор ёки кенг ваколатга эга бўлгани ҳолда ҳаракат

килиши мумкин. Шунга кўра, савдо вакили учинчи шахслар билан тузиладиган битим шартларини ўзи белгилаши ёки учинчи шахслар билан тузиладиган битимнинг ҳар бир шартини принципал билан олдиндан келишиб олган ҳолда, тор доирада ҳаракат қилиши мумкин.

Шу билан бирга, Халқаро савдо палатаси (ХСП) агент (вакил)га бериладиган топширикни муфассал тартибга солишни тавсия этади. Хусусан, шартномада принципал вакилга бераётган топшириқлар ҳажми аниқ ҳамда тушунарли тарзда кўрсатилиши, агент принципал олдиндан маъқулламаган шартномани тузишга ҳақли эмаслиги кўрсатилиши лозим. Халқаро савдо палатаси, шунингдек савдо вакили фақат принципалнинг олдиндан берган розилиги билангина савдо, кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиши мумкинлиги шартномада қайд этиб қўйилишини назарда тутати. Халқаро савдо палатаси ҳатто шартномада агент (вакил) шартнома тузишга ҳақли бўлган ва ҳақли бўлмаган мижозлар тоифаларини ҳам белгилаб қўйишни тавсия этади.

Савдо вакили тузадиган шартноманинг предмети қонуний топшириқлардан иборат бўлиши мумкин, чунки савдо вакилига нисбатан қўлланиладиган миллий қонунчиликка ҳилоф бўлган битимни тузиш топширилиши мумкин эмас. Шунингдек, “халқаро қонунчилик” талабларига зид битимлар тузиш топширигини беришга ҳам йўл қўйилмайди. Савдо вакили топшириқни бажариши учун олдиндан муайян давлат органининг рухсатини олиш талаб этилса, одатда, бундай рухсатни савдо вакилининг ўзи олади. Халқаро савдо палатаси ўз қўлланмасида англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида шартномада шундай рухсатнома олиш мажбурияти кимнинг зиммасида эканлигини кўрсатиб қўйишни тавсия қилади.

Халқаро савдо палатаси шартномада савдо вакили (агент) ўз принципали, мол-мулки, ҳуқуқ ва манфаатларини кўриқлашга мажбур эканлигини кўрсатиб қўйиш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Бундан ташқари, шартномада мутлақ ҳуқуқларни, шу жумладан саноат мулкига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, инсофсиз рақобатдан ҳимояланиш масалалари кўзда тутилмоғи лозим. Шунингдек, вакил принципал ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилиши ҳақида хабар бериши шарт эканлиги кўрсатилиши керак.

Принципал тузилган шартнома доирасида савдо вакилига тижорат сири ҳисобланувчи ахборотни ишониб топшириши туфайли, Халқаро савдо палатаси шартномада вакил бундай маълумотларни



ошкор қилмаслиги, улардан шартнома амал қилишдан тўхтагач ҳам фойдаланишга ҳақли эмаслиги махсус белгилаб қўйилишини тавсия қилади.

Шунингдек, кўрсатиб ўтиш лозимки, савдо вакиллиги шартномасида савдо вакили фаолияти доирасига товарларнинг бозорда ҳаракатланишини таъминловчи қайси юридик ёки амалий ҳаракатлар, хусусан, маркетинг фаолияти, эҳтимол тутилган ҳамкорлар билан иш ёзишмалари олиб бориш, харидорларнинг шикоятлари ҳақида принципални хабардор қилиб бориш кабилар вакил фаолиятининг доирасига кириши кўрсатиб қўйилмоғи даркор.

Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида агент келишилган минимал ҳажмдаги товарларни сотиш (ўтказиш) лозимлиги ҳам назарда тутилган.

Савдо вакили ўз ҳаракатлари билан принципал номидан битимлар туза олиши учун унинг ваколатлари лозим даражада расмийлаштирилган бўлиши талаб этилади. Бундай ваколатлар, масалан, ГФР ва Швейцария қонунчилигига кўра ишончнома (ваколатнома) бериш йўли билан, Францияда агентлик шартномасига тегишли ёзув киритиш орқали, Италия Фуқаролик кодексига кўра эса, махсус шаклдаги ишончнома (ваколатнома) (*agente con rappresentanza*) бериш орқали расмийлаштирилади.

Кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилиги ҳамда халқаро савдо амалиётининг кўрсатишича, савдо вакили принципал топшириқларини бажариш чоғида, ҳатто аниқ-равшан кўрсатмалар бўлмаса-да, мавжуд савдо урф-одатлари доирасида ҳамда принципал учун энг фойдали тарзда ҳаракат қилишга мажбур ҳисобланади. Бунда савдо вакили, хусусан, комисионер учинчи шахслар билан шартномада белгиланганидан фойдалирок тарзда принципал учун битимлар тузган тақдирда, миллий қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда, олинган қў-шимча фойдани бутунлай принципалга топширади (ГФРда) ёки у билан тенг бўлишиб олади (масалан, Россияда). Аммо халқаро воситачилик шартномасида олинган фойдани тақсимлашнинг ҳар қандай бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.

Халқаро савдо муомаласида принципал аниқ-равшан топшириқ берган ҳолларда ҳам, агар вакил аввалдан принципалнинг розилигини олиш имконига эга бўлмаса ёки принципал вакилнинг бу ҳақидаги сўровига жавоб бермаган бўлса, вакилга принципал манфаатлари йўлида унинг топшириқларидан четга чиқиш ҳуқуқи берилади. Савдо вакили топшириқ доирасидан четга чиққанида, у дарҳол бу ҳақда

принципални хабардор қилиши лозим бўлади. Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш тўғрисидаги 1983 йилги Женева конвенциясида ҳам шу назарда тутилган. Унга кўра, принципал агентнинг ўз ваколатларидан четга чиқиб ёки ваколат олмаган ҳолда содир этган ҳаракатларини маъқуллаши мумкин.

Агентнинг ваколат доирасидан четга чиқиб ёки ваколат олмасдан қилган ҳаракатларини принципал маъқулламаган тақдирда бу ҳаракатлардан принципал учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бунинг устига етарли асосларсиз принципал кўрсатмаларидан четга чиқиш вакилнинг жавобгарлигига, хусусан, принципал кўрган зарар (учинчи шахс зарарининг ҳам) ўрнининг қопланишига сабаб бўлади. Масалан, савдо вакили товарни шартномада кўрсатилганидан паст нархда сотадиган бўлса ва товарни юқорироқ баҳоларда сотиш имкони бўлмаганлигини, унинг сотилмасдан қолиши, ундан ҳам каттароқ зарар юз беришига олиб келиши мумкинлигини исботлаб беролмаса, нархлар (шартномадаги нарх билан амалда сотилган нарх) ўртасидаги фарқни қоплаб беришга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикасида савдо вакилликка оид муносабатлар топшириқ шартномасини тартибга солувчи нормалар билан тартибга солинадиган ва ушбу нормалар савдо вакили (топшириққа кўра иш юритувчи агент) билан топшириқ берувчи – принципал ўртасидаги муносабатларга татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-боби (817–825-моддалари) ана шу масалаларга тааллуқли бўлиб, 817-моддада топшириқ шартномасига қуйидагича таъриф берилади: “Топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади”.

Савдо вакили принципал ҳисобидан ва унинг фойдасига ҳаракат қилиши туфайли, учинчи шахслар билан тузиладиган битимлардан олинадиган барча иқтисодий фойдани айнан принципал олади. Шу билан бирга, бундай натижани унинг ўзи битим тарафи сифатида қатнашиши орқали ёки билвосита, яъни савдо вакили тузган битимлардан олиши мумкин.

Женева конвенциясига кўра, агентнинг ўз ваколатлари доирасида қилган ҳаракатлари натижасида башарти учинчи шахс

унинг агент сифатида ҳаракат қилаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, принципал ва учинчи шахс ўзаро боғланидилар. Аммо учинчи шахс агентнинг агент сифатида ҳаракат қилганлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган бўлса, агент тузган шартнома фақат томонларнигина бир-бирига боғлайди, холос.

Умумий ҳуқуқ принципларига мувофиқ у билан битим тузаётган томон яширин агентлик шартномасига кўра агент сифатида иш олиб бораётганлигини билиб қолса, у ҳолда бу ҳаракат учун агентни ёки принципални жавобгарликка тортиш юзасидан муқобил ҳуқуққа эга бўлади. Бундан ташқари, агент ва учинчи шахс ўртасидаги муносабатларга принципалнинг ўзи аралashiши ва учинчи шахс билан бевосита алоқа ўрнатиши мумкин.

Континентал Европа ҳуқуқий доктринаси (англо-америка ҳуқуқидан фаркли равишда) комиссия шартномасига кўра, гарчи битимда комитент кўрсатиб қўйилган ва ҳатто учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришилган тақдирда ҳам (масалан, товарни топшириши орқали) шартнома тарафи комиссионер ҳисобланади, комитент эса комиссионер ўзининг битимдан келиб чиқадиган ҳуқуқларини комитентга ўтказгандагина, битим иштирокчиси бўлиши мумкин (масалан, учинчи шахс комиссионер билан тузган шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилмаган ёки шартнома муддатидан олдин бекор бўлган ҳолларда).

### **Эътибор беринг!**

Халқаро савдо вакилиги шартномаларини бажариш жараёнида савдо вакили муайян ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин, чунки у учинчи шахслар билан бўладиган муносабатларда ўз номидан ҳаракат қилади ҳамда учинчи шахслар учун ўз мулкларини сотаётган ёки ўзи учун мулк сотиб олаётган шахс ҳисобланади.

Шу билан бирга, амалда барча давлатларнинг миллий қонунларида ҳамда халқаро савдо амалиётида савдо вакилида принципал сотиш учун вакилга топширган ёки вакил принципалга топшириш учун сотиб олган ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келмаслиги назарда тутилган.

Кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилиги ва халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларида савдо вакилининг ижрони бошқа шахсга ишониб топшириб қўйиши мумкинлиги, яъни ўзига ўринбосар

топши (субагент, субкомиссионер) мумкинлиги белгиланган. Бунга савдо вакилига принципал махсус ваколат берган ҳолларда ёки бир қатор миллий қонунларга ва халқаро савдо амалиётига кўра халқаро савдо вакилликнинг айрим турларида муайян шарт-шароитлар туфайли бунга мажбур бўлинса ҳам йўл қўйилади.

Савдо вакили ўз хохишига кўра ўринбосарни тайинлайдиган бўлса, унинг барча ҳаракатлари учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида агар агент субагентнинг шартномасини тузадиган бўлса, ўз субагенти ҳаракатлари учун ҳам жавоб бериши лозимлиги айтилади.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 822-моддасида қуйидагилар кўрсатилган:

“Агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ёки вакил топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса, вакил топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга (ўринбосарга) топширишга ҳақли.

Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топширган вакил бу ҳақида дарҳол топшириқ берувчини хабардор қилиши шарт.

Топшириқ берувчи вакил танлаган ўринбосарни рад этишга ҳақли, шунингдек ўринбосарнинг номи топшириқ шартномасида келтирилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вакил ўринбосарининг номи шартномада кўрсатилган бўлса, вакил ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши учун жавобгар бўлмайди.

Агар ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ю, лекин ўринбосарнинг номи унда кўрсатилган бўлмаса, вакил ўринбосарнинг айбли ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

Агар вакилнинг ўринбосари томонидан иш юритилиши топшириқ шартномасида назарда тутилмаган бўлса, вакил ўз ўринбосарининг ҳар қандай ҳаракатлари учун жавобгар бўлади”.

Савдо вакилининг принципал олдидаги жавобгарлиги тўғрисида сўз кетганда, савдо вакилининг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини учинчи шахслар ҳаракати учун жавобгарликдан фаркламоқ лозим.

Бунда миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро савдо муомаласи амалиётида жавобгарликнинг умумий қоидаларига мувофиқ савдо вакили ўз айбли ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун принципал олдида жавобгар бўлиши назарда тутилган. Бундай зарар,

масалан, учинчи шахслар билан битим тузиш пайтида савдо вакили ўз ваколатлари доирасидан четга чиққанида ёки зарур даражада ғайрат кўрсатмаганида юзага келиши мумкин.

Шу билан бирга, савдо вакили принципал товарларининг тасодифан нобуд бўлганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлмайди. Бундай йўқотиш ёки зарар етказиш савдо вакилининг айбли ҳаракатлари туфайли юз берган ҳоллар бундан мустасно.

Аммо халқаро савдо вакиллиги шартномасида савдо вакили ўз қўлида бўлган принципал товарларини суғурталашни лозимлиги белгилангани ҳолда савдо вакили бундай суғурта шартномасини тузмаган бўлса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун принципал олдида тўлиқ жавобгар бўлади.

Агар халқаро савдо вакиллиги шартномада савдо вакили принципал олдида учинчи шахслар ҳаракати учун кафиликни ўз зиммасига олса (делькредерелар – *del credere*), у ҳолда савдо вакили принципал олдида учинчи шахс билан бир қаторда (солидар) жавобгар бўлади.

Умумий қоидага кўра, савдо вакили принципал манфаати йўлида битим тузадиган учинчи шахслар ҳаракати учун принципал олдида жавобгар бўлмайди. Шу билан бирга, савдо вакили учинчи шахслар билан битим тузиш пайтида тегишли эҳтиёт чорасини кўриши, яъни тўлов қобилияти шубҳа туғдирадиган шахслар билан битим тузмаслиги лозим.

Принципал учинчи шахслар билан бевосита алоқага киришмаганлиги туфайли уларнинг тўлов қобилиятини текшириб кўриш имконига эга бўлмайди. Шу боис халқаро савдо палатаси ўз тавсияларида агентлик шартномаларига бу борадаги жавобгарликка доир шартларни киритиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Агар учинчи шахс савдо вакили олдидаги ўз мажбуриятларини бажармайдиган бўлса, у ҳолда амалдаги барча ҳуқуқий тизимларда принципалга (агар у битим тарафи ҳисобланмаса) битимга мустақил равишда қўшилиш ва ўз манфаатларини савдо вакили принципал учун тузган битим шартларига кўра ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган. Жумладан, Женева конвенциясида агар агент принципал олдидаги мажбуриятларини учинчи шахс ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли адо этолмаган бўлса, у ҳолда принципал агент ўрнида битимга қўшилиши, учинчи шахс билан муносабатга киришиши, учинчи шахсга нисбатан тараф сифатида барча ҳимояланиш воситаларини қўллаши, мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишини талаб қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Худди шунингдек, Женева конвенциясида агар агент учинчи шахсга нисбатан ўз мажбуриятларини бажармаётган ёки бажара олмайдиган бўлса, учинчи шахс принципалга мурожаат қилиши мумкинлигини назарда тутилади. Бунда учинчи шахснинг ёки принципалнинг номи тегишлича учинчи шахсга ёки принципалга номаълум бўлса, у ҳолда агент учинчи шахсга принципал номини, принципалга эса учинчи шахс номини маълум қилишга мажбур бўлади.

Вакилнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 820-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга биноан вакил қуйидагиларни бажариши шарт:

– ўзига берилган топширикни ушбу Кодекснинг 822-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари шахсан ўзи бажариши;

– топширик берувчининг талабига мувофиқ унга топширик қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши;

– топширикни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топширик берувчига топшириши;

– топширик бажариб бўлинганидан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топширик берувчига қайтариб бериши ва, агар шартнома шартларига ёки топширикнинг хусусиятига кўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши.

Халқаро савдода кўпинча принципал халқаро савдо вакиллиги шартномасини тузиш чоғида савдо вакилига муайян ҳудудга ёки миқдорларнинг муайян доирасига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни беради. Бундай мутлақ ҳуқуқ принципалнинг муайян ҳудудда бошқа шахслар билан бундай шартномалар тузмаслик мажбуриятини олишида ёки ушбу ҳудудда тузилган ҳар қандай битимлар юзасидан, шу жумладан принципалнинг ўзи тузган битимлардан ҳам маълум миқдорда ҳақ олинишида кўзга ташланиши мумкин.

Шу муносабат билан, масалан, Англия ҳуқуқида монопол агент (Sole agent) ва мутлақ агент (exclusive agent) ўзаро фарқланади. Агар монопол агент билан шартнома тузилса, принципал бошқа агентлар ва дистрибьюторлар билан шартнома тузмаслик мажбуриятини олади, аммо товарларни ўзи сотиши мумкин бўлади. Агар мутлақ агент билан шартнома тузилган бўлса, принципал ўз зиммасига агент ҳудудида унинг иштирокисиз товарларни сотмаслик мажбуриятини олади.

Шу муносабат билан Халқаро савдо палатаси қўлланмасида кўрсатилишича, шартномада агент фаолият юритадиган ҳуқуқ аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим. Бунда Халқаро савдо палатаси томонлар ушбу масалани тартибга солиш пайтида миллий қонунчиликнинг монополияга қарши қоидаларини эътибордан қочирмасликлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Бундан ташқари, Халқаро савдо палатаси принципал муайян ҳудудда савдо вакили (агент)га монополь ёки мутлақ ҳуқуқлар бериш билан бирга ушбу ҳудудда ўзи ҳам мустақил равишда савдо билан шуғулланиши мумкинлигини назарда тутди. Ушбу ҳолда шартномада бундай битимлар ҳажмидан савдо вакилига комиссия ҳақ тўлаш назарда тутилиши ёки тугилмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, халқаро савдо вакиллиги шартномасини тузиш пайтида унда савдо вакили тегишли ҳудудда принципал билан рақобатлашмаслиги, яъни принципалнинг рақобатчилари ўз маҳсулотларини тақдим этмаслиги, жойлаштирмаслиги (бошқа шахслар билан воситачилик алоқаларига киришмаслиги), ишлаб чиқармаслиги лозимлиги назарда тутилмоғи керак.

Топшириқ бажариб бўлингач, савдо вакили битим бўйича олинган барча нарсаларни принципалга топшириши лозим.

Савдо вакилига принципал товарларини сотиш ва ушбу товар учун пул олиш вазифаси топширилган бўлса, унда савдо вакили бундай тўловни олгач, томонлар келишиб, шартномада белгиланган муддатларда тегишли суммани принципалга ўтказиши лозим бўлади. Халқаро савдо вакиллиги шартномасига кўра, савдо вакили принципал учун қандайдир товарни сотиб олиши керак бўлса, агент учинчи шахс билан тузилган шартномада принципални юк олувчи сифатида кўрсатиб қўйиши ёки товарни олгач, уни мустақил равишда принципалга топшириши лозим бўлади.

Халқаро савдо вакиллиги шартномаси муддатидан аввал бекор бўлган тақдирда, савдо вакили учинчи шахслар билан тузилган битимлар бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг принципалга ўтказилишини таъминлаши лозим.

Савдо вакили ижро предметлари билан бир қаторда ҳали муддати ўтмаган ишончномани ҳам қайтариб топшириши керак бўлади.

Шуни инобатга олиш керакки, савдо вакили ўз ҳаракатларини одатда доимо принципал ҳисобидан амалга оширади ва шу сабабли топшириқ бажариб бўлингач, принципал савдо вакили қилган барча

харажатларни қоплаб бериши ҳамда шартномада назарда тутилган ҳақни тўлаши лозим. Бунда кўпчилик миллий ҳуқуқ тизимлари ва халқаро савдо амалиётига мувофиқ, савдо вакили ўзининг принципалга бўлган талабларини қондириш мақсадида ўз қўлида бўлган, аммо принципалга тегишли предметлар (шу жумладан, пул маблағлари) ни ушлаб қолиши мумкин.

Ўз навбатида, топшириқ бажариб бўлингач, принципал лозим даражадаги ижрони қабул қилиб олиши лозим. Ижрони қабул қилиш рад этилган тақдирда эса савдо вакили ашёларни сақлаб туриш учун ўзида олиб қолади. Принципал учун бундай ҳолда ижрони кечиктирганлик билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар юзага келади.

Топшириқ бажариб бўлингач ёки топшириқни ижро қилиш муддати давомида шартномада назарда тутилган ҳолларда савдо вакили ўз фаолияти тўғрисида принципалга ҳисобот тақдим этиши лозим бўлади.

Савдо вакилининг ҳисоботида одатда қуйидагилар кўрсатилади:

- топшириқни бажариш босқичлари ва тартиби;
- топшириқнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо вакили топшириқни бажариш жараёнида қилган харажатлар ва бу харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Бунда халқаро савдо амалиётининг далолат беришича, савдо вакилининг ҳисоботида нафақат бажарилган ҳаракатлар ва эришилган натижалар, балки бозор конъюнктураси, миқдорлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар ҳам киритилиши лозим. Кўп ҳолларда савдо вакили ҳисоботида бошқа манбалардан олинган маълумотлар ҳам қўшилади ва ушбу маълумотлар принципалга савдо агенти маълум қилган ахборотнинг объективлигини текшириб кўриш имконини беради.

“Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида халқаро савдо вакиллиги тўғрисида”ги шартномада қилинган тегишли харажатларни принципал қоплаб бериши аниқ кўрсатиб қўйилиши лозимлиги айтилади. Бундай харажатлар қаторига суғурта, сақлаш, ташиш, экспедиторлик хизмати кўрсатиш, ўраш ва қутиларга жойлаш харажатлари, суд жараёнлари билан боғлиқ харажатлар киритилиши мумкин.

Айни пайтда харажатлар ҳақида шартномада ҳеч нарса айтилмаган бўлса, савдо вакили эса бу харажатларни қилмаслик мумкин эмаслигини исботлаб бера олмаса, принципал бундай харажатларни қоплашдан бош тортиши мумкин.



Савдо вакилига тўланидиган ҳақ масаласида, халқаро савдо муомаласи амалиётида ушбу ҳақни ҳисоблашнинг қуйидаги шакллари ишлаб чиқилган:

– ўтказилган (сотиб олинган) товар суммасига нисбатан фоизларда;

– принципал белгилаган нарх билан савдо агенти сотган нарх ўртасидаги фарқ тарзида;

– катъий суммаларда;

– аралаш шаклда.

Агар савдо вакилига муайян ҳудудда мутлақ ҳуқуқ берилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳудудда учинчи шахслар билан тузилган барча битимлардан, ҳатто унинг ўзи қатнашмаган бўлса ҳам, унга муайян ҳақ тўланади. Баъзан бундай имконият савдо вакиллиги шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам сақланиб қолади.

Агар савдо вакили битимни учинчи шахс бажаришига кафил бўлган бўлса (делькредере), у ҳолда бунинг учун принципал унга қўшимча ҳақ тўлайди.

Қоидага кўра, савдо вакили битим ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли бажарилмай қолган ҳолларда ҳам минимал даражада ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида шартнома бекор бўлганида мижозлардан ажралиб қолганлик учун товон ҳамда тегишли ҳақлар тўланиши ҳақидаги шартларни шартномага киритиш тавсия этилади.

Одатда халқаро савдо вакиллиги шартномасига кўра, мажбуриятлар бажарилиши билан бекор бўлади, аммо улар муддатидан олдин ҳам бекор бўлиши мумкин.

Бунда халқаро савдо палатасининг намунавий контрактда халқаро савдо вакиллиги шартномаси муайян муддатга тузилган бўлса, у томонлардан бирининг хоҳишига кўра бекор қилиниши мумкин бўлмайди. Агар у муддатсиз бўлса, бундай ҳолда томонлардан ҳар қайсисининг хоҳишига кўра, иккинчи томонни хабардор қилиш йўли билан бекор қилиниши мумкин бўлади. Халқаро савдо палатаси шартномага уни муддатидан аввал бекор қилиш тартибини, бунда зарарларнинг қопланиши, ҳужжатлар ва намуналарнинг қайтарилиши каби масалалар киритишни тавсия қилади.

Агар халқаро савдо вакиллиги шартномаси принципал ташаббуси билан муддатидан аввал бекор қилинадиган бўлса,

принципал топширикни бажариш билан боғлиқ барча харажатларни савдо вакилига қоплаб бериши ҳамда топширик бажарилишига мутаносиб равишда ҳақ тўлаши лозим бўлади. Одатда бу қондалар топширик бекор бўлганлиги савдо вакилига маълум бўлган ёки у билиши лозим бўлган пайтдан кейин қилинган ижро харажатларига нисбатан қўлланилмайди.

Агар шартнома савдо вакилининг ташаббусига кўра муддатидан аввал бекор қилинаётган бўлса, у ҳолда савдо вакили одатда харажатларнинг қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Принципалнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли юз берган ҳоллар бундан мустасно.

Савдо вакиллик шартномасининг бекор бўлиши учинчи шахс учун ҳеч бир оқибат келтирмаслиги лозим. Бунинг учун учинчи шахс агентлик шартномаси бекор бўлганлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 823 – 824-моддаларида топширик шартномасининг бекор бўлиш асослари ва бекор бўлишининг ҳуқуқий оқибатлари белгиланган. Хусусан 823-моддада айтилишича, “топширик шартномаси: топширик берувчи топширикни бекор қилиши; вакил топшириқдан бош тортиши; топширик берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши натижасида тўхтатилади.

Топширик берувчи истаган вақтда топширикни бекор қилишга, вакил эса топшириқдан бош тортишга ҳақли. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар вакил топширик шартномасининг бекор қилингани ҳақида билмаган ва билиши лозим бўлмаган бўлса, унинг топширик берувчининг кўрсатмасига мувофиқ қонуний равишда қилган ҳаракатлари топширик берувчи (унинг қонуний вориси) зиммасига учинчи шахслар ва вакилга нисбатан мажбурият юклайди.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топширик шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топширик берувчи ўз топширигини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли”.

824-моддага биноан, “агар топшириқ шартномаси топширик вакил томонидан тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, топширик берувчи вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, вакилга ҳақ берилиши керак бўлганида эса унга бажарилган ишга мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт”.

### **Консигнацияга оид муносабатлар ва уларнинг халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солиниши**

Халқаро консигнация шартномаси халқаро савдо вакиллигининг турларидан бири бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро савдо вакиллиги шартномасидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Халқаро консигнациянинг тафсилотлари Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат агентлик контрактда (The ICC Model Commercial Agency Contract, Халқаро савдо палатасининг 1991 йил ноябрдаги 496-нашри) ва Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик контрактлари тузиш юзасидан қўлланмаси (The ICC Guide for the Drawing up Commercial Agency of Contracts, Халқаро савдо палатасининг 1983 йилги 410-нашри)да баён этилган.

#### **Эътибор беринг!**

Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат контрактга кўра, товарлар консигнацияси (consignment) деганда, принципалнинг агентни у доимий яшайдиган мамлакатдаги товарлар сақланаётган омбор консигнатори қилиб тайинлаш борасидаги ҳаракатлари тушунилади.

Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик шартномаларини тузиш юзасидан қўлланмаси (9-банднинг “Г” бандчаси)да айтилишича, “Консигнация” атамаси товар консигнантга (принципалга) тегишли эканлигини англатади.

Шундай қилиб, Халқаро савдо палатасининг ушбу ҳужжатлари халқаро консигнация шартномасининг қуйидаги хусусиятларига эътиборни қаратади:

1) консигнация шартномаси савдо вакиллиги шартномасининг тури (яъни агентлик шартномаси, комиссия шартномаси, тижорат вакиллиги шартномаси ҳам) саналади. Шу туфайли:

консигнатор консигнант топшириғи асосида фаолият юритади; ушбу топшириқ доирасида консигнатор консигнантнинг товарларини учинчи шахсларга сотиш билан шуғулланади;

консигнатор учинчи шахслар билан ўз номидан ёки консигнант номидан битим тузади;

товарларга нисбатан мулк ҳуқуқи консигнаторга ўтмайди;

консигнант консигнация шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ харажатларни ва тегишли ҳақни консигнаторга тўлайди;

2) консигнация шартномаси консигнаторда тегишли “омбор” бўлишини такозо қилади ва шу сабабли у омонат сақлаш шартномаси хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради. Бунда омбор деганда, консигнаторга мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа асосга кўра тегишли бўлган ва тегишли товарларни сақлаш учун яроқли бўлган ҳар қандай бино (хона ва ҳоказолар) тушунилмоғи лозим;

3) консигнация омбори консигнант давлатидан бошқа давлат ҳудудида жойлашган бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бир қаторда “консигнация” таърифини назарда тутувчи халқаро савдо ҳуқуқининг бошқа манбалари ҳам мавжуд.

Хусусан, Европа Иттифоқи комиссиясининг 1962 йил 24 декабрдаги хабарида “консигнация” тушунчасига куйидагича таъриф берилган: “Мустақил тижоратчининг мавжудлиги фараз қилинади (бу эса аслида шартноманинг 85-моддасига мос келади). Тижорат вакили деб баҳоланадиган контракт томони контракт предмети ҳисобланувчи йирик омбор эгаси бўлиши ёки миждозларга бепул хизмат кўрсатилишини ташкил қилиши, амалга ошириши лозим. Шундай қилиб, Европа Иттифоқи ҳуқуқи консигнаторнинг сақлаш ва сотиш функциясини бажаришидан ташқари миждозларга хизмат кўрсатилишини ташкил эта олишига ҳам эътиборни қаратади. Бунда Европа Иттифоқи комиссиясининг мазкур хабари аниқ мақсадни кўзлаган бўлиб, Рим шартномасининг 85-моддасида гуруҳий истиснони белгилайди”.

Халқаро савдо палатаси “консигнацияга” берган таъриф анча универсал ҳисобланади. Шунингдек, у консигнация шартномасини тузиш юзасидан ўз тавсияларини ҳам берган. Масалан, Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик шартномалари тузишга доир қўлланмасида тижорат консигнация контрактларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва музокара юритиш, тузиш чоғида консигнацияга берилаётган товарларга оид масалаларни батафсил тартибга солишни, консигнант барча товарларни ёки уларнинг бир қисмини олиб кета олишини, консигнацияга берилган товарларни сўғурталаш масалаларини аниқ белгилашни тавсия қилади. Бундан ташқари,

Халқаро савдо палатаси консигнация шартномаларида товарларни сотиш шартлари, уларнинг баҳоси, товарларни кредитга сотиш, консигнатор сотган товарлар пулининг ўтказилиши масалаларини ҳам тартибга солишни тавсия этади. Халқаро савдо палатасининг қўлланмасига мувофиқ, шартномада консигнаторнинг вақти-вақти билан консигнантга ҳисобот бериши, товарлар қолдиги рўйхатини тақдим этиши лозимлиги белгилаб қўйилиши керак. Шунингдек, омбордаги товар захираларини тўлдириш, товарларни сақлаш, консигнант истаган пайтда текшириши мумкинлиги каби масалаларни ҳам шартномада назарда тутиш тавсия этилди. Бундан ташқари, ҳужжатда муайян аниқ шартномада консигнаторга бериб қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан консигнаторнинг мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш лозимлиги айтилади. Шартномада, шунингдек консигнаторга топширилган товарларнинг учинчи шахс омборида сақланиши билан боғлиқ шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда халқаро савдо муомаласида консигнация шартномаси деганда, турли давлатларга мансуб бўлган субъектлар ўртасида тузиладиган шундай битим тушуниладиги, унга мувофиқ бир томон (консигнатор) иккинчи томон (консигнант) топшириғига кўра, муайян ҳақ эвазига консигнантга тегишли бўлган товарларни сақлаш учун қабул қилиш, учинчи шахсларга консигнант номидан ёки ўз номидан сотиш, шунингдек товарни консигнантга ёки унинг топшириғи билан учинчи шахсларга топшириш мажбуриятини олади (“Халқаро савдо палатасининг қўлланмаси”да баъзи мамлакатларда консигнация омборлари яратилиши факти билан боғлиқ равишда консигнант тегишли солиқ тўловчилар каторига қўшилиб қолиши кўрсатиб ўтилган).

Консигнация билан боғлиқ бўлган иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган қоидалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 133-моддасида тижорат вакиллиги ҳақидаги асосий қоидалар белгиланган бўлиб, бошқа қоидалар консигнацияга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилади.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Принципал” ва “савдо вакили (агенти)” тушунчалари ўзаро бир хил тушунча ва синоним сифатида қўлланилиши мумкин. Мазкур фикрга ўз муносабатингизни билдириг ва асосланг.

2. Халқаро савдо воситачилигининг ҳар хил шаклларда амалга оширилиши мумкин. Халқаро савдо воситачилигининг кенг тарқалган турларини ва уларнинг асосий моҳиятини ёритинг?

3. Чет эл фирмаси Ўзбекистон Республкасида ўз фирмасининг савдо ваколатхонасини очмоқчи. Мазкур фирмага Ўзбекистонда савдо ваколатхонасини очиш учун қўйилган талабалар ва бундай ваколатхонанинг ҳуқуқий мақомини тушунтиринг.

4. Консигнация битимида тижорат вакили деб баҳоланадиган контракт томони контракт предмети ҳисобланувчи йирик омбор эгаси бўлиши ёки мижозларга бепул хизмат кўрсатилишини ташкил қилиши, амалга ошириши лозим бўлади. Жавобингизни асосланг.

## IX БОБ. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Халқаро савдода ҳисоб-китоблар тушунчаси. Халқаро ҳисоб-китобларда халқаро савдога оид ҳисоб-китобларнинг ўзига хослиги. Халқаро савдо муносабатларида ҳисоб-китобларнинг ривожланиш босқичлари ва тарихи. Халқаро савдога оид ҳисоб-китобларнинг турлари ва уларнинг ўзаро фарқи.

### Халқаро савдода ҳисоб-китоблар тушунчаси.

Ташқи иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга жараёнлардан бири бу халқаро ҳисоб-китоблардир. Уларсиз бугунги кунда замонавий хўжалик юритиш механизмини ҳатто тасаввур ҳам қилиш мушкул. Қоида тарикасида эслатиб ўтиш жоизки, ҳисоб-китобларни тартибга солиш, табиийки, турли давлатларда турлича амалга оширилади. Шу сабабли давлат олида қўйиладиган энг муҳим вазифалардан бири ҳам айнан ҳисоб-китоб қилишнинг ҳуқуқий нормалари ва механизмларини такомиллаштириш, институтларини унификациялаш заруриятини келтириб чиқаради.

Одатда давлатлар ўртасида ташқи савдо, кредит ва бошқа турдаги қелишувларда ҳисоб-китоб ишлари учун тўлов қайси валютада амалга оширилиши қелишиб олинади. Халқаро тўлов оборотида чет эл валютаси сифатида қоғоз пул, танга ёки бошқа моддий кўринишда эмас, балки телеграф ва почта ўтказмалари ёрдамида чеклар, тезкор траттлар ёки шунга ўхшаш қелишилган ўзга бир чет эл валютасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда алоқага киришаётган субъектлар нафақат савдо муносабатларига, балки савдо билан боғлиқ бўлмаган, фан-техника ҳамкорлиги, дипломатик, маданий, туристик ва бошқа алоқалар юзасидан ҳам кўрсатилган хизмат, бажарилган иш ва бошқа учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин.

Ушбу нуқтаи назардан халқаро ҳисоб-китобларни шартли равишда 2 йўналишга: савдо ва носавдо мазмундаги ҳисоб-китобларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Савдо ҳисоб-китоблари ташқи савдодан тушган тўловлар, халқаро кредит қирим-чиқимлари, денгиз, темир йўл ва бошқа транспорт турдаги халқаро юк ва йўловчи ташишдан тушган қирим-

чиқимлар, тўловларни ўз ичига олади. Ушбу бўлинишга асос сифатида у ёки бу тўловлар ва пул тушумларини шакллантирилишига хизмат қилувчи нархлар тизимининг турличалиги келтирилади.

Халқаро тўловларни амалга ошириш жараёнида турли воситачиларнинг иштироки, турли жиҳозлар ва юридик воситалар, алоқа каналларидан фойдаланилади. Яна бир ўзига хос жиҳати ва мураккаблиги шунда намоён бўладикки, халқаро тўловларда бир қанча географик ҳудудлар, суверен давлатлар ва уларнинг юрисдикциялари иштирок этади. Муайян валютада ифодаланган турли тўловлар қоида тарикасида тўлов амалга ошириладиган ҳудудда рўйхатдан ўтган банклар, шунингдек халқаро банкларнинг бўлимлари ва филиаллари томонидан амалга оширилиб борилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у экспорт-импорт операциялари, тижорат тусига эга бўлмаган тўловлар – сайёҳлик, спорт, фуқаролар томонидан хорижий давлатларга пул ўтказишлар, хорижий давлатларда дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, ўзга давлатлар ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Аммо биз халқаро савдо ҳуқуқи доирасида қўлланиладиган савдо фаолиятлари учун амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни ўрганиб борамиз.

Олимларнинг ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатади ки, ҳар куни жаҳон валюта бозорларида 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Шулардан 40 фоизга яқини АҚШ долларида амалга оширилади.

Дунё бўйича жами конверцион операцияларнинг 90 фоизи 5 та валютада амалга оширилади. Жумладан:

- АҚШ доллари (USD) – 40%;
- Евро (EURO) – 30%;
- Япония иенаси (JPY) – 15%;
- Англия фунт-стерлинги (GBP) – 8-10%;
- Швейцария франки (CHF) – 1-2%.



## **Ёдда тутинг!**

Халқаро ҳисоб-китобларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

### **1. Ҳужжатлаштириладиган тўловлар:**

- ҳужжатлаштирилган аккредитив;
- инкассо билан амалга ошириладиган ҳамма туловлар.

### **2. Ҳужжатлаштирилмайдиган туловлар:**

- тўлов топшириқномаси;
- чеклар;
- СВИФТ (SWIFT).

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларни туркумлашда мезон шартларини тўлов шартлари ўтайди. Агар ҳар қандай ҳисоб-китоб юқоридаги 3 хил тўлов асосида амалга оширилса, бу ҳужжатлаштирилмайдиган ҳисоб-китоб бўлиб ҳисобланади: олдиндан тўлаш; товарни олгандан сўнг тўлаш ва очиқ ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоблар.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакли сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: тулов топшириқномалари; чеклар; ҳужжатлаштириладиган аккредитив ва инкассо.

СВИФТ (SWIFT) — бу маълумотларни узатиш ва операцияларни амалга ошириш тизими бўлгани учун уни ҳисоб-китобларнинг мустақил шакли сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас.

МДХ давлатларида валюталар котировка қилинадиган доимий валюта биржаларининг мавжуд эмаслиги, ушбу давлатларнинг валюталаридан давлатлараро ҳисоб-китобларда фойдаланишга тўсқинлик қилади. Эркин алмашинадиган валюталар (ЭАВ) билан ҳисоб-китоб килишга асосланган тизим энг қулай тизим ҳисобланади.

Лекин ЭАВнинг етишмаслиги сабабли, бу тизимдан тўлиқ фойдаланишнинг имкони йўқ эди. МДХ давлатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар муаммосини ҳал қилиш учун, 1994 йилда Минскда Давлатлараро банк ташкил этилди. Бу банк клиринг маркази вазифасини ўташи керак эди. Лекин Марказий банкларнинг фаолиятида мувофиқлик бўлмаганлиги туфайли ушбу банк ҳаққоний фаолият кўрсатмоқда деб айтиб бўлмайди.

### Ёдда тутинг!

Халқаро ҳисоб-китобларда катнашувчи субъектлар бўлиб, ҳукуматлар, давлат органлари, Марказий банклар, тижорат банклари, махсус молия-кредит ташкилотлари (Пенсия фондлари, суғурта компаниялари, кредит иттифоклари, ломбардлар в.б.), корпорациялар, халқаро ва ҳудудий молия-кредит ташкилотлари (ХВФ, ЖТТБ, ЕТТБ, ОРБ в.б.) ҳисобланади.

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш буйича, биринчи ўринни тижорат банклари эгаллайди. Сабаби шундаки, халқаро операцияларнинг асосий қисми – ташҳи савдо операциялари ва капиталлар ҳамда кредитларнинг ҳаракати буйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга тўғри келади. Ушбу ҳисоб-китобларда иштирок этувчи тижорат тузилмаларининг миллий ва чет эл валюталаридаги жорий ҳамда депозит ҳисоб рақамлари, тижорат банкларида жойлашган. Марказий банклар эса тижорат тузилмаларига кредит ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Демак, тижорат банклари орқали тижорат тусидаги операцияларнинг асосий қисми амалга оширилади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги мавқеи, уларнинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигига, электрон алоқа тизимлари билан яхши жиҳозланганлигига, обрўсига, ривожланган, кенг тармоқли хорижий филиаллар ва бўлинмалари, кўп сонли вакиллик ҳисоб рақамларига эга эканлиги халқаро савдо субъектлари ўртасида ҳисоб-китоб ишларини амалга оширилишида катта аҳамиятга эга саналади. Тижорат банкларининг хорижий банк ва корпорациялар билан амалга оширадиган ҳар қандай операциялари талаб ва мажбуриятлар орқали ўтади.

**Тўлов хусусиятларини қуйидаги бир қатор омилларга кўра уларни ўзаро бир-биридан фарқлаш мумкин:**

- сотувчи ва харидорнинг муносабатларининг ўзига хос хусусиятига кўра;
- жўнатилаётган маҳсулотнинг характери ва мамлакатнинг таваккалчиликка оид ўзига хос жиҳатларига кўра;
- истеъмолчининг тўлов қобилияти ва етказиб берувчининг ишончлилигига кўра;
- етказиб берилаётган маҳсулот тури ва кадр-қиммати, бошқа корхоналар томонидан тўлов шартларини таклиф қилиниши, бозор

(сотувчи ва олувчига фойдали) тузилиш ҳолати; бир давлатдан бошқ давлатга ўтказилаётган воситалар ўтказмаси чекловлари рисқи; божхона чекловлари ва бошқаларга боғлиқ.

Агар етказиб берувчи истеъмолчи билан аввалдан хўжалик юритишда иштирок этган бўлса ва унга олдинги ҳисоб-китоб тарихи аниқ бўлса, янги фаолият учун ҳисоб-китоб рисқи камайди. Тасаввур қилинг, етказиб берувчи истеъмолчи билан қандайдир саноат кўргазмаси ёки шунга ўхшаш ойда тасодифан танишган ва алоқа ўрнатган бўлса, улар бир-бирлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаса ҳисоб-китоб муносабатлари томонлар ўртасида асосли риск-хатарнинг мавжудлигини инкор этмайди.

Тўлов методи етказиб берувчи товар ишлаб чиқаришда талаб қилган ва уни жўнатишдаги кафолатлар билан аниқланади. Аммо энг ишончли ҳисоб-китоб, бу томонлар шартнома имзолашлари натижасида етказиб берилмаган товар (кўрсатилмаган иш ва хизмат) учун олдиндан бўнақ тарзида амалга оширилган тўлов ҳисобланади ва ушбу усул савдо амалиётида ниҳоятда кам ҳолларда учрайди.

### **Эътибор беринг!**

Биринчидан, ҳисоб-китобларнинг аксарият қисми банклар иштирокида нақд бўлмаган тарзда амалга оширилади. Иккинчидан, бундай ҳисоб-китоб истеъмолчи учун ҳар доим ҳам қулай эмас, чунки бундай ҳолат унга сифатсиз товар ёки кеч қоладиган таъминотлар хавфини юзага келтиради. Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу рисқни камайтириш мақсадида халқаро савдо амалиётида: банк ўтказмалари, инкассо, аккредетив, чеклар, тўлов карталари орқали ҳисоб-китоб турлари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунлари тизимида ҳисоб-китобларга онд асосий масалалар Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинган ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиққан ҳамда белгилаб қўйган<sup>30</sup>. Унга кўра бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

- 1) тўлов топшириқлари бериш;
- 2) тўлов талабномалари тақдим этиш;

<sup>30</sup> - Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низоом (руйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь).

- 3) аккредитивлар орқали ҳисоб-китоб қилиш;
- 4) инкассо топшириқлари бериш;
- 5) тижорат банклари ҳисоб-китоб чеклари орқали ҳисоб-китоб қилиш;
- 6) мемориал ордерлар орқали ҳисоб-китоб қилиш;
- 7) пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга оширишга оид қоидаларни ҳам тартибга солган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувида 2000 йил 5 июлдаги 474-тартиб рақами билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 17 августда 957-сон билан рўйхатга олинган “Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидалари”).

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш ваколати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунга мувофиқ берилган<sup>31</sup>.

### **Халқаро ҳисоб-китоб шакллари**

**Банк ўтказмалари** – халқаро ҳисоб-китобнинг энг оддий шаклидир, бу бир банкдан иккинчи банкка аниқ бир суммани ўтказма қабул қилувчига тўлайдиган топшириқномадир.

#### **Ёдда тутинг!**

Банк ўтказмалари – бу ҳисоб-китобли банк операцияси бўлиб, телеграф, почта орқали ёки ўзгача усулда бир банкдан бошқа банкка тўлов топшириқномасини ўтказишдир. Бундай топшириқномалар – банк буйруқлари, банк-корреспондентларига йўналтирилган ва бенефициарларга аниқ пул суммаси тўлови ҳақидаги тақдим этилган чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатларидир.

Тўлов топшириқномалари ўтказувчи кўрсатмасига асосан банкда тайёрланади. Аризалар банкда рўйхатдан ўтказилган ҳолда қабул қилинади. Аризада келтирилган маълумотлар асосида банк чет эл банкига валюта ўтказмаси ҳақида тўлов топшириқномасини тайёрлайди. Шу билан бирга, тўлов топшириқномалари қабул қилувчи банк манфаатдорга тўлайдиган ёки бошқа банкка ўтказадиган аниқ бир суммани оғзаки, ёзма ёки электрон кўринишда юборилишидир. Банк импорт қилувчининг тўлов топшириқномасини ўз

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – №12. 247-модда.

номидан экспорт қилувчига юборади. Топширикномани олгач, банк экспорт қилувчилар ўз ҳисобидаги ўтказилган пул ҳақиқийлигини текширади. Мижоз топширикномаси ўтказма юборувчиси томонидан банкка юборилади.

Экспорт моллар ва хизматлар учун чет эл банкларининг тўлов топширикномалари телеграф, почта ва электрон (SWIFT тизими бўйича) кўринишда вакил банк томонидан тақдим этилади.

#### **Маълумот учун!**

**SWIFT тизими** – бутун жаҳон банклараро телекоммуникация уюшмаси. Бу банкка 200 дан ортиқ тижорий банклар аъзо бўлган, шулардан 30 дан ортиғи Россиядан. Ҳар битта тўлов топширикномаси қайд этилган ордер билан тузилади. Унинг нусхаси ўз ҳисобидан манфаатдор томонга кўчирма асосида юборилади. Ўтказма ҳужжатларида ўтказилган сумманинг тақдим этиш муддатини банк кўрсатиб ўтади (энг узоқ муддат пул ўтказилган кундан бошлаб 15 кун.) Ўтказма вақтида олинмаса ҳужжатларга асосланиб ташкилот ҳисобидан ўчирилади, ўтказувчи чет эл банки ўтказма ҳақида расмий мурожаат қилиши керак бўлади. Уларга кўрсатилган муддат бузилган ҳолатида банк вакили манфаатдор ҳисобидан пулни ўчириши ва бир вақтнинг ўзида ўтказмалар ҳақида чет эл банк ўтказувчига расмий мурожаат қилиши мумкин.

#### **Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли**

Инкассо бўйича халқаро Қоидаларни амалиётда қўлланилиши миллий қонун ижодкорларини муайян маънода чегаралаб туради. Шундай қилиб, қоидалар барча инкассо ва томонлар мажбуриятларига қўланилсади, лекин агар маҳаллий давлат қонун ижодкорлари ички қонунчиликда рад этиб бўлмайдиган оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга зид келадиган ҳолларда қўлланилмайди.

#### **Ёдда тутинг!**

Инкассо бўйича муносабатлар Халқаро савдо палатаси томонидан 1994 йил қабул қилинган ва 1995 йил 1 январда кучга кирган “Инкассо бўйича халқаро Қоидалар” асосида тартибга солинади. Ушбу қоидаларда асосан инкассо турлари, тўлов ва бажарилган тўловларга ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби, акцепт ва тўлов бўлмаганлиги ҳақидаги хабарномалар, томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлик доираси белгилаб берилади.

Бу борада инкассо қўлланмаси ва инкассо топшириқномасини бажарилиши банкларнинг мажбурияти эмас. Агар банк бирор сабабга кўра инкассо топшириқномасини бажармаса, бу ҳақида телекоммуникация алоқалари ёки бошқа усуллар билан томонларга хабар бериши лозим.

**Ёдда тутинг!**

“Инкассо бўйича халқаро қоидалари”да инкассо қуйидагича тарифланади:

**Инкассо** – бу банк томонидан тўловларни, аксептларни қабул қилиш ва тўловларга ёки аксептларга қарши, шунингдек бошқа шартларга кўра ҳужжатларни етказишга асосланган, ҳужжатлар билан қабул қилинган йўриқномаларга кўра амалга ошириладиган ҳисоб-китоб тури.

Ҳужжатлар молиявий ёки тижорий бўлиши мумкин.

**Молиявий ҳужжатлар** – бу векселлар ўтказмаси, оддий векселлар, чеклар ва бошқа шу каби ҳужжатлар, пулларнинг тўловини қабул қилишда ишлатилади,

**тижорий ҳужжатлар** эса бу молияга оид бўлмаган ҳисоблар, транспорт, товарларни тақсимлаш ҳақидаги ҳужжатлардир.

**Ҳужжатларни ишлатилишига кўра инкассо:**

**Соф инкассо** – ёки молиявий ҳужжатларга оид инкассо бўлиб, ҳисоб-китобларнинг ушбу тури камдан кам қўлланилади. Асосан чеклар, векселлар ва тўлов ҳақидаги тилхатларни қабул қилишда фойдаланилади;

**Ҳужжатли инкассо** – тижорий ҳужжатлар инкассоси. Ҳисоб-китобнинг бундай тури импорт қилувчига маҳсулотини юклашда кўшимча қафолат беради. Асосий тижорий ҳужжатлар сифатида молиявий ҳужжатлар ёки ҳисоб-фактуралари инobatга олинади.

Ҳужжатли инкассо хардорнинг хоҳишига кўра ҳеч қандай шубҳаларсиз, сиёсий, иқтисодий ва юридик томонлама импортер томонидан қоидалар бузилмаган ҳолатда товарнинг ўтказилишида ифодаланади.

**Инкассони амалга оширишнинг бир неча усуллари мавжуд:**

**Тўловга қарши ҳужжатларни бериш**, нақд пул тўловига қарши харидорнинг ҳужжатларини инкассо қилувчи банкка беришга рухсат беради.

*Акцептларга қарши ҳужжатлар бериши* вексель ўтказмаларининг акцептига қарши харидорнинг ҳужжатларни инкассо қилувчи банкка беришга рухсат беради. Экспорт қилувчи харидорнинг белгиланган муддат ичида мажбуриятини амалга оширишига ишонч ҳосил қилганда акцептлаш учун ҳужжатларни тақдим этишга рози бўлиши мумкин. Векселнинг муддати сотувчи ва харидор ўртасида белгиланади. Вақтнинг ўтиши одатда импорт қилувчининг акцептни қабул қилган санасидан бошланади. Импорт қилувчи акцептга эга бўлмагунча вексель учун масъулиятни ўз бўйнига олмайди. Жараён банкнинг векселга “акцепт қилинди” деган муҳр босиши билан ўз якунига етади.

Инкассация йўналтирилган барча ҳужжатлар ўзида аниқ ва тўлиқ йўриқномани мужжасам қилган инкассация топшириқномасини кузатиши керак. Шу каби инкассацияли кўрсатмаларни банклар амалга оширишига рухсат берилган. Банклар керакли қўлланмани топиш учун ҳужжатларни текшириши шарт эмас.

### **Ёдда тутинг !**

Инкассо топшириқномаси қуйидаги маълумотларни ўзида мужжасам қилган бўлиши керак: банк ҳақида маълумот, инкассо топшириқномасини қаердан олинганлиги, унинг тўлиқ номланиши, манзил, телефон ва факс рақами, бошқарув ҳақида гувоҳнома, тўловчи ҳақида гувоҳнома, тақдим этувчи банк ҳақида гувоҳнома, агар мавжуд бўлса инкассога тегишли сумма ва валюта ҳақида маълумотнома, тўловнинг олиш шартлари ва муддатлари, ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва бошқа шартлар.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг турларидан яна бири бу **индоссамент чеки орқали ҳисоб-китоб қилиш**.

Изоҳ билан ёки изоҳсиз тўғридан-тўғри буйруқ билан аниқ бир шахсга тўлов билан тақдим этилган ёки ўртача индоссаментлар етказилган чек.

### **Ёзда тутинг!**

Индоссоментни 4 хил тури бор: бланкали, исми ёзилган, мақсадли ва муомалада бўлолмайдиган чек.

**Бланкали индоссомент** ишлатилган ҳолларда, чекни қўлида ушлаб турган одам унинг иккинчи тарафига ўз имзосини қўяди.

**Исми ёзилган индоссомент**да эса чекни тегишли жойига тарафига имзо қўйиб, бу чек билан пул олиш имкониятига эга инсонни исми аниқ кўрсатилган бўлади.

**Мақсадли индоссомент**дан фойдаланганда эса чекни тегишли жойига чекни бошқа кишига беришдан мақсад кўрсатилади, бу билан у пул олиш имкониятини чеклайди.

Агар чек эгаси чекни тўлов амалга оширилишидан норозилигини фода этмоқчи бўлса ва чекга эгалик қилиб турган шахс имкониятларини чеклаш истагида бўлса, у чек матнига “айлантирилмасин” деган сўзларни киритади.

Банкнинг бундай изоҳларини таъсирини ошириш учун шахсий индоссомент олиниши керак. Банклар албатта индоссомент кетма-кетлигини текшириши лозим, аммо уларни расмийлаштиришда жавобгарликни ўз буйинларига олишмайди.

Шундай қилиб, банклар чеклар хизматини назорат қилишда уларни кўздан кечириши кўпроқ аҳамиятга эга. Бу жараёнда чекнинг иккала томонига ҳам (юза қисми ва орти) аҳамият бериш керак. Юза қисмида унинг олувчиси, сумма, қоғоз, ташқи кўриниши, сана, имзо, муҳр, транзит коди бўлади. Орқа тарафида эса индоссоментга эътибор берилади: олувчи ким, банкга шахси маълумми, махсус муҳр борми, деган саволларга жавоб кидирилади.

Бугунги кунда ҳисоб-китобларнинг энг замонавий ва қулай бўлган учулларидан бири бу банк карталари орқали ҳисоб-китоб қилишдир.

**Халқаро тўловларни амалга оширилишида банк карталарининг ўрни**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимида пластик карталар алоҳида ўрин эгаллайди. American Express, Diners Club, Visa card, Master card халқаро пластик карталарининг бутун дунё бўйлаб шиддат билан ёйилиб бораётганлиги уларнинг халқаро савдо жараёнларида ўрни ва ролини ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Савдо фирмалари билан товар борасида ҳисоб-китоблар ҳақидаги келишув туфайли улар аλλαқачон етарлича кенг тарқалишга улгурди. Чек китобчалари



камрок ишлатилиши сабабли тўлов карточкалари уларнинг ўрнини эгаллай бошлади. Халқаро тўлов айланишида карталарни ишлатилиши кредитлардан фойдаланиш имкониятини берди, фойдаланувчининг ҳолатидан келиб чикиб унинг сифатли хусусиятини оширди. Техник воситаларнинг ривожланиши туфайли карталарда қўшимча магнитли маълумотлар билан таъминланиш имконияти вужудга келди.

Бу карта фойдаланувчиларининг АТМ машиналар (махсус банкоматлар)дан ўз ҳисоб рақамларидаги пулларни тез ва осон ечиш ва ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш имкониятини берди.

Бу карталар тўлов учун чекланмаган суммаси кўтариб юришда ва махсулотни харид қилишда қўшимча энгиллик беради. Сабаби ҳисоб-китобни амалга ошириш учун мижоз ўз банки билан боғланиши ва муайян операцияларни амалга ошириши, бунинг учун банк хизматчиларининг меҳнатидан фойдаланиши ва энг муҳими, муайян вақт оралиғида кутиш мажбуриятидан озод бўлади.

Баъзида бу карталар *кредит карталар* ҳам дейилади. Улар товар ҳаридида банк кредитидан фойдаланиш имконини беради, ундан ташқари, аванс сифатида нақд пул ҳам олиш мумкин. Унинг хусусиятли афзаллиги – харид давомида ёки нақд пул кўринишида автоматик равишда фойдаланиш учун банкда кредит очилади ва муайян пул суммаси қўйилади. Қоидага кўра, кредит линияси ҳам лимитга эгадир. *Дебет карталар* молиявий ташкилот ва банкларга мижос ҳисобидан чек ва омонатлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бу карталар фирма белгисига эга (масалан, ВИЗА ёки МАСТЕР КАРД). Бундан улар савдо операцияларида ва банкоматларда фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро савдо ҳуқуқи субъектлари ўртасида савдо ҳуқуқи объектларини ўзаро муомалага киритиш натижасида томонлардан бири иккинчисига олинган товар ёки бажарилган иш ва хизматлар ҳаққини тўлашда ифодаланадиган мажбуриятлари йиғиндиси – халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этади.

Унга кўра, ҳисоб-китоблар концептуал жиҳатдан иккига: нақд ва нақд бўлмаган кўринишда амалга оширилади. Юқорида биз уларнинг қисқача рўйхатини келтирдик ва асосий тушунчаларини келтириб ўтдик.

Кейинги мавзуларда ҳисоб-китобларнинг асосий турларига атрофлича тўхталиб ўтилади.

## HAZOPAT UCHUN SAVOLLAR

1. Xalqaro munosabatlarга киришувчи томонлар ўртасида турли ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Xalqaro savdo munosabatларида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг savdo соҳаси билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблардан қандай фарқи бор?

2. Сиз ҳуқуқшунос сифатида фаолият юритадиган корхонада халқаро savdo битими тузиш зарурияти юзага келди. Корхона раҳбари ушбу шартнома юзасидан амалга оширилиши режалаштириладиган ҳисоб-китобларда етказиб берувчи сифатида корхона манфаатларига кўпроқ хизмат киладиган энг камида 2 хил халқаро ҳисоб-китоб усулларини ва шартларини ўрганиб, таклиф киритишни сизга топширди.

*Савол: Етказиб берувчи томон сифатида сиз харидорга қайси ҳисоб-китоб усулини таклиф қилган бўлардингиз? Сиз таклиф қилмоқчи бўлган усулнинг халқаро ҳисоб-китобларнинг бошқа турларидан қандай фарқли жиҳатлари ва афзаллик томонлари бор?*

3. Франция компанияси Ўзбекистоннинг арбитраж судига Ўзбекистонга етказиб берилган шакар ҳақини Ўзбекистон ташкилоти томонидан тўланмаганлиги натижасида келиб чиққан зарарни ундиришни сўраб мурожаат қилади. Суд жараёнида шартнома юзасидан ҳисоб-китоблар банк ўтказмалари ёрдамида амалга оширилиши лозимлиги, Ўзбекистон ташкилоти шартномада келишилган шартларга кўра белгиланган чет эл банкига шакар учун пул суммасини тўлиқ ўтказганлигини, лекин номаълум учинчи шахс томонидан банк ҳисоб рақамидаги сумма ўзлаштириб (ўғирлаб) кетилганлиги сабабли Франция компанияси ҳисоб рақамига бориб тушмаганлигини билдиради.

*Савол: Шартномага нисбатан Ўзбекистон қонунчилиги қўлланилиши тарафлар томонидан келишиб олинганлигини эътиборга олиб масалани ҳал қилинг.*

4. АҚШнинг "СОСА СОЛА БЕВЕРАЖЕС LTD" компанияси Ўзбекистонда ўтказилган халқаро savdo кўргазмасида Ўзбекистоннинг салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "DENA" МЧЖ билан қиймати 500 миң АҚШ долларига тенг салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган дастгоҳларни етказиб бериш бўйича шартнома имзолашди. Томонлар шартномага нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқ сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллашга келишдилар. Шартномага кўра,

олди-сотди шартномасида назарда тутилган товар жўнатиш учун ташувчига топширилишидан олдин шартнома қийматининг 15% олдиндан тўланиши лозим эди.

АҚШлик харидор ушбу суммани ўзининг алқаро МАСТЕР КАРД кредит картасидан тўлаш истагани, агар пул кўчириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, жараён чўзилиши ва бу тарафлар манфаатига зидлигини билдирди.

*Савол: Ушбу тўлов усулига нисбатан эътироз билдириши мумкинми? Айти бир шартнома юзасидан ҳисоб-китобларни қисмларга бўлиб, ҳисоб-китоб усулларида бир нечтасини қўллаш орқали амалга ошириши мумкинми? Жавобингизни асослантинг.*

## Х БОБ. ХАЛҚАРО САВДОДА ФАКТОРИНГ, ФРАНЧАЙЗИНГ ВА ЛИЗИНГНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Халқаро савдо ҳуқуқида факторинг тушунчаси ва моҳияти. Факторинг шартномасининг миллий ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши.

Халқаро франчайзинг ва унинг умумий тавсифи. Франчайзингни ҳуқуқий тартибга солиш. Халқаро франчайзинг шартномаси. Халқаро франчайзинг объектлари. Халқаро франчайзингнинг турлари.

Халқаро молиявий лизинг шартномасининг тушунчаси. Халқаро молиявий лизингнинг халқаро тартибга солиниши. Халқаро молиявий лизинг шартномасининг мазмуни ва шакли. Халқаро молиявий лизинг шартномасининг турлари ва таснифи.

### Халқаро савдо ҳуқуқида факторинг тушунчаси ва моҳияти

Бозор иктисодиёти шароитида ҳар бир давлат бошқа хорижий давлатлар билан иктисодий муносабатлар ўрнатиш, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, мамлакатта чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ташқи иктисодий фаолиятни микродаражада интенсивлаштириш, ташқи савдо айланмасида марказлашган экспорт ва импорт улушини камайтириш, мижозларга валюта хизматини кўрсатадиган тижорат банклари сонини кенгайтириш ҳамда шу каби энг долзарб вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Халқаро савдо операциялардан банкка тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит бериш ёки ўзгача усулда молиялашдан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Шу билан бирга, банklar томонидан кредитлаш, бошқача айтганда, молиялаштириш товар ва товар ҳужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, вексель бўйича кредит ва акцепт кредитларни, банк ссудаларини бериш, шаклида амалга оширилади. Ушбу мавзу доирасида ўрганиладиган факторинг ҳам ҳисоб-китобларнинг ўзига хос тури сифатида халқаро савдо жараёнларида кенг қўлланилиб келаётган усуллардан бири саналади.

### Ёдда тутинг!

“Факторинг” атамаси лотинча “facere” – “ҳаракат қилмоқ, амалга оширмоқ”, инглизчада “factor” – “воситачи”, “савдо агенти” сўзларидан олинган бўлиб, бу ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар учун тўловни кечиктириб амалга ошириш имконини берувчи савдо фаолиятини амалга оширишга қаратилган банкнинг комплекс хизмат туридир.

Факторинг тарихини ҳукукий воқелик сифатида тадқиқотчилар турлича тасвирлаб келадилар. Айримлар уни капиталистик ҳуқуқ маҳсули ва фақат XX асрнинг 30-йилларида АҚШда юзага келган деб ҳисобласалар, бошқалар эса факторингга хос белгиларни, ҳатто қадимги Бобил давлати тарихи билан боғлайдилар. Аммо бизнинг назаримизда, факторингга ўрта аср инглиз савдо воситачилигининг “америкача заминга” мослаштирилиши оқибатида юзага келган ҳодиса сифатидаги қараплар анча асосли ва тўғри.

Ушбу нуқтаи назарга кўра, “фактор” деб аталувчи субъектлар XIV асрдаёқ маълум бўлган ва “фактор” атамаси инглиз мустамлака савдо муносабатларида “агент”, “комиссионер” атамаларининг синоними сифатида қўлланиб келинган.

Факторинг операцияларига XVII асрда Англияда фактор уйлари (House of Factors)нинг вужудга келиши билан асос солинди. Ҳақ замонда фактор олдига маҳсулот бозорини мунтазам ўрганиб бориш, қонун ва савдо одатларини яхши билиш, тўловга қобилиятли харидорларни излаб топиш, маҳсулотни сақлаш, тўплаш ва сотиш ҳамда савдодан тушган пулларни жамлаб туриш каби қатор вазифалар қўйиладиган эди.

Инглизлар шарқий Ҳиндистонни мустамлака қилиш жараёнида XVIII асрда факторлардан, яъни вазифаси нафақат товарларни сотишда воситачилик қилишдан, балки келгусида етказиб берилажак товарлар учун бўнак (аванс) олишдан ҳам иборат бўлган шахслардан фойдаланиб келганлар.

Факторинг фаолиятининг гуркираб ривожланган даври XIX асрнинг иккинчи ярми Шимолий Америкада кузатиш мумкин. Бунда америкалик факторлар ўз фаолиятларини товарларни ишлаб чиқарувчидан фақатгина сотиб бериш (реализация қилиш) учун қабул қилишдан бошлаганлар. Айниқса, бу фаолият текстил савдоси соҳасида кенг тараққий этган бўлиб, вақтлар ўтиши билан Европада текстил маҳсулотларига нисбатан юқори божхона тўловларининг жорий этилиши ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини Европа бозорига сотишнинг ўзида ишлаб чиқариш элементларини назарда тутувчи ўзгача тарздаги системаларини тузиш вазифасини қўйди.

Натижада америкалик факторлар ўзларининг товарларни сотиб беришдаги воситачилик (agent factoring) фаолиятларини вақт ўтиши билан ишлаб чиқарувчини молиялаштирадиган (credit factoring) фаолият шаклига ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Ҳосила ўларок, ўзида молиявий таваккалчилик (хатар, риск)ни оладган ва миқдорнинг

талабига мувофиқ пуллик тўловни амалга ошириб берадиган, ўзида мижозни молиялаштириш соҳасидаги янгича “ноу-хау”ларини ҳам яратган фаолият тури вужудга келди. Факторлик фаолияти соҳаси ўз ичига, шунингдек келажакда етказиб берилиши кўзда тутилган маҳсулот учун ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида молиялаштириш, ҳам ашё сотиб олиш учун бўнақлар беришда ифодаланадиган бухгалтериясини ҳам қамраб оларди. Шу йўсинда америкалик факторлар банк муассасаларига дахлдор бўлган фаолият сингари юмушлар билан шуғуллана бошладилар. Ушбу схема АҚШда узокт вақт амал қилган булсада, бугунги кунда ҳам тўқимачилик санотида 90 % ишлаб чиқарувчилар ушбу йўналишда фаолият юритиб келмоқдалар.

#### **Маълумот учун!**

Ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ товар ишлаб чиқарувчиларининг ғарбий Европага ўз таъсир доирасини ёйиши Европа факторинг компаниялари фаолиятини фаоллашувига сабаб бўлди. 60-йилларнинг ўрталарга келиб 2 та йирик факторинг ассоциациялари: IFG (International Factors group), FCI (Factors Chain International) вужудга келди. Факторинг операциялари ҳажми чексиз ортди, ҳам ички ҳам ташқи ташқи бозорда фаолият юритишга мўлжалланган факторинг компаниялари вужудга келди. FCI маълумотларига қараганда факторинг операциялари 1996 йилдан 2001 йилгача 2,3 маротаба ўсгани, амалга оширилган тўловлар миқдори 720,19 млрд еврога тенг бўлиб, унинг 96% ички факторингга тўғри келиши алоҳида аҳамиятлидир.

#### **Факторингни бошқа ҳисоб-китоб турларидан фарқлари, афзалликлари:**

– маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товар ҳаққини харидор билан ҳисоб-китоб қилиш муддатини кутиб ўтирмай, олдиндан фактордан олиши мумкин бўлади.

Бунда кўп ҳолларда товар етказиб берувчини тўловнинг кечиктирилиши ёки бошқа ҳолатларга кўра умуман тўланмай қолиши муаммоси ташвишлантирмайди, чунки ушбу муаммолар факторнинг қилган таваккалчилигига асосан ўз зиммасида туради. Шу йўл билан маҳсулот етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) ўзининг тadbиркорлик фаолиятини бемалол қутилмаган молиявий ноқулайликларсиз режалаштира олиши, кредитлар расмийлаштириши ва ўз фаолиятини режа асосида ташкил қилиш имконияти мавжуд бўлади.

– маҳсулот етказиб берувчи факторингдан фойдалангани ҳолда анча қиммат турувчи харажатлардан, айниқса, экспорт операциялари

бўйича ҳисоб-китоб юритиш ташвишидан, маркетинг тадқиқотлари ўтказишдан, янги бозорларни ўзлаштириш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий муаммолардан қутулади. Буларни барчасини фактор бажаради.

**Ёдда тутинг!**

**Факторининг операцияси субъектлари:**

- сотиб олувчи, яъни харидорнинг талабига кўра танланган **фактор** (факторинг компанияси ёки банк);
- **товар етказиб берувчи** (кредитор);
- **товарни сотиб олувчи**, яъни харидор (дебитор) иштирок этади.

Молиявий агент у пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаштиришни амалга оширишга рухсат этилган шахс; миждоз – юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, у товар, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркор. Молиявий агент ва миждоздан ташқари пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш муносабатларида ва пул талабномасининг ижросида у билан миждоз ўртасидаги шартнома асосида юзага келадиган ён берилган пул талабномасини тўлаши керак бўлган учинчи шахс ҳам қатнашади.

Факторинг фаолияти билан шуғулланувчи компаниянинг асосий фаолият тури қоида тариқасида 180 кундан ортиқ бўлмаган қисқа муддатли дебитор қарздорлик эвазига етказиб берувчи(сотувчи)ни олдиндан молиялаш (кредитлаш) ҳисобланади.

Факторинг компанияси ва товар етказиб берувчи ўртасида талаб вужудга келиши билан етказиб берилган маҳсулот учун ҳисоб-фактураси ёки бошқа тўлов ҳужжатини тақдим қилиш тўғрисида шартнома тузилади. Шартномага мувофиқ молиялаштиришни ўз зиммасига олган факторинг компанияси керакли миқдордаги маблағни тегишли ҳужжатларга асосан етказиб берилиши кўзда тутилаётган товар нархининг ўртача 60-90 % қисмини олдиндан тўлайди ва бунинг эвази етказиб берувчи фойдасига олдиндан амалга оширилган тўлов ёки кредитлаш тарзидаги кўрсатилган хизматлар учун фойзалар олишни назарда тутди.

### **Маълумот учун!**

Халқаро савдо амалиётида ҳисоб-китобларнинг бир тури сифатида факторинг муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини шартли равишда 2 га бўлиш мумкин:

1. Миллий қонунчилик.
2. Халқаро қонунчилик.

### **Факторинг шартномасининг миллий ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши**

Ўзбекистон Республикасида халқаро факторингни ҳуқуқий тартибга солиниши.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида илк бор факторинг тушунчасига таъриф “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 2000 йил 3 августда 953-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган Йўриқномада келтирилиб, унга кўра факторинг хўжалик юритувчи субъект – етказиб берувчи(мижоз)ни молиялаштиришга қаратилган банк хизматларининг бир тури бўлиб, унда етказиб берувчи молияловчи агентга харидор томонидан етказиб берилган (бажарилган) товар (иш, хизмат) ҳаққи учун амалга оширилиши кутилаётган тўловни қабул қилиш ҳуқуқини беради.

Юқорида келтирилган таърифдан маълумки, миллий қонунчиликда факторинг тушунчасига бироз ўзгача нуқтаи назар билан ёндашилади. Унга кўра факторинг фаолияти деганда, харидорнинг етказиб берилган товар ҳаққини етказиб берувчига эмас, балки учинчи бир шахсга, яъни молиявий агент-факторга тўланиши кўрсатилади. Бунда урғу молиявий агентнинг тўловни қабул қилишдаги ҳуқуқига қаратилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42-бобидан (749 – 758-моддалар) пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар назарда тутилган бўлиб, мазмун жиҳатдан юқорида таърифланган айнан факторинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган.



**Ёдда тутинг!**

**Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси** бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (карздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам карздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича молия агентининг мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Докторинал адабиётларда шартноманинг бу тури “Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш” ёки “факторинг шартномаси” деб белгиланади.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси ўз моҳиятига кўра бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (карздорга) товарлар берилишидан, унинг ишларини бажаришдан ёки унга хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Бу шартноманинг моҳияти келажакда бажариладиган пул талабномасини пул маблағларига “айлантиришдан” иборат. Факторинг мижоз коммерсантини товарлар (иш, хизмат) учун харидорлардан пул кутишдан озод қилади: пулларни молиявий агент (фактор) дан олиб, мижоз унга ўз талабномасини харидорга беради, карздор билан ҳисоб-китоб қилишдан ўзини озод қилиб, факторнинг пул маблағларини ўз иқтисодий оборотига киритади. Бундан ташқари, молиявий агент мижоз учун бухгалтерия ҳисобини ҳам олиб бориши ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин.

Албатта, ушбу шартнома ҳам миллий қонунчиликка мувофиқ ҳақиқий деб тан олиш учун муайян талабга жавоб бериши лозим, яъни унда шартномага қўйиладиган энг кам талаблар мужассам этган бўлиши керак. Унда пулларни ўтказишда молиявий агентнинг мажбуриятлари, бу шартноманинг ҳақиқийлиги ва консенсуал бўлиши мумкинлигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш ҳақ эвазига ва икки томонламадир.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномасида бир марталик ҳамда бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш билан боглик операцияларни мунтазам равишда ўтказиб туриш белгилаб қўйилган бўлиши мумкин.

Охириги ҳолда шартнома ташкилий тизимли алоқалар кўринишини олади. Бундай шартнома бўйича молия агенти мижозга унинг учинчи шахсларга хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган пул талабномаси ҳисобига пул ўтказиб беради, мижоз эса бу пул талабномасидан молия агенти ҳисобига воз кечади. Шартномада пул талабномасидан воз кечиш ва молиялаштиришнинг умумий шартлари кўрсатиб ўтилиб, унга воз кечиладиган талабномалар, алоҳида операцияларни амалга ошириш тартиблари, молия агентининг муқофот миқдорлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва томонларнинг бошқа талаблари кўрсатилади.

#### **Ёдда тутинг!**

**Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига пул маблағларини ўтказиш усуллари:**

- пул талабномасини сотиб олиш йўли билан;
- қарзга пул маблағларини тақдим этиш билан.

Пул талабномасидан воз кечиш билан таъминланган ҳолда пул маблағларини қарзга бериш билан молиялаштириш иккита мажбурият муносабатларини – **асосий** ва **таъминловчи** муносабатларни келтириб чиқаради.

Биринчисининг моҳияти шундан иборатки, унда молия агенти томонидан берилган пул маблағлари мижоз томонидан қайтарилади.

Иккинчисининг моҳияти эса пул талабномасини қарздор томонидан мижознинг молия агентига қарзларини тўлаш бўлсада, унинг асосий мажбуриятга нисбатан таъминловчилик функцияси устун туради.

Пул мажбуриятлари бўйича кредитор ҳуқуқларининг мижоздан молия агентига ўтиши талабномадан воз кечишнинг махсус тури ҳисобланиб, ФК 42-боби билан тартибга солинади. Ушбу қоидалар етарли бўлмаган ҳолда ФК 23-бобининг кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги умумий қоидалари қўлланади.

Бу маънода талабномадан воз кечиш шакллари тўғрисидаги ФК 320-моддаси қоидаларини эслатиб ўтиш зарурки, улар шартнома шаклларини аниқлашда ва шартномани рўйхатдан ўтказиш масалаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга: пул талабномасидан воз кечиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи шартнома шакли (оддий ёки нотариал гувоҳлантирилган), воз кечиш предмети бўлган талабнома учун асосланувчи битим шакли билан белгиланади, давлат томонидан рўйхатга олинмаган битимга асосланган пул талабномасидан воз кечиш шартномаси битимни рўйхатга олиш тартибларига кўра рўйхатдан ўтиши керак.

Ушбу ҳолатда воз кечиш предмети бўлиши мумкин бўлган пул талабномаларининг турларини фақат мижозларни учинчи шахсларга товар етказиб бериш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш талабномалари билан чегаралайди. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси доирасига қимматбаҳо қоғозларда (вексель, чек, облигация) ифодаланган муомаладаги қарз мажбуриятларидан воз кечиш кирмайди.

Факторинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилигимиздаги яна бир манбаа **Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун 2006 йил 20 сентябрь, қонунинг 13-моддаси** мазмунига кўра мамлакатимизда банклар билан биргаликда микрокредит ташкилотлари ҳам микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш, шунингдек қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотишда ифодаланган факторинг фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси** **Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 245-сонли қарори** ва ушбу қарорга 1-илова саналган **“Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби”** ҳам айнан халқаро савдо муносабатларида факторингни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу низомнинг 9-бандида “Экспорт қилувчи корхоналарнинг валюта ҳисоб рақамларида маблағлар вақтинча бўлмаган тақдирда ваколатли банклар экспорт қилувчи корхоналар билан экспорт қилишдан келгусида тушадиган валюта тушумлари ҳисобига валютани сотиш юзасидан факторинг шартномалари тузишлари мумкин” деб белгиланган.

**Амалий мисол:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрь, 480-сон “Кейс корпорейшн” компанияси иштирокидаги қўшма корхоналар томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 2-бандида “Пахта банк” “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” давлат-кооператив кўмитаси корхоналарининг 1080 млн сўм миқдоридagi дебиторлик қарзи бўйича ўз маблағлари ҳисобига факторинг операцияларини амалга оширсин, маблағларни “Кейс – 2022” пахта териш машиналари учун ҳақ тўлашга йўналтирсин, кейинчалик “Пахта-банк”ка қарзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 2-кارتотсека ҳолатидан қатъи назар, пахта хом ашёси, дон, шоли учун аванс ва ҳисоб-китоб қилишга траншлар бўйича йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан тўлансин” деб белгиланган.

Ўқоридagi мисолимиздан кўриниб турибдики, молия ташкилоти саналган Фактор – “Пахта банк” (ҳозирги “Қишлоқ қурилиш банки”) “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” давлат-кооператив кўмитаси корхоналари (мижоз)га “Кейс – 2022” пахта териш машиналари сотиб олиш учун корхонанинг 1080 млн. сўм миқдоридagi дебиторлик қарзини ёпмоқда. Фактор ҳисобланган “Пахта банк”ка эса қарзлар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан тўланиши кўрсатилган. Бу ерда харидор а давлат ҳисобланиб, Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси унинг номидан ҳаракат қилиши белгиланган.

**Факторингга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормалар**

Халқаро савдо муносабатларида факторингдан кенг фойдаланилиши ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор ҳужжатларнинг вужудга келтирилишига сабаб бўлди ва уларни унификациялаш заруратини туғдирди. Факторингга оид фаолият асосан халқаро хусусиятга эга эканлиги ва унинг тартибга солинишини унификациялаш зарурати натижасида 1988 йилда Оттавада дипломатик конференция чақирилди. Унда “Халқаро факторинг тўғрисида”ги ва “Халқаро молиявий лизинг тўғрисида”ги конвенциялар лойиҳаси кўриб чиқилди.

### Ёдда тутинг!

Оттавада 1988 йил 28 майда дипломатик конференциянинг якуний ҳужжатларидан бири имзоланган “Халқаро факторинг тўғрисида”ги конвенция қабул қилинди. Бу лойиҳаларни Хусусий ҳуқуқни унификациялаш халқаро институти (УНИДРУА) тайёрлаган эди.

Халқаро савдо соҳасида яхшигина тажрибага эга бўлган аксарият мамлакатларнинг миллий қонунларида факторингга оид нормалар назарда тутилмаган эди ва шу сабабли конвенция ушбу масалада миллий қонунларнинг яратилиши ва ривожлантирилиши учун ягона, андоза сифатида келтирилиши мумкин бўлган ҳужжат сифатида тан олинди. Сабаби мазкур конвенция қабул қилинганидан сўнг бир қатор давлатлар ўз миллий қонунчилиги тизимида факторинг ҳақидаги қоидаларни киритди.

### Ёдда тутинг!

**Факторинг шартномаси** деганда, маҳсулот етказиб берувчи билан фактор ўртасида тузиладиган шундай шартнома тушуниладики, унга кўра:

1) маҳсулот етказиб берувчи ўз миқдорлари билан тузилган олди-сотди шартномалари юзасидан дебиторлик қарзларини тўплаш (олиш) ҳуқуқини факторга топширади ёки топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда ушбу шартномага кўра, *шахсий, оилавий ёки уй-рузгор эҳтиёжлари учун сотиб олинган мол-мулклар* шартнома предмети бўла олмайди;

2) фактор қуйида кўрсатилган функциялардан ҳеч бўлмаганда иккитасини бажариши лозим:

– маҳсулот етказиб берувчини молиявий таъминлаш, шу жумладан ссуда бериш ёки маҳсулоти учун олдиндан ҳақ тўлаш орқали молиялаш;

– дебиторлик қарзларини олиш билан боғлиқ ҳисоб (бухгалтерия ҳисоб-китоблари) олиб бориш;

– дебиторлик қарзларини ундириш;

– дебиторларнинг қарзни тўламаслигидан ҳимояланиш;

3) дебиторлар маҳсулот етказиб берувчи шахс юборган дебиторлик қарзларини талаб қилиб олиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномани олган бўлишлари лозим деб белгиланган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, “халқаро факторинг” тушунчаси 1988 йил 28 майда Оттавада (Канада) қабул қилинган “Халқаро факторинг тўғрисида”ги УНИДРУА конвенциясини 14 та давлат имзолаган. Уни Италия, Нигерия, Франция ратификация қилганидан сўнг 1995 йилда кучга кирди.

Факторингга оид боб МДХ давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тасдиқлаган Намунавий (модель) фуқаролик кодексида ҳам назарда тутилганлигини эътиборга олиб, айтиш мумкинки, МДХга аъзо бўлган бошқа давлатлар қонунчилигида (хусусан, бу вазифа Қозоғистон қонунчилигида амалга оширилди) ҳам ушбу муносабатларга бағишланган нормалар назарда тутилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳам айнан факторинг термини қўлланилмас да, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ифодаланган алоҳида бобда ушбу муносабатларни тартибга солиш қайд қилинган.

Ушбу Конвенция нормаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, конференция доираси фақатгина унда қатнашувчи давлатлар субъектларига нисбатан амалда бўлади. Унинг қўлланилиши истисно этилиши учун факторинг битими томонлари шартномада бу ҳақда махсус кўрсатиб қўйган бўлсалар ёки асосий олди-сотди шартномаси томонлари дебиторлик қарзлари масаласига Конвенция қўлланилмаслиги ҳақида келишиб олган бўлишлари лозим (бунда Конвенциянинг у ёки бу қоидаларини қўлламаслик ҳақида келишув тузилишига йўл қўйилмайди, яъни у ё тўлик қўлланилиши ё тўлик қўлланилмаслиги тўғрисида келишув тузилиши мумкин).

Яна бир алоҳида хусусияти шундан иборатки, Конвенциянинг 17-моддасига кўра, конвенцияга аъзо икки давлат субъектлари ўзаро муносабатларда ушбу конвенцияни татбиқ этмаслик масаласини ҳам келишиб олишлари мумкин. Бунда икки давлат – конвенция аъзоси ва бошқа субъектлар ўзаро келишиб, факторинг мажбуриятлари миллий қонунчилик билан тартибга солинадиган ҳолларда махсулот етказиб берувчи, фактор ёки қарздор ушбу давлатлардан бирининг ҳудудида жойлашган бўлса, Конвенция қоидалари қўлланилмаслигини белгилаб оладилар.

Олимлар факторинг операцияларини амалга ошириш жараёнида халқаро савдо муносабатларига киришаётган асосий субъектлар, яъни сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартномада тўловни қабул қилиши назарда тутилаётган агент-факторни ушбу шартномада очик

кўрсатиш ёки кўрсатмаслик шартларидан келиб чикиб, “очик факторинг” ва “яширин факторинг” тушунчаларини бир-биридан фарклашга уринадилар.

Улар қуйидагича:

**Очик факторинг** (ингл. “open factoring”, “conventional factoring”, “disclosed factoring”, нем. “offene factoring”, “stilless-verdckes-factoring”) деганда, одатда маҳсулот етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи, ишни бажарувчи томон (етказиб берувчи) товар сотилиши (иш бажарилиши, хизмат кўрсатилиши)дан олинadиган пулни талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга (факторга) ўтказган ҳолда харидор (буюртмачи) билан тузилган битимда учинчи томон (иштирокчи) бўлиб киритилган, акс эттирилган шартнома назарда тутилади. Унга кўра харидор олган маҳсулоти учун пулни келажакда сотувчига эмас, балки у кўрсатган учинчи шахсга тўлаши лозимлиги назарда тутилади.

**Яширин (махфий) факторинг** (ингл. “confidential factoring”)да эса очик факторингдан қарама-қарши ўлароқ, бу ҳақида қарздор (маҳсулот олувчи) умуман хабардор қилинмайди. Фактор маҳсулот етказиб берувчининг талаби бўйича ҳақ тўлайди ва шартнома муносабатларида мол етказиб берувчининг номидан иштирок этаверади. Фактор қарзни қарздордан ундиришда маҳсулот етказиб берувчининг топшириғи бўйича ва унинг номидан ҳаракат қилади.

Халқаро амалиётда товар учун пулни бевосита маҳсулот етказиб берувчини молиялаштириш, факторинг шартномаси мавжудлигининг ўзи учинчи шахслардан сир сақланадиган муносабатлар ҳам яширин факторинг деб юритилади.

Яширин факторинг муносабатлари, аслида, маҳсулот етказиб берувчи билан фактор ўртасидаги ички алоқалардир. Яширин факторингда фақат келгусидаги пул тушумларига нисбатан иқтисодий ҳуқуққина ўтказилиши ҳамда юридик талаб қилиш ҳуқуқи маҳсулот етказиб берувчининг ўзида сақланиб қолиши туфайли бундай факторинг шартномасини агентлик (топширик) шартномаси ва қондага кўра, қарз шартномаси (мол етказиб берувчини фактор молиялаштириши туфайли) элементларини ўзида мужассамлаштирувчи шартнома сифатида баҳолаш мумкин. Фактор маҳсулот етказиб берувчига қўшимча бошқа хизматлар ҳам кўрсатган тақдирда эса у ўзида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси белгиларини ҳам акс эттиради.

Англо-америка ҳуқуқ тизимида яширин факторинг кўпинча траст сифатида, яъни олиними лозим бўлган тўловга нисбатан ишончли мулкдор (trustee) сифатида, фактор-бенефициарнинг ишончли шахси сифатида квалификацияланади.

Яширин факторинг кўпинча факторнинг мажбурият муносабатларида ошқора иштирок этиши мол етказиб берувчининг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади.

Яширин факторингдан фарқли ўларок ошқора факторингда маҳсулот етказиб берувчи ўзи етказиб берган маҳсулоти учун пул тўловлари талаб қилиш ҳуқуқини юридик жиҳатдан факторга ўтказди ва оқибатда фактор харидор билан тузилган шартнома бўйича кредиторга айланади. Молни лозим даражада етказиб бериш ҳуқуқи эса уни етказиб берувчининг зиммасида қолаверади.

Ошқора факторинг битимида фактор қатнашаётганлиги ҳақидаги хабарни мол етказиб берувчи ҳам, бевосита факторнинг ўзи ҳам харидорга етказиши мумкин. Жуда кўп ҳолларда юклаб жўнатиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шунингдек ҳисоб-китоб тақдим этилиши пайтида тўлов факторга нисбатан амалга оширилиши лозимлиги кўрсатиб қўйилади. Шунингдек, кўп ҳолларда фақат факторга пул тўланишигина мажбуриятни лозим даражада бажариш ҳисобланиши махсус қайд этилади.

Ошқора факторинг факторнинг манфаатлардан келиб чиқиб қарздорнинг мол етказувчи олдидаги мажбуриятини бажармай қолишдан энг кўп ҳимоя қилади. Шу билан бирга, кўпчилик субъектлар ошқора факторинга салбий муносабатда бўладилар, чунки тўловни бошқа шахсга нисбатан бажариш лозимлиги тўғрисида қарздорга юборилган хабар кўпинча маҳсулот етказиб берувчи молиявий жиҳатдан барқарор эмас деган фикрга олиб келиши ва унга нисбатан контрагентларнинг эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Ошқора факторинг маҳсулот етказиб берувчини молиявий таъминлашдан ташқари (яширин факторингдаги сингари) факторнинг мол етказиб берувчига муайян хизматлар кўрсатишини ҳам назарда тутиши мумкин.



### **Ёдда тутинг!**

**Ярим ошкора факторинг** (halboffenes factoring) ошкора факторинг кўринишларидан бири бўлиб, унга кўра шартнома тузиш пайтида мол етказиб берувчи харидорни факторинг шартномаси тузилганидан хабардор қилмайди, аммо пул тўлашга ҳисоб тақдим этаётганида бу шартнома ҳақида, пул тўланиши лозим бўлган ҳисобварағи туғрисида харидорни хабардо қилади.

Ўзи ҳисоб-варағига эга бўлган банк томонидан ярим ошкора факторинг маҳсулот етказиб берувчи контокоррент ҳисоб орқали кредит бериши йўли билан молиявий таъминланади, яъни фактор сифатида банк қатнашадиган муносабатлардан иборат бўлади.

Юқорида баён этилганлар факторинг шартномаси ўзида бир неча турдаги мажбуриятларни жамловчи мураккаб шартнома эканлигидан далолат беради. Масалан, ошкора факторингда кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши, факторни эса маҳсулот ҳақини олдиндан тўлаб қўйиш мажбуриятидан ташқари факторнинг кредиторга муайян хизматлар кўрсатиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш).

### **Ёдда тутинг!**

Халқаро факторингта оид операцияларда уч томон – мол етказувчи, фактор, қарздор иштирок этса да, шартнома икки томонлама ҳисобланади ва унда фақат маҳсулот етказиб берувчи ва фактор иштирок этади, холос. Қарздор бу операцияда иштирок этса да, шартномада қатнашмайди ва унинг мазмунига таъсир эта олмайди. Бу ҳол қарздорнинг пулни кимга тўлаши аҳамиятсизлиги (чунки талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишга оид мажбурият қарздорга нисбатан шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги) билан изоҳланиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар асосида халқаро факторингнинг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини қайд этиш мумкин:

- халқаро факторинг шартномаси тадбиркорлик битими бўлиб, унинг томонлари сифатида қоидага кўра фақат тижоратчилар (тадбиркорлар), шу жумладан тижоратчи ташкилотлар қатнашадилар;
- тадбиркорлик хусусиятига эга эканлиги туфайли у ҳар доим ҳақ эвазига тузилади;

– товар етказиб берувчи томонидан шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида фактор харидор олдида жавобгар ҳисобланмайди;

– халқаро факторинг шартномаси мураккаб шартномалардан ҳисобланади ва ўз ичига қарз шартномаси (яширин факторинг), агентлик, топшириқ шартномаси, талабни ўтказиш – цессия шартномаси, топшириқ шартномаси (яширин факторингда), пулли хизмат кўрсатиш шартномасига хос бўлган хусусиятларни мужассамлаштиради;

– факторинг шартномасининг халқаро-ҳуқуқий табиати маҳсулот етказиб берувчи ва фактор турли давлатлар ҳудудида жанликлари билан белгиланади. Баъзан эса товар етказиб берувчи ва фактор битта давлатда бўлиб, харидор бошқа давлатга мансуб бўлса ҳам, факторинг халқаро шартнома сифатида эътироф этилади.

Халқаро факторинг шартномаси, ошқора ва яширин факторингга бўлинишидан ташқари яна қуйидаги белгиларига кўра ҳам туркумларга ажратилиши мумкин:

- *жавобгарлик шартларига кўра;*
- *пул талабларининг ўтказилиш ҳажмига кўра;*
- *тўловни амалга ошириш ҳуқуқига кўра;*
- *халқаро факторинг битимининг амалга оширилиш хусусиятига кўра.*

**Жавобгарлик шартларига кўра** факторинг шартномаси маҳсулот етказиб берувчи кафолатлайдиган факторинг ва кафолатламайдиган факторингга бўлинади.

Маҳсулот етказиб берувчи кафолатлайдиган факторинг (баъзан уни “**регресс ҳуқуқли факторинг**”, росмана бўлмаган факторинг деб ҳам аташади; поляк тилида – *niewlasciwy factoring*, инглиз тилида эса *factoring on a recourse basis*). Унга кўра шартномада кўрсатилган муддат ичида қарздор олинган товар учун пул тўловини амалга оширмаса, фактор тўланмасдан қолган пул суммаси доирасида мол етказиб берувчига нисбатан талаб билдириши мумкин бўлади. Яъни факторинг шартномасида маҳсулот етказиб берувчи қарздор фактор фойдасига воз кечган мажбурият бўйича пул тўловларининг амалга оширилишини кафолатлайди ёки кафиллик беради (миллий ҳуқуқий тизим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда). Маҳсулот етказиб берувчи ўз зиммасига олган кафолат ёки кафиллик аниқ-равшан ва бевосита ифодаланган бўлмоғи лозим. Масалан, агар маҳсулот етказиб берувчи қарздор тўлов қобилиятига эга бўлишини кафолатлаши ҳақида ваъда берса, бу ҳали кафолат ҳисобланмайди.

Маҳсулот етказиб берувчининг кафолатсиз факторингта кўра баъзан уни ҳақиқий факторинг ёки “регресс ҳуқуқсиз факторинг” деб юритишади (полякча – *własciwy factoring*, инглизча – *factoring on a non-recourse basis*). Бунда қарздорнинг пул талабларини бажармаслик хатари батамом факторнинг зиммасида бўлади.

Шу билан бирга, фактор биринчи ҳолда ҳам (кафолатланган факторинг), иккинчи ҳолда ҳам (кафолатланмаган факторинг) ўтказилган<sup>22</sup> талаб ҳақиқий бўлиб чиқмаса, маҳсулот етказиб берувчига нисбатан тўланган пулни қайтариш, етказилган зарарни коплаш тўғрисида талаб билдириши мумкин бўлади.

Пул талабларининг ўтказилиш ҳажмига кўра факультатив ва тўлиқ факторинг фарқланади.

#### **Ёдда тутинг!**

**Факультатив факторингга кўра** (ингл. *facultative factoring* – мутлак ҳуқуқларсиз факторинг) маҳсулот етказиб берувчи фақат ўзаро шартномага кўра аниқлаб олинadиган аниқ бир талабдангина фактор фойдасига воз кечади.

**Тўлиқ факторингда эса** (ингл. *whole turnover factoring* – мутлак ҳуқуқлар берилган ҳолдаги факторинг) маҳсулот етказиб берувчи шартномада махсус кўрсатилганидан бошқа барча талаблардан фактор фойдасига воз кечади. Бунда тўлиқ факторинг (мутлак ҳуқуқларга эга факторинг) муайян ҳудуддаги барча субъектларга ёхуд муайян субъектлар гуруҳига ёки талабларнинг муайян гуруҳига нисбатан қўлланилиши мумкин.

**Халқаро факторинг битимларининг амалга ошиш хусусиятига кўра**, бевосита факторинг ва билвосита факторинг ўзаро фарқланади.

**Бевосита факторингда** (ингл. *direct factoring*) фақат битта фактор мавжуд бўлиб, унинг ўзи маҳсулот етказиб берувчи экспортчи олддаги мажбуриятларни ҳам ўзи бажаради, импортчи қарздорга ҳам юборилган маҳсулот учун ҳақ тўлашни ўзи талаб қилади.

**Тўловни амалга ошириш ҳуқуқига кўра**, ўтказилган талаб бўйича қарздордан олинadиган пул тўловининг ҳаммасига ёки талаб қилиб олинadиган сумманинг фақат бир қисмига ҳуқуқ пайдо бўладиган факторинг шартномалари фарқланади.

<sup>22</sup> Ушбу бобда “талаб юлиш ҳуқуқини ўтказиш” – бу ҳуқуқдан воз кечиш дейилганда, нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий (амалдаги) маънода мулкни ҳуқуқларини ўтказилиши тушунилади. Фақат муносабатларнинг ҳуқуқий табиатидан бошқача хулоса қилмаса, ушбу таъриф ўрилни саналади.

Воз кечилган талаб бўйича қарздордан олинган барча суммага факторда ҳуқуқ бўладиган факторингга кўра фактор қарздордан олинган барча суммага, агарда бу сумма унинг мол етказиб берувчига тўлаган суммасидан кўп бўлса ҳам, эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Кўпчилик факторинг шартномаларида айнан ушбу шаклдан фойдаланилади.

Ўтказилган талаб бўйича қарздор тўлаган сумманинг фақат муайян қисмига факторда ҳуқуқи пайдо бўладиган факторингда эса фактор ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган факторинг шартномасида назарда тутилганидан ортиқча суммани фактор мол етказиб берувчига қайтариши лозим бўлади. Одатда бундай ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи қарздор мажбуриятни бажармай қолиши хатарини ўз зиммасига олади.

Тўғри факторинг ўз навбатида тўғри импорт факторингга ва тўғри экспорт факторингга бўлинади.

#### Ёдда тутинг!

**Тўғри импорт факторингнинг** (ингл. direct import factoring) моҳияти шундаки, маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган маҳсулот учун олинadиган пулни талаб қилиш ҳуқуқини импортчи жойлашган мамлакатдаги факторга ўтказилади.

**Тўғри экспорт факторингида** эса (ингл. direct export factoring) маҳсулот етказиб берувчи ўзи жойлашган мамлакатдаги факторга товар учун пулни қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини ўтказилади.

Эгри (билвосита) факторингда (ингл. indirect factoring) ёки икки системали факторингда (ингл. two factors system, нем. zweifactorsystem) маҳсулот етказиб берувчи экспортчи жойлашган мамлакатдаги фактор, қарздор – импортчи жойлашган мамлакатдаги бошқа фактор билан субфакторинг шартномасини тузади, яъни қарздор олган товари учун ўз мамлакатидagi факторга пул тўловини амалга оширади, бу фактор (субфактор) эса, ўз навбатида, қарздордан олган суммани мол етказиб берувчи мамлакатидagi факторга тўлайди.

Бунда субфакторинг шартномаси тузилишига факторинг шартномасида йўл қўйилган бўлса ва фактор мол етказиб берувчидан олган талаб қилиш ҳуқуқининг субфакторга ўтказилишига рози бўлса, руҳсат этилади ("Халқаро факторинг тўғрисида"ги Оттава конвенциясининг 11, 12-моддалари).

Халқаро савдо амалиётида факторингнинг бошқа турлари, масалан, метафакторинг (полякча – “meta-factoring”) ҳам назарда тутилади. Халқаро факторингнинг мазкур туридан ўз банкига эга бўлган мол отказиб берувчи турли сабабларга кўра фактор сифатида қатнашишни истамаган ҳолда ўзи билан доимий ҳамкорлик қилувчи факторинг ташкилоти билан факторинг шартномаси тузади. Бу ҳолда банк ва фактор ўртасида шартнома тузилади ва унга кўра банк факторга факторинг битимини молиявий таъминлаш учун пул маблағларини беради, қарздорнинг пул тўламай қолиш хатари фактор ва банк ўртасида тақсимланади.

### Халқаро франчайзинг ва унинг умумий тавсифи

#### Ёдда тутинг!

“Франшизинг” термини французчадан келиб чиққан бўлиб, “франшиза”, “франчайзинг” (фр. “franchise”) – имтиёз, афзаллик бериш, деган маънони англатади. Мазкур сўз асли келиб чиқиши инглизча бўлмаса ҳам, франшизинг муносабатлари Европа давлатларида эмас, балки АҚШда пайдо бўлган.

АҚШ ҳукукида “франшиза”, “франчайзинг” термини нафақат тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун фойдаланилади, балки турли хил муносабатларни тавсифлаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, “спорт франшизаси” муайян ҳудудда спорт командаси тузишга рухсат берган лиганинг ҳомийлигида бундай командани тузиш учун берилган рухсатномадир. “Сайлов франшизаси” АҚШ Конституциясининг 15, 19 ва 24 – тузатишлари билан кафолатланган овоз беришда иштирок этиш ҳукукидир. Шу билан бирга, корпорация устави ҳам “франшиза” – “бош (умумий) франшиза” деб талқин этилади, айти пайтда “маҳсус франшиза” жамият мулкидан жамият учун фойдали мақсадларда ва шахсий даромад олиш мақсадларида фойдаланишга доир ҳар қандай ҳукукни ўз ичига олади.

Биз томонимиздан ўрганиладиган франшиза фақат тадбиркорликдан келиб чиқишини қайд этиш лозим. АҚШ қонунларига биноан тадбиркорлик франшизинги деганда, “франчайзер ва франчайзи ўртасидаги давом этаётган ҳамда нафақат маҳсулот, хизматлар ва савдо маркасини, балки бир қатор ишбилармонлик муносабатлари, яъни маркетинг стратегияси ва режаси, ходимлар учун йўриқнома ва ишлаб чиқариш стандартлари, сифат назорати ва доимий икки томонлама ахборот алмашинувини ўз ичига олувчи ишга оид муносабатлар” тушунилади.

### Ёда гутинг!

Франшизинг ва франчайзинг атамалари аслида синоним атамалар ҳисобланади. Лекин франшиза ва франчайзинг атамалари ўзаро фаркланади.

### Ёда гутинг!

Фукаролик қонунчилигига кўра тадбиркорлик франшизинги – бу бир шахс (франчайзер) иккинчи шахс (франчайзи)га франчайзер фаолиятига ўхшаш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун кўрикланишга қодир (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва бошқ.) ҳамда кўрикланишга қодир бўлмаган (иш тажрибаси ва бошқ.) мулкӣ ҳуқуқлар ва фукаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари (тижорат маълумотлари ва бошқ.) берадиган муносабатлар

### Франшизингни вужудга келиш тарихи

Франшизинг тадбиркорлик муносабатларининг махсус тури сифатида АҚШда XIX асрда юзага келган, бироқ Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида фақат 1950 йиллардан кейингина кенг тарқала бошлаган. Ушбу шартнома омалашганлигининг сабаби шундаки, ундан фойдаланиш, бир томондан, франчайзернинг илгари у камраб олмаган ҳудудлардаги бозорларда унинг таъсир доирасини кенгайтиришга ёрдам берса, бошқа томондан эса франчайзига бозорнинг ушбу соҳасида маълум бўлиб улгурган шахс номидан янги турдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имконини беради. Кўпинча франчайзер орқали бозорларни айниқса, хорижий давлатлардаги бозорларни ўзлаштириш савдо ваколатхоналари шаклини қўллашга нисбатан фойдалилиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда франшизингдан жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатаида кенг фойдаланилади. АҚШда чакана савдо-сотик ҳажмининг учдан бир қисми франшизинг тармоқлари орқали амалга оширилади. Австралияда франшизинг тез овқатланиш тармоғида кўрсатиладиган хизматлар умумий ҳажмининг 90 % ташкил қилади. Бироқ бир қанча давлатлардагина франшизинг қовун даражасида тартибга солинган. Чунончи, Россиянинг Фукаролик қоллексида “Тижорат концессияси” деган алоҳида боб бўлиб, муносабатларнинг маъносига кўра франшизингга яқин туради.

АҚШ федерал қонунларида ҳам франшизингни тартибга солувчи бир қанча ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Савдо бўйича

федерал комиссия франшизинг ва қўшма талбиркорлик фаолиятига доир қоидаларни ишлаб чиққан. Ушбу қоидалар франшизингнинг баъзи турларига нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, АҚШдаги бир қатор штатларнинг қонунларида франшизинг битимларини қайд этишга оид мажбурий талаб мавжуд. Аммо бошқа миллий-ҳуқуқий тизимларда франшизинг муносабатларининг қонун билан тартибга солилмаганлиги ушбу давлатларда ҳам шартномаларнинг мазкур турларини кенг қўллашга ҳалакит бермайди.

Франшизинг халқаро савдода ҳам кенг қўлланилади. Масалан, McDonald's, Holiday Inn, Yves Rocher ва бошқа халқаро франшизинг тармоқлари бутун дунёда машҳур.

### **Франшизингни миллий ва халқаро ҳуқуқий тартибга солиш**

Халқаро франшизинг сўнги йилларда кенг тарқалаётган бўлсада, ушбу муносабатларни универсал халқаро тартибга солинишига олиб келмади. Шу сабабли халқаро франшизинг шартномасининг тарафлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда одатда саноат ва муаллифлик ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро конвенцияларга таяниб келишади.

#### **Маълумот учун:**

1883 йилда қабул қилинган “Саноат мулкани кўриклаш тўғрисида”ги Париж конвенцияси ва унинг протоколларига мувофиқ саноат ҳуқуқлари ҳимоя қилинса, 1952 йилда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи бўйича бутунжаҳон (Женева) конвенцияси”, 1886 йилда қабул қилинган Бёрн конвенцияси ва бошқа мазкур соҳадаги халқаро шартномалар орқали эса муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Халқаро франшизинг шартномаси бўйича муносабатлар асосан тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартлари, шунингдек франчайзер ва франчайзи мансуб бўлган давлатнинг миллий қонунлари билан тартибга солинади.

Франчайзинг шартномасига миллий қонунларни қўллашга доир умумий қоидалардан ташқари, деярли ҳар доим франчайзи мансуб бўлган давлатнинг монополистик фаолиятга қаршилик кўрсатишни ва рақобатни ривожлантиришни тартибга солувчи ёхуд франшизинг шартномасини рўйхатга олиш тартибини белгиловчи қонунлари таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 50-боби комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) деб номланиб, у ўз ичига бир тараф (комплекс лицензиар) иккинчи тараф (комплекс лицензиат)га ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда кўрикланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлак ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятдан фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлак ҳуқуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини қамраб олади.

### Ёзда тутинг:

Амалдаги ушбу Фуқаролик кодексининг мазмунидан кўриниб турибдики комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) бўйича тақдим этиладиган мутлак ҳуқуқлар комплекси ўз ичига нафақат фирма номи ва кўрикланадиган тижорат ахборотини қамраб олади, балки ушбу шартнома доирасида товар белгиси, ихтиролар, фойдали модель, саноат намунаси, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқаларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Шу боис ушбу шартномани тартибга солиш масалалари Фуқаролик кодексидан ташқари 2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни, 2006 йил 15 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақидаги Қонуни, 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ҳам амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг юқоридаги нормаларида кўрсатиб ўтилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига кўра тақдим этиладиган объектлар рўйхати очик характерга эга. Яъни қонун чиқарувчи томонидан комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ўтказилиши мумкин бўлган мутлак ҳуқуқлар доираси кенг бўлиб, мутлак ҳуқуқлар таркибига кирувчи турли объектлар бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Бошқа шахсга



Ўтказиладиган мулкӣ ҳуқуқлар шартнома предмети ҳисобланади. Бирок, шунӣ таъкидлаб ўтиш керакки, шартномани тузишда лицензиарнинг “ишбилармонлик обрў-эътибори”, “ташкилотнинг орттирган бой тажрибаси”, “хизмат сирлари” каби омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади<sup>33</sup>.

Франшизинг шартномасига доир муносабатларни халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган ҳужжатларга Халқаро франшиза уюшмасининг тавсияларини шунингдек, бу борада қабул қилинган минтақавий ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

#### **Маълумот учун:**

Халқаро франшиза уюшмаси франчайзернинг франчайзига таъсир кўрсатиш чегараларини белгиловчи ахлоқ кодексини ишлаб чиққан бўлса, минтақавий ҳужжатлар доираси Европа ҳамжамияти доирасидаги қабул қилинган ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Европа минтақаси узоқ вақт мобайнида франшизинг муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан махсус тартибга солмай келди. 1986 йилда Европа Адолат Суди томонидан франшизинг шартномасининг ҳақиқийлиги тўғрисидаги биринчи қарор чиқарилди ва уни Европа ҳуқуқи учун зид эмас деб эълон қилинган.

Ушбу масала “Европа иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида”ги Рим шартномасининг 85-моддасига биноан сотув ёки харид нархларини ёхуд бошқа савдо шартларини бевосита ёки билвосита белгиловчи, ишлаб чиқариш, бозор, техник ривожланиш ёки инвестицияларни чекловчи ёки назорат қилувчи бозор ёки хом ашё манбаларини бўлувчи ҳар қандай битимлар ҳақиқий эмас деб тан олинади, рақобатни чеклашни тақиқланади.

Шу билан бирга, ушбу модданинг учинчи қисмида Европа ҳамжамияти комиссиясига бундай битимлар натижасида фойдаланувчиларнинг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилса ёки товар сотиши яхшиланишига олиб келса ёхуд техникавий ёки иқтисодий тараққиётга ёрдам берса истисно ҳолатларига йўл қўйилишини қайд этилади.

Ушбу модда мазмуни юзасидан юзага келган ҳолатни амалиётда юз берган масала орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. Профессинал (малакали) шарҳлар. 3-жилд. – Т.: Vektor-Press, 2010. – Б. 816.

## Масалан:

"Pronuptia de Paris GmbH v. Pronuptia de Paris Irmgard Schillgallis" (1986) иши Европа Адолат Судида франчайзи франчайзерга пул тулашдан бош тортганлиги муносабати билан кўриб чиқилади. Pronuptia фирмасининг тўй либослари ГФРда франчайзер дўконларининг тармоғи орқали, шунингдек франшизинг шартномаси асосида фаолият кўрсатувчи мустақил савдо ташкилотлари орқали сотиларди. Франчайзи (Pronuptia de Paris Irmgard Schillgallis) учта худудда – Гамбург, Олденбург ва Гоноверда савдо қилиш учун рухсат олган. Франчайзер франчайзига "Pronuptia de Paris" савдо маркасидан мазкур худудларда фойдаланиш бўйича эксклюзив ҳуқуқ берган ва ушбу худудларда худди шундай дўконлар очмаслик мажбуриятини олган. Франчайзер, шунингдек франчайзининг тадбиркорлик стратегиясини ишлаб чиқишда ва дўконларнинг фойдасини оширишда кўмаклашиш мажбуриятини олган.

Франчайзи мустақил савдо воситачиси сифатида барча хавфларни ва товарларни фақат шартномада кўрсатилган дўконлар тармоғи орқали сотиш, бир йиллик сотув ҳажмининг 10 % миқдорида роялти тулаш, рекламани фақат франчайзер билан қилишилган усулга ва франшизининг тегишли халқаро обрўсига мувофиқ амалга ошириш, франшизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бир йил давомида франчайзер билан бевосита ёки билвосита рақобатга киришмаслик, шартномада белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсларга бериш учун франчайзернинг розилигини олиш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Суд қарори франшизинг шартномаси Рим шартномасининг 85-моддасига мувофиқ қилиш-қелмаслиги масаласи атрофида эди. Ушбу ҳолатда суд дастлаб дистрибуторлик сотув франшизининг билан ишлаб чиқариш ва сервис франшизининг ўртасидаги фарқни аниқлади.

Суд кўриб чиқилгандан франшизинг шартномаси рақобатини чекламайди, бинобарин, шартноманинг франшизинг амал қилишини таъминловчи нормалари Европа ҳамжамиятининг қонунларига зид эмас, деган хулосага келди. Масалан, франчайзер мазкур ноу-хау ва ёрдам франчайзернинг рақобатчиларига маълум бўлмаслиги қораларини кўриб, ноу-хаун бошқа шахсларга бериши ва унинг усулини қўллашда франчайзига ёрдам бериши мумкин. Франчайзи (франчайзерга) шартноманинг амал қилиш даврида ски ушбу муддат тугаганидан сўнг оқилона давр мобайнида франшизинг тармоғининг бошқа аъзолари билан рақобатга киришиб қолиши мумкин бўлган худудда худди шундай ёки ўхшаш товарлар сотиладиган дўконлар очишни тақиқловчи худудий шартлар франшизининг ривожланиши учун зарур ва шу боис бунга йўл қўйиш мумкин.

Франшизининг лицензия олинган объектларни сотмаслик мажбуриятини олишига ҳам йўл қўйилади. Тузиладиган шартномага франшизинг тармоғининг айнанлигини ва обрўсини сақлаб қолишга доир истиснолар киритишга ҳам йўл қўйилади. Ушбу талаб шартномага франчайзига фақат франчайзер етказиб берган ёки у маъқуллаган манбалардан олинган товарларни сотиш мажбуриятини юқловчи қоидаларни киритишга имкон беради. Бунда ҳар бир франчайзининг бошқа франчайзилардан товар сотиб олишига рухсат этилиши керак.

Шу билан бирга, суд умумий бозорни франчайзер ва франчайзи ёки бир неча франчайзилар ўртасида тақсимлашга қаратилган шартноманинг нормаларини рақобатни чеклашга қаратилган ва Рим шартномасининг 85-моддасига зид ҳолат сифатида баҳолаган.

Европа Адолат Судининг “Prönuptia de Paris” иши бўйича қабул қилган қароридан сўнг Рим шартномаси 85-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ франшизинг шартномалари учун гуруҳий истисноларни берувчи ЕХ Комиссиясининг № 4087/88 директиваси қабул қилинди.

Мазкур директива фақат товарларнинг чакана савдоси ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги франшизинг шартномаларига нисбатан қўлланилади ҳамда франшизинг шартномасига киритилиши мумкин бўлган (ўзига хос “ок рўйхат”) чеклашлар рўйхати, шунингдек, йўл қўйиб бўлмайдиган чеклашлар рўйхати (“қора рўйхат”)га эгадир.

Ушбу чекловларнинг шартлари “Умумий Европа” давлатларида бажарилиши мажбурийдир, чунки директива қоидаларидан ҳар қандай четга чиқиш Рим шартномаси 85-моддасининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳар қандай битимнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги иккинчи қисми қўлланилишига олиб келиши мумкин.

4087/88-сонли директиваси ҳар бир франчайзидан, савдо маркасининг эгаси ким эканлигидан қатъи назар, ўзини алоҳида корхона деб билиши (идентификация қилиши)ни талаб этади. Бу франчайзернинг франчайзи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш чоғида йўл қўйган камчиликлар учун биргаликда ёки қўшимча равишда жавобгар бўлмаслигига имкон беради.

4087/88-сонли директиваси франшизани савдо маркази, савдо номи, белгиси, фойдали моделлар, дизайн, муаллифлик ҳуқуқлари, ноу-хау ёки товарларни олиб сотиш ёхуд истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун олинadиган патентларга доир саноат ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар мажмуи сифатида таърифлайди. Франшизинг шартномаси франчайзер бевосита ёки билвосита ҳақ тўлаш эвазига франчайзига муайян турдаги товарлар ва (ёки) хизматлар бозорида франшизадан фойдаланиш ҳуқуқини беришига асос бўладиган шартнома сифатида таърифланади. Мастер-франшизинг шартномаси франшизадан учинчи шахслар билан франшизинг шартномаси тузиш орқали фойдаланиш ҳуқуқи деб тушунилади.

4087/88-сонли Директивасининг 1-моддаси ЕХ доирасида франшизинг шартномаларида рақобатни қуйидагича чеклашга руҳсат беради:

– франчайзининг айрим ҳудудий ҳуқуқларга, жумладан, франчайзернинг товарларни учинчи шахсларга сотмаслик ёки ушбу ҳудуддаги бошқа франчайзиларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятига эга бўлиш имконияти;

– франчайзининг фаолиятини шартномада белгиланган хона (бино)ларда худудий чеклаш (франчайзининг ўхшаш хона (бино)ларга кўчиш ҳуқуқини чеклаган ҳолда);

– франчайзини шартномада белгиланган худуддан ташқарида учинчи шахслар билан мастер-франшизинг шартномалари тузишини тақиқлаш;

– франчайзининг франчайзер билан келишилган худуддан ташқарида истеъмолчиларни фаол излашини ёки бопқа франчайзилар ёхуд франчайзер билан рақобатга киришишини чеклаш;

– франчайзининг франчайзер ҳамда бошқа франчайзилар билан рақобатга киришадиган товарларни ишлаб чиқариши, сотиши ёки улардан фойдаланишини чеклаш (эҳтиёт қисмлари ва қўшимча буюмлар бундан мустасно), шунингдек франчайзернинг рақобатчиларга инвестиция киритишини чеклаш.

4087/88-сонли Директиваси франчайзерга зарур даражада франчайзидан ўз саноат ва интеллектуал мулкани ҳимоя қилишини, шунингдек умумий франшизинг тармоғининг айнанлиги ва обрўсига рия этишни талаб қилишга рухсат беради. Франчайзернинг талаблари франчайзининг сифати бўйича франчайзер белгилаб берадиган объектив талабларнинг муайян минимумига жавоб берувчи товарларни сотиш ёки улардан фойдаланиш ёхуд агар сифатнинг ҳолисона хусусиятларини белгилаш имкони бўлмаса, франчайзер танлаган учинчи шахсларнинг товарларини сотиш мажбуриятини ҳам камраб олиши мумкин.

Франчайзи франчайзернинг дистрибьюторлик тармоғи доирасида фақат истеъмолчиларга, бошқа франчайзиларга ва (ёки) бошқа шахсларга товарларни сотиши, муайян сотиш “усулини” қўллаши ёки товарларнинг муайян минимумини тақлиф этиши шарт.

Бугунги кунда франшизингни халқаро ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро унификацияланган қоидалар, яъни халқаро шартномалар бўлмасада, ушбу муносабатларни тартибга солиш жараёни икки йўналиш орқали амалга оширилмоқда:

1) миллий қонунчилик нормаларини шакллантириш. Қўпчилик давлатларда франшизингни мустақил шартнома сифатида тартибга солишга қаратилган нормалар мавжуд эмас. УНИДРУАнинг расмий сайтида хорижий давлатларнинг франшизингга оид қонун ҳужжатларининг таҳлилига бағишланган маълумотларни олиш мумкин.

2) турли ташкилотлар томонидан одатлар, амалиётларнинг тўламлари ҳамда тавсияларни чоп этиш.

2000 йилда МТП томонидан чоп этилган Франшизингнинг намунали шартномасида қўлланиладиган ҳуқуққа нисбатан УНИДРУАнинг тамойилларига ҳаволалар мавжуд.

Умуман олганда, ушбу ҳужжат бирор-бир миллий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солишни эмас, балки шартноманинг умумий қоидалари ҳамда умум эътироф этилган халқаро савдо ҳуқуқининг тамойиллари билан тартибга солиниши лозимлиги презумпциясига асосланган.

Юқоридаги франшизингнинг намунали шартномаси халқаро дистрибьюторлик муносабатларига нисбатан мўлжалланган бўлиб, улар асосан франшизинг дистрибьюторлик келишувларини тузиш орқали амалга оширилиши кўзда тутилади. Бу каби қоидалар франшизимнинг бошқа кўринишларига, хусусан, саноат франшизингги, мастер-франшизингига нисбатан татбиқ қилинмайди.

**Юқоридаги МТПнинг франшизингнинг намунали шартномасидан ташқари қуйидаги ҳужжатларини қайд этиб ўтиш мумкин:**

– 1998 йилги УНИДРУАнинг халқаро франшизинг тармоқларини ташкил қилиш бўйича қўлланма (Guide to International Master Franchise Arrangements. UNIDROIT. Rome, 1998);

– 2002 йилги Франшизингга мувофиқ маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги намунавий қонун ва унга нисбатан УНИДРУАнинг шарҳи (UNIDROIT Model Franchise Disclosure Law. Rome, 2002);

– 1994 йилги Бутун жаҳон интеллектуал ташкилотининг франшизинг тўғрисидаги қўлланмаси;

– Халқаро франшизм ассоциациясининг IFA (International Franchise Association) тавсиялари. Халқаро франшизм ассоциацияси бугунги кунда мавжуд 70 дан ортиқ хўжалик соҳасида франшизм усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида тавсиялар беради. Улар каторига китоб савдо шохобчалари, қурилиш моллари, бухгалтерлик ҳисоботи, косметик товарлар, таълим, ишга жойлаштириш хизматлари, меҳмонхона хизматлари, риэлторлик фирмалари, туризм ва ҳордиқ чиқариш хизматлари ва бошқалар;

– франшизинг доирасидаги интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқларнинг халқаро муҳофазаси интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги халқаро келишувлар қоидаларига биноан амалга оширилади;

– бундан ташқари, франчайзи сотувда маълум даражага эришиши, товарларнинг муайян минимумини ишлаб чиқариши, франшизинг усулида франчайзер таклиф қилган ўзгаришларни инобатга олиши, мижозлик ва кафиллик хизматини кўрсатиши, франчайзернинг кафолатларига риоя этиши ва бошқа ишларни амалга ошириши шарт бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, франчайзининг бошқа франчайзилар ёки дистрибьюторлардан товарлар сотиб олиш, сотув баҳоларини белгилаш (баҳоларни франчайзер фақат тавсия этиши мумкин), учинчи шахслардан эҳтиёт қисмларни ва қўшимча буюмларни олиш, ўзи жойлашган ердаги келишилмаган истеъмолчиларга товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Франчайзер франчайзига ўзининг ноу-хаусини опкор қилмаслик ёки франшизадан фойдаланиш доирасидагина қўллаш мажбуриятини юклаши мумкин. Бирок ноу-хау ҳаммага маълум бўлиб улгурган ёки франчайзининг шартномани бузишидан бошқа сабаб туфайли ноу-хаудан фойдаланиш осон бўлиб қолган ҳоллар бундан мустасно. Франчайзи ходимлари ноу-хауни сир сақлашлари шарт. Франчайзи франчайзернинг рекламага оид талабларига риоя этиши ва амалга ошираётган рекламасида франчайзернинг маъқуллашига эришиши шарт.

Франчайзер франчайзига франшизанинг қисми бўлган саноат ва муаллифлик ҳуқуқларининг кадрини шубҳа остига олишини тақиқлай олмайди. Франчайзи у ёки бу ҳуқуқларнинг кадрига нисбатан шубҳа билдирса, франчайзер шартномани бекор қилишни талаб этиши мумкин. Франчайзер ўзининг франчайзи фаолиятини текшириш, бошқа биноларга кўчишни тақиқлаш ёки франшизинг шартномасини сотишга розилик бермаслик ҳуқуқларидан саноат ёки муаллифлик ҳуқуқларини химоя қилиш, франшизинг тармоғининг умумий айнанлиги ва обрўсига риоя этилишини ёки франчайзи шартнома шартларини қандай бажараётганлигини текширишдан бўлак мақсадларда фойдаланмаслиги керак.

### **Халқаро франчайзинг шартномаси. Халқаро франчайзинг объектлари**

Халқаро франшизинг шартномаси (франчайзинг) товарларнинг бозорга киритишнинг ўзига хос усулларидан бири бўлиб, шу боис ушбу шартномани кўпчилик агентлик шартномаси сифатида ҳам кўришади.

Унинг моҳияти шундан иборатки, фойдаланувчи мулккий оборотда мустақил равишда ҳаракат қилади, фақатгина истъомолчи билан бўладиган муносабатларда ўз ишлаб чиқариш фаолияти натижасини ҳуқуқ эгасининг номи билан расмийлаштириб, унинг маҳсулоти сифатида намоён қилади. Ушбу ҳолатда товарга бўлган ҳуқуқ эгаси нафақат ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотларининг худудий жиҳатдан кенг тарқалишига эришади, балки франшизинг шартномаси натижасида даромад ҳам топади.

Франшизинг шартномасининг умумий таърифидан ва уни халқаро савдода қўллаш амалиётидан келиб чиқиб халқаро франшизинг шартномаси қуйидаги асосий белгиларга эга:

– у тадбиркорлик битимининг тури, бунинг оқибатида унинг томонларини фақат тижоратчилар (тадбиркорлар) ташкил қилиши мумкин;

– у ўзаро мажбурият юқловчи шартномадир, яъни ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар франчайзерда, франчайзида ҳам пайдо бўлади;

– у интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш, олди-сотди, ширкат (шериклик) муносабатлари элементларини бирлаштирувчи комплекс шартнома сифатида қаралади;

– ўзининг тадбиркорлик хусусияти туфайли франшизинг шартномаси ҳақ тўланадиган шартномадир;

– одатда муддатли битим бўлади;

– ўзининг “ишга оид комплекс” – интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар – фирма номи, товар белгиси, ноу-хау (тижорот сири) ва бошқа саноат ҳуқуқлари, шунингдек муайян усулда товарлар ишлаб чиқариш ёки сотишга ёхуд истъомолчиларга хизмат кўрсатишга имкон берувчи муаллифлик ҳуқуқлари ва ахборотни ўз ичига оладиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тизимидан иборат битим предмети билан ажралиб туради;

– соф кўринишдаги айирбошлаш битими эмас, яъни қарама-қарши бўлса да, томонлар манфаатлари бор, бироқ, франчайзер ва франчайзининг франчайзи фаолиятини муваффақиятли амалга оширишдан (айниқса, франчайзи олган фойдадан фоиз кўринишидаги мукофот тўлаш ҳолларида) умумий манфаатдорлик мавжуд.

Халқаро франшизинг шартномасида тарафлар сифатида франчайзер ва франчайзи сўзларидан фойдаланиб келинади. Франшизинг фаолиятида катта тажрибага эга давлатларда,

Франшизинг шартномаси бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги қайд этиш лозим. Уларнинг асосийси – франчайзер жисмоний шахс бўлиши мумкин эмаслиги. Франчайзер сифатида фақат тижорат ташкилоти, яъни, юридик шахс бўлиши мумкин. Бу эса франшизинг шартномаси бўйича фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши фақат юридик шахсга тегишлилиги билан боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, яқка тартибдаги тадбиркор, франшизинг шартномасига кўра франчайзер бўлиши мумкин эмас, чунки у фуқаролик муомаласида фақат ўзининг шахсий номи остида иш юритади. Франчайзи эса ҳам юридик шахс, ҳам яқка тартибдаги тадбиркор бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 862-моддасида франшизинг шартномаси ўрнига комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг)ни қайд этади. Унга мувофиқ шартноманинг субъекти сифатида юридик ва жисмоний шахс ўртасидаги фарқ назарда тутилмаган. Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ комплекс лицензиар ва комплекс лицензиат сифатида тадбиркор бўлиб рўйхатга олинган ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

### Ёдда тутинг!

Миллий ва хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида халқаро франшизинг шартномасининг тарафларини турли сўзлар билан ифодаланиш ҳолатлари мавжуд. Хусусан, “франчайзер” ўрнига “бош ташкилот”, “фирма”, “лицензиар” сўзлари ишлатилса, “франчайзи” сўзи ўрнига эса “оператор”, “лицензиат”, “дилер”, “филиал”, “концессионер” каби сўзлар қўлланилади.

Халқаро франшизинг шартномаси ёзма равишда тузилиши керак ва у шартномага мувофиқ франчайзер сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки яқка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатга олинishi керак. Ушбу қондага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади.

Одатда халқаро франшизинг шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилади. Умумий қондага кўра ушбу муддат бир йилдан беш йилгача белгиланади. Лекин айрим ҳолларда тарафлар томонидан турлича шартнома муддатлари ҳам белгиланиши мумкин. Мисол учун, “McDonald’s” ўзининг товар ва хизмат кўрсатиш белгисини франшизинг шартномаси асосида тузаётган вақтида йигирма йил муддат белгилаб беради.



Юкоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, халқаро франшизинг шартномасининг тарафларига бир тарафдан ўз ҳуқуқларини тақдим этаётган тараф сифатида франчайзер намоён бўлса, ушбу ҳуқуқларни оловчи ва фойдаланувчи, шунингдек шартномада келишилган тарзда ҳақ тўловчи иккинчи тараф сифатида франчайзи намоён бўлади. Ушбу шартноманинг предмети сифатида кўриладиган ҳуқуқлар эса франшиза деб номланди.

### **Ёдда тутинг!**

**Халқаро франшизинг шартномаси** – бу бир юридик шахс (франчайзи (franchisee)) бошқа хорижий мамлакатда ўзининг ишлаб чиқарган товари ёки кўрсатган хизмати ёхуд бошқа тадбиркорлик фаолияти билан обрў қозонган (ингл. “brand”) иккинчи юридик шахс билан (франчайзер (franchisor)) унинг номидан ёки товар маркази остида товарлар ишлаб чиқариш ёхуд унинг фирма белгиси остида ўзининг хизматларини кўрсатиши ҳақидаги келишувидир.

### **Халқаро франчайзингнинг турлари**

Халқаро франшизинг иктисодиётнинг турли соҳаларида қўлланилади. Бунинг натижасида уни қўллаш усулларига кўра унинг хилма-хил турларини учратиш мумкин. Бунда агар франшизингни қўлланиш соҳаси бўйича таърифлайдиган бўлсак, унинг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

**1. Товар франшизинги.** Унга кўра франчайзер томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларни сотиш ва келгусида ушбу товарлар бўйича хизматлар кўрсатиш тушунилади. Қоида тариқасида ушбу франшизингда товарда уни ишлаб чиқараётган компанияни аниқлаш мумкин бўлган тегишли савдо маркази бўлади.

### **Ёдда тутинг!**

**Халқаро франшизинг шартномаси** – бу бир юридик шахс (франчайзи (franchisee)) бошқа хорижий мамлакатда ўзининг ишлаб чиқарган товари ёки кўрсатган хизмати ёхуд бошқа тадбиркорлик фаолияти билан обрў қозонган (ингл. “brand”) иккинчи юридик шахс билан (франчайзер (franchisor)) унинг номидан ёки товар маркази остида товарлар ишлаб чиқариш ёхуд унинг фирма белгиси остида ўзининг хизматларини кўрсатиши ҳақидаги келишувидир.

### **Маълумот учун:**

Халқаро товар франшизингидан фойдаланган биринчи ташкилот сифатида тикув машиналар ишлаб чиқарувчи Зингер компанияси (Singer Sewing machine company) кўрсатиш мумкин. 1850 йилда Зингер маълум худдатларда тикув машинларини сотиб, уларга сервис хизматини кўрсатувчи савдо тармогини яратган бўлиб, ушбу савдо тармоклари Зингер тикув машиналарини тарқатганлик ҳуқуқидан фойдаланганлиги учун маълум миқдорда пул тўлаб боришган. Худди шундай франшизинг туридан кенг фойдаланган компания сифатида 1898 йилдан ташкил топган Женерал Моторс (General Motors)ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу франшизинг тури 20-асрнинг бошларида халқаро савдо муносабатларига кенг тарқала бошлади.

**2. Ишлаб чиқариш франшизинги** (ингл. "processing franchise"). Унга кўра, франчайзер муайян товарни қайта ишлайдиган ёки ишлаб чиқарадиган шахсга маълум бир таркибий қисмларини ёки техникавий билимларни етказиб беради, яъни франчайзер франчайзига ўз савдо маркаси остида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини, ишлаб чиқариш усулларини, ўз ноу-хауларини беради. Франшизингнинг ушбу тури бўйича франчайзер франчайзига, шунингдек, маркетинг, маҳсулот сотиш ва унга хизмат кўрсатишга доир маълумотларни бериши мумкин. Франшизингнинг ушбу тури умумий овқатланиш соҳасида анча кенг тарқалган.

**3. Сервис франшизинги** (ингл. "service franchise"). Унга мувофиқ, франчайзер ўзи ишлаб чиққан хизмат кўрсатиш тизимини франчайзига беради. Франчайзи эса франчайзернинг савдо маркаси остида истеъмолчиларга хизмат кўрсатади. Ушбу франшизинги халқаро бозорда ўз хизматлари билан юқори сифатни ва тезкорликни таъминлаши натижасида халқаро бренд даражасига эришган компанияларни ушбу хизматлар маркалари остида бошқа компаниялар билан тузган франшизинг шартномалари тушунилади. Бунда франчайзига франчайзер ўзининг хизмат кўрсатиш методларини, ушбу йўналишдаги фаолияти усулларини, муваффақият келтирган янгиликларини ўргатади.

Франшизингнинг бу тури автомобилларга хизмат кўрсатиш ёки кредит карточкалари бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларида етарлича кенг тарқалган.

**4. Сотув франшизинги** (ингл. "distribution franchise"). Унга кўра, франчайзи муайян ҳудудда франчайзернинг товарини унинг савдо маркаси остида сотади. Масалан, автомобиль ёнилғиси ёки косметика кўпинча ушбу турдаги франшизинг асосида сотилади.

**5. Ишчанлик франшизинги** (ингл. "business franchise"). Ушбу франшизингда франчайзер товар брендидан ҳам, унинг технологиясидан фойдаланиш ҳуқуқини беради, шу билан бирга унинг муҳим белгиси сифатида франчайзи ушбу ҳуқуқларни тақдим этаётган компаниянинг бир қисмига айланиб, франчайзер томонидан синалиб, халқаро савдода ўз муваффақиятини келтирган тадбиркорлик иш методологияси ҳамда ягона иш услубини ўз иш фаолиятига тўлиқ жорий қилади.

**Маълумот учун:**

Бунга мисол қилиб, ўз даврида Реем Крок томонидан асос солинган ҳозирда бутун дунёда кенг тарқалган "McDonald's" фаолиятини қайд этиш лозим. Халқаро хизмат кўрсатиш франшизинг марказлари сифатида унинг фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**6. Аралаш франшизинги.** Ушбу франшизинг ўзида сотув, ишлаб чиқариш ва сервис франшизингини элементлари асосида уларни бир вақтда умумлаштирган ҳолда юзага келади. Ушбу аралаш франшизинг бугунги кунда кўплаб ҳолатларда қўлланилмоқда. Унда франчайзер маҳсулот ишлаб чиқаради, франчайзи эса ушбу маҳсулотларни унинг номидан ўзининг савдо шохобчаларида реализация қилади ҳамда бир вақтни ўзида ушбу маҳсулотлардан фойдаланиш борасида сервис хизматларини ҳам кўрсатади.

Франшизингни франчайзер билан франчайзи ўртасидаги муносабатларнинг турларига, яъни ишлаб чиқарувчи билан улгуржи сотувчи ўртасидаги, ишлаб чиқарувчи билан чакана сотувчи ўртасидаги, улгуржи ва чакана сотувчилар ўртасидаги муносабатларга кўра ҳам таснифлаш мумкин.

Франшизинг шакли тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзида мустаҳкамлаб, шартнома шартларини белгилаб беради.

**Франшизингни халқаро классификацияси ўзида 5 та шаклни ажратиб кўрсатади:**

**1. Туғридан-туғри франшизинг.** Халқаро франшизингнинг энг кенг тарқалган турларидан бири саналади. У бир компания билан унга франшизани тақдим этиш ҳуқуқини бермаган ҳолда шартнома тузишни англатади. Франчайза маълум бир ҳудудлар билан чекланган бўлади. Франчайзер ўзи бевосита шартномада кўрсатилган хизматларни франчайзига тақдим этади, шу билан бирга унинг устидан мустақил равишда назоратни олиб боради, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

2. **Кетма-кет франшизинг.** Франшизингнинг ушбу шакли бир нечта франшизинг шартномаларини тузиш имкониятини тақдим этади. Бу, ўз навбатида, бир нечта франшизаларни берилишига олиб келади. Бунда, франчайзер томонидан франшиза тақдим этилган корхона тузилган шартнома шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда, фаолият юритаётганлигини назорат қилган ҳолда, кетма-кетлик асосида франшизаларни тақдим этиб боради.

3. **Худудий тақсимот франшизинги.** Ушбу шаклда франчайзер икки тараф франчайзига бош компаниянинг номидан қайси худудларда шартнома тузиши мумкинлигини белгилаб беради.

4. **Субфраншизинг.** Ушбу франшизинг шакли бошқалардан шартнома тузиш вақтида франчайзер томонидан франшиза шартномасига иккинчи тарафга ўзининг маълум ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини бериши билан ажралиб туради. Масалан, франшиза шартномасига биноан франчайзер ўзининг франшиза ҳуқуқларини учинчи шахсларга сотиш ҳуқуқини франчайзига тақдим этади. Ушбу шаклда худудий қамров туғридан-туғри франшизинг ва кетма-кет франшизинглардан анча катталиги билан ажралиб туради. Мазкур ҳолатда худудларни кенгайтириш бўйича масъулият франчайзига юкланади.

### **Халқаро молиявий лизинг шартномасининг тушунчаси**

Бутунжаҳонда қўлланилиб келинган ва ўзининг ижобий хусусиятлари билан тадбиркорлик субъектларига имкониятлар тақдим этган – лизинг юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Лизинг муносабатларини тарихий ривожланиш босқичларини таҳлил этиш орқали шунга амин бўлдики, иктисодиёти ривожланган давлатларни тараққий этиши ва юксалишида лизинг бозори ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминланганлик даражасига кўра мамлакатларни уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин: яъни лизинг шартномаларини мувофиқлаштирувчи махсус қонунларга эга бўлган мамлакатлар (Ғарбий Европанинг қитъа қисми давлатлари – Франция, Бельгия, Италия); махсус қонуности ҳужжатларига эга мамлакатлар (“умумий ҳуқуқ” мамлакатлари – Англия, Австралия, Янги Зеландия); махсус қонунчиликка эга бўлмаган давлатлар (АҚШ, Германия).

Биринчи гуруҳ мамлакатларида қабул қилинган қонунлар учун хос бўлган хусусият – уларда нафақат икки асосий ҳамкор (лизинг

олувчи ва лизинг берувчи), балки лизинг компанияси ва етказиб берувчи ўртасидаги муносабатлар, яъни лизингда юзага келадиган уч томонлама мулкый муносабатларнинг бутун мажмуи тартибга солинади. Мазкур қонун қонун ҳужжатларига мувофиқ уч томонлама асосли лизинг шартномасида, албатта, усқуналар келажакда лизингга бериш мақсадида олинаётганлиги, ундан фақат қўзланган мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилиши шарт. Шунингдек, сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги шартлар ва шартнома муддати тугаганидан сўнг у сотиб олиниши мумкин бўлган нархлар келишилади. Шу билан бирга, лизинг мулкани нобуд бўлиши ёки йўқолиши тўғрисидаги хатарлар махсус қонунлар ёрдамида мувофиқлаштирилмай, балки фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан ҳал этилади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларида лизинг вақтинча фойдаланишга берилаётган мол-мулк қийматидан ҳамда лизинг шартномаси субъектларига боғлиқ равишда тартибга солинади. Хусусан, Англия қонунчилигида лизинг мулки қиймати 2000 фунт стерлингдан ортиқ бўлмаган ва лизинг олувчи эса фақат юридик шахс бўлган шароитда 1965 йилда “Ижара ва олди-сотди тўғрисида”ги Қонун меъёрлари қўлланилади. Мазкур шартларга мос тушмаган барча бошқа ҳолатлар “умумий ҳуқуқ” меъёрлари ёрдамида тартибга солинади.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунлар йўқлиги лизинг тараққиёти ва ривожланишига ҳалал беради. Масалан, АҚШ ва Германияда махсус қонунчилик йўқлигини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин: яъни мазкур мамлакатларда яқин вақтгача асосан амортизация ва солиқ имтиёзларидан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган ҳолда лизингга мурожаат қилишган. Шунинг учун лизинг солиққа тортиш масалаларига бағишланган қонун ҳужжатларида белгиланган. Ушбу мамлакатларда лизинг битимларига нисбатан, шунингдек фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий қоидалари ҳам кенг равишда қўлланилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси лизинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунга эга бўлган мамлакатлар гуруҳига қиради. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 587-599-моддалари ва 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонун нормалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Барча шартномалар сингари лизинг шартномасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари ва шартлари билан бошқа шартномалар

фаркланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-моддасига кўра “Лизинг берувчи (ижара берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижара олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади”.

Лизинг объектдан фақат тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш лизинг шартномасига хос белгидир. Агар лизинг олувчи мол-мулкдан тадбиркорлик фаолиятида эмас, балки ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланса, лизинг шартномаси ўзига хос хусусиятини йўқотади ва у оддий ижара шартномасига айланади.

### Ёдда тутинг!

Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига кўра “Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулк (лизинг объекти)ни мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга берилиши” белгиланган.

Ҳарчи лизинг шартномаси қонунчилик ва назарияда ижара муносабатларининг бир тури сифатида эътироф этилсада, лекин ўзига хос хусусиятларига кўра ижара шартномасидан фарқ қилади. Ижара шартномасидан фарқловчи белгиларини қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:

– шартнома предмети ва сотувчисини лизинг олувчининг ўзи танлайди;

– мол-мулкдан фақатгина тадбиркорлик мақсадида фойдаланилади; лизинг олувчи лизинг мулкдан бунак тўламасдан туриб эгаллик қилади ва фойдаланади;

– шартнома муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтади.

Мавжуд барча ҳодисалар маълум сабаблар ва муайян ҳаракатлар натижасида вужудга келади. Вакт ўтиши билан вужудга келган ҳодисалар амалга оширилган ислохотларга ва турли

Ўзгаришларга бардош беради. Ҳар бир ҳуқуқий муносабатни тарихий ривожланиш жараёни билмасдан туриб, ушбу муносабатни бугунги кундаги ҳолатига тўғри баҳо бериш мураккаб масаладир.

### **Халқаро молиявий лизингнинг халқаро тартибга солиниши**

Халқаро савдо амалиётида анъанавий ташқи савдо битимлари билан бир қаторда, лизинг шартномаси охириги ўн йил давомидаги ташқи иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама рағбатлантирувчи янги шартномавий муносабат сифатида пайдо бўлди.

Мамлакатимизда миллий лизинг субъектлари ўртасидаги лизинг муносабатлари амалдаги лизинг қонунчилигига асосан тартибга солинади. Хорижий мамлакатларда лизинг амалиёти бизга караганда олдинроқ ҳаётга татбиқ этилганлиги, лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилинганлиги ва уларни ижобий синовдан ўтганлиги халқаро лизинг операциялардаги иштирокини таъминлайди.

Мазкур лизинг операциясида субъектлар чет эл элементи билан мураккаблашади ва, ўз навбатида, у ёки бу давлатнинг қонунчилигини қўллаш масаласига ҳам ойдинлик киритилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1181-моддасида битимнинг шаклига нисбатан ҳуқуқни қўллаш масаласига ойдинлик киритилган бўлиб, унга кўра битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бундан ташқари, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган шартномалар мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунди белгиланган.

Юқоридаги нормада ташқи иқтисодий битимнинг умумий қондаси сифатида лизинг шартномаси шаклига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқ кўрсатиб берилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари, хусусан, коллизия нормалар ўзининг хусусияти ва мазмунига кўра ҳавола қилувчи нормалар сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1181-моддаси айнан битим шаклига нисбатан ҳуқуқни қўллаш масаласи тўғрисидаги нормалар белгиланган бўлса, 1189-моддага кўра шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1190-моддасига асосан тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ кўрсатиб ўтилган. Умумий қоидага кўра агар тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан лизинг берувчининг ҳуқуқи қўлланилиши коллизия боғловчи сифатида эътироф этилади.

Келтириб ўтилган юқоридаги қоидаларда халқаро хусусий ҳуқуқда шартнома нисбатан ҳуқуқни қўллаш масаласи, лизинг мулкни нобуд бўлиши ёки йўқолиши натижасида етказилган зарарни қоплаш тартиби ва ҳуқуқ танлаш масаласига доир умумий қоидаларни келтириб ўтдик. Биз қуйида чет эл элементи билан мураккаблашган лизинг шартномасининг хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари ва юридик табиатини таҳлил қилишимиз лозим.

### **Эътибор беринг!**

Халқаро лизинг шартномасининг моҳиятига кўра лизинг берувчи (кўпинча тижорат банклари, инвестиция фондлари, суғурта ёки махсус лизинг компаниялари бўлиши мумкин) олди-сотди шартномаси асосида махсус сотиб олинган мулкдан ўзи фойдаланмасдан мулкни лизинг олувчига беради.

Бу ҳолатни лизинг шартномаси орқали ижарага беришнинг бир шакли сифатидагина эмас, балки узоқ муддатга кредит беришнинг ўзига хос шакли деб тушуниш мумкин. Бунда кредит воситалари, яъни жиҳозни сотиб олишга сарфланган пул маблағлари ўзаро келишилган миқдорда ижара тўловлари сифатида лизингга олувчи томонидан лизинг берувчига доимий равишда тўлаб бориш шarti билан қопланади. Тўловларнинг миқдори жиҳознинг нархидан, лизинг берувчининг сарф-харажатидан ҳамда лизинг берувчи олиши лозим бўлган фойда миқдорини қўшгани ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Миллий ҳамда халқаро хўжалик муомаласида машина ва техникаларни ишлатишга доир муносабатларни тартибга солувчи лизинг шартномаси (contract of leasing), дастлаб АҚШда ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Ушбу шартнома Фарбий Европа ҳамда Япония фирмаларининг иш фаолиятига кенг жорий этилди ва ҳозирги пайтда деярли ҳамма мамлакатларда қўлланилмоқда.

Ақсарият мамлакатларда лизинг шартномасини тартибга солувчи махсус қонуларнинг мавжуд эмаслигигуфайли лизинг



муносабатлари солиққа оид ёки савдо қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Масалан, АҚШнинг Ягона Савдо кодекси 2А-103-моддаси I “g” бандида молиявий лизинг тушунчаси ёритилган бўлиб, унга кўра лизинг берувчи молиявий лизингнинг предмети ҳисобланган мулкни ўзи танламай, балки мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини сотиб олади<sup>34</sup>. Юқоридаги қонун меъёрларига кўра ушбу муносабат қуйидагича талабларга жавоб бериши лозим:

– лизинг олувчи мулкни ёки унга эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлганлиги тўғрисидаги лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхасини лизинг шартномаси имзолагунга қадар олиши;

– лизинг берувчи томонидан мулкни ёки унга эгаллик қилиш ва фойдаланиш тўғрисидаги ҳуқуқларини кимга тегишлилигини муҳим шарт сифатида шартномага киритиши ҳамда шартномани тасдиқлаб бериши керак.

Лизинг шартномаси имзолангунга қадар лизинг олувчи шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар, кафолатлар ва бу кафолатлардан воз кечиш, даъво талабларига оид ҳуқуқларидаги чекланишларнинг олдини олиш, ҳимоя қилиш ва зарарни ундириш усуллари тўғрисидаги лизинг берувчининг аризасини қабул қилиб олади.

Контенентал ҳуқуқ тизими хусусиятларини ўзида жамлаган Квебек Гражданлик кодекси эса лизинг шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг алоҳида бир тури сифатида талқин этади. Уни шартноманинг мустақил бир тури сифатида эътироф этилиши алоҳида бобда кўрсатиб ўтилган ва бу шартнома ушбу кодекснинг 1842 – 1850 - моддалар билан тартибга солади. Контенентал ҳуқуқ тизими амалда бўлган бошқа кўпгина мамлакатларда, лизинг операцияларини тартибга солиш мақсадида молиявий лизингни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Уларнинг айримларида, лизинг муносабатларини тартибга солувчи шартномалар номларини ифодалашда турли атамалардан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Лизинг муносабатларининг ривожланиб бориши натижаси ўлароқ турли давлатларнинг қонунларида ушбу шартномани турлича талқин қилиниши оқибатида лизинг шартномаларни халқаро

<sup>34</sup> Единообразный торговый кодекс США (Пер. с англ.) Серия – Современное зарубежное и международное частное право. – М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. – С. 107.

кўламда кўллашда коллизиялар вужудга келди. Ушбу коллизияларни ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ечимини топиш жаҳон ҳуқуқшунос олимлари олдига қўйилган вазифалардан бири бўлиб, у турли давлатларнинг лизинг қонунчиликларини бирхиллаштириш тўғрисидаги ҳаракатларни олиб боришга сабаб бўлди. Бунинг ижобий натижасида сифатида 1988 йил 28 майда Оттава шаҳрида имзоланган “Халқаро молиявий лизинг тўғрисида”ги УНИДРУА конвенцияси вужудга келди (бундан кейинги ўринларда Оттава конвенцияси деб юритилади). Ушбу конвенция дастлаб беш давлат: Гана, Гвения, Нигерия, Танзания, Филиппин давлатлари томонидан имзоланди. Конвенцияни 55 давлат қабул қилди, 1995 йил 1 майдан бошлаб Оттава конвенциясига Франция ва Италия давлатлари қўшилгач, у кучга кирди.

Мазкур конвенция халқаро лизинг муносабатларини тартибга солувчи қатор коллизия нормаларни ўз ичига олган халқаро ҳужжат сифатида амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Конвенция халқаро миқёсда вужудга келадиган молиявий лизинг тушунчаси, унинг белгилари, муҳим жиҳатлари, лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқ кўрсатиб беради. Конвенцияга асосан лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган шартнома – лизинг шартномаси ҳисобланади. Мазкур шартномага асосан учинчи шахс ҳисобланмиш сотувчи жалб қилиниб, сотувчини огоҳлантирган ҳолда лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг шартномаси асосида лизинг предметини топширади. Ўз навбатида, лизинг берувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасига биноан маълум мажбуриятларни зиммасига олади. Конвенция нормалари турли ҳуқуқий тизимдаги қонунларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, чунки конвенциянинг ўзи миллий лизинг қонунларини ишлаб чиқилишига асос қилиб олинишини кўзда тутган.

Конвенциянинг 3-моддасига асосан лизинг берувчи ва лизинг олувчининг тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашган бўлса, қўлланилиш тартиби, унинг амал қилиш доираси қўйидагича белгиланади:

– лизинг мулкни етказиб берувчи тижорат корхонаси жойлашган давлатлар ўзаро шартномалашган давлатлар ҳисобланади;

– маҳсулот етказиб бериш шартномаси каби лизинг ҳам ўзаро шартномалашган давлатлардан бирининг қонуни билан тартибга солинади.

Халқаро лизинг хусусиятини аниқлашда унинг бошланғич нуктасига эътибор қаратиш керак. Битимнинг халқаролигини аниқлашда, уч иштирокчиларнинг турли мамлакатларда жойлашганлигини ҳисобга олиш лозим. Халқаро шартномада сотувчи, лизинг берувчи ёки лизинг олувчи жойлашган икки давлатнинг бирида ёхуд учинчи бир давлатда жойлашган бўлиши шарт. Муҳими шуки, ўша давлат конвенция иштирокчиси бўлиши, етказиб бериш шартномаси ўзаро келишув тузаётган давлатлар ҳуқуқлари билан тартибга солиниши лозим.

Ҳозирда халқаро Оттава конвенцияси ҳуқуқий жиҳатдан жуда кам давлатлар томонидан имзоланган. Лизинг муносабатлари тўғрисида махсус қонунлар ҳаттоки кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд эмас. Масалан, ГФРда лизинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар сифатида алоҳида қонунлар билан тартибга солинмайди. Шунингдек, барча давлатлар ҳуқуқий тизимида лизинг битимига нисбатан бир хил таъриф берилмаганлиги сабабли ҳуқуқшунос олимлар томонидан ханузгача баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам лизинг шартномасини баъзи олимлар шартномавий муносабатни тартибга солувчи “гибрид механизм”, деб аташади<sup>35</sup>.

Халқаро молиявий лизинг асосан турли мамлакатларда жойлашган асосий ва шўба корхоналар, филиаллар, йирик тарансмилий компаниялар ўзаро иқтисодий ва молиявий алоқалари замирида ривожланиди. Молиявий лизингни ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги даврда икки тоифаларга бўлинадиган ҳуқуқий нормаларга асосланган: биринчидан, унификация нормалар, яъни ҳуқуқий халқаро шартнома тартибида яхлитлашган нормалар асосида; иккинчидан, коллизия ва миллий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олувчи ҳамда халқаро молиявий лизинг иштирокчиларига қўлланиладиган миллий ҳуқуқ нормаларига асосланади.

Конвенциянинг баъзи нормалари диспозитив характерга эга бўлиб, яъни уни қўллаш тарафларнинг хоҳишига боғлиқ, лекин конвенциянинг императив қучга эга бўлган характердаги қоидалари ҳам мавжуд. Оттава конвенцияси лизинг берувчи ва лизинг олувчи турли мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Бунда у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: етказиб берувчи тижорат ташкилотлари жойлашган давлатлар ўзаро шартнома тузган

<sup>35</sup> Ануфриева Л.П. Международное частное право. – М.: Бек, 2000. – С.297.

бўлишлари, етказиб бериш ҳақидаги олди-сотди шартномаси ва лизинг шартномаси ўзаро шартнома тузган давлатларнинг қонунлари билан тартибга солиниши лозим. Конвенциянинг 3-моддаси 2-бандига кўра, у ёки бу тарафларнинг бир неча қорхоналари турли мамлакатларда фаолият юритаётган бўлса, конвенцияга аъзо асосий тижорат қорхона ҳисобига олинган ҳолда шартномага нисбатан конвенция татбиқ қилинади. Конвенция қоидалари агар усқуналар ер мулкининг ажралмас қисми ёки унинг таркибида бўлса ҳам, татбиқ қилинади. Усқуналар ер участкаларига қарашли ёки унинг бир қисми эканлиги ёхуд лизинг берувчи ҳамда кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқи бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва юридик оқибатлари масаласи ер участкалари жойлашган давлат қонунлари билан тартибга солинади.

Халқаро ҳуқуқни унификация қилишда МДХ давлатлари томонидан 1998 йил 25 ноябрда Москвада имзолаган “Молиявий лизинг тўғрисида”ги давлатлараро конвенция муҳим ўрин тутди. Мазкур конвенция 1998 йил 28 майдаги “Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисида”ги шартнома ва 1988 йил 28 майдаги “Халқаро молиявий лизинг тўғрисида”ги Унидруа конвенциясининг умумэътироф этилган нормалари асосида ишлаб чиқилган.

### **Эътибор беринг!**

Давлатлараро конвенция таърифига кўра лизинг иштирокчи давлатнинг иқтисодиётига инвестиция киритишнинг шартномавий шакли сифатида қаралади.

Бунда халқаро лизинг фаолияти иштирокчиларининг мулкий ҳуқуқларини қонун билан қафолатланганлигини тушунишимиз мумкин. Москвада имзоланган конвенцияда, агар иштирокчи давлатнинг миллий қонунчилигида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, лизингга берилган мулкни национализация ёки реквизиция қилиниши мумкин эмас. Шу билан бир қаторда, конвенция иштирокчи ҳисобланган давлатларга шартномадан фойда олиш ва бошқа пул маблағларини хорижга ўтказилиши қафолатланади.

Халқаро молиявий лизинг муносабатларини тартибга солиш ҳақида тўхталганда, халқаро лизинг шартномасининг шартларига шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар қонунчилигидаги маъмурий нормалар ва, аввало, божхона, валюта ва солиқ қонунчилигига ҳам катта таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш лозим.

Чунки ушбу ҳолатлар инobatга олинмайдиган бўлса, халқаро молиявий лизингнинг иқтисодий моҳияти йўққа чиқиши мумкин.

Лизинг шартномаси орқали четдан олиб келинган техника ва технологиялар, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланадиган бир неча турдаги оғир ва енгил саноат техникалари ҳар бир давлатнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади ва шу билан бир каторда ушбу шартнома субъектлари мулкдан фойдаланишда қулайликлар яратади. Лизинг шартномасининг афзаллик томонлари куйидагилардан иборат:

– бошланғич хусусий капиталга бўлган эҳтиёжнинг пасайиши билан боғлиқ. Одатда, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига жиҳозлар 100% таъминланиши олдиндан талаб қилинади. Лизинг тўловларини бирданига тўлаб бориш талаб қилинмайди, бу эса лизинг олувчига молиявий жиҳатдан етишмовчиликнинг олдини олган ҳолда ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, қимматбаҳо мулк сотиб олиш, ишлаб чиқариш кўламини ошириш учун айланма капитални кўпайтириш имконини беради;

– корхоналарга техникани қарз ҳисобидан сотиб олишдан кўра, унга лизинг шартномаси асосида эгалик қилиш қулайроқ, чунки лизингга берилётган мулкнинг ўзи битим моҳиятига кўра кафолат вазифасини ўтайди;

– лизинг битимининг қарз (ссуда)га нисбатан афзаллик томони унинг тез мослаша олишидир. Чунки бу битимда иштирокчилар ўзлари учун энг қулай тўловлар режасини ишлаб чиқиш имконини беради:

– лизинг битими кредит шартномасига нисбатан узоқроқ муддатга тузилиши мумкин, шунинг учун доимий ёки даврий лизинг тўловлари микдори кам бўлиб, лизинг олувчининг шу тўловлар бўйича сарф-харажатлари камаёди, лизинг шартномасининг аниқ бажарилишига ишонч ошади;

– лизинг олувчи учун мулкнинг маънавий ва жисмоний емирилиши хавфи камаёди, чунки мулк хусусий қилиб сотиб олинмасдан, вақтинча фойдаланиш учун олинади;

– агар лизинг шартномасида башқача ҳолат назарда тутилган бўлса, лизинг мулки лизинг берувчининг балансида бўлади, бу эса лизинг олувчининг активларини кўпайтирмай, лизинг мулки учун тўланадиган солиқдан озод этилади;

– лизинг тўловлари лизинг олувчи маҳсулотининг таннархига киради ва шунга қараб солиқ солинадиган даромадни камайтиради;

– лизинг мулкани ишлаб чиқарувчи ўз махсулотини сотишнинг кўшимча имкониятларига эга бўлади;

– лизинг монополияси лизинг мулки ишлаб чиқарувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги молиявий босқич вазифасини ўтаб фойда олади;

– бундан давлат ҳам манфаатдор бўлиб, ўз худудида ишлаб чиқариш имконияти ошади, бюджетга тушадиган солиқлар миқдори кўпаяди, янги иш жойлари яратилади ва жамиятда ишсизликнинг олдини олишга имкон яратади.

Лизингнинг иқтисодий муносабатда кенг тарқалиши, биринчидан, иштирокчилар томонидан лизингни қўллашнинг фойдали ва афзаллиги, иккинчидан, унинг ривожини давлат томонидан рағбатлантирилиши, яъни лизингга илмий техника равнақи ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида қаралиши билан боғлиқ.

Техникадан фойдаланувчилар учун лизинг бир йўла йирик сарф-харажатларсиз ишлаб чиқариш фондларини мураккаб ва қимматбаҳо машина ва ускуналарни сотиб олиш орқали тезда алмаштиришга имкон беради. Давлат учун лизинг фаолиятини рағбарлантириш, ишлаб чиқилган янги техника ва технологияларни лизинг шартномаси орқали ўтказиш, мазкур лизинг операцияларини амалга ошириш учун лизинг компаниялари сармояси киритишнинг салмоғи ортишига, лизинг олувчиларни эса ишлаб чиқариш фондларини доимо янгиллаб туришига хизмат қилади. Юқоридаги шарт-шароитлар туфайли лизинг шартномалари Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам мустахкам ўрин эгалламоқда.

### **Халқаро молиявий лизинг шартномасининг мазмуни ва шакли**

Молиявий лизинг шартномасининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан тадқиқотчилар томонидан олиб борилган баҳс-мунозаралар ҳамда таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, мазкур шартномавий муносабат вужудга келган даврдан то бугунги кунгача лизинг шартномасининг тушунчаси ва моҳиятини ёритиб берувчи асослар яратилди. Хусусан, дунёнинг барча мамлакатларида ҳозирда лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилиниб, ушбу шартномавий муносабатни янада такомиллаштириш йўлида бир неча давлатларда етарли имтиёзлар яратилган. Бундан ташқари, давлатлар ўртасидаги халқаро молиявий лизинг

муносабатларини ривожлантириш мақсадида хусусий ҳуқуқ институти томонидан (Унидруа) халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилинганлиги ва мазкур конвенцияни дунёнинг бир неча давлатлари томонидан жадаллик билан ратификация қилинаётганлиги ҳар бир давлатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга кўмаклашувчи восита эканлигини исботлади.

Шундан келиб чиқиб лизинг муносабатларини янада ривожлантириш йўлида тадбиркорлар учун қулай бўлган лизинг хизматларини яратиш ҳамда уларга шу йўл орқали янги замон талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни етказиб бериш лозим. Бугунги кунда лизинг шартномасидаги низолар асосан субъектлар томонидан шартноманинг мазмуни, шартларини аниқ ва тўғри белгилаб олмаслик оқибатларидан келиб чиқмоқда. Юқорида келтириб ўтилган камчиликларнинг олдини олишнинг асосий йўлларида бири бу иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг лизинг амалиётини ўрганиш, улардаги қўлланиладиган ижобий усуллардан фойдаланиш, республикада лизинг муносабатларига кенг йўл очиб берувчи қонун ва қонуности ҳужжатларни таҳлил этишдир.

Континентал ва англо-америка ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатлар лизинг қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, молиявий лизинг шартномасининг объектига эгалик қилиш тартиби турлича белгиланган. Хусусан, хоржий давлатларда кўчар ва кўчмас мулкларнинг молиявий лизингига нисбатан қўйилган талаблар, мулкдан фақат тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш тартиби ёки ундан шахсий эҳтиёж йўлида ҳам фойдаланиш мумкинлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидаларига асосан шартнома орқали тарарфлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Шунинг учун шартномада белгилаб қўйилган шартлар ва бошқа шартноманинг элементлари тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Агар шартнома мазмуни ва шартлари бир тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, бундай шартномалардан турли низолар келиб чиқиши ёки шартномани ҳақиқий эмас деб топиш мумкин. Лизинг шартномасидан келиб чиқадиган низоларнинг олдини олиш мақсадида молиявий лизинг шартномасининг асосий мазмуни ва шартларини аниқлаб олишимиз лозим.

Шартномада тарафлар томонидан келишилган ва мустақкамланган шартларнинг йиғиндиси шартноманинг мазмунини ташкил қилади<sup>36</sup>.

Қоидага кўра субъектлар лизинг шартномасининг мазмуни ва шаклини белгилашда шартномаларга қўлланиладиган умумий нормаларга асосланади. Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, лизинг шартномаси ижара шартномасининг бир тури ҳисоблансада, тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган шартноманинг “Ўзига хос” хусусиятлари<sup>37</sup> шартноманинг мазмунига ҳам таъсир кўрсатади.

Лизинг мулкани қўлга киритиш ва унга эгалик қилиш учун субъектлар ўртасида тузилаётган шартномада бир пайтнинг ўзида ижара, пудрат, олди-сотди шартномалари белгиларини қамраб олади. Кўп ҳолларда шартнома тузиш амалиётида шартномадан келиб чиқадиган низоларни бартараф этиш учун иктисодий судлари шартномаларнинг аралаш институтларига мурожаат қилган ҳолда ҳал қилади. Шунинг учун лизинг шартномасида лизинг берувчи ҳамда лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кенг ёритилган бўлиши лозим.

Лизинг шартномаси ижара шартномасининг бир тури ҳисобланса ҳам, ижара шартномасидан ўзига хос хусусиятлари орқали фарқланиб туради. Хусусан, лизинг предмети ҳисобланган техника ва технологиялар билан боғлиқ барча хавфлар лизинг олувчи зиммасига юклатилади. Мазкур қоида миллий лизинг қонунчилиги ҳамда халқаро лизинг муносабатларини тартибга солувчи нормаларда ҳам ўз тасдиғини топган. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасида мазкур нормалар ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади. Франция Фуқаролик кодексининг 1722-моддасида эса лизинг олувчи лизинг мулкнинг нобуд бўлиши ёки бузилиши юзасидан лизинг берувчи олдида жавобгар бўлади.

<sup>36</sup> Раҳмонқулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 237.

<sup>37</sup> Шаталов С.С. Новая концепция юридической природы лизинговых отношений // Юрист, – 2001, – №1. – С. 15-17.



Лизинг шартномасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштирок этиши ҳамда шартнома предмети баҳосининг юкори миқдордалиги лизинг шартномасини асосан ёзма шаклда тузишни амалдаги қонун нормалари талаб этади. Лизинг мулкнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланган лизинг олувчини оғохлантирмасдан туриб шартнома предметини учинчи шахсга берилиши мумкин эмас. Оғохлантирмасдан туриб лизинг мулкдан учинчи шахснинг фойдаланиши лизинг олувчига нисбатан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар фуқаролик ҳуқуқи тизимида мулк эгасининг манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинади.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Red apple” (фойдаланувчи) корхонаси “Green apple” корхонаси (ҳуқуқ эгаси) билан франчайзинг шартномасини тузмоқчи. Шартноманинг мақсади “Тошкент вилояти бозорида товар ва хизматларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда тарафларнинг юкори даражали иқтисодий ютуқларга эришиш учун ўзаро ишбилармонлик борасидаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш” ҳисобланади.

Фойдаланувчи ҳуқуқ эгасининг товар белгиси остидаги товарларни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришдаги юкори сифат ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлганидан сўнг ҳуқуқ эгаси “Green apple” корхонаси билан ҳамкорликни ўрнатиб, ҳуқуқ эгасининг энг сўнги ишлаб чиқариш методлари ва технологияларидан фойдаланишни мақсад қилган.

Бу борада сизга ҳуқуқий маслаҳат сўраб келган “Red apple” (фойдаланувчи) корхонасига қандай ҳуқуқий маслаҳат бериш мумкин.

*Савол: Халқаро савдо франшизинги қандай хусусиятларга эга ва уни тартибга солувчи миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга умумий тавсиф беринг. Халқаро франшизинг шартномасининг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади ва унинг тарафларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини таснифлаб беринг.*

2. Сиз фаолият олиб бораётган “Adolat qalqoni” адвокатлик фирмасига “Enfield” корхонаси раҳбари С.Камилов мурожаат қилиб, АҚШда жойлашган “PEPSI” LTD корхонаси билан унинг маҳсулотларини франчайзинг шартномасини тузган ҳолатда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсади бор эканлиги юзасидан юридик маслаҳат сўраб мурожаат қилди.

*Савол: "Enfield" корхонаси раҳбари С.Камиловга: халқаро франшизининг турлари ва уни тузиш шартлари, уларнинг бири-биридан ажратиб турувчи белгиларининг мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб беринг. Халқаро франшизининг бошқа ўхшаш шартномавий муносабатлардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириб беринг. Халқаро франшизининг муносабатларини тартибга солувчи миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб беринг.*

3. Ўзбекистон Республикаси Банклар Уюшмасига қарашли "Барака" лизинг компаниясига мамлакатимизда фаолият олиб бораётган "Coca-cola" компанияси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "MAN" юк ташиш машинасини лизинг асосида олиб беришни сўраб мурожаат қилди ва улар ўртасида молиявий лизинг шартномаси тузилди. Молиявий лизинг шартномасининг муддати тўлиқ ўтмасдан туриб, мазкур муносабат субъектлари ўртасида шартнома предмети ҳисобланган юк ташиш машинасининг сифати бўйича низо келиб чиқди ва лизинг олувчи ушбу низони халқаро нормалар орқали ҳал қилишни талаб қила бошлади.

*Савол: Мазкур молиявий лизинг шартномасига нисбатан 1988 йилда қабул қилинган "Халқаро молиявий лизинг тўғрисида"ги Оттава конвенцияси нормалари қўлланиладими? Улар ўртасида тузилган шартномани ташиқи иқтисодий битим сифатида эътироф этиш мумкинми?*

4. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган "INTER-ROHAT" қўшма корхонаси Германиянинг "VINKLER" компаниясидан техника олиб беришни сўраб ЁТ "Ўзбеклизинг интернейшнл АО" қўшма корхонасига мурожаат қилди. Ўз навбатида, ЁТ "Ўзбеклизинг интернейшнл АО" қўшма корхонаси Германияда "VINKLER" компанияси билан олди-сотди шартномасини тузиш тўғрисида унинг офисида келишиб олишди. Германия тарафи мазкур олди-сотди шартномасига нисбатан 1980 йилдаги "Товарларни халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисида"ги Вена конвенцияси нормалари билан эмас, балки Германия Фукаролик тузуклари орқали тартибга солишни талаб қилди.

*Савол: Германия тарафи шундай талаб билан чиқиши мумкинми? Контрагентлар томонидан тузилган олди-сотди шартномаси талаблари Ўзбекистон Республикаси қонун нормаларига зид келиб қолган тақдирда ЁТ "Ўзбеклизинг интернейшнл АО" қўшма корхонаси қандай позицияни эгаллаши мумкин?*

## XI БОБ. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Электрон тижоратнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Электрон тижорат тушунчаси ва турлари. Электрон тижоратнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши. Электрон битимларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.

Бугунги дунё ҳамжамиятининг замонавий ривожланиши бевосита ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тармоғи билан узвий боғлиқдир. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб келиши, айниқса, тижорат соҳасидаги ўрни ортиши янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтирди ва интернет тармоғининг аҳамиятини янада ортттирди.

Мазкур жараёнлар ахборотлаштирилган жамиятни вужудга келтирганлигини, унда янги виртуал маконнинг пайдо бўлганлигини ҳамда бундай жамият ва макон глобаллашуви юзага келганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва хўжалик субъектлари, шунингдек аҳолининг кундалик фаолиятида ахборот технологиялари кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви тегишли технологияларни нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам амалга жорий этилишини тақозо этади.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кирар экан ва ўзининг жадал ривожланиш босқичида ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборотлаштирилган жамиятни қуриш, ахборот ва ахборотлаштириш хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бундай масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш

ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ деб таъкидлаган<sup>38</sup>.

Ҳозирги вақтда интернет жамиятнинг кундалик ҳаётига юкори тезлик билан кириб, унинг ажралмас қисмига айланмоқда. Жамиятнинг жуда кўп қисми интернет муносабатларига киришмоқда. Интернет муносабатлари эса ҳозирги кунга қадар тўлиқ тартибга солинмаган. У ҳозирда, бу муносабатлар ривожланиб, янги кўринишларда намоён бўлмоқда. Интернет ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмоқда, буларга электрон тижорат, электрон рақамли имзо, ахборот олиш ва тарқатиш, спам, домен номларига бўлган ҳуқуқлар, электрон пуллар ва бошқа муносабатлар мисол бўла олади. Ўз навбатида, бу муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинмаган, қабул қилинган қатор қонунлар<sup>39</sup> ушбу муносабатларни тўлиқ тартибга солмайди ва бу муносабатларга киришаётган тарафларнинг ҳуқуқлари ҳам тўлиқ ҳимояланмаган.

Жаҳондаги ахборот технологиялар соҳасидаги глобаллизация жараёни бизнинг давлатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда дунёда интернет фойдаланувчилари сони 1 миллиарддан юкори. Биринчи Президентимиз Конституциянинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтиб ўтгандек, “Мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллионга етди, интернет фойдаланувчилари эса ўтган йилга нисбатан 18,3 % ўсиб, 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда”<sup>40</sup>. Шундай суръатлар билана жадаллашаётган глобаллашув жараёнида АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) ни ўрни бекиёсдир.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданок Биринчи Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз олдига бозор иқтисодиёти шароитига босқичма-босқич ўтиш мақсади қўйилиб, “Ўзбек модели” ишлаб чиқилди. Унда 5 тамойилдан бири, яъни иқтисодиётни сиёсатдан устунлиги белгиланди. Шунга кўра,

<sup>38</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. 13-жилд. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.194.

<sup>39</sup> Бевосита ахборотлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон қонунари 1991 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар шаклланишда давом этмоқда, шу тариқа асосий қонуналар қабул қилинган. Булар “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (1997 йил 26 декабрь), “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” (2001 йил 12 май), “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” (1994 йил 6 май), “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” (1996 йил 30 август), “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (2003 йил 11 декабрь) ва бошқа қонунларидир.

<sup>40</sup> Биринчи Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги маърузаси.

иктисодийни ривожлантириш учун, аввало, мамлакатда тижорат ва тадбиркорликни ривожлантириш лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, таваккалчилик асосида юритиладиган тадбиркорлик фаолиятининг мустақиллигимиз йилларида ривожланиш суръати ниҳоятда ошди.

Электрон тижорат дастлаб 1960 йилларда АҚШда вужудга келган. Унинг биринчи кўринишлари АҚШнинг транспорт логистик компаниялари чипталар согувида ва маълумотлар алмашинувида фойдаланилган. АҚШ темир йўл ва ҳаво йўллари компанияларига бу қўл келган.

Электрон тижоратни яна бир кўриниши 1970 йилларда Буюк Британи савдо соҳасида қўлланилган.

Бугунги кунда электрон тижорат билан шуғулланувчи компаниялар сони дунёда кундан кунга ошиб бормоқда. Чунки электрон тижорат давлатга ҳам, тадбиркорларга ҳам, ҳатто харидорларга ҳам жуда қулай ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазибаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилнинг 17 январдаги йиғилишида “Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак”, – деб таъкидлагани ҳамда, бу кўрсатма асосида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни 2015 йил 23 май куни қабул қилинганлиги мазкур соҳанинг долзарб аҳамиятлилигини кўрсатади.

### **Электрон тижоратнинг вужудга келиши ва ривожланиши**

Ҳозирги аср юксак технологиялар асри сифатида тавсифланади. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши жамиятда инновациялар пайдо бўлишига олиб келди. Шундай инновациялардан бири интернет ва виртуал муносабатлардир. Бугунги кунда электрон тижорат интернет тармоғида юзага келувчи виртуал муносабатларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Электрон тижорат вужудга келганига ҳали чорак аср ҳам тўлгани йўқ ва бошқа савдо соҳалари билан таққослаганда бу жуда киска муддат бўлиб туюлиши мумкин. Илк электрон тижорат тизимлари ва усуллари замирида авиачипталарни сотиш ва банк операцияларини амалга оширишни автоматлаштириш технологиялари, пластик карталар, корхоналар ресурсларини бошқаришдаги автоматлаштирилган тизимлар ётади.

Электрон тижорат тсхнолгияларининг пайдо бўлиши хақидаги дастлабки маълумотларга ўтган асрнинг 60-йилларига тегишли манбаларда дуч келиш мумкин. Иқтисодий жараёнларни автоматлаштириш учун компьютер техникасидан фойдаланишга икки асосий омил имконият яратди:

– Иккинчи жаҳон урушида бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатларга қараганда камроқ зарар кўрган Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётида, айниқса, бўртиб намоён бўлган жадал иқтисодий ўсиш. АҚШда кўп сонли ўрта қатлам шаклланди ва унинг товарлар ва хизматларга бўлган талабини кондириш учун йирик туркумли ишлаб чиқариш ривожлана бошлади;

– буюртмалар, сотувлар, ишлаб чиқариш, материаллар ва молиявий оқимлар тўғрисидаги ахборотнинг сезиларли даражада кўпайган ҳажмларига ишлов беришни ўз зиммасига олишга кодир бўлган биринчи, анча йирик ва қимматбаҳо компьютерларнинг пайдо бўлиши<sup>41</sup>.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб кўпгина компаниялар (асосан Америка Қўшма Штатларида) автоматлаштириш тизимларини яратишга киришдилар ва автоматлаштиришни ривожлантириш устида иш бошланди. 60-йилларнинг ўрталарида кредит карталари ҳам пайдо бўлди ва кенг тарқала бошлади, бу кейинчалик ёпиқ электрон тармоқларида мижозларнинг банк операцияларини ўтказиш тизимлари пайдо бўлишига олиб келди<sup>42</sup>.

Ушбу даврда ARPA (Advanced Research Project Agency) компьютер тармоғини яратиш устида иш бошланди. Мазкур тармоқ 1980 йилда ахборотни узатиш TCP/IP протоколига тўлиқ ўтди ва бу Интернет тармоғининг пайдо бўлишига замин яратди.

<sup>41</sup> Дик В.В., Лужецкий М.Г., Родионов А.Э. Электронная коммерция. – М., 2005.

<sup>42</sup> Ревина С.Ю. Становление и тенденции развития электронной коммерции: на примере США. Дис. ... канд. экон. наук. – М., 2004.

80-йилларнинг ўрталарида EDIFACT (Electronic Data Interchange for Administration, Commerce and Transport – бошқарув, тижорат ва транспортда электрон маълумотларни айирбошлаш) халқаро стандарти пайдо бўлди ва ISO томонидан қабул қилинди (ISO 9735). Ушбу стандартдан фойдаланиш электрон телекоммуникация воситалари ёрдамида тижорат фаолиятини олиб бориш жараёнларини сезиларли даражада соддалаштирди. 90-йилларда интернетда электрон тижоратни ривожлантиришнинг афзалликларини англаб етган EDI таҳлилчилари томонидан EDINT (EDIFACT over Internet) стандарти яратилди.

1989 йилда Тим Бернерс-Ли (Tim Berners-Lee) Женевадаги Европа элементар зарралар физикаси маркази (CERN)да ишлаш жараёнида глобал гиперматн тизими – World Wide Web (WWW) стандартини ишлаб чиқди. Ушбу йўналишда ишлаш интернет тармоғининг асосий транспорт протоколига айланган http протоколи яратилишига олиб келди. Тим Бернерс-Ли уни жамоат фойдаланиши учун бепул тақдим этди. Протоколни патентлаш муаллифни Ер юзидаги энг бой одамлардан бирига айлантириши мумкин эди, лекин ягона халқаро стандарт ўрнига Интернетда турли протоколлар рақобатлашган бўларди (бунга мобил алоқа соҳасидаги вазият мисол бўлади).

1990 йилда Интернетни Америка Қўшма Штатлари ҳарбий идораси ва олимларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган тармоқдан очик глобал тармоққа ва жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисмига айлантириш жараёни бошланади. 1990 йилгача Интернетдан тижорат мақсадларида фойдаланиш АҚШ Миллий илмий жамғармаси (National Science Foundation, NSF)нинг тегишли регламенти билан тақиқланган эди. Аммо 1990 йилда Интернетни қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланишга йирик хусусий корпорациялар қўйилди. Кейинчалик Америка Қўшма Штатлари ҳукумати федерал тузилмалар ихтиёрида бўлган Интернетни маъмурий бошқариш функцияларини хусусий шахслар қўлига топширди. Бу Интернетни тижорат шартларида етказиб берувчилар ва ундан фойдаланувчилар доирасининг кенгайишига имконият яратди, ушбу глобал тармоқ тез орада бутун дунёдаги миллионлаб компьютерлар юз миллионлаб одамларни бир-бири билан боғлади<sup>43</sup>.

<sup>43</sup>Резниова С.Ю. Становление и тенденции развития электронной коммерции: на примере США. Дис. ... канд. эконом. наук. – М., 2004.

60-йилларнинг ўрталарида бошланган корхона ресурсларини бошқариш тизимларини ривожлантириш жараёни 90-йилларнинг бошида ўз давомини топади (MRP, MRP II). Дастлабки ERP-тизимлар – корхона ресурсларини режалаштириш тизимлари пайдо бўлади. Тизимларнинг олдинги туркумлари ишлаб чиқариш корхоналари учун мўлжалланган бўлса, ERP-тизимлар ҳар қандай соҳада қўлланилиши мумкин, молиявий таҳлил, бизнес-интеллект қобилиятларига эга.

90-йиллар Netscape, Yahoo!, Amazon, интернет-трейдинг, электрон тўлов тизимларининг вужудга келиши билан ҳам тавсифланади. 90-йилларнинг охирида электрон тўлов тизимлари ва интернет хизматлари фаол ривожлана бошлайди.

2000 йил бошида электрон тижорат тизими ишга туширилди ва у бугунги кунда жадал ривожланмоқда.

Электрон тижоратнинг ривожланиш жараёни тарихини ўрганиш – электрон тижорат соҳаларининг аксариятида инқилобий технологик ўзгаришлар босқичига сабаб, деган хулосага келиш имконини беради. Кейинги босқичда янги технологияларни амалга кенг жорий этиш, улардан фойдаланишда барқарор иқтисодий самара олиш бошланади.

Яна шуни қайд этиш мумкинки, мазкур босқичда фаннинг роли мавжуд техник-иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларни тизимлаштириш ҳамда улардан биргаликда фойдаланиш комплекс тизимларини яратишдан иборат.

Ҳозирги вақтда электрон тижорат чет эл мамлакатларида жадал суръатларда ривожланмоқда. У тижорат фаолиятини олиб боришнинг замонавий ва истикболи порлоқ усули сифатида ўз мавқеини йилдан йилга мустаҳкамламоқда. Чет эллик сотувчилар ва истеъмолчилар интернет савдо майдончаларида товарлар билан олиш-сотиш ва хизматлар кўрсатиш битимларини тузиш орқали бир-бирлари билан фаол ўзаро алоқа қилмоқдалар. Европа ва АҚШ аҳолиси интернет-дўконлардан айниқса кенг фойдаланмоқда.

2009 – 2010 йилларда В2С ўзаро алоқа модели доирасида электрон тижоратнинг даромаддорлик даражаси сезиларли даражада кўпайди. Масалан, Буюк Британияда бундай кўпайиш 10% ни ташкил этди, Францияда онлайн истеъмолчилар сони 12% га кўпайди, интернет дўконлар олаётган даромад эса 20% га ўсди. Ушбу даврда Нидерландияда ҳам интернет харидорлар сони 7% га кўпайди. Испания ва Италия сингари мамлакатларда бунинг акси кузатилди: у ерда Интернет тармоғида харидларни амалга оширувчи аҳоли улуши 20% га ҳам етгани йўқ.



2011 йилда 17 ёшдан 80 ёшгача бўлган Европа аҳолисининг 43% электрон тижорат воситасида харидларни амалга оширар эди. Ўз харидларини интернет дўконларда амалга оширувчи истеъмолчиларнинг энг катта фоизи Швеция ва Буюк Британияда кузатилади (тахминан 71%). Кейинги ўринларни Германия (64%) ва Франция (53%) эгаллайди. Онлайн хариддорларнинг энг кичик фоизи Италия (15%), Болгария (7%), Руминия (6%) сингари мамлакатларда кузатилади.

2011 йилда Бразилиядаги электрон савдо бозорида кизиқарли вазият юзага келади. McKinsey компанияси ҳисоботига кўра, 2004 йилдан бошлаб мазкур соҳада жиддий ўсиш – ҳар йили ўрта ҳисобда тахминан 38% кузатилади. 2011 йилда электрон тижорат воситалари орқали олинган даромад 10 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. McKinsey компанияси мутахассисларининг тахминича, мазкур жараён сақланиб қолган ҳолда 2015 йилга бориб мамлакат жаҳондаги энг йирик электрон савдо бозорларининг бешлигидан ўрин олиши лозим. Мазкур вазиятда иккита диққатга сазовор факт кузатилади. Биринчидан, электрон савдодан олинаётган даромад катта эканлигига қарамай мамлакатда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг атиги 40% онлайн-харидларни амалга оширади. Ушбу кўрсаткич Буюк Британиядаги онлайн-истеъмолчилар улушидан икки баравар, Испаниядаги кўрсаткич (66%)дан эса бир ярим баравар кам. Иккинчидан, электрон тижоратга харажатлар улуши истеъмолчилар жами харажатларининг атиги 4% ни ташкил этади. Ваҳоланки, Америка Қўшма Штатларида бундай харажатлар миқдори 10% ни, Буюк Британияда эса 8% ни ташкил этади. Бразилия тижоратчиларининг бу борадаги муваффақияти сабабларидан бири шундаки, улар савдо фаолиятини ижтимоий тармоқларда амалга оширадilar<sup>44</sup>.

2013 йилда Барселонада “Global E-commerce” саммити бўлиб ўтди. Унда 2012 йил учун электрон тижорат маълумотлари ва ушбу соҳанинг ривожланиши асосий тенденциялари эълон қилинди.

Электрон тижорат соҳасида товар айланмаси, айниқса, кенг бўлган мамлакатлар бешлигига Буюк Британия, Германия, Франция, Испания ва Россия киритилди. Маълум бўлишича, Буюк Британия аҳолиси электрон харидларга ҳаммадан кўп пул сарфлайди. 2012 йилда мазкур мамлакатда яшовчи ҳар бир одам электрон харидларга тахминан 2466 евро сарфлаган.

<sup>44</sup> Brazil briefing: Where is the e-commerce market going? 2012. //http://csi.mckinsey.com/knowledge\_by\_topic/digital\_consumer/where\_is\_brazils\_ecommerce\_market\_going.

Германияда яшайдиган онлайн харидорлар сони тахминан 37 млн.ни, интернетдан фойдаланувчилар сони эса 68,9 млн.ни ташкил этади.

Европада, айниқса, жадал ривожланаётган мамлакатлар тўртлигидан Туркия, Греция, Украина ва Венгрия ўрин олди.

Мобил тижорат бозорининг ҳажми Европада 2012 йилда 17 млрд. еврогача ўсди ва электрон сотувлар умумий ҳажмининг тахминан 5,5% ни ташкил этди<sup>45</sup>.

Бугунги кунда Хитойда электрон савдо иқтисодиёт соҳаси бўлиш билан бир қаторда, иқтисодий ўсиш омилига ҳам айланган. Хитой Саноат ва ахборотлаштириш вазирлигининг дастурига кўра, 2015 йилда чакана онлайн сотувлар ҳажми мамлакатдаги жами чакана савдо айланмасининг 9% ни ташкил этиши ва 3 трлн. юан (тахминан 470 млрд. АҚШ доллари)га етиши лозим. Шу дастурда e-commerce бозорининг умумий ҳажмини 2011 йилда 4,5 трлн. юандан 2015 йилда 18 трлн. юангача кўпайтириш вазифаси қўйилган (асосан ўрта ва кичик компаниялар ўртасида улгуржи интернет савдони янада ривожлантириш ҳисобига)<sup>46</sup>.

Forrester Research ўтказган тадқиқотларнинг натижалари Европа мамлакатларида электрон тижоратнинг баъзи бир тенденцияларини прогноз қилиш имконини беради<sup>47</sup>.

Биринчидан, Европа учун электрон тижоратда сотувлар суммаси 2012 йилда 146 млрд. АҚШ долларидан 2017 йилда 249 млрд. АҚШ долларигача кўпайиши кутилмоқда.

Иккинчидан, интернет орқали амалга ошириладиган савдо бугунги кунда Буюк Британияда алоҳида тармоқ ҳисобланади ва миллий иқтисодиётнинг 13% ни ташкил этади. 2017 йилга бориб мазкур улуш 15% гача кўпайиши тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, Буюк Британия Европада электрон тижорат соҳасида пешқадамлик қилади, ундан кейинги ўринларни Италия ва Испания эгаллайди, уларнинг ҳар бирида онлайн сотувлар йиллик даромаднинг 2% ни ташкил этади. Кейинги 5 йил давомида бу мамлакатларда электрон савдо улуши тегишли равишда 1% ва 2% га кўпайиши прогноз қилинмоқда.

<sup>45</sup>E-commerce в Европе: инфографика и цифры. 2013. // <http://www.internetsales.ru/e-commerce-v-evrope-infografika-i-tsifry>.

<sup>46</sup>China aims for 2.14 trillion in e-commerce sales by 2015. 2012. // <http://www.e-commercefacts.com/news/2012/03/chinas-e-commerce-growth-/>.

<sup>47</sup>Новомилленикий Л. Электронная коммерция. Тенденции развития в мире и в России. // [http://www.tops.ru/publishing/pub\\_007.html](http://www.tops.ru/publishing/pub_007.html).

Учинчидан, тадқиқотчилар тахминича, АҚШги барча чакана сотувларнинг 8% ни таъминлайдиган электрон савдо тармоғи ўсиш тезлигига кўра 5 йил ичида анъанавий савдо тармоғидан ўзиб кетади. 2014 йилда у 262 млрд. АҚШ долларига етади ва бу 2013 йилги кўрсаткич (231 млрд. АҚШ доллари) 13% кўп. Прогноз тўғри бўлиб чиққан тақдирда 2017 йилга бориб АҚШда интернет сотувлар улуши 2010 йилдагидан 9% га кўпаяди. Тахлилчилар фикрича, ўсишни икки омил мобил қурилмалардан фойдаланишнинг ўсиши ва дўконлар ўз виртуал бўлинмаларига инвестицияларни кўпайтириши рағбатлантиради.

### **Электрон тижорат тушунчаси ва турлари**

“Электрон тижорат” атамаси – бу тахминан 1993 йилдан эътиборан компьютер тармоқлари ёрдамида амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятни ифодалаш учун аввал оммавий ахборот воситаларида, кейинчалик эса махсус адабиётларда ҳам қўлланила бошлаган инглизча “electronic commerce” иборасининг сўзма-сўз таржимаси (бу ерда гап қандай компьютер тармоқлари ҳақида бориши ва улар мазкур жараёнда қай тарзда иштирок этиши хусусида тадқиқотчилар бир тўхтамга келганлари йўқ)<sup>48</sup>. Айни вақтда компьютер тармоқларининг тури ва уларнинг тижоратдаги иштироки хусусида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, электрон тижорат атамаси анча олдин, йирик ташкилотлар ўзаро транзакцияларда электрон маълумотларни айирбошлаш (electronic data interchange) технологияларидан, банклар эса пул маблағлари электрон ўтказмаси (electronic funds transfer)дан фойдалана бошлаган XX асрнинг 60-йилларида вужудга келган. Аммо юридик тадқиқотларда “electronic commerce” атамаси фақат 90-йилларнинг ўрталаридан эътиборан қўлланила бошлаган, айнан шу даврда мазкур ходисадан фойдаланиш истисно ҳолатдан меъёрга айланган ва бу тегишли ҳуқуқий базани яратишни талаб қилган<sup>49</sup>.

Аммо шу нарса аниқ, юридик тадқиқотларда “electronic commerce” атамаси ва унинг таржималари фақат электрон тижоратга интернет тармоғи жалб этилгандан кейин, яъни 90-йилларнинг ўрталаридан эътиборан фаол қўлланила бошлади, чунки айни шу даврдан бошлаб мазкур ходиса истисно ҳолатдан қондага айланди ва тегишли ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилди.

<sup>48</sup> Попов В.М., Маршавил Р.А., Ляпунов С.И. Глобальный бизнес и информационные технологии. Современная практика и рекомендации / Под ред. В.М. Попова. – М.: Финансы и статистика, 2001. – С. 55.

<sup>49</sup> Васильева Н.М. Электронная коммерция как правовая категория. Электронный портал “E-commerce law”. // <http://ecommercelaw.ru/elektronnaya-kommerciya-kak-pravovaya-kategoriya.html>.

## Ёдда тутинг!

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ –385-сон (янги таҳрир) 3-модда.

Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишни бирхиллаштириш ва мазкур соҳада ягона атамаларни ишлаб чиқишда халқаро ташкилотларнинг хизмати катта. Бу ерда гап энг аввало Итқисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) хақида боради. Аммо ҳар бир ташкилот ўз тадқиқотларини мустақил равишда олиб боргани боис улар тақлиф қилган таърифлар ўртасида фарқлар мавжуд:

– ИХРТнинг “OECD Policy Brief No. 1-1997: Electronic Commerce” ҳужжатига мувофиқ, электрон тижорат – бу “...ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, рақамли маълумотларга, шу жумладан матнли, аудио- ёки видеоахборотга ишлов бериш ва уларни очик тармоқ (интернетга ўхшаш) ёки очик тармоққа уланиши мумкин бўлган ёпиқ тармоқлар (America Online ёки Minitel сингари) орқали узатишга асосланган тижорат операциялари”<sup>50</sup>;

– БСТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1998 йил 25 сентябрда қабул қилинган Электрон тижорат бўйича ишчи дастурига мувофиқ, электрон тижорат – бу “...товарлар ва хизматларни электрон алоқа воситалари ёрдамида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, маркетинг, сотиш ёки етказиб бериш”<sup>51</sup>;

– БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 1996 йилги “Электрон тижорат тўғрисида”ги намунавий қонун (“Model Law on Electronic Commerce”)да мазкур атамани кенг талқин қилиш, у ҳам

<sup>50</sup> OECD Policy Brief No. 1-1997: Electronic Commerce. Organization for Economic Co-operation and Development. Retrieved March 7, 2000 on the World Wide Web: [Электронный ресурс] Official site «Organization for Economic Co-operation and Development» //: [http://www.oecd.org/publications/Pol\\_brief/9701\\_Pol.htm](http://www.oecd.org/publications/Pol_brief/9701_Pol.htm).

<sup>51</sup> WT/MIN(98)/DEC/2. 25 May 1998, (98-2148). Ministerial Conference, Second Session, Geneva, 18 and 20 May 1998. Declaration on Global Electronic Commerce, Adopted on 20 May 1998 // [Электронный ресурс] Official site «World Trade Organization» //: [http://www.wto.org/english/tnatop\\_e/ecum\\_e/wkprog\\_e.htm](http://www.wto.org/english/tnatop_e/ecum_e/wkprog_e.htm).

шартномавий, ҳам шартномадан ташқари савдо муносабатларининг барчасидан келиб чиқадиган масалаларни камраб олишига эришиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган<sup>52</sup>. Намунавий конунга мувофиқ, электрон тижорат олди-сотди доираси билан чекланмаслиги керак, чунки у электрон воситалар ёрдамида Интернет ёки электрон тармоқлар орқали тузиладиган бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий тижорат битимларини камраб олади;

– БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 16 декабрдаги “Бирлашган Миллатлар Тапқилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан қабул қилинган “Электрон савдо тўғрисида”ги намунавий конун ва “Қабул қилиш бўйича қўлланма” А/51/628-сон Резолюциясида электрон тижорат “электрон маълумотларни айирбошлаш ҳамда ахборотни узатиш ва сақлашнинг қоғозли шаклларига муқобил усуллардан фойдаланишни назарда тутадиган бошқа маълумотларни узатиш воситалари ёрдамида тузиладиган битимлар” сифатида таърифланган;

– Европа комиссияси электрон тижоратни одатда ҳақ эвазига электрон усулда ва хизматларни олувчининг алоҳида талабига биноан кўрсатиладиган дистанцион хизматлар сифатида таърифлайди<sup>53</sup>.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқда “электрон тижорат” атамасига таъриф беришга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд, шунингдек мазкур тушунчанинг бирхиллаштирилган таърифи мамлакатимиз амалиётида ҳам, хорижий амалиётда ҳам ҳали-ҳануз мавжуд эмас.

Шундай қилиб, электрон тижорат – бу тижорат фаолиятини олиб бориш ва битимлар тузиш, шу жумладан ким ошди савдосини ўтказишнинг ҳамкорлар, банк, товарларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида ўзаро алоқа воситаси сифатидаги электрон тизимлар ва интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган техник ва ташкилий шакллари йиғиндисидир.

Электрон тижоратнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

– электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;

– электрон тижоратда шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги;

<sup>52</sup> Типовой закон об электронной коммерции Комиссии ООН по праву международной торговли 1996 г., утвержденный резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН № 51/162 от 16.12.1996 // Издание Организации Объединенных Наций. – 2006. – Ст.75.

<sup>53</sup> Directive 2000/31/EC of the European Parliament and of the Council of 8 June 2000 on certain legal aspects of information society services, in particular electronic commerce, in the Internal Market (Directive on electronic commerce) Official Journal L 178, 17/07/2000 P. 0001 – 0016.

– электрон тижоратда иштирок этиш шарт-шаронтларининг тенглиги;

– электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши.

Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Электрон тижоратдаги шартнома акцептни амалга ошириш йўли билан:

– электрон ҳужжат тарзида;

– электрон хабар тарзида;

– офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш орқали тузилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.

Электрон тижоратдаги шартномани бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилиши мумкин.

Электрон тижорат тизимларида шартномавий муносабатларда битимни амалга оширишнинг барча босқичлари мавжуд бўлади:

– керакли маҳсулот ёки хизматни топиш;

– битим икир-чикирларини келишиш;

– тўловни амалга ошириш;

– буюртмани олиш (етказиб бериш).

Битим жараёнида ўрнатиладиган бизнес муносабатларнинг турига кўра электрон тижоратнинг қуйидаги типлари фаркланади:

Consumer-to-consumer (C2C) – турли хусусий шахслар ўртасида электрон тижорат. Одатдаги мисол – электрон ким ошди савдоси: унда айрим хусусий шахслар бошқа хусусий шахслар сотиб олишлари учун мўлжалланган товарлар ва буюмлар (антиквариат, коллекцион буюмлар ва ш.к.)ни сотувга қўйишлари мумкин.

Business-to-consumer (B2C) – харидорлар сифатида асосан хусусий шахслар амал қиладиган электрон тижорат. Масалан, китоблар, рўзғор электрон жиҳозлари ва ҳоказолар билан савдо қиладиган интернет дўкон.

Business-to-business (B2B) – корхоналар ўртасидаги электрон тижорат. Бундай тизимлардан одатда корхоналарни таъминлашни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни сотиш (procurement) учун фойдаланилади.

**Business-to-government (B2G)** – корхоналар билан давлат муассасалари ўртасидаги электрон тижорат. Давлат электрон тизимлари (e-government) корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга давлат (ҳукумат) ахборотини интернет орқали бериш учун мўлжалланган. Бундай тизимлар амалда давлат тузилмалари ва идоралари фаолиятининг “интернетлашуви”ни ўзида ифодалайди. Масалан, иммиграция ва солиқ хизматларининг интернет сайтлари.

**Consumer-to-government (C2G)** – бу йўналиш ҳали унча ривожланмаган, лекин кенг имкониятларга эга: ундан ҳукумат ва истеъмолчининг ўзаро алоқасини ташкил этиш учун фойдаланилиши мумкин (айниқса, ижтимоий соҳада ва солиқ соҳасида).

**Business-to-employee (B2E)** – бу корпорацияларнинг ички электрон бизнес тизимлари бўлиб, улар компания ходимлари ишини ташкил этиш ва ходимлар, айрим тузилмалар ёки бўлинмаларнинг қўшма бизнес-фаолиятини олиб бориш имконини беради. Одатда, бундай тизимлар корпорациянинг ички тармоғи – интранетда фаолият кўрсатади, лекин уларга сиртдан интернет орқали уланиш мумкин. Электрон тижоратнинг икки тури – B2B ва B2C, айнақса, кенг тарқалган.

Интернет компаниялар ўртасидаги электрон тижорат (B2B модели)га, айнақса, кучли таъсир кўрсатади. Forrester Research таҳлил фирмаси маълумотларига кўра, бизнес учун on-line режимидаги савдо (B2B) ҳажми B2C сектори учун шундай кўрсаткичдан тахминан 10 барабар кўп. B2B модели бўйича электрон тижорат билан шуғулланадиган корхоналар турли йўللар билан даромад оладилар: улар товарлар ва хизматларни сотиш учун сайтларни ташкил этишда бошқа корхоналарга ёрдам кўрсатишлари, ким ошди савдоларида маклерлик қилишлари ва ҳар бир сотувдан фоизлар олишлари, шунингдек бошқа ташкилотларга рекламани жойлаштириш учун ўз web сайтларида жой беришлари мумкин. Масалан, Yahoo! кидирув воситасида муваффақиятга эришиш умидида B2B тижоратига ўтиш амалга оширилган.

### **Ёдда тутиш!**

Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ –385-сон (янги таҳрир) 5-модда.

Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

– тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

– электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

– электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

### **Электрон тижоратнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши**

Электрон тижоратни тартибга солишда электрон тижоратни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тижорат муомаласига татбиқан махсус тартибга солишни талаб этадиган махсус масалалар анчагина. Электрон битимларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқни белгилаш зарурати бундай вазиятлар учун мўлжалланган алоҳида коллизия қоидаларни белгилашни талаб қилиши мумкин. Бундан ташқари, электрон контрактлар томонларининг жойлашган манзили, юрисдикцияси (судловга тааллуқлилиги) ва электрон тижорат соҳасида низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги масалалар ҳам ўз ечимини талаб қилади.

Электрон тижорат муомаласини тартибга солиш масалалари кўпгина ҳукуматлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлари томонидан муҳокама қилинади. Хусусан, мазкур масалалар ЮНСИТРАЛ, БМТ, ЮНКТАД, ИМБТ, ИКАО, БСТ, ИХРТ доирасида муҳокама қилинган. Электрон тижорат масалалари билан бир қатор минтақавий халқаро ташкилотлар, авваламбор, электрон тижоратни



минтақавий даражада тартибга солишда, айниқса, катта муваффақиятларга эришган Европа Иттифоқи<sup>54</sup>, Араб Давлатлари Лигаси ва НАФТА ҳам шуғулланади.

Электрон тижорат масалалари айрим ноҳукумат ташкилотлари, хусусан, МТП, ММК, МСЖД, ИАТАнинг кизиқишлари доирасига ҳам киритилган. Ахборот ҳуқуқи ва электрон тижорат муаммоларининг мураккаблиги ва ранг-баранглиги сўнги йилларда уларни ечиш билан махсус шуғулланадиган бир қатор ноҳукумат ташкилотлари тузилишига сабаб бўлди: Европа электрон хабарлар бўйича уюшмаси, интернет ҳуқуқи ва сиёсат форуми (Internet Law and Policy Forum, ILPF), Глобал ахборот инфратузилмаси бўйича форум (Forum for the Global Information Infrastructure, GIIC)<sup>55</sup>, Ахборот технологиялари ва хизматлари бўйича Бутунжаҳон альянс (World Information Technology and Services Alliance, WITSA)<sup>56</sup>.

Аммо электрон тижоратни тартибга солишга дахлдор органлар ва ташкилотларнинг кўплиги ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий томонларга ҳам эга. Бугунги кунда уларнинг иши ҳатто муаммонинг умумий жиҳатлари бўйича ҳам мувофиқлаштирилмайди, халқаро ташкилотлар фаолиятида баъзан бир-бирини такрорлаш кузатилади. Кўпгина халқаро ташкилотлар электрон тижоратнинг у ёки бу жиҳатларини ўз фаолияти предметига татбиқан кўриб чиқаётганда, хусусий масалаларга ҳам мурожаат этади ва бу электрон тижоратни тушунишда келишувга эришиш учун монелик қилади. Ваҳоланки, тегишли ҳуқуқий базани яратиш йўллари ва воситалари хусусида бундай келишувга эришиш зарур.

Электрон тижорат жорий этилиши муносабати билан аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар қаторига, энг аввало, куйидаги халқаро шартномалар киради: 1924 йилги “Коносамент тўғрисида”ги айрим қоидаларни бир хиллаштириш тўғрисида халқаро конвенция (1968 йилги “Коносамент тўғрисида”ги айрим қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисида халқаро конвенцияни ўзгартириш ҳақидаги Протокол билан тасдиқланган таҳрирда), 1978 йилги “Юкларни денгизда ташиш тўғрисида”ги БМТ конвенцияси, 1980 йилги “Халқаро аралаш юкларни ташиш тўғрисида”ги БМТ

<sup>54</sup> ЮНСИТРАЛ, ЕИК, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари асосида ЕИ тижорат фаолиятининг янги технологияларидан фойдаланиш қоидаларини белгилайдиган бир қатор норматив ҳужжатларни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Бугунги кунда электрон тижоратнинг турли жиҳатларини тартибга солиш учун янги директивалар қабул қилинган.

<sup>55</sup> <http://www.giic.org>.

<sup>56</sup> <http://www.witsa.org>.

Конвенцияси, 1929 йилги “Халқаро юкларни ҳавода ташишга тегишли айрим қоидаларни бирхиллаштириш тўғриси”да Варшава конвенцияси (1955 йилги Варшава конвенциясини ўзгартириш тўғрисидаги Гаага протоколи таҳририда), 1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган ва 1955 йил 28 сентябрдаги Гаага протоколи билан тўлдирилган “Халқаро юкларни ҳавода ташишга тегишли айрим қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисида”ги конвенцияни тўлдирувчи 4-сон Монреал протоколи, 1944 йилги “Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида”ги конвенция (Чикаго конвенцияси), 1991 йилги “Халқаро савдода транспорт терминаллари операторларининг жавобгарлиги тўғрисида”ги БМТ конвенцияси, 1989 йилги “Халқаро юкларни йўлларда ташиш тўғрисида”ги Америкалараро конвенция, 1956 йилги “Халқаро юкларни йўлларда ташиш шартномаси (CMR) тўғрисида”ги конвенция, 1987 йилги “ЕИҲ ва ЕЭСУ аъзо-давлатлари ўртасида транзит умумий таомиллари тўғрисида”ги конвенция, 1980 йилги “Халқаро юкларни темир йўлда ташиш тўғрисида”ги конвенция (COTIF/CIM), 1980 йилги “Халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги БМТ конвенцияси, 1988 йилги “ЕИҲ ва ЕЭСУ аъзо-давлатлари ўртасида товарлар савдосида расмийликларни соддалаштириш тўғрисида”ги конвенция, 1988 йилги “Халқаро факторинг тўғрисида”ги УНИДРУА конвенцияси, 1988 йилги “Халқаро ўтказиладиган векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисида”ги БМТ конвенцияси, 1995 йилги “Мустақил қафолатлар ва захира аккредитивлар тўғрисида”ги БМТ Конвенцияси, 1975 йилги “ИРУ дафтарчасини қўллаган ҳолда халқаро юкларни ташиш тўғрисида”ги божхона конвенцияси, 1982 йилги “Чегарада юкларни назорат қилишни уйғунлаштириш тўғрисида”ги халқаро конвенция, 1989 йилги “Хавфли юкларни автомобиль, темир йўл ва ички сув транспортида ташишдан етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида”ги конвенция, 1957 йилги “Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисида”ги Европа битими.

Жаҳонда электрон тижоратнинг тегишли ҳуқуқий таъминотини яратиш устида фаол иш олиб борилмоқда. Аммо, ҳар қандай мамлакатда, шу жумладан электрон тижорат ватани ҳисобланадиган Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияда ҳам бу борадаги қонунчилик ҳали ўз шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичига эга.

XX асрнинг сўнги чорагида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL<sup>1</sup>) ва Хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш халқаро институти (UNIDROIT<sup>2</sup>) савдони тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги фарқлар ва зиддиятлар билан белгиланган халқаро савдо учун тўсиқларни халқаро конвенцияларни ишлаб чиқиш йўли билан бартараф этиш мақсадида халқаро савдо ҳуқуқини бирхиллаштириш ва мувофиқлаштириш борасида фаолият олиб борди.

Ушбу машаққатли иш натижасида БМТ конвенциялари (халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисида, халқаро товарлар олди-сотдисиди даъво муддатининг ўтиши тўғрисида, 1978 йилги юкларни денгизда ташиш тўғрисида (Гамбург қоидалари), халқаро савдода транспорт терминаллари операторларининг жавобгарлиги тўғрисида, халқаро ўтказиладиган векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисида, мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлар тўғрисида), намунавий қонунлар (халқаро савдо арбитражи тўғрисида, халқаро кредит ўтказмалари тўғрисида, товарлар (ишлар) ва хизматларни харид қилиш тўғрисида), UNCITRAL Арбитраж регламенти, UNCITRAL Ярашув регламенти ва ҳуқуқий қўлланмалар (қурилиш учун халқаро контрактлар тузиш, муқобил савдо битимлари ва маблағлар электрон ўтказмаси бўйича) қабул қилинди<sup>3</sup>.

Яқин вақтгача электрон тижорат соҳасида халқаро ҳуқуқий тартибга солишни қамраб олган UNCITRAL асосий ҳужжатлари 1996 йилги “Электрон тижорат тўғрисида”ги намунавий қонун<sup>4</sup> ва 2000 йилги “Электрон имзолар тўғрисида”ги намунавий қонун<sup>5</sup> ҳисобланади.

Анъанавий тижоратдан ностандарт шаклга ўтиш жараёнига халқаро ташкилотларнинг жиддий муносабатини 1984 йилда UNCITRAL ўн еттинчи сессиясида БМТ Бош қотибининг “Маълумотларга автоматик ишлов беришнинг ҳуқуқий жиҳатлари” деб номланган маърузаси кўриб чиқилгани ҳам тасдиқлайди. Унда ЭҲМ ёзувларининг юридик қиммати, ёзма шакл талаби, ҳақиқийликни тасдиқлаш, умумий шартлар, жавобгарлик ва

<sup>1</sup> UNCITRAL – United Nations Commission on International Trade Law

<sup>2</sup> UNIDROIT – Institut International Pour L'Unification du Droit Prive (International Institute for the Unification of Private Law).

<sup>3</sup> Руководство по применению Типового закона UNCITRAL об электронной коммерции // Справочная правовая система «Гарант».

<sup>4</sup> UNCITRAL Электрон тижорат тўғрисида Намунавий қонуни (Model law on electronic commerce (MLEC)).

<sup>5</sup> UNCITRAL Электрон имзолар тўғрисида Намунавий қонуни (Model law on electronic signatures (MLES)).

коносаментлар билан боғлиқ айрим ҳуқуқий муаммолар белгиланди. Комиссия Европа иктисодий комиссияси ҳомийлигида иш олиб бораётган Халқаро савдо таомилларини соддалаштириш маркази (CEFACT)<sup>1</sup> ва бошқарув, савдо ва транспортда электрон маълумотларни айирбошлаш тизимини ишлаб чиқиш (EDIFACT)<sup>2</sup> учун жавоб берувчи Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ конференцияси (UNCTAD)<sup>3</sup> маърузасини маълумот учун қабул қилди.

UNCITRAL 1996 йил 12 июнда ўзининг йиғирма тўққизинчи сессиясида Электрон тижорат тўғрисидаги намунавий қонун лойиҳасини таҳрир гуруҳи томонидан унга киритилган ўзгартиришлар билан бирга кўриб чиқиб, намунавий қонунни ва уни қабул қилиш бўйича Қўлланмани яқунловчи кўринишда қабул қилди, у БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 16 декабрдаги А/51/628-сон Резолюцияси билан тасдиқланди.

Шундай қилиб, 1996 йилги UNCITRAL “Электрон тижорат тўғрисида”ги намунавий қонун 1996 йилнинг энг қутилган ҳуқуқий ҳужжати бўлди, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. У қабул қилингунга қадар ўн икки йил давомида (1984 йилдан 1996 йилгача) тайёргарлик ишлари амалга оширилди, бу давр ичида UNCITRAL муҳокамасига ҳам тегишли қонун қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳларнинг, ҳам Котибиятнинг, ҳам юқорида қайд этилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг маърузалари киритилди:

- “Маълумотларга автоматик ишлов беришнинг ҳуқуқий жиҳатлари” (1984);
- “Компьютер ёзувларининг юридик қиммати” маърузаси (1985);
- “Контрактларни электрон усулда тузишга доир ҳуқуқий масалалар бўйича дастлабки тадқиқот” маърузаси (1990);
- “Электрон маълумотларни айирбошлаш” маърузаси (1991);
- “Электрон маълумотларни айирбошлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида”ги намунавий қонун лойиҳаси (1994).

А.С.Комаров қайд этганидек, “у замонавий коммуникация ва ахборотни сақлаш воситаларидан, хусусан, электрон ахборот айирбошлаш, электрон почта ва факсимил алоқадан ҳам интернет глобал тармоғи ёрдамида, ҳам усиз фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиши лозим эди. Намунавий қонун қоғоз шаклидаги

<sup>1</sup> CEFACT — United Nations Centre for Trade Facilitation and Electronic Business.

<sup>2</sup> EDIFACT — Electronic data interchange for administration, commerce and transport.

<sup>3</sup> UNCTAD — United Nations Conference on Trade and Development.

хужжат айланишидан фойдаланувчи коммуникациялар концепциялари учун функционал эквивалентларни белгилайди, хусусан “ёзма шакл”, “имзо” ва “асл нусха” тушунчаларига таъриф беради”<sup>1</sup>. Электрон хабарларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш имконини берадиган стандартлар биринчи марта шундай юксак даражада мустақкамланди. Бу маълумотлар электрон айирбошлашни кенг тарқатиш учун зарур эди. Электрон тижоратни умумий норматив тартибга солишни белгилар экан, намунавий қонун иқтисодий фаолиятнинг алоҳида соҳалари орасида факат юкларни ташишни айтиб ўтади ва рўйхатни очик қолдиради. Намунавий қонун нормаларини манфаатдор давлатлар миллий қонунчиликка имплементация қилишларини енгиллаштириш учун UNCITRAL намунавий қонунни қабул қилиш бўйича Қўлланмани ишлаб чиқди. Мазкур Қўлланмадан тегишли вазиятларда қонуннинг айрим қоидаларини шарҳлаш учун фойдаланилиши ҳам мумкин.

Электрон тижорат тўғрисидаги намунавий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида чиқарилган асосий хулосалардан бири қуйидагича янграйди: хужжатларни қоғозда тузиш ёки имзолашга доир мажбурий талаблар халқаро савдода компьютерлар ва уларнинг ўртасидаги алоқа каналларидан фойдаланиш йўлида жиддий юридик тўсиқ ҳисобланади. Компьютерларда сақланаётган маълумотлардан суд муҳокамасида далил сифатида фойдаланиш эса, аксинча, бирон-бир мамлакатда жиддий ҳуқуқий муаммолар туғдирмайди.

Электрон тижорат тўғрисидаги намунавий қонуннинг деярли барча моддалари мазкур қонунга қўшилаётган давлат томонидан белгиланган ҳолларда уларнинг моддаларини изоҳот билан қўллаш ва қўлламаслик имкониятини назарда тутди.

UNCITRALнинг электрон маълумотларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган иккинчи асосий хужжати 2001 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 85-и ялпи мажлисида қабул қилинган Электрон имзолар тўғрисидаги намунавий қонун ҳисобланади. Мазкур норматив-ҳуқуқий хужжат электрон имзолардан савдо фаолиятида фойдаланилган ҳолларда қўллаш учун мўлжалланган. Бунда савдо фаолияти “Электрон тижорат тўғрисида”ги намунавий қонунда бўлганидек, ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари савдо муносабатларидан келиб чиқадиган барча масалаларни қамраб олиш учун мумкин қадар кенг талқин қилинади.

<sup>1</sup> Комаров А.С. Международная унификация правового регулирования внешнеэкономической деятельности // Законодательство. – 1999. – №11.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги намунавий қонун асосан электрон савдо “ахборот майдони” ва маълумотлар айирбошлашнинг ҳуқуқий режимини белгилашга бағишланган бўлса, “Электрон имзолар тўғрисида”ги намунавий қонунда электрон имзони яратиш ҳуқуқий режими, узатилаётган маълумотларни имзолаш тартиби ва бунда иштирок этувчи шахсларнинг мақоми белгиланган.

“Электрон имзолар тўғрисида”ги намунавий қонун мақсадлари учун электрон имзо тушунчасининг таърифи мустаҳкамланди, узатилаётган маълумотларда ифодаланган, уларга илова қилинган ёки мантиқан улар билан боғланидиган ва маълумотлар узатилиши муносабати билан имзо қўювчини идентификация қилиш ва имзо қўювчи узатилаётган маълумотларда ифодаланган ахборотга рози эканлигини кўрсатиш учун қўлланилиши мумкин бўлган электрон шаклдаги маълумотлар сифатида тавсифланди.

Электрон рақамли имзо тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган узатилаётган маълумотлар тушунчаси Электрон имзолар тўғрисидаги намунавий қонунда келтирилган таъриф билан айнан баи хил.

Электрон имзолар тўғрисидаги намунавий қонунда сертификат, имзо қўювчи, сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи тушунчаларига ҳам таъриф берилган.

Электрон имзолар тўғрисидаги намунавий қонун электрон имзолар яратишнинг ҳар қандай усуллари учун тенг ҳуқуқий режимни белгилайди. Қўлланилаётган усулларнинг бирортаси ҳам истисно этилиши, чекланиши ёки юридик кучдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бунда қўлланилган электрон имзо ундан фойдаланиш мақсади билан мос келадиган даражада ишончли бўлган ҳолда узатилаётган маълумотларга нисбатан шахс ўз қўли билан қўядиган имзога доир ҳар қандай талаб бажарилган деб ҳисобланади.

Электрон имзо қуйидаги ҳолларда ундан фойдаланиш мақсади билан мос келадиган даражада ишончли ҳисобланади:

– электрон имзони яратиш учун маълумотлар улардан фойдаланиш нуктаи назаридан фақат имзо қўювчи шахс билан боғлиқ бўлса, яъни имзо фақат ўз эгасини идентификация қилса;

– электрон имзони яратиш учун маълумотлар имзо қўйиш пайтида фақат имзо қўювчининг назорати остида турган бўлса;

– имзо қўйилгандан кейин электрон имзога киритилган ҳар қандай ўзгартиришни аниқлаш мумкин бўлса;

– имзо мавжудлигига қўйиладиган юридик талаб мақсадларидан бири у тегишли бўлган ахборотнинг яхлитлигини кафолатлашдан

иборат бўлса, имзо қўйилгандан кейин ушбу ахборотга киритилган ҳар қандай ўзгартиришни аниқлаш мумкин бўлса.

Имзо қўювчи шахснинг бошқа далилларни тақдим этиш ёки электрон имзонинг ишончлилигини тасдиқлаш ёки рад этиш бошқа усулларидан фойдаланиш имкониятлари чекланмайди.

Электрон имзолар тўғрисидаги намунавий қонуннинг айрим моддалари кўриб чиқилаётган муносабатларнинг имзо қўювчи ва сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи сингари иштирокчилари хулқ-атворини тартибга солади. Н.Дмитрик бу хусусда шундай деб ёзади: “Ҳуқуқ масалаларини ва технология масалаларини бирлаштириш муаммоси MLESда анъанавий усул билан ҳал этилган. Одатдаги “қогозли” ҳуқуқий муносабат, қоида тариқасида икки томон-контрагентлар фаолияти билан боғлиқ бўлса, электрон имзони қўллаш билан боғлиқ ҳолда учинчи томон пайдо бўлиши мумкин. Бу томонлардан бири ёки иккаласининг талабига кўра имзони ҳужжатга имзо қўювчи сифатида кўрсатилган томон бажарганини тасдиқлай оладиган ишончга лойиқ шахс бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, учинчи томон техника масалаларини ҳал қилиши керак. MLESда у “сертификатлаштирувчи провайдер” (ёки “сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи – certification service provider) деб аталади<sup>1</sup>. Бунда ҳуқуқий муносабатдаги шахслар сони амалда учтадан кам бўлиши ҳам, кўп бўлиши ҳам мумкин. Агар имзонинг ҳақиқийлигини олувчи томоннинг ўзи текшириши мумкин бўлса, улар иккита бўлиши; имзони текшириш функциялари бир нечта шахс ўртасида тақсимланган бўлса, тўртта ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин”<sup>2</sup>. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, электрон ҳуқуқий муносабатлар томонлари (контрагентлари) ва сертификатлаштирувчи шахсдан ташқари доим электр алоқа хизматларини кўрсатадиган шахс, яъни маълумотларни бир томондан бошқа томонга узатиш бўйича воситачи мавжуд бўлади.

Томонлар электрон имзолар ёки сертификатларнинг муайян турларидан фойдаланиш тўғрисида ўзаро келишган ҳолларда, бундай келишув трансчегаравий эътироф этиш мақсади учун етарли деб топилади, бундай келишув ҳақиқий бўлмаган ёки қўлланиладиган ҳуқуққа мувофиқ кучга эга бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

<sup>1</sup> Бунда “сертификатлаштирилган хизматларни етказиб берувчи” атамасини қўллаш, бизнингча, ўринли бўлади, чунки “провайдер” атамасини аҳолининг аксарият қисми Интернетдан фойдаланиш имкониятини берувчи шахс билан боғлайди.

<sup>2</sup> Дмитрик Н. Интернационализация правового регулирования вопросов применения электронных подписей // <http://www.russianlaw.net/law/doc/al19.htm>.

Қайд этиб ўтилганидек, юқорида кўриб чиқилган ҳужжатлар умуммажбурий кучга эга эмас, уларнинг норматив-ҳуқуқий хусусияти қоидаларнинг тавсиявийлиги билан бирикади. Сўнги вақтгача кўриб чиқилаётган соҳада қўшилган давлатларнинг барчаси ижро этиши учун мажбурий бўлган тегишли даражадаги халқаро битимлар мавжуд эмас эди.

2005 йил 23 ноябрда Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеяси UNCITRAL томонидан ишлаб чиқилган Халқаро шартномаларда электрон хабарлардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни<sup>3</sup> қабул қилди. Унда юқорида келтирилган ҳужжатларнинг қоидалари ўз тасдиғини топди. Мазкур конвенция БМТга аъзо мамлакатлар имзолаши учун 2006 йил 16 январдан 2008 йил 16 январгача очик деб эълон қилинди. Конвенция уч давлат имзолаган санадан эътиборан олти ойдан сўнг кучга киради.

Мазкур конвенциянинг юқорида кўриб чиқилган ҳужжатлардан фарқи шундаки, у тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашган томонлар ўртасида шартнома тузилиши ёки уни бажариш муносабати билан электрон хабарлардан фойдаланишга нисбатан қўлланилади. Бунда томонларнинг тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашгани, шунингдек уларнинг давлатга мансублиги, фуқаролик ва савдо мақоми, шартноманинг фуқаролик ёки савдо мақоми эътиборга олинмайди. Шундай қилиб, конвенция унга қўшилган БМТ аъзоси бўлган мамлакатларнинг барчаси учун электрон хабарларни қўллаш имконияти ва уларнинг тенг кучини белгилайди. Аммо конвенция қоидалари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

а) электрон хабарлар:

– шахсий, оилавий ёки рўзғор мақсадларида тузилган шартномалар;

– фонд бозорида тартибга солинадиган битимлар;

– чет эл валютаси билан битимлар;

– банклараро тўлов тизимлари ва битимларига ёки қимматли қоғозлар ёхуд бошқа молиявий активлар ёки воситалар учун ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари;

– воситачида сақланаётган қимматли қоғозлар ёки бошқа молиявий активлар ёнки воситалардаги таъминлаш ҳуқуқларини ўтказиш ёхуд уларни сотиш ёки қарз бериш ёнки уларга эгаллик қилиш ёхуд уларни қайтариб сотиш тўғрисидаги битим;

<sup>3</sup> Конвенция ООН об использовании электронных сообщений в международных договорах // <http://www.ifap.ru/pr/2005/051128aa.htm>.



б) ўтказиладиган ёки оддий векселлар, транспорт юкхатларига, коносаментлар, омбор тилхатлари ёки тақдим этувчи ёки бенефициар товарларни етказиб бериш ёки пул суммасини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳар қандай айланма ҳужжатлар ёки воситалар.

Конвенцияда битим томонлари ушбу конвенциянинг қўлланишини истисно этишлари ёки унинг исталган коидасидан четга чиқишлари ёнки унинг амал қилишини ўзгартиришлари мумкинлиги ҳақидаги муҳим ва айни вақтда баҳсли қоида ҳам белгиланган. Давлатлар конвенцияга қўшилаётганда эса бирон-бир изоҳга йўл қўйилмайди.

Конвенция электрон хабарларнинг юридик кучини шакл-шубҳасиз тан олади. Унга кўра, хабар ёки шартнома фақат улар электрон хабар шаклида тузилгани туфайли ҳақиқийлик ёки даъво кучидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Конвенция хабар ёки шартнома бирон-бир аниқ шаклда тузилиши ёки тасдиқланишини талаб қилмайди. Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари хабар ёки шартномани ёзма шаклда тақдим этишни талаб қилган ёки ёзма шакл йўқлигида муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолларда, ушбу талаб электрон хабарни тақдим этиш йўли билан бажарилган деб ҳисобланади, башарти унда ифодаланган ахборот кейинчалик фойдаланиш учун очиқ бўлса.

Конвенция томонларнинг электрон хабарни имзолаш ёки уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш усулини танлаш имкониятларини чекламайди. Қонун ҳужжатлари хабар ёки шартномани имзолашни талаб қилган ёки имзонинг йўқлиги муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолларда, ушбу талаб электрон хабарга нисбатан бажарилган ҳисобланади, башарти:

– имзо қўювчини идентификация қилиш ва унинг электрон хабардаги ахборотга нисбатан ниятини кўрсатиш учун бирон-бир усул қўлланилган бўлса;

– ушбу усул электрон хабарни тайёрлаш ёки узатиш мақсади учун ишончли бўлса ёки ўз-ўзича томонни идентификация қилса ва унинг унинг электрон хабардаги ахборотга нисбатан ниятига ишора қилса (конвенциянинг 9-моддаси).

Қонун ҳужжатлари хабар ёки шартномани уларнинг ҳақиқий шаклида тақдим этишни талаб қилган ёки ҳақиқий шаклнинг йўқлиги муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолларда, ушбу талаб электрон хабарга нисбатан бажарилган ҳисобланади, башарти:

– у ўзининг якуний шаклида электрон хабар кўринишида ёки бошқа бирон-бир кўринишда биринчи марта тайёрланган пайтдан бошлаб ундаги ахборотнинг яхлитлиги бузилмаганини тасдиқловчи ишончли далиллар мавжуд бўлса;

– ундаги ахборотни тақдим этиш талаб этилган ҳолда, мазкур ахборотни у тақдим этилиши лозим бўлган шахсга намоён этиш мумкин бўлса.

Бунда яхлитликни баҳолаш мезони бўлиб, ахборот тўлиқ ва ўзгаришсиз сақлангани хизмат қилади; талаб этиладиган ишончлилик даражаси ахборотни тайёрлаш мақсади ва барча тегишли ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда баҳоланади (конвенциянинг 9-моддаси).

Конвенция электрон битимларни тузиш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатларни, хусусан: электрон хабарларни юбориш ва олиш вақти, шартнома тузиш ҳақидаги таклифлар, шартнома тузиш учун хабарлар автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш, электрон хабарлардаги хатоларни ҳам тартибга солади.

БМТ норма ижодкорлиги фаолияти билан бир қаторда, электрон савдо соҳасида халқаро ҳуқуқни шакллантиришда Европа Иттифоқи ҳам фаол иштирок этмоқда. 1998 йилда у “Ички бозорда электрон савдонинг баъзи бир жиҳатлари тўғрисида”ги директива қабул қилди. Ушбу директиванинг асосий вазифаси Европа Иттифоқи аъзоси бўлган давлатлар ўртасида халқаро электрон тижорат лозим даражада фаолият кўрсатиши учун шароитларни таъминлашдир. ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни билан таққослаганда, мазкур директива электрон савдо соҳасидаги кенг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни белгилайдиган анча катта ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжатда умумий қоидалардан ташқари, электрон савдонинг айрим жиҳатларини янада муфассал тартибга солувчи нормалар мажмуи ҳам мустаҳкамланган.

Электрон савдо соҳасида Европа ҳуқуқини шакллантирувчи муҳим ҳужжат 1999 йил декабрда қабул қилинган “Электрон имзолардан фойдаланиш учун ҳамдўстликнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги директива ҳисобланади. Мазкур ҳужжат электрон имзолардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни, айниқса, тўлиқ тартибга солади. У Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатларга электрон савдони давлат томонидан тартибга солиш ишида пешқадамликни қўлга киритиш имконини берди. Бу қонун ҳужжатини қабул қилишнинг мақсади – интернет орқали бизнес билан шуғулланишни таъминлаш.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи электрон тижоратни тартибга солишга қаратилган бошқа бир қатор ҳужжатларни ҳам қабул қилди. Уларнинг орасида “Электрон савдо тўғрисида”ги, “Масофадан туриб тузиладиган контрактлар борасида истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа директивалар бор.

Электрон тижоратни бирхиллаштириш борасидаги фаолият билан нафақат давлатлараро, балки нодавлат халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланади. Аммо бу борада улар анча пассив ва одатда соф техник функцияларни бажаради, масалан, ахборот тўплаш ва мавжуд нуқтаи назарларни умумлаштириш билан кифояланади.

Бундай ёндашув бугунги кунда ўринли эмас ва юзага келган ҳуқуқий вазият билан мос келмайди. Электрон тижоратнинг таркибий қисми ҳисобланадиган электрон пул ўтказиш (Electronic Funds Transfer ёки EFS) соҳасидаги муносабатларни самарали тартибга солувчи ташкилотлардан бири Бугунжаҳон банклараро телекоммуникациялар жамияти (SWIFT, SWIFT-BIC) ҳисобланади. SWIFT – Бельгия ҳуқуқи бўйича рўйхатдан ўтказилган матбуот жамияти. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси – банк ва молиявий ахборотни ҳисоблаш техникаси воситалари негизида жадал узатиш<sup>4</sup>. Visa International банк муассасалари уюшмаси жаҳоннинг икки юздан зиёд мамлакатада фаолият олиб боради. Бу уюшма битимларни амалга ошириш, шу жумладан фирибгарликдан ҳимоя қилиш ва низоларни ҳал этиш хизматларини “VisaNet” ахборот тизими воситасида кўрсатади<sup>5</sup>. Мазкур ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз иш қоидаларини белгилайди ва шу тариқа уларга муносабатларнинг иштирокчилари учун мажбурий тус беради.

### **Электрон битимларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши**

Ўзбекистон Республикасида электрон битимлар, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари билан тартибга солинади. Шунингдек, мазкур қонунлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги

<sup>4</sup>Бахин С.В. Влияние технологий на современное международное право // Современное международное частное право в России и Евросоюзе: монография. Книга первая / под ред. М.М. Богуславского, А.Г. Лисицына-Светлакова, А. Трунка. – М., 2013. – С. 128.

<sup>5</sup>Галенская Л.Н. Правовое регулирование международных карточных платёжных систем // Журнал международного частного права. 2012. – №1. – С. 5.

“Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 185-сон қарори муҳим ҳисобланади.

Ўз навбатида, электрон битим – электрон тижоратда фойдаланиладиган электрон ҳужжатнинг бир кўриниши ёки бир тури ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, электрон ҳужжат ўзи нималигини ва унинг ҳуқуқий табиатини аниқлаб олмақ зарур. Электрон ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига асосан электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир<sup>6</sup>. Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инobatга олган ҳолда яратилиши керак.

Айтилганидек, электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланишида фойдаланилади, ўз навбатида, электрон ҳужжат айланиши – бу электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади.

Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (жумладан, шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин.

Электрон битим ва бошқа ҳар қандай электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, ўз навбатида, электрон рақамли имзо электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитларидан энг асосийсидир. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонунига асосан электрон рақамли имзо – бу электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан<sup>7</sup> фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик

<sup>6</sup> Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги Қонун. // АХТ “Norma”.

<sup>7</sup> Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо кўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мулжалланган белгилар кетма-кетлиги.

калити<sup>8</sup> ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш лозим – бу электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа ҳисобланади.

Бир қатор муаллифлар электрон битимларни уларни тузиш режимида мувофиқ қуйидагича таснифлайди<sup>1</sup>:

1) on-line режимида, яъни бевосита мулоқот йўли билан тузиладиган ва бажариладиган электрон битимлар (муסיқий асарлардан фойдаланиш учун электрон шаклда тузиладиган ва бажариладиган муаллифлик шартномалари);

2) on-line режимида тузиладиган, бироқ off-line, яъни кутиш режимида бажариладиган электрон битимлар (электрон тарзда тузилувчи ва электрон рақамли имзодан фойдаланувчи олди-сотди шартномаси);

3) off-line режимида тузиладиган, бироқ on-line режимида бажариладиган электрон битимлар (дастурий таъминлашга оид одатдаги “қоғоз” шартнома).

### **Ёдда тутинг!**

Электрон шартнома (битим) – товарлар (ишлар, хизматлар), олди-сотдиси учун ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартнома.

Электрон тижоратдаги шартнома шартларига қуйидагилар киритилади:

– электрон тижоратдаги шартнома шартлари конун хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

– электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон хужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон хужжатни

<sup>8</sup> Электрон рақамли имзонинг очик калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон хужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мужалланган белгилар кетма-кетлиги.

<sup>1</sup> Огородов Д.В. Правовое регулирование электронных сделок // Аудит. – М., 2003. – № 5. – С.90-98; Белоусов А. Электронный документооборот. Юридические аспекты IT-бизнеса // Crime-research.org.

жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси конун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

### Электрон тижоратда шартнома тузиш

Электрон тижоратда шартнома қуйидагилар воситасида тузилиши мумкин:

- электрон ҳужжатларни айирбошлаш;
- электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;
- электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

Электрон тижоратда шартнома акцептни (таклиф қабул қилинишини) ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёхуд офертани ўз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар товарлар (ишлар хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат олинганлигини оферта шартларига розиликни кўрсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги, агар конун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акцепт ҳисобланмайди.

Агар конун ҳужжатларида шартнома бўйича тарафнинг бошқа тарафга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, кўрсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъи назар, амалга оширилади.

Электрон тижоратда шартнома, агар конун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Чакана ва улгуржи олди-соғди электрон шартномалари, товарлар етказиб бериш учун шартномалар, контракция, пуллик хизматлар кўрсатиш ва суғурта шартномалари кўпинча икки тарафлама ёки кўп тарафлама электрон битимлар ҳисобланади.

Лекин электрон битимларни тузиш амалиёти барча битимлар ҳам электрон шаклда тузилиши мумкин эмаслигидан далолат беради.

Бундай битимлар қаторига, масалан, давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилувчи битимлар, хусусан, кўчмас мулк билан битимлар ёки патентдан ўзга шахс фойдасига воз кечиш шартномалари; нотариал тасдиқлашни талаб қилувчи битимлар, масалан, рента шартномаси, одатдаги тартибда васиятнома тузиш ва бошқалар қиради.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожланишининг асосий йўналишларини ва мазкур соҳадаги давлат сиёсати йўналишларини изоҳланг.

2. Электрон тижорат турларини таҳлил қилинг ва электрон битимларни тузиш тартибини шарҳланг.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Чехия корхоналари ўртасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида электрон шартнома тузилган. Тарафлар ўртасидаги акцепт ва оферта электрон шаклда, яъни электрон почта ёзишмалари орқали амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси корхонаси ўз тарафидан электрон шартномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган. Тузилган электрон шартнома бўйича Чехия корхонаси ўз мажбуриятларини бажармади ва корхонага мажбурият бажарилиши талаби қўйилганида, корхона мазкур шартномани тузилган деб ҳисобламаслигини, уни электрон рақамли имзо билан тасдиқламаганлигини ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаслигини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси корхонаси мазкур ҳолат бўйича тегишли судга мурожаат қилди.

*Савол: Мазкур масалани муҳокама қилинг ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ечинг.*

4. Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган ва ўз фаолиятини ахборот технологиялари соҳасида олиб борадиган «Highway» компанияси

huawei.uz домен номини рўйхатга олди ва ундан фойдалана бошлади. Маълум бир вақт ўтганидан сўнг Хитойда рўйхатдан ўтган ва фаолият юритувчи Huawei компанияси мазкур домен номи уларнинг фирма номи ва товар белгиси билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб, уни уларни компанияси фойдасига воз кечишини таклиф қилди. Шунда “Highway” компанияси мазкур домен номи уларга тегишли эканлигини, ундан воз кечмаслигини, лекин ушбу домен номини сотиши мумкинлигини баён қилди. Шунда “Highway” компаниясининг huawei.uz доменини сотиш бўйича таклифини Huawei компанияси қабул қилди ва ўзаро электрон шартнома тузган ҳолда уни сотиб олди. Шундан сўнг Huawei компанияси ҳуқуқшунослари Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилиб, электрон битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда домен номи Huawei компаниясига тегишлилигини белгилаб беришини сўраб мурожаат қилган.

*Савол: Мазкур ҳолатни муҳокама қилинг ва асослантирилган жавоб ёзинг.*



## **ХII БОБ. ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

Чет эл инвестициялари тушунчаси. Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий режими. Хорижий инвестицияларни суғурта қилиш (кафолатлаш). Инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби.

### **Чет эл инвестициялари тушунчаси**

Глобаллашув ва давлатлар ўртасида ҳўжалик алоқаларининг кенгайиши шароитида айнан чет эл инвестициялари долзарб аҳамият касб этиши табиий. Тўғридан – тўғри жалб қилинадиган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажми дунё товарлари ва хизматлари ҳажмига нисбатан кўп ҳисобланади. Шу боис, моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш бўйича миллий ва халқаро инвестиция бозори фаолият юритадиган шароитда иқтисодий муносабатларнинг асосий тури бўлиб қолмоқда, унда инвестициялар ишлаб чиқариш мақсади ва ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланади.

Давлатларнинг халқаро капитал бозорга чиқиши инвестициявий фаолиятни амалга ошириш учун нисбатан қулай шароитлар яратиш заруратини келтириб чиқаради, бу билан миллий иқтисодиёт шароитида чет эл инвестициялари фаолияти асосини белгиловчи муайян ҳуқуқий режимни яратади.

Чет эл инвестициялари қонуний тушунчасини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки у шахслар доирасини ва тегишли ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасини белгилайди. Турли мамлакатларда ушбу тушунчанинг ҳажми қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция сиёсатига мос ҳолда аниқланади<sup>9</sup>.

Бугунги кунда чет эл инвестицияларини жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий корхоналар фойдаси ва амортизация ажратмалари ҳисобига капитал қўйилмаларининг мавжуд имкониятлари бирмунча чегараланган ва инвестицияларга бўлган талабни тўлиқ қаноатлантира олмайди. Мазкур шароитда инвестиция жараёнини чет эл капиталини жалб қилиш ҳисобига фаоллаштириш Ўзбекистон иқтисодиётига капитал қўйилмаларни кўпайтиришнинг оқилона усули ҳисобланади.

<sup>9</sup>Надырханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – С. 34.

Шу кунга кадар чет эл инвестициялари ягона тушунчасининг халқаро амалиётда, шу жумладан турли мамлакатлар миллий қонунчилигида мавжуд эмаслиги, чет эл инвестицияларининг шакли ва турлари ҳамда уларнинг максадига кўра турли-туманлиги билан изоҳланади. Асосийси бир мамлакатдан бошқа мамлакатга келиб тушган ҳар қандай маблағлар ҳам чет эл инвестициялари ҳисобланадими ёки йўқми, деган саволга нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

### **Ёдда тутинг!**

Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

(Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни)

Чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

(Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни)

Халқаро миқёсда чет эл инвестициялари деганда чет элда доимий қорхонани тузиш ёки мавжудини кенгайтириш учун ва бошқаришни муайян даражада назорат қилиш имконини берувчи маблағ қуйилмаси деб ҳисоблаш умум тан олинган ҳолат саналади.

Шу билан бирга кўрсатиб ўтиш мумкинки, инвестициялар турли шаклларда амалга оширилиши мумкин ва инвестиция шаклидан келиб чиққан ҳолда ҳамма вақт ҳам бошқаришни назорат қилиш имконияти мавжуд бўлавермайди.

Халқаро инвестиция фаолияти инвестиция киритиш жараёни билангина чекланиб қололмайди. У одатда инвестиция жараёнининг қисмига айланадиган бошқа фаолият турлари билан бирга кечади. Инвестицияларни биргаликда ҳимоя қилишга доир битимлар фаолиятининг турлари деганд, қуйидагилар тушунилади:

– шартномаларни бажариш учун филиаллар, агентликларни ташкил қилиш ва назорат қилиш;

– турли хил мулкларни харид қилиш, кўриқлаш ва ишлатиш;

- қарзга маблағ олиш;
- акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ҳамда сотиш;
- импортёр учун валюта харид қилиш;
- лицензиялар бўйича имтиёзлар ва ҳуқуқлар бериш;
- хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсатлар ва ҳужжатлар олиш;
- молиявий ташкилотлар ва валюта бозорларига чиқиш имконияти;
- молиявий ташкилотларга жойлаштирилган маблағлардан фойдаланиш имконияти;
- ишга доир операцияларни нормал даражада ўтказиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар (яъни офис учун ускуналар, автомобиллар ва ҳ.к.)ни хориждан келтириш ва ўрнатиш;
- тижоратга оид ахборотни тарқатиш;
- мавжуд аҳволга оид тадқиқотларни амалга ошириш;
- тижорат вакиллари, маслаҳатчилар, дистрибьюторларни тайинлаш ва уларнинг савдо ярмаркаларида иштирок этиши;
- товар ва хизматлар маркетинги (жумладан, реклама ва бевосита алоқага киришиш йўли билан);
- товар ва хизматлар учун ҳақни маҳаллий валютада тўлаш;
- ижара хизматлари.

Шундай қилиб, хорижий инвестициялар ва улар билан боғлиқ фаолият турлари деганда нафақат хорижий инвестицияларнинг ўзлари билан боғлиқ шартлар, балки хорижий инвестицияларга эга субъектларнинг фаолият шароитларига тааллуқли кенг муносабатлар ҳам тушунилади.

Миллий ва халқаро қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш халқаро инвестиция фаолиятининг куйидаги энг умумий тушунчасини ифодалаш имконини беради: халқаро инвестиция фаолияти деганда, юридик ва (ёки) жисмоний шахс ёхуд давлатнинг фойда (даромад) олиш ёхуд инвестор учун муҳим бўлган бошқа самарага эришиш мақсадида ўз мулкидан бир қисмини (инвестиция мулкни) ажратиш ва ушбу мулкни бошқа давлат ҳудудидаги хўжалик муомаласига жалб қилиши тушунилади.

### **Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий режими**

Хорижий инвестициялар режими миллий қонунчилик ҳужжатларида ёки инвестицияларни ҳимоя қилишга доир халқаро шартномаларда белгиланади.

Одатда хорижий инвесторларга ё “миллий режим” берилади (бунинг натижасида хорижий давлат инвесторлари ушбу давлат субъектлари билан бир хил ҳуқуқларга эга бўладилар), ё “энг кўп қулайлик бериладиган режим” яратилади (бунинг натижасида хорижий давлатнинг барча инвесторлари инвестицияларни амалга ошириш ва даромад олиш тартиби бўйича худди шундай шароитларда учинчи давлатларнинг инвесторлари амалга оширган инвестицияларга яратилганидан кам бўлмаган қулайликларга эга бўладилар.

Бинобарин, агар ушбу давлат инвестицияларини амалга ошириш ва химоя қилишга қўмаклашиш тўғрисидаги бирон-бир шартномада давлатлардан бирининг инвесторлари учун имтиёзлироқ шароит назарда тутилса (ва бу “миллий режим” бўлмаса), мазкур шартномалар тузилган ва инвестиция режими “энг кўп қулайлик бериладиган режим” сифатида таърифланган бошқа давлатларнинг инвесторлари ҳам ана шундай имтиёз ва афзалликлар берилишига ҳақли бўладилар.

Лекин бошқа давлатларнинг инвесторлари бир давлатнинг инвестиция киритилаётган бошқа давлат билан божхона ёки иқтисодий иттифоқда, умумий бозорда, эркин савдо зонасида, қайсидир минтақавий ёки субминтақавий битимда, шунингдек кўп томонли иқтисодий битимда биргаликда иштирок этиши асосида ёхуд икки томонлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ёки чегара атрофидаги савдони енгиллаштириш мақсадида имзоланган шартномага мувофиқ таъминланаётган имтиёзлар ва афзалликларга даъво қила олмайдилар.

“Энг кўп қулайлик бериладиган режим”нинг берилиши кўпинча барча хорижий инвестициялар (инвестиция киритаётган давлатдан қатъи назар) ушбу давлатда муайян чеклашларга учрашини билдириши мумкин (ҳолбуки, бундай бўлиши шарт эмас).

Мазкур чекловлар иқтисодиётнинг муайян соҳасидаги инвестицияларга бўлган тақиққа (масалан, хом ашё саноати, транспорт ва коммуникация, мудофаа тармоқлари ва ҳ.к.) тегишли бўлиши ёхуд муайян соҳалардаги (масалан, банклар ёки суғурта ташкилотлари) маҳаллий инвесторлар билан биргаликда ташкил қилинган корхоналардаги хорижий инвесторнинг энг кўп улушига нисбатан муайян чекловлар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқий тизимларда кўпинча хорижий инвесторларнинг ҳам, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳам ер сотиб олишига нисбатан чекловлар учраб туради.

Чекловлар, шунингдек хорижий инвестицияли юридик шахс бошқаруви олий органи аъзоларининг “миллати”га ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор давлатнинг ишлаб чиқариш соҳасида корхона тузилганда, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё ва материалларнинг муайян қисмини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган бўлиши ҳақидаги қоида белгиланади.

Баъзан хорижий инвестор маҳаллий корхонада қўллайдиган технология инвесторнинг ўз давлатида фойдаланиладиган технологиясининг даражасига мос келиши ҳақидаги талаб ҳам қўйилади.

Бироқ айрим ҳуқуқий тизимларда хорижий инвесторларга бир қатор муносабатлар бўйича (чунончи, солиқ ёки ташки иқтисодий фаолият соҳасида) миллий режимга қараганда анча қулай режим берилиши мумкин.

Қоида тариқасида миллий қонунчиликда хорижий инвестициялар махсус тартибга солинган тақдирда ушбу қонунчилик нормаларида хорижий инвестицияларнинг режими муайян давр мобайнида ўзгармай қолишини кафолатловчи қоидалар бўлади. Бундай қоидалар кўпинча инвестиция шартномаларига ҳам киритилади.

### **Хорижий инвестицияларни суғурта қилиш (кафолатлаш)**

Хорижий инвестор ўз хавфини хорижий давлатдаги инвестицияларини суғурталаш (кафолатлар олиш) орқали камайтириши мумкин. Ушбу суғурталаш хусусий тарзда, яъни хусусий суғурта (ёки бошқа молия) ташкилотида ёхуд давлатни жалб қилиб амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг хусусий инвестицияларни суғурта қилишдаги иштироки одатда ё инвестор давлат инвестиция фаолияти амалга ошириладиган жой давлати билан тузадиган инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартнома доирасида, ё кўп томонлама халқаро шартномалар доирасида амалга оширилади.

Одатда инвестицияларни ҳимоялаш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда бир давлатнинг давлат органи бошқа давлат ҳудудида амалга оширилган инвестициялар учун нотижорат хавфларга қарши кафолат берган бўлса ва мазкур кафолат бўйича пул тўлашга мажбур бўлган бўлса, у ҳолда иккинчи давлат (унинг давлат

органлари биринчи давлат (унинг давлат органлари)нинг тегишли бадал (суброгация)га бўлган ҳуқуқларини тан олиши шарт бўладиган нормалар назарда тутилган бўлади. Шартноманинг ушбу нормаси хусусий инвестор билан давлат ўртасидаги муносабатларни оммавий (давлатлараро) муносабатлар соҳасига кўчириш имконини беради, чунки кўп ҳолларда сиёсий хавфлар юзага келганда хусусий инвесторлар ўз ҳуқуқларини хусусий шахслар учун берилган усуллар билан ҳимоя қилишга қодир бўлмайдилар.

Давлат икки томонлама шартномалардан ташқари зиммасига умумий халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида ҳам инвестиция хавфларини суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар олиши мумкин.

Хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича давлатларни жалб қилиш билан боғлиқ муносабатлар 1985 йилда қабул қилинган "Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликни таъсис этиш тўғрисида"ги Сеул конвенцияси билан тартибга солинади.

Ушбу конвенцияга мувофиқ, инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик таъсис этилган бўлиб, Конвенциянинг 2-моддасига биноан унинг вазифаларига қуйидагилар кириди:

- конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар (айниқса, ривожланаётган мамлакатлар) ўртасидаги инвестицияларни рағбатлантириш;

- халқаро тикланиш ва ривожланиш банки, халқаро молиявий корпорация ва бошқа халқаро молиявий муассасалар фаолиятига қўмаклашиш;

- бир иштирокчи давлатнинг бошқа иштирокчи давлатдаги инвестицияларига нисбатан нотижорат хавфларидан суғурта қилиш, кафолатлаш фаолиятини амалга ошириш.

Мазкур конвенция хусусий инвесторлари халқаро инвестиция фаолиятини амалга ошираётган давлатлар билан мазкур фаолият кечаётган ҳудуддаги ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилди.

Агентлик ўзлаштирилаётган 1 млрд. махсус ҳуқуқлар ҳажмидаги устав капиталини шакллантириш йўли билан ташкил этилган. Янги аъзолар қабул қилинганда устав капитални янги аъзонинг тегишли улуши миқдоридан ошиши керак.

Конвенциянинг 11-моддасига биноан, агентлик қуйидаги хавфлар туфайли зарар кўриш ҳолларида инвестицияларни кафолатлаши мумкин:

- давлат валютани ўтказишни чеклаганда;
- экспроприация ва шунга ўхшаш чоралар қўлланилганда;
- уруш ва фуқаролик тартибсизликлари бўлганда;
- агентлик директорлар кенгашининг қарори бўйича бошқа нотижорат хавфлар туғилганда.

Бунда зарар инвесторнинг розилиги билан ёхуд у жавобгарликка тортилиши керак бўлган ҳаракатлар туфайли юзага келган тақдирда Агентликнинг директорлар кенгаши ушбу зарарни қоплашга ҳақли бўлмайди.

Агентлик қафолат тўғрисидаги шартнома тузилгунча юз берган воқеа туфайли юзага келган хавфларни қопламайди. Конвенциянинг 12-моддасида инвестицияларнинг қафолат берилиши мумкин бўлган турлари белгиланган.

Уларга қуйидагилар киради:

- акционерлик жамиятида иштирок этиш;
- акционер ўз акционерлик жамиятига берган ёхуд акционер қафолатлаган ўрта муддатли ва узок муддатли қарзлар;
- бевосита инвестицияларнинг бошқа турлари;
- агентлик директорларининг кенгаши қафолат бериш мумкин деб ҳисоблайдиган ўрта муддатли ва узок муддатли инвестициялар кўринишидаги инвестицияларнинг бошқа шакллари.

Конвенцияда (13-моддасида) қафолат олиш ҳуқуқига эга бўлган инвесторлар ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Конвенцияга кўра, уларга ривожланаётган мамлакат бўлган иштирокчи давлат ҳудудига инвестиция амалга ошираётган бир иштирокчи давлатнинг жисмоний ва юридик шахслари киритилади.

Конвенциянинг 16, 18-моддаларида қафолат шартлари, қафолат ва цессия муносабати билан қафолат шартлари, талаблар бўйича тўловлар билан боғлиқ масалалар батафсил тартибга солинган.

Конвенциянинг 21-моддасида агентлик инвестицияларни нотижорат хавфлардан суғурталаш мақсадида хусусий суғурта ташкилотлари билан хўжалик муносабатларига киришишига йўл қўйилади.

Конвенцияда (22-моддасида) бериладиган қафолатлар миқдори масаласи ҳам батафсил тартибга солинган.

### **Инвестиция низоларини ҳал этиш**

Хорижий инвестор манфаатларини ҳимоя қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

Биринчидан, бирон-бир давлат органи хорижий инвесторнинг манфаатларини бузган тақдирда хорижий инвестор ушбу қарорлар юзасидан инвестиция амалга оширилаётган ҳудуддаги давлатнинг ваколатли органларига миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ шикоят қилишга ҳақли бўлади.

Иккинчидан, инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартнома мавжуд бўлганда инвесторнинг давлати ушбу шартномада назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

Учинчидан, хусусий инвестор билан давлат ўртасида инвестиция низоларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган инвестиция шартномаси мавжуд бўлганда инвестор мазкур шартномада белгиланган чораларни кўришга ёхуд “Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон конвенциясида белгиланган чораларни кўришга ҳақли бўлади (инвестор билан инвестиция амалга оширилаётган ҳудуддаги давлат ўртасида ана шундай битим мавжуд бўлганда).

Инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўпчилик халқаро давлатлараро шартномаларда низо келиб чиққан тақдирда ушбу муаммо кўриб чиқиш учун қуйидаги органларга берилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлади:

- давлат судига;
- UNCITRAL регламенти нормаларига мувофиқ тузиладиган ad hoc ҳакамлик судларига;
- давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасида юзага келадиган инвестиция низоларини тартибга солиш тўғрисидаги конвенция билан тузилган Инвестиция низоларини ҳал этиш бўйича халқаро марказ (ICSID)га. Ушбу конвенция 1965 йил 18 мартда Вашингтонда имзолаш учун очиб қўйилган. Бунда шартлашувчи иккала давлат ушбу конвенциянинг иштирокчиси бўлиши шарт.

“Давлатлар билан ажнабий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги конвенцияни 1965 йил 18 мартда Вашингтонда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг аъзолари бўлган 46 та давлат имзолади ва у 1966 йил 14 октябрдан бошлаб кучга кирди.

Ҳозирги вақтда 160 та давлат, жумладан, МДҲ иштирокчилари бўлган давлатлар, чунончи, Россия ва Беларусь ушбу конвенциянинг иштирокчиларидир.



Мазкур конвенция Халқаро тикланиш банки саъй-ҳаракатларининг самараси бўлиб, давлатлар билан хусусий инвесторлар ўртасида юзага келадиган ҳар қандай шартнома қоидаларини бузишни холисона кўриб чиқишнинг амалий механизмини яратиш мақсадида имзоланган.

Конвенцияда инвестиция низоларини ҳал қилиш механизми инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг фаолияти орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Конвенцияда (25-модда) ушбу марказ конвенция иштирокчиси бўлган давлат (ёки унинг органи) билан худди шундай иштирокчи бўлган бошқа давлатнинг хусусий инвестори ўртасида амалга ошириладиган инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан бевосита келиб чиқувчи ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун махсус тузилиши белгилаб қўйилган. Бироқ низони марказда кўриб чиқишга бериш учун низо иштирокчиларининг ёзма розилиги зарур.

Бунда конвенция (25-модда)да иштирокчи давлатга улар зарур деб билган ҳар қандай низоларни марказ ваколатидан чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилади.

Бироқ агар томонлар ўз низосини марказда кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди усулида берган бўлсалар, бу томонларнинг низоларни ҳал этишнинг ҳар қандай бошқа воситаларини (агар бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса) қўллашдан воз кечганлигини билдиради (конвенция иштирокчиси бўлган давлат дастлаб хусусий инвестор низони марказда кўриб чиқиш учун беришга розилик билдириш шarti сифатида низони ҳал этишнинг миллий маъмурий ёки суд воситаларидан фойдаланишини талаб қилиши мумкин). Бунда иштирокчи давлатларнинг ҳеч бири дипломатик химоя воситаларидан фойдаланишга ёки халқаро-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган даъволар билан мурожаат этишга ҳақли эмас.

Бинобарин, мазкур конвенция бошқа давлат худудидаги барча хорижий инвесторларнинг эмас, балки инвестиция амалга ошириладиган давлат билан махсус битим туза олганларининггина химоя қилинишини таъминлайди. Бундан ташқари, муҳим инвестиция худудлари бўлмиш барча давлатлар ҳам ушбу Конвенциянинг иштирокчилари эмас.

Ҳакамлик суди ва яраштирув регламенти Маъмурий кенгашда тасдиқланишига қарамай, конвенцияда (III, IV боблари) яраштирув ва ҳакамлик суди таомилларини ўтказиш асослари етарлича муфассал тартибга солинган.

Конвенция бўйича яраштирув таомили томонлардан бирининг Бош котибга ёзма ариза билан муурожаат қилишидан бошланади. Бунда аризада баҳс мавзуи (предмети), томонлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг яраштирув таомилига розилиги акс эттирилган бўлиши керак.

Томонлар зарур шартларга риоя этган бўлсалар, томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ тайинланадиган ва бир нафар ёки тоқ сонли воситачилардан иборат яраштирув комиссияси таъсис этилади. Лекин агар томонлар воситачиларнинг сони ва уларни тайинлаш тартиби масаласида бир тўхтамга келмаган бўлсалар, комиссия уч нафар воситачидан иборат қилиб тузилади: ҳар бир томондан биттадан ва томонларнинг келишуви билан учинчиси – раиси тайинланади. Агар томонлар 90 кун ёки ўзлари келишган бошқа муддат мобайнида воситачини тайинламасалар, бу ишни Маъмурий кенгаш раиси бажаради.

Тузилган яраштирув комиссияси ўз ваколати ҳақидаги комиссияни ўзи ҳал қилади. Бунда яраштирув конвенция қоидалари ва Маъмурий кенгаш тасдиқлайдиган яраштирув таомили қоидаларига биноан амалга оширилади.

Комиссия ишининг моҳиятини низонинг барча ҳолатларини аниқлаш ва томонлар учун масалани ҳал этишнинг ўзаро маъқул шартларини таклиф қилиш ташкил этади. Шу боис комиссия яраштирув жарёнининг исталган босқичида (вакти-вакти билан) бундай қарорларни таклиф этиши керак. Томонлар эса комиссия билан виждонан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар. Улар бирор тўхтамга (келишувга) келган тақдирда комиссия низоли масалалар ва томонлар битимга келганликлари баён этилган доклад тузади. Агар томонлар бир тўхтамга келмаса, комиссия яраштирув жарёнини тўхтатади.

Конвенцияда назарда тутилган (IV боб 36-модда) низоларни ҳал қилишнинг ҳакамлик суди тартиби ҳам Бош котибга (ёзма шаклда) ариза беришдан бошланади. Аризада баҳс мавзуи, низолашувчи томонлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ҳакамлик судига розилиги ҳақидаги маълумотлар бўлади.

Ҳакамлик суди ҳам яраштирув таомилидаги каби томонларнинг келишувига мувофиқ битта ёки тоқ сондаги ҳакамлардан иборат таркибда таъсис этилади. Келишувга келинмаган тақдирда ҳакамлар сони 3 кишидан иборат қилиб белгиланади, ҳакамлик суди шаклланмаган тақдирда қарорни яраштирув таомили учун белгиланган тартибда Маъмурий кенгаш раиси қабул қилади.

Конвенцияда (39-модда) ҳакамлар таркибига ҳам муайян талаблар қўйилади. Унга кўра, ҳакамларнинг кўпчилиги низолашувчи томонларнинг фуқаролари бўлмаслиги керак (ушбу талаб битта ҳакамдан иборат ҳакамлик судига ёки ҳар бир аъзоси томонларнинг келишуви бўйича тайинланган ҳакамлик судига тааллуқли эмас).

Ҳакамлик суди ўзининг ваколати ҳақидаги масалани ўзи ҳал қилади ва низони томонлар танлаган ҳуқуқ асосида кўриб чиқади. Бундай келишув бўлмаганда низо унинг томони бўлган давлат қонунларига, шунингдек, “ҳалқаро қонунчилик”ка мувофиқ кўриб чиқилади.

Конвенция (43-модда) асосида ҳакамлик суди томонларидан далилларни тақдим этиш, шунингдек низо бўлган жойда далилларни мустақил тўплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Конвенцияда (45-модда) томонлардан бирининг келмаслиги бошқа томоннинг даъвосини қабул қилишга мажбур этмаслиги назарда тутилган.

Ҳакамлик суди қарорни кўпчилик овози билан қабул қилади, бунда қарор низо мавзуи бўлган ҳар бир масала бўйича алоҳида чиқарилади. Конвенция (5-бўлим) асосида ҳакамлик суди томонлардан исталган биттасининг талаби бўйича ўз қарорларини ҳам шарҳлайди. Ҳакамлик суди, шунингдек агар бирор томонга ҳакамлик суди қарорига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги фактлар маълум бўлиб қолса, унинг аризасига кўра башарти, ушбу фактлар ҳакамлик судига ва аризачига қарор қабул қилинаётган пайтда маълум бўлмаган бўлса, шунингдек уни билмаслик аризачи бепарволигининг оқибати бўлмаса, ўз қарорини ўзгартириши ҳам мумкин. Бундай ариза қарор қабул қилинганидан сўнг кўпи билан уч йил ичида берилиши мумкин. Бунда ариза конвенция (51-модда) асосида имкон қадар қарор чиқарган ҳакамлик судига тақдим этилиши керак. Бунинг имкони бўлмаган тақдирда янги ҳакамлик суди тузилади.

Конвенциянинг 51-моддасига биноан ҳакамлик суди қарор ижросини қўшимча қарор чиқарилгунча тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Конвенциянинг 52-моддасида томонларнинг ҳар бири қуйидаги ҳолларда ҳакамлик суди қарорини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли бўлади:

- ҳакамлик суди лозим тартибда тузилмаган бўлса;
- ҳакамлик суди ўз ваколатларидан четга чиққан бўлса;
- ҳакамлардан бири сотилган бўлса;

- таомил қоидаларидан жиддий четга чиқилган бўлса;
- ҳакамлик суди қарори талаб даражасида асосланмаган бўлса.

Низолашган томоннинг бундай аризаси Маъмурий кенгаш раисининг мазкур аризани кўриб чиқиш учун *ad hoc* кўмита тайинлашига олиб келади.

Конвенция (54-модда)да унинг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат ҳакамлик судининг қарорини мажбур қилувчи қарор сифатида тан олишини ва ҳакамлик суди қарори билан юкланадиган пул мажбуриятларининг ўз ҳудудида бажарилишини таъминлаши яна бир бор таъкидланган. Конвенцияда (VI боб), шунингдек, марказнинг яраштирувчи суд ёхуд ҳакамлик судида кўриб чиқиши ҳақ эвазига бўлиши белгиланган.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Польша Чехиядан қайтариб бериш шарти билан ўз мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда катта миқдорда инвестиция киритди, лекин олинган қарзни қайтариб бериш муддати етиб келганида Польша олинган пулни қайтармаслиги ва иммунитетни борлигини билдирди. Ушбу ҳолат қай тартибда ҳал этилади?

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароси суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ҳамда бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш натижасида ортирган мол-мулки бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ солиқ тўлаши белгиланган. Уларга нисбатан ушбу фаолият чет эл инвестицияси сифатида эътироф этилмаганлиги натижасида чет эллик инвесторларга қўлланиладиган имтиёзлар жорий қилинмаганлиги натижасида судга даъво ариза билан муурожаат қилган.

*Савол: Ушбу ҳолатда чет эллик фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати ва унга нисбатан қўлланилган талабларнинг асослигини муҳокама қилинг.*

3. 1992 йилга Қозоғистон ва Уммон давлатлари Каспий трубопровод консорциумини ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзолайдилар. Трубопровод консорциуми тўғрисидаги протоколга мувофиқ Россия трубопровод консорциуми тўғрисидаги шартноманинг иштирокчиси ҳисобланади. 1996 йили консорциумни қайта ташкил қилиш тўғрисидаги янги протокол тузилади.

Протоколга мувофик, Келишув иштирокчи давлатларига нисбатан ҳакамлик судларига даъво аризаси берилганда улар давлатларга бериладиган иммунитет ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.

*Савол: Консорциумни қайта ташиқ қилиш тўғрисидаги протоколнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда уни чет эл инвестори иштирок этадиган концессион шартномаси сифатида кўришимиз мумкинми? Арбитраж изох ёки арбитраж тўғрисида келишув мавжуд бўлганда давлат иммунитетидан воз кечишига давлатнинг алоҳида розилиги талаб қилинадими?*

4. “Навоий”ЭИЗда Канго компанияси инвестор сифатида рўйхатдан ўтиб, ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган алоҳида қурилмалари учун микросхемалар ишлаб чиқариш орқали Марказий Осиё алоқа бозорида нуфузини тиклаш мақсадида бизнес лойиҳасини тақдим этди.

*Савол: “Навоий” ЭИЗда инвестор сифатида рўйхатдан ўтиш учун Канго компаниясига қўйиладиган талаблар қандай? “Навоий” ЭИЗда инвесторларнинг танлаш ва рўйхатга олиш тартиби қанақа? “Навоий” ЭИЗда инвесторларнинг фаолияти бўйича жавобгарлиги қанақа?*

## **ХIII БОБ. ХАЛҚАРО САВДО НИЗОЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИДА ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

Халқаро савдо муносабатларида низолар ва уларни ҳал қилишнинг умумий принциплари. Халқаро тижорат арбитражи тушунчаси ва турлари. Халқаро савдо низолари бўйича тижорат арбитражларига мурожаат қилиш тартиби ва асослари. Халқаро тижорат арбитражи соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар. Арбитраж изоҳи ва уни қўллаш асослари. Халқаро тижорат арбитражи қарорларини тан олиш ва ижро этиш.

### **Халқаро савдо муносабатларида низолар ва уларни ҳал қилишнинг умумий принциплари**

Турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида савдо-иқтисодий битимларни тузиш, уларни бажариш жараёнида турли қелишмовчиликлар, шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳоллари юз бериб туради. Ана шундай вазиятларда низонинг тез ва самарали, энг асосийси, адолатли ҳамда оқилона ҳал этилиши жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу вазифанинг мураккаблиги кўп ҳолларда низолашаётган томонларнинг ўз ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий режими билан бир-биридан фарқ қиладиган турли давлатлар ҳудудида жойлашганликлари билан боғлиқ. Бундай ҳолларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормаларида назарда тутилган ечимлардан фойдаланилиши табиий, аммо ана шундай ечимни ким топиши, низоларни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизмлари қандай эканлигини чуқур тушуниб етиш лозим бўлади.

Хусусий ҳуқуққа оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга кўра ҳам, кўпчилик мамлакатларнинг миллий қонунчилик тизимларига мувофиқ ҳам тарафлар эркининг автономлиги принципи эътироф этилади. Унга кўра, халқаро савдо-сотик битимини тузаётган томонлар бошқа масалалар қаторида миллий қонунчилик йўл қўядиган даражада келгусида юз бериши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш усуллари масаласини ҳам олдиндан белгилаб олишлари (низонинг миллий судларга ёки халқаро судларга тааллуқлилигини кўзда тутиб қўйишлари) мумкин. Бу нарса шартноманинг арбитраж изоҳига оид қондаларида назарда тутиб қўйилади.

Битим тузган томонлар низоли улардан бири жойлашган давлат судларида кўриб, ҳал этиш ҳақида қелишиб олганлари тақдирда ёки муайян мамлакатнинг миллий қонунчилигида айрим турдаги низолар

фақат давлат судларидагина кўриб ҳал этилиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган ҳолларда (масалан, 1992 йил 20 мартда МДХ қатнашчиси бўлган давлатлар ўртасида имзоланган “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги битим 4-моддасининг 3-бандига кўра, кўчмас мулк билан боғлиқ низоларни фақат давлат судларидагина кўриши мумкинлиги белгиланган) низо тегишли давлатнинг процессуал қонунчилигига мувофиқ кўриб ҳал этилади.

Низолар давлат судларида эмас, балки томонлар келишиб танлайдиган нодавлат арбитраж (хўжалик судлари) ёки ҳакамлик судларида кўриб ҳал этилиши белгиланган ҳолларда масала томонлар келишиб олган тарзда ҳал этилади.

Халқаро савдо-сотик муносабатлари чоғида юзага келадиган низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий тизимлари яратилган бўлиб, унинг асосий шакли халқаро тижорат арбитражлари (ҳакамлик судлари)дир.

### **Халқаро тижорат арбитражи тушунчаси ва турлари**

Бугунги кунда халқаро миқёсдаги тижорат соҳасидаги низолар, яъни ташқи иқтисодий битимлар асосида вужудга келувчи низолар тарафлар томонидан халқаро тижорат арбитражларида кўриб чиқирилиши юқори аҳамиятли бўлиб келмоқда.

#### **Ёдда тутинг!**

Халқаро тижорат арбитражи бу савдо-иқтисодий низони низолашаётган томонлар танлаган ва келишиб ваколат берган бир ёки бир неча арбитражлар томонидан кўриб ҳал этишга қаратилган, нодавлат суд органи бўлиб, унинг қарорлари мажбурий тарзда бажарилиши назарда тутилади.



Ad hoc арбитражида низолашаётган тарафлар хохиши ва келишуви асосида аниқ бир низони кўриб ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳамда низо ҳал этилгач барҳам топадиган бир марталик (ad hoc) арбитраж судлари.

Институционал арбитражлар миллий савдо палаталари, биржалар, тадбиркорларнинг уюшмалари ҳузурида ташкил этилади. (Масалан, Лондон халқаро арбитраж суди).

Халқаро савдо низоларининг тижорат арбитражларида кўриб ҳал этилиши ўзининг бир қатор афзал жиҳатларига эга бўлганлиги туфайли кейинги пайтларда машҳур бўлиб бормоқда ва уларда низоларнинг кўрилиши мунтазам ортмоқда.

Низонинг давлат суд тизимига кирувчи суд муассасаларида кўрилиши низо қатнашчиларига қуйидаги ноқулайликларни туғдиради:

а) хорижий давлат суди учун мажбурий бўлган тартиб-қоидалардан беҳабарлик ва шу туфайли низони ҳал этишга оид ҳужжатларни таржима қилиш, ишга адвокатни жалб этиш, расмий таржимон хизматидан фойдаланиш заруратининг юзага келиши;

б) суд процессини суд бўлаётган мамлакат тилида олиб боришнинг шарт эканлиги ва таржиманинг баъзан сифатсиз бўлиши;

в) низонинг бир неча суд босқичларида ҳал этилиши ва шу туфайли унинг чўзилиб кетиши;

г) давлат судларининг ҳар доим ҳам халқаро савдога оид низоларни ҳал қилиш учун керак бўладиган билим ва ваколатга эга бўлмаслиги;

д) низо юзасидан миллий конунчилик доирасида далиллар тўпланиши ва уларга баҳо берилиши;

е) бир давлат суди чиқарган қарорларнинг бошқа давлат ҳудудида бажарилиши анча қийин эканлиги.

Халқаро савдо арбитражининг давлатлар одил судлов муассасаларидан афзал жиҳатлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) уларнинг фаолиятига халқаро савдо соҳасида ихтисослашган экспертларни жалб этиш имконининг мавжудлиги;

2) низо томонларининг суд таркибига таъсир ўтказиши, унда ўзлари танлаган судьялар қатнашишига эришилиши мумкинлиги;

3) низони ҳал қилиш тартиби ҳам низолашаётган тарафлар фикрига кўра белгиланиши мумкинлиги;

4) низонинг арбитражда кўрилиши давлат судларидагига nisбатан тез ва расмийликлардан анча холи эканлиги;



5) арбитражда иш кўриш одатда омма иштирокисиз (тор доирада) амалга оширилиши;

6) арбитраж жараёни давлат судларида иш кўришга нисбатан арзон ва тез кечиши;

7) қарорнинг томонлар хоҳишини эътиборга олган ҳолда чиқарилиши ҳамда халқаро муомала принциплари ва одатларининг ҳисобга олинлиши;

8) халқаро конвенцияларнинг мавжуд тизими халқаро арбитраж қарорларининг бажарилишини таъминлаши.

Низони арбитраж муҳокамасига топшириш низо томонларининг эрки ва хоҳишига биноан амалга оширилади ҳамда арбитражнинг ваколат ҳажми ҳам уларнинг хоҳиши асосида белгиланади (ингл. arbitration agreement, нем. schiedsfereinbarung). Арбитраж келишувлари икки шаклда ифодаланади ва улар, биринчидан, компромис ингл. submission to arbitration, франц. compromis) (ҳакамлик судида қайд этиш), иккинчидан, арбитраж изохи (ингл. arbitration clause, франц. clause d'arbitraige) тарзида бўлиши мумкин.

### **Халқаро тижорат арбитражлари фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши**

Халқаро тижорат арбитражларида иш кўрилиши кўп жиҳатдан савдо-сотик битими қатнашчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг ташкил этилиши бериладиган ваколатлар, низони кўриб ҳал этиш тартиби, низо юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорларининг албатта бажарилишини таъминлаш масалалари ҳам низо иштирокчиларининг хоҳиши билан, яъни улар ўртасидаги арбитраж келишувлари ва арбитраж изоҳларига кўра белгиланади.

Шу билан бирга, улар фаолиятининг тартибга солинишида миллий ҳуқуқий тизимларнинг аҳамияти ҳам катта бўлиб, кўпчилик давлатларнинг иқтисодий ва фуқаролик-процессуал қонунчилигида низоларнинг халқаро арбитражларга тааллуқлилигини белгилаш, улар ишини ташкил қилиш, қабул қилган ҳал қилув қарорларининг мажбурий бажарилишига оид нормалар белгилаб қўйилган (Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 25, 31, 32, 248 ва бошқа моддалари).

Булардан ташқари, халқаро тижорат арбитражлари фаолиятининг тартибга солинишида турли савдо-иқтисодий битимлар, кўп томонлама шартномалар, халқаро конвенциялар муҳим ўрин тутди.

Халқаро тижорат арбитражлари ва низолаарнинг ҳал этилишига оид жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иштирок этадиган энг муҳим конвенция ва ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

– “Ташки савдо арбитражи тўғрисида”ги Европа конвенцияси (Женева, 1961);

– “Давлатлар ва бошқа давлатлар фуқаролари ўртасидаги инвестиция низолаарини ҳал этиш тўғрисида”ги конвенция (Вашингтон, 1965);

– “Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро қилиш тўғрисида”ги конвенция (Нью-Йорк, 1958);

– “Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик мажлиси доирасида яраштирув ва арбитраж тўғрисида”ги конвенция (Стокгольм, 1992);

– “Ҳамдўстлик иштирокчи давлатлари худудларида арбитраж, ҳўжалик ва иқтисодий судлар қарорларини ўзаро ижро қилиш тўғрисида”ги келишув (Москва, 1998 (МДХ доирасида));

– “Ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низолаарни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги келишув (Киев, 1992 (МДХ доирасида));

– “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Америкааро конвенция (Панама, 1972 (Америка давлатлари ташкилоти доирасида)).

Булардан ташқари, қуйидаги муҳим халқаро, тавсиявий характерга эга бўлган ҳужжатларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак:

– Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни (1985);

– ЮНСИТРАЛ арбитраж регламенти (1976);

– ЮНСИТРАЛ келишув регламенти (1980);

– Европа иқтисодий комиссияси арбитраж регламенти (1966).

Бугунги кунда низолашаётган тарафлар, ўзларининг низолаарини нисбатан машхур ва халқаро миқёсда обрўга эга халқаро арбитражларга топширишга ҳаракат қилади. Бундай машхур арбитражлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

– Халқаро савдо палатасининг арбитраж суди, (ИСС, Париж);

– Стокгольм шаҳри Савдо палатаси арбитраж институти (СПС);

– Лондон халқаро ҳакамлик суди (ЛХХС);

– Швейцария Савдо-саноат палатаси қошидаги арбитраж (Швейцария ССП);

– Австрия иқтисодий Федерал палатаси халқаро арбитраж суди (VIAC);

– Низоларни ҳал этиш халқаро маркази (ХЭХМ, Америка арбитраж ассоциацияси қошида);

– Хитой халқаро иқтисодий ва савдо арбитражи комиссияси (КМЭТАК);

– Инвестиция низоларини ҳал этиш халқаро маркази (ICSID, Вашингтон);

– Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси қошидаги халқаро тижорат арбитражи (РФ ССП қошидаги ХТАС).

Таъкидлаб ўтиш жоизки Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро тижорат арбитражи ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошида олиб боради.

### **Арбитраж битими тушунчаси ва моҳияти**

Халқаро тижорат арбитражига тарафлар мурожаат этишлари фақатгина уларнинг розилиги билан амалга оширилади. Бундай розилик тарафлар ўртасида тузиладиган арбитраж келишуви (битими) сифатида намоён бўлади.

#### **Ёдда тутинг!**

Арбитраж битими – бу томонларнинг, улар ўртасида бирон бир аниқ муносабатлар жараёнида содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик оқибатида пайдо бўладиган низоларни арбитраж муҳокамасига топшириш тўғрисидаги битимдир<sup>1</sup>.

Арбитраж битими шартномада алоҳида арбитраж изоҳини белгилаб қўйиш шarti билан ёки алоҳида битим шаклида ҳам тузилиши мумкин. Арбитраж битимининг изоҳли шартлари ўз навбатида низони арбитраж муҳокамасида кўриш учун тарафлар томонидан тузилган арбитраж битимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Арбитраж битимининг изоҳли қисмининг шarti мазкур битимни тузиш ва имзолаш босқичида, томонлар ўртасида шартнома бўйича конкрет низо тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин бўлмаган ҳолда, унинг матнига қўшилади. Бу арбитраж битимининг қўшимча қўшимча шarti келажакка қаратилганлигини ва бу маънода истиқболли хусусиятга эгаллигини англатади. У фақат келгусида юзага

келиши мумкин бўлган низоларнигина арбитраж муҳокамасида кўришни назарда тутати. Аммо ҳатто шартноманинг таркибий қисми ҳам арбитраж кўшимча шарти унга нисбатан мустақил характерга эга ҳисобланади.

Шартноманинг таркибий қисми бўлган арбитраж битимининг кўшимча шарти, шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган, битим сифатида талкин этилиши лозим.

Арбитраж битими ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланиб, асосий шартномадан фарқ қилувчи ва томонлар ўртасида аниқ бирон бир низо юзага келгандан сўнг тузиладиган, алоҳида арбитраж битими ҳисобланади.

Арбитраж битими асосан ёзма шаклда тузилади. Унга қўйиладиган асосий талаб, биринчидан, ушбу битим тарафлар томонидан имзоланган бўлиши, иккинчидан, битим мазмунидан уни имзолашдан олдинроқ тарафлар хатлар алмашинуви жараёнида низони арбитраж муҳокамасида кўриш тўғрисида ўзаро келишганликларини тасдиқловчи телеграф ёзишмалари, телефон сўзлашувлари ёхуд бошқа турдаги электрон алоқалар воситасида битим шартларини келишиб олганликларини тасдиқловчи ҳолатларнинг ўз аксини топганлиги, учинчидан, тарафлардан бирининг иккинчисига юборган даъво аризаси юзасидан юборган иккинчи тарафнинг тақризида низони арбитраж муҳокамасида кўришга эътирози йўқлигини маълум қилган тақдирда арбитраж битимини тузишнинг ёзма шаклига қатъий риоя қилинганлиги исботланади ва у тан олинади. Бироқ шундай мамлакатлар борки, уларнинг қонунчилиги арбитраж битимини мажбурий тарзда ёзма расмийлаштиришни кўзда тутмайди. Буни Швеция (1889, 1929), Финляндия (1928) давлатларининг қонунчилиги мисолида ҳам кўриш мумкин<sup>10</sup>.

Арбитраж битимининг кўшимча шарти келгусида низо предметига айланиб қолмаслиги учун, фақатгина тегишли бўлган арбитраж институти тавсия этган арбитраж битимларига хос кўшимча шартларга риоя қилиш зарур.

Масалан, Россия Федерациясининг Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж суди "Мазкур шартномадан (битимдан) ёки унинг муносабати билан келиб чиқадиган барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар, жумладан, унинг бажарилишига тегишли бўлганлари ҳам, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси

<sup>10</sup> Рольф Клипер. Арбитражное разбирательство в Германии и других странах Европы // Третейский суд в Казахстане: проблемы правового регулирования. Материалы международной научно-практической конференции. – Астана, 2003. – С.21-28.

хузуридаги халқаро тижорат арбитраж судида унинг регламентига мувофиқ кўриб чиқилади” деган қондан ўзидан мужассамлаштирган<sup>1</sup>. Келтирилган мисолда қўшимча шарт ишни кўриб кўриб чиқиш жойи, тили ва моддий ҳуқуқнинг қўлланиши каби ҳолатларни ўз ичига олмайд.

Юқоридаги мисолдан келиб чиққан ҳолда кўрсатиб ўтиш мумкинки, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси хузуридаги халқаро тижорат арбитраж суди регламентига мувофиқ, агар томонлар битимда бошқача белгиламаган бўлса, ишни кўриб чиқиш жой Москва шаҳри, тили эса рус тили деган маъно англанади. Дунёнинг деярли барча машҳур бўлган арбитраж институтларида (Стокгольм, Париж, Лондон) улар ишлаб чиққан алоҳида хусусиятларга эга бўлган арбитраж битимининг қўшимча шартлари бор. Томонлар шуни назарда тутишлари керакки, икки тилда тузилган шартномаларда ваколатли ҳакамлик суди борасида маъно жиҳатида турлича таърифлар мавжуд бўлса, қайси тилдаги матн устуворлиги кўрсатилган бўлса, шу матн инобатга олинади. Агар шартноманинг иккала тили ҳам бирдек кучга эга бўлса, айнан қайси матн олдинроқ тузилганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилади, шунга асосан томонлар қайси судни назарда туганликлари тўғрисида ҳулоса чиқарилади. Арбитраж муҳокамаси давомида низонинг ечимини топиш учун “қўлланилган ҳуқуқ тўғрисида”ги қўшимча шарт ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, томонлар бу ҳақида олдиндан билишлари лозим.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон корхонаси ва Германия фирмаси ўртасида ташқи иқтисодий битим тузилди. Лекин шартномани тузиш вақтида шартномада қўлланилаётган ҳуқуқ кўрсатилмаган. Шартнома бўйича низо келиб чиққанида улар халқаро тижорат арбитражга мурожаат қилишди ва мазкур низо 1986 йилда “Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларига қўлланилган ҳуқуқ тўғрисида”ги ва 1980 йилги “Халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги конвенция қоидалари ҳамда умумий тамойиллар асосида ҳал этишни сўраган.

*Масалани муҳокама қилинг ва ҳал этинг. Қўлланилган ҳуқуқни аниқланг ва асослаб беринг.*

2. Туркменистонлик ва ўзбекистонлик тадбиркорлар Қозоғистон Республикасида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўرғазмасида “товар етказиб бериш тўғрисида” ёзма битим имзоладилар.

<sup>1</sup> Ерпылева Н.Ю. Вопросы судебного рассмотрения международных коммерческих споров. // Адвокат. 1996. – № 9. – С.42-44.

Лекин мазкур битимда қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни кўрсатишмаган. Битим асосида низо келиб чиқиб, улар Москва шаҳридаги Савдо-саноат палатаси қошидаги халқаро тижорат арбитражига мурожаат қилишган. Халқаро тижорат арбитражи мазкур низони кўриб чиқишга киришган.

*Масалани муҳокама қилинг. Ушбу ҳолатда қўлланиладиган ҳуқуқни аниқланг.*

3. Халқаро тижорат арбитражи томонидан Швейцария ва Ўзбекистон фирмалари ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари бузилиши билан боғлиқ низо кўриб чиқишиш жараёнида арбитраж суди томонидан қайси мамлакат ҳуқуқини қўллаш ҳақида шартномада ўзаро келишув банди мавжуд эмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, шартномада унинг каерда тузилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди. Аммо арбитраж суди томонидан шартнома тарафларининг сўнги имзоси Самарканд шаҳрида амалга оширилганлиги аниқланди. Шу билан бир қаторда, шартнома икки тилда инглиз ва рус тилларида тузилган бўлган ва асосий тил инглиз тили деб кўрсатилган. Лекин инглиз тилидаги шартнома матнида жуда кўп грамматик хато ва ғализликлар мавжудлиги намоён бўлган.

*Масалани таҳлил қилиб, низони ҳал этинг. Арбитраж суди қайси мамлакат ҳуқуқига асосан масалани ҳал қилишини ва қайси тилдаги шартномани асосий шартнома бўлишини аниқланг.*

4. Ҳиндистон компаниясининг таъсис шартномаси бандларига кўра, компания томонидан тузилаётган шартномалар фақатгига бир вақтнинг ўзида унинг икки тижорат директорлари томонидан биргаликда имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланиши ҳақидаги шарт белгилаб қўйилган.

Компаниянинг президенти таъсис шартномасидаги шартларни бузган ҳолда Ўзбекистоннинг компанияси билан шартнома тузиш учун битта ишончнома тақдим этиб, шартнома имзоланди.

Келгусида Ҳиндистон компанияси тузилган шартнома шартларини бузган ҳолда ўз мажбуриятларини бажармаслиги натижасида унга нисбатан Ўзбекистоннинг Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги халқаро арбитраж судига даъво аризаси киритилди. Арбитраж судининг мажлисида Ҳиндистон компанияси шартноманинг ваколатли шахс томонидан тузилмаганлигини асос сифатида кўрсатиб, уни ҳақиқий эмас деб топишни сўради.

*Масалани таҳлил қилиб ҳал этинг? Ушбу ҳолатда арбитраж суди қайси ҳуқуқни қўллаб масалани ечиши лозим эди?*

## ГЛОССАРИЙ

**Авизо** – битим тузган томонлардан бирининг иккинчи томонга берган хабари. Халқаро ҳисоб-китобларда банк авизоси кенг қўлланилади. Авизоловчи банк эмитент топшириғи билан бенефициарни унинг фойдасига аккредитив очилганлиги ҳақида, уни бажариш тартиби тўғрисида хабардор қилади.

**Автоном савдогарлик ҳуқуқи** – халқаро шартномалардан муайян даражада "автоном" ҳолда қўлланилувчи халқаро муомалага оид урф-одатлар, принциплар, атамалар йиғиндиси. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаларидан ҳисобланади.

**Акция** (certificate of stock) – акционерлик жамиятида иштирок этишни тасдиқловчи, ушбу жамият мулкидан ҳисса эгаси эканлиги ҳақида гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз. Оддий ва имтиёзли (овоз бермайдиган) акциялар мавжуд.

**Акцепт** – шартнома тузиш юзасидан оферент таклифининг қабул қилиниши. Акцепт ҳам аниқ бўлиши ва акцептантнинг шартнома тузиш юзасидан розилигини аниқ ифодалаши керак.

**Арбитраж изоҳи** – савдо-сотиқ битимини тузиш пайтида унинг ўзаро келишувига мувофиқ келгусида юз бериш эҳтимоли бўлган низоларнинг қайси судда ёки қандай тартибда ҳал этилишига оид қоидалар. Арбитраж изоҳининг мавжудлиги низоининг қайси органда кўриб чиқилишини ҳал қилишга имкон беради.

**Аукцион** – махсус ташкил этиладиган ва юридик шахс тарзида фаолият олиб борадиган, ошқора ва оммавий ким ошди савдосини ташкил этадиган савдо муассасаси.

**Банк кафолати** – унга кўра банк, бошқа кредит ташкилоти принципалнинг илтимосига кўра, кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

**Банк кафолати шартномаси** – банк (бошқа кредит муассасаси) билан унинг мижозлари ўртасидаги келишув. Унга кўра, банк (бошқа кредит муассасаси) муайян ҳақ олиш эвазига принципал ва бенефициар ўртасидаги муносабатларда кафил бўлишни, яъни қарздор мажбуриятни бажармай қолган тақдирда қўшимча жавобгар бўлишни ўз зиммасига олади. Кўпчилик мамлакатларда бундай шартнома намунавий шаклда ёки кафиллик хати тарзида тузилади.

**Бенефициар** – ўз фойдасига аккредитив очаётган шахс, яъни маҳсулотни сотувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) томон. Етказиб берган товари учун ҳақ тўлаш аккредитив очиш орқали амалга оширилиши мумкин.

**Биржа** – олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда белгиланган қоидалар асосида оммавий ҳамда ошқора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шаронг яратадиган юридик шахс.

**Биржа битими** – биржа савдосига нисбатан биржада рўйхатга олинган олди-сотди шартномаси.

**Битимларнинг шакли** – битим тузувчи томонлар эркининг ифода этилиши. Битимнинг қандай шаклда тузилишини унинг ишгирокчилари ҳал этишлари мумкин. Бироқ кўпчилик мамлакатлар миллий қонунларига кўра (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддаси) битимларнинг ёзма шаклда тузилиши мезонлари белгилаб қўйилган ва ушбу талабнинг бажарилмаслиги ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишида қийинчилик туғилишига, ҳатто гувоҳлар тасдиқлаган ҳолларда ҳам ҳимоя қилинмасдан қолишига олиб келиши мумкин.

**Бутун жаҳон савдо ташкилоти** (ингл. *World Trade Organization (WTO)*, фр. *Organisation mondiale du commerce (OMC)*, исп. *Organización Mundial del Comercio*) – халқаро савдони либераллаштириш ва аъзо-давлатларнинг савдо-саноат муносабатларини тартибга солиш мақсадида 1995 йил 1 январда тузилган ташкилотдир.

**ГАТТ битими** – 1947 йилда тузилган ва деярли 50 йил давомида амалда халқаро жамият функцияларини бажарган лекин шунга қарамасдан юридик маънода халқаро ташкилот ҳисобланмаган Тарифлар ва савдо бўйича бош битим.

**Варрант (Warrant)** – шахсда омборга жойлаштирилган ва у ерда сақланаётган муайян товарда гаровга олувчининг ҳақи борлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

**Вексель** – муайян шахснинг қарздор эканлигини тасдиқлайдиган қимматли қоғоз бўлиб, унда кўрсатилган муддат етиб келиши билан вексель берувчи шахс ҳеч бир шартларсиз тегишли суммани вексель сақлаб турувчига тўлаш мажбуриятини олади. Оддий ва кўчириладиган векселлар кент қўлланилади.

**Деливери ордери (delivery order)** – муайян туркумдаги товарни бундай ордерни тақдим этган шахсга бериш лозимлиги ҳақида омбор эгасига берилган фармойиш (қонсамент ёки омбор гувоҳномасининг соҳиби берадиган фармойиш).

**Даъво муддати** – бузилган мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларни қонун кучидан фойдаланиб ҳимоя қилиш мумкин бўлган вақт. Даъво муддати ҳақидаги қоидалар миллий қонун ҳужжатларида (масалан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 149–163-моддаларида) белгиланган. Даъво муддатига оид махсус халқаро конвенция ҳам мавжуд (1980 йил 11 апрелдаги Вена конвенцияси).

**Дистрибьютерлик** (тижорат концессионери). Дистрибьютерлик шартномасига кўра вақил (дистрибьютер) товарни ўз ҳисобидан ва ўз номидан сотиб олади ва сотади. Дистрибьютер ва ишлаб чиқарувчи (экспортчи) ўртасидаги муносабат қоидалари улар ўртасида тузиладиган битимда (дистрибьютерлик шартномасида) белгилаб қўйилади.

**Доимий арбитражлар** – турли тижорат ташкилотлари тузадиган арбитраж судлари. Масалан, Америка арбитраж ассоциацияси, Лондон халқаро арбитраж суди Стокгольм савдо палатаси ва бошқалар машҳур.



**Енгиб бўлмайдиган куч** (форс-мажор) – муайян шароитда олдиндан кўриш, олдини олиш, хавф-хатар юз беришини бартараф этиш мумкин бўлмаган воқеа-ҳодисалар. Уларнинг таърифи миллий конунчилик тизимларида кўзда тутиб қўйилади (жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 333-моддаси). Енгиб бўлмас кучлар ўз ичига табиат ҳодисаларини ҳам, ижтимоий воқеалар ва техноген ҳодисаларни ҳам қамраб олади. Улар куйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин: табиий ҳодисалар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқалар); ҳарбий ҳаракатлар; иш ташлашлар; авариялар; транспорт қийинчиликлари; давлат органларининг норматив ҳужжатлари; вазиятнинг фавқулодда, қутилмаган тарзда ўзгариши.

**Инкассо** – ҳисоб-китоб шаклларида бири. Унга кўра, ҳисоб-китоб амалга оширилганда миқдор ўз банкига (эмитент банк) тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини миқдор ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади. Халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида инкассодан фойдаланиш пайтида Халқаро савдо палатасининг “Инкассо бўйича унификацияланган қоидалари”дан фойдаланилади (янги таҳрири 1995 йилда эълон қилинган. 522-сонли нашр).

**ИНКОТЕРМС (International Commercial Terms – INCOTERMS)** – халқаро савдо-сотиқ муносабатларида қўлланиладиган савдо атамалари ва уларга шарҳларни назарда тутувчи ҳужжатлар тўплами. Улар вақти-вақти билан тўлдирилиб, қайта кўриб чиқилади.

**Кафиллик** – муайян шахснинг ўз зиммасидаги мажбуриятини лозим даражада бажаришини учинчи бир шахс таъминлаши юзасидан қўшимча мажбурият. Кафолатнинг бир тури. Банкка оид муносабатларда соф ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин.

**Консигнация** – ишлаб чиқарувчи (экспортчи) товарларни вакил (агент, консигнатор) жойлашган мамлакатдаги омборга юборади ва ўзаро тузилган шартнома шартларига мувофиқ тарзда ундан фойдаланади (реализация қилинади).

**Коносамент (bill of lading)** – юк ташувчи ёки унинг вакили ҳисобланувчи шахснинг юкни ташиш учун қабул қилганлиги, ташиш шартлари, юк хусусиятлари, жўнатувчи ва юкни олувчи шахслар, юк топшириладиган жой кўрсатилган ҳужжат, қимматли қоғоз.

**Облигация (Bond)** – қарзнинг мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида давлат ёки муайян юридик шахс берган қимматли қоғоз. Қайтариш муддати келганда унда кўрсатилган пул суммасининг қайтариб берилиши кафолатланади.

**Омбор гувоҳномаси** муайян товарнинг шахсдан сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз (тилхат).

**Олди-сотди шартномаси** – фуқаролик ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли икки ёки ундан ортиқ субъектлари ўртасида тузиладиган битим бўлиб, унинг мақсади муайян моддий ашёларни бир шахс эгалигидан бошқа шахс эгаллигига ўтказишга қаратилган бўлади. Олди-сотди шартномасини тузиш ва бажаришга оид қоидалар миллий конунчилик тизими ҳамда халқаро ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

**Олди-сотди шартномаларига оид Вена конвенцияси** – кенг камровли халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, товарларни халқаро бозорда сотиш ва олишга оид қоидаларни ўзида бирлаштирган. "Товарларни олиш-сотиш шартномалари тўғрисида"ги Вена конвенцияси 1980 йилда Вена шаҳрида қабул қилинган. Ҳозирги пайтда унга кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган.

**Оферта** – муайян товарлар олди-сотдиси бўйича шартнома тузишга таклиф. Офертада муайян шартлар акс эттирилиши, хусусан: оферта эгасининг номи ва аниқ манзили кўрсатилган бўлиши; шартномага оид аниқ таклифлар билдирилиши; шартнома тузиш юзасидан аниқ таклиф мавжуд бўлиши лозим.

**Ошқора факторинг.** Бунда мол етказиб берувчи ошқора тарзда сотилган товар учун пул олиш ҳуқуқини факторга ўтказиши ва бу ҳақда қарздор (тўловчи)ни хабардор қилади.

**Омрион қоидалари (судебниги) (Roles d'oleon)** – ўрта асрларда (XII–XIII асрлар) Англия ва Францияда кенг тарқалган савдо-сотик урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган тўплам. Халқаро савдо ҳуқуқининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

**Пул** – халқаро муносабатларда тўлов ва ўзаро ҳисоб-китоб воситаси вазифасини бажаришдан ташқари, мустакил тарзда халқаро савдо муомаласининг объекти ҳисобланадиган (олди-сотди объекти, кредит бериш объекти) алоҳида бойлик тури.

**Регресс ҳуқуқли ва регресс ҳуқуқсиз факторинг.** Регресс ҳуқуқли факторингда қарздор (пул тўловчи) муайян муддатда факторга тўловни амалга оширмаса, у ҳолда тўланмай қолган сумманинг қайтарилишини факторга мол етказиб берувчидан талаб қилишга (қайтарилишини талаб қилишга) ҳақли бўлади. Регресс ҳуқуқсиз факторингда эса қарздор (тўловчи томон) пулни тўламаганлигидан келиб чиқадиغان хатар тўлалигича факторнинг зиммасида бўлади ва у қарздор тўламаган суммани мол етказиб берувчининг ўзига қайтаришини талаб қила олмайди.

**Савдо ваколатхонаси** – вакил (савдо воситачиси) ўзига берилган ваколат доирасида ва топшириқ мазмунига тўла мос равишда принципаф фойдасига ҳамда унинг номидан савдо битимларини тузади. Савдо воситачилигининг кенг тарқалган шакллардан бири ҳисобланади.

**Савдо-иқтисодий низолар** – халқаро савдо-сотик битимлари тузилиши ва уларнинг бажарилиши жараёнида унинг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган, тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш имконияти қолмаган келишмовчиликлар. Халқаро савдо амалиётида бундай низоларни ҳал этишнинг муайян механизмлари (воситалари, усуллари) таркиб топган. Миллий ҳуқуқий тизимлар (жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги) савдо-иқтисодий низоларни ҳал этишнинг давлат механизмларини назарда тутди.

**Тендер (танлов) кафолати (tender guarantee)** – тендер ўтказувчини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, қатнашчи унда иштирок этишдан бош тортган тақдирда қўрилиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаш мақсадини кўзлайди.

**Тўлов кафолати (payment guarantee)** – юборилган товар учун пул тўловларининг амалга оширилишини экспорт қилувчи (ишлаб чиқарувчи)га таъминлаб берилишига қаратилади.

**Унификациялашган қоидалар** – халқаро шартномаларда акс эттириш йўли билан бир неча давлат ёки давлатлар гуруҳи ҳудуди доирасида бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши ўзаро келишиб олинган тушунчалар, қоидалар, тартибга солиш усуллари.

**Факторинг** – пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси. Унга кўра, бир тараф (молия агенти, фактор) иккинчи тараф (мижоз, маҳсулот етказиб берувчи)га шу миқдорнинг учинчи шахс (қарздор, товар олувчи томон)га тўлаши лозим бўлган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради, мижоз (мол етказиб берувчи) эса факторга ушбу талабномасини (қарздордан пул тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини) унга беради. Факторингдан халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда кенг фойдаланилади.

**Факторингга оид халқаро конвенция** – 1988 йил 28 майда Оттава (Канада) шаҳрида қабул қилинган ва уни 14 та давлат имзолагач, 1995 йилдан бошлаб кучга кирган. Унда халқаро факторинг операциялари (битимлари, шартномалари)га оид асосий қоидалар баён этилган.

**“Франшизинг”** термини французчадан келиб чиққан бўлиб, “франшиза”, “франчайзинг” (фр. francise) – имтиёз, афзаллик бериш, деган маънони англатади.

**Франшизинг шартномасига** бу – бир юридик шахс (франчайзи (franchisee)) бошқа хорижий мамлакатда ўзининг ишлаб чиқарган товари ёки кўрсатган хизмати ёхуд бошқа тадбиркорлик фаолияти билан обрў қозонган (ингл. brand) иккинчи юридик шахс билан (франчайзер (franchisor)) унинг номидан ёки товар маркаси остида товарлар ишлаб чиқариш ёхуд унинг фирма белгиси остида ўзининг хизматларини кўрсатиши ҳақидаги келишувидир.

**Халқаро шартномалар** – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўзаро ёхуд муайян халқаро ташкилот доирасида ишлаб чиққан ҳамда имзолаган халқаро-ҳуқуқий келишув. Унинг иштирокчилари ўз зиммаларига муайян мажбуриятларни олади.

**Халқаро қонунчилик** – давлатлараро ва халқаро ташкилотлар қабул қилган икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар (битимлар, конвенциялар, татилар ва бошқалар) ва улар асосида халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг тартибга солиниши.

**Халқаро савдо муомаласи субъектлари** – турли мамлакатларга мансуб юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда битимнинг предмети бўла оладиган моддий ёки номоддий бойликлар (товар, иш, хизмат, интеллектуал бойликлар, ахборот ва бошқалар). Халқаро савдо муомаласи объектлари муайян давлат миллий қонунчилиги билан ушбу мамлакатда жорий этилган савдо муомаласи объектлари доирасидан бирмунча фарқ қилиши мумкин.

**Халқаро савдо битимлари** – турли давлатларга мансуб юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) ёки бошқа объектларга бўлган ҳуқуқларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган иродавий-онгли ҳаракатлар (шартнома тузилганида – келишувлар). Халқаро савдо битимларига нисбатан миллий ҳуқуқий режим ҳам татбиқ этилади ва унинг доираси битимнинг ўзида белгилаб олинади.

**Халқаро савдо битимлари бўйича жавобгарлик** – халқаро шартномага кўра олинган мажбуриятнинг айбли тарзда бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли вужудга келадиган оқибат. Халқаро савдо битимлари юзасидан жавобгарлик муайян давлат қонунчилигига кўра тегишли ҳолларда халқаро шартномаларга ҳамда хорижий элементи бўлган шартнома иштирокчилари ўзаро тузган шартномага кўра вужудга келади.

**Халқаро савдо битимлари бўйича жавобгарликдан озод қилиш** – ўзаро тузилган шартномада, халқаро ҳуқуқий ҳужжатда, тегишли ҳолларда миллий қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганда ёки воқеа-ҳодисалар юз берганда битимни бажармаган (лозим даражада бажармаган) томонни жавобгарликдан ҳамда жазодан озод қилиш.

**Хисоб-китобни амалга ошириш шакллари** – етказиб берилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмаг ёки ҳақ эвазига бажариладиган бошқа ҳаракатлар содир этилганлиги учун мажбурият эгаси (қарздор) талаб қилувчи томон (кредитор)га пул тўлашининг кундалик амалиётда таркиб топган ва қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган тартиби. Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиб, юридик шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қўлланилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг бир қанча шакллари (масалан, кредит ўтказиш, аккредитивлар йўли билан инкассо орқали ва бошқалар)дан фойдаланилади. Ҳисоб-китоб шаклларида бирини танлаш одатда муносабат иштирокчиларининг хоҳишига боғлиқ (қаралсин: Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 790–816-моддалари).

**Халқаро кредитли кўчирмалар тўғрисидаги намунавий қонун** – БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) 1992 йил 14 майда қабул қилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат. Унга кўра, халқаро савдо-иқтисодий алоқалар соҳасида мижозлар ўртасида ҳисоб-китобнинг кредитли кўчириш йўли билан амалга оширилишига оид тартиб-қоидалар назарда тутилган.

**Халқаро кредитли кўчириш воситасидаги ҳисоб-китоблар чоғида хатар** – пул маблағларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтказилиши чоғида тўловчи томон ёки бенефициар учун зарар келиб чиқиши хавфи. Ҳисоб-китобни амалга оширишнинг ушбу шаклида қуйидаги хатарлар мавжуд бўлиши мумкин: харидорнинг пул тўламай қолиши хатари; тўловчи томон давлати билан боғлиқ хатар; валюта курсларидаги фарқ хатари. Халқаро муносабатларда ана шундай хатарларни бартараф этиш чораларини кўрган ҳолда ҳаракат қилинади.

**Халқаро факторинг шартномаси** – товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан банк (бошқа кредит муассасаси) ўртасида ёзма шаклда тузиладиган битим. Факторинг шартномасига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000 йил 3 августда 953-сон билан рўйхатга олган шу ҳақдаги низомда белгиланган. Халқаро савдо-сотик алоқаларида факторингга оид қоидалар 1988 йил 28 майдаги Оттава конвенциясида назарда тутилган.

**Халқаро тижорат арбитражи** – Халқаро савдо палатаси қошида фаолият юритувчи халқаро орган. Унинг устави Халқаро савдо палатасида тасдиқланган.

**Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қабул қилиш ҳақидаги Нью-Йорк конвенцияси** – 1961 йилда Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида қабул қилинган бўлиб, жаҳон миқёсида қўлланилади ва арбитраж қарорларини ижро қилиш механизмларини назарда тутди.

**Чек** – банкнинг чекни тақдим этган шахсга шу заҳоти унда кўрсатилган пул суммасини тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз. ҳужжат.

**Электрон савдо майдончаси** – ташкилий, ахборот ва техник қарорларнинг дастурий аппарат мажмуи, шу жумладан товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш учун ахборот тизими орқали сотувчи ва харидорнинг (буюртмачининг) ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган интернет-дўкон.

**Электрон тижорат** – ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси.

**Электрон шартнома** – товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси учун ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартнома.

**ЮНСИТРАЛ (United National Commission on International Trade Law)** – БМТнинг 1966 йилда ташкил этилган махсус комиссияси, халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг ташкил этилиши, мувофиқлаштирилиши ва ривожлантирилишида етакчи ўрин тутувчи халқаро муассаса.

**Яширин факторинг** – етказиб берилган товар учун пулни факторга тўлаш лозимлиги (талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилганлиги) сир сақланадиган ва товар етказиб берган шахс шартномада формал иштирокчи бўлиб қолаверадиган факторинг шартномаси. Бундай шартномаларда факторинг мавжудлиги қарздорга (тўловчига) маълум қилинмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки** – Ўзбекистон Республикасида валюта барқарорлигини таъминлаш, монетар сиёсатни шакллантириш ва юритиш, ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиш ва таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш каби муҳим вазифаларни амалга оширувчи давлат бошқарув органи. Ички ва ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишга оид қўпгина қондаларни ушбу давлат органи жорий этади.

**Ad hoc арбитраж суди** – низолашаётган томонлар аниқ бир низони ўзаро келишиб белгилайдиган қондаларга мувофиқ ҳал этиш мақсадида ташкил этиладиган бир марталик (ad hoc) арбитраж. Низо ҳал этиб бўлиниши билан бундай арбитраж фаолиятига ҳам барҳам берилади.

**Lex mercatoria** – халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда таркиб топган ва кенг қўлланиладиган принциплар, расм-русумлар ва ишбилармонлик одатлари йиғиндиси.

# ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

## Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ташқи иқтисодий фаолият – жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
7. Каримов И.А. Ватанамизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
9. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
11. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // “Инсон ва қонун” газетаси. – 2011 й. 7 декабрь. – № 52-53.
12. Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад // Халқ сўзи. – 2012 й. 18 февраль.
13. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – Т., 2017.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги 1995 йил 22 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – № 12. 262-модда; – 2003, – №5, 67-модда; – 2004, – № 1-2. 18-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги (янги таҳрирда) 2000 йил 26 майдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. 148-модда; – 2003, – №5. 67-модда;
6. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда) 2014 йил 9 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №50. 587-модда
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 5-6. 91-модда; – 1999. – №9. 229-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 5-6. 93-модда; – 2004. – № 1-2, 18-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 1996 йил 26 мартдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1996. – №5-6. 58-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сирини тўғрисида”ги 2014 йил 11 сентябрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. №37. 463-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 4. 41-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – №20. 230-модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги 2005 йил 16 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – №51. 373-модда.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2015 йил 22 майдаги Қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 20, 250-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “авлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги 1993 йил 7 майдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – № 5. 232-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги 1994 йил 6 майдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – №5. 136-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги 2006 йил 20 июлдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – №28-29. 260-модда.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004., – №1-2. 6-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплам. – 2009. – №37. 403-модда; – 2014. – №36. 452-модда; –2015. – 52. 645-модда.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро валюта фонди, реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоа ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июлдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. –№9. 333-модда.

20. “Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2016 йил 21 декабрдаги 1006-сонли низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1006/0452-сон. 23.04.2018 й., 09/18/297/1096-сон.

21. “Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. №17-18. 161-модда.

22. “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ташиқлотлари ўртасида товарлар етказиб беришнинг умумий шартлари тўғрисида”ги Битим 1992 йил 20 март, Киев. Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 1 июлда кучга кирган.

23. “Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги капитал маблағлар ва уларни ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида”ги Шартнома 1933 йил 28 апрель, Бонн. 1993 йил 3 сентябрь № 943-ХII. Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 5 январда ратификация қилинган. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари. – 1993. –№ 9. 344 модда.

24. Конвенция о порядке разрешения инвестиционных споров между государствами и иностранными лицами. Вашингтон, 18 марта 1965 г. Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Верховного Совета РУз от 7 мая 1993 года № 881-ХII. Ратифицирована Постановлением ВС РУз от 6 мая 1994 г. №1077-ХII.



25. Конвенция Организации Объединенных Наций о договорах международной купли-продажи товаров. Вена, 11 апреля 1980 г. Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз от 30 августа 1996 года №294-I. Вступление в силу для Республики Узбекистан 1 декабря 1997 года.

26. Конвенция для унификации некоторых правил, касающихся международных воздушных перевозок. Варшава, 12 октября 1929 г. Вступила в силу 13 февраля 1933 года. Изменена в соответствии с Протоколом от 28 сентября 1955 года Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз от 6 мая 1995 года № 80-I. Вступление в силу для Республики Узбекистан с 28 мая 1997 года.

27. Соглашение о международном железнодорожном грузовом сообщении (СМГС). Введено в действие с 1 ноября 1951 года Республика Узбекистан (Узбекская железная дорога) присоединилась к СМГС с 18 июня 1993 года.

28. Конвенция о договоре международной дорожной перевозки грузов (КДПГ). Женева, 19 мая 1956 г. Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз от 31 августа 1995 года №132-I. Вступление в силу для Республики Узбекистан с 27 декабря 1995 года.

29. Бернская Конвенция об Охране художественных и литературных произведений, принятая ООН 24 июля 1971 года в Париже, с изменениями от 28 сентября 1979 года. Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз от 27 августа 2004 года №681-II. Вступление в силу для Республики Узбекистан с 19 апреля 2005 года.

30. Конвенция о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений. Нью-Йорк, 10 июня 1958 г. Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса РУз от 22 декабря 1995 года № 184-I. Вступление в силу для Республики Узбекистан 7 февраля 1996 года.

31. Минская Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам 1993 г. Вступление в силу с 19 мая 1994 года в соответствии со статьей 83. Ратифицирована Постановлением Верховного Совета РУз от 6 мая 1993 года № 825-XII. Вступление в силу для Республики Узбекистан с 19 мая 1994 года.

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Алейников С.М. Договор франчайзинга. Учеб. пособие. – М., 1998.
2. Тынель А., Функ Я., Хвалей В. Курс международного торгового права: Учебник. 2-е изд. – Мн.: Амалфея, 2000. – 766 с.
3. Попондопуло В. Ф. Международное коммерческое право. Учебник для магистров. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2014.– 476 с.
4. Шумилов В.П. Международное экономическое право. – М.: Юристь, 2006.

5. Белов А.П. Международное предпринимательское право. – М.: 2001.
6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. – М., 1997.
7. Вельяминов Г.М. Основы международного экономического права. – М.. 1986.
8. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 319 б.
9. Иқтисодий эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари: Монография/ Проф. О.Оқюлов ва проф. Ш.Н. Рўзиназаровларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮУ, 2015. – 481 б.
10. Имомов Н. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари. – Т., 2011.
11. Исмаилов И.Т. Некоторые проблемы вступления Узбекистана во Всемирную торговую организацию (ВТО). – Т., 2004.
12. Международное частное право (Действующие нормативные акты) // Сост. Г.К. Дмитриева и М.В. Филимонова. – М.: Юрист, 1999.
13. Международное частное право. Сб. документов. // Сост. К.А.Бекяшев, А.Г.Ходаков. – М.: 1997. – 378 с.
14. Правовое регулирование внешнеэкономической деятельности // Отв. ред. А.С.Комаров. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
15. Принципы международных коммерческих договоров (УНИДРУА) // Пер. с англ. А.С. Комарова. – М.: Статут, 1996.
16. Рашидов К.К. Халқаро қўламда йўловчи ва юк ташишининг ҳуқуқий асослари. Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2000.
17. Рашидов К.К. Халқаро қўламда йўловчи ва юк ташиш ҳуқуқи. –Т., 2007.
18. Розенберг М.Г. Контракт международной купли-продажи. Современная практика заключения. Разрешение споров. 3-е изд. – М.: Юрист, 1998.
19. Рустамбеков И., Мухитдинов Ж. Правовое регулирование договорных отношений в сети Интернет. – Т., 2016.
20. Рустамбеков И., Нуридуллаев А. Хорижий мамлакатлар интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Т., 2011.
21. Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международный-частноправовой аспект). – Т., 2003.
22. Самарходжаев Б.Б. Инвестиционное право. Учебник для вузов. – Т.: УМЭД, 2014. – 406 с.
23. Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т., 2001.
24. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. / Х.Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2002.
25. Хазратқулов О. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. – Т., 2014.
26. Хорижий мамлакатлар фуқаролик ва савдо ҳуқуқи / Муаллифлар жамоаси. Х.Раҳмонқулов умумий таҳрири остида. –Т., 2009.

### **Хоряжий адабиётлар**

1. Andrew Guzman, Joost H.B. Pauwelyn. International Trade Law, Second Edition (Aspen Casebook Series). Publication Date: May 9, 2012.
2. Balakrishnan A.A dual ascent procedure for large-scale uncapacitated network desing / A Balakrishnan, TL Magnanti, RT Wong // Operations research. –1989, –37, – № 5.
3. Ben Ayed O. A general bilevel linear programming formulation of the network design problem / O Ben-Ayed, D Boyce, C Blair // Transportation Research. –1988. – 22B. – № 3.
4. Daniel C.K. Chow., Thomas J. Schoenbaum. International Trade Law: Problems Cases & Materials, Second Edition (Aspen Casebooks). Publication Date: November 2, 2012.
5. Daniel Bethlehem, Donald McRae, Rodney Neufeld, Isabelle Van Damme. The Oxford Handbook of International Trade Law (Oxford Handbooks in Law). Publication Date: March 15, 2009.
6. Enderecin F., Maskow D. International Salls Law. Oriana Publications, 1992.
7. Folsom R., Gordon M. International Business Transactions. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1995.
8. Goode R. Commercial Law. 2<sup>nd</sup> Edition. Penguin Books, 1995.
9. Jackson J., Davey W., Sykes A. Jr. International Economic Relations. Cases, Materials and Text. 3d Edition. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1995.
10. Schmitthoff: The Law and Practice of International Trade. 2012.
11. The EU, the WTO and the NAFTA Towards a Common Law of International Trade / Weiler J.H.H. (ed.). – Oxford: OUP, 2000.

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.legislature.ru>
3. <http://www.law.uk.edu>
4. <http://www.law.harvard.edu>
5. <http://www.juristlib.ru>
6. <http://do.gendocs.ru>
7. <http://wto.org>
8. <http://wipo.org>

---

# ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ

---

## ДАРСЛИК

*Мухаррирлар: Н.Ниязова, С.Тошева,  
Х.Юлдашева.  
Мусахҳиҳ: Р.Юнусова.  
Техник муҳаррир: А.Юлдашев.  
Компьютерда саҳифаловчи: Д.Ражапов.*

Босишга руҳсат этилди: 21.01.2019.  
Ҳажми: 19,7 б.т. Адади: 150. Буюртма: № 1.

Тошкент давлат юридик университети.  
“Типография” бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кучаси, 35-уй.

